

МИРЗАПҮЛАТ ТОШПҮЛАТОВ

САНАМ ТОГИДАГИ ГУЛХАН

САЙЛАНМА


Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(59)6-4 Бадиий азабиёт
сайланма

Ҳар бир ёзувчининг ўз китобхони, ўз услуби бўлади.
Мирзапўлат Тошпўлатов ҳам тарихий, ҳам замонавий
мавзуларда қалам тебратади. Адабнинг ҳикоя ва қиссаларида
муҳаббатнинг сирли онлари, дўстлик, диёнат, эзгулик, софлик
ҳақида сўз юритилса, тарихий асарларида эса авлодларимиз урф-
одатлари, мардлиги, ота-боболар ва момоларимизнинг эртакка,
ривоятга айланган садоқати, мардлиги ҳақида ҳикоя қиласади.

Китобхонлар қалбидан кенг ўрин олган адабнинг «Санам
тогидаги гулхан» деб номланган сайланмаси ёшларимизни
ажсадодлар руҳида тарбиялашга хизмат қиласади, деган умиддамиз.

32043
10 39,



ISBN 5-633-01798-6

© Мирзапўлат Тошпўлатов. «Санам тогидаги гулхан».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

ҚИССАЛАР

САНАМ ТОҒИДАГИ ГУЛХАН

Сен улуликининг буржисида мардлик ва соғлыш кўланкасида ўлтирган эрдинг. Уларниң мавсуми – ҳаётнинг қиёссиз мардлик ва сабзлик баҳор ойи буржисида бўлса-да, фалак сени тезлик билан куз ойига етказди, умринг фаслони ҳазонга айлантиреди. Наргиз каби кўзинингни юммас эрдинг, юртазоби, ўқинчи кўзингни жаҳон боғидан юмдириди. Сенинг руҳинг тинч бўлгай, авлодларинг, қавмининг бошидаги жабру жафоларни ўз бошидан ишқитгай...

Қадим тошдаги битик

I

Сен қандай қасоскорсанки, қоронғуликнинг алдамчи роҳатида ётаверасан. Тур, ботир ўғлон, тур ўрнингдан! Тонгнинг мусаффо гўзаллигидан қудрат ол. Қуёш жигасидек тифли қилинг-ла белингни беzagил. Алам-ла бу оламни тарқ этган отабоболаринг, опа-сингилларинг, ака-укаларинг руҳини тинчлантири, баҳодир ўғлон, тур, қоронғуликнинг алдамчи уйқусидан. Бутун умидимиз сен, сен, сенсан, ўғлон! Бош кўтарганиларни бошли жангу жадалларга!

Зардуҳни ҳар тонг оқ-оппоқ матоларга ўранган кекса тонг саҳарга яқин уйғотади-ю, олам ёруғ бўлганда кўриниш бермайди.

Дашти Файзиобод қишлоғи: Жарариқ билан Файзиобод ариғининг ўртасида орол шаклида жойлашган сердараҳт қишлоқ. Бир томони чексиз саҳро, бир чети катта Балхи карвон йўли билан туташган. Атрофида чоштепалар. Уларнинг устида тўртбешта соқчи ва хавф-хатар сезилган тақдирда ёқиладиган ўтин, сомон фарами. Чоштепалар теграсида сув тўлатилган хандақ. Бир томонида осма кўпrik бор. Яспон томондан от билан бемалол чўққига чиқиб борилади.

Қишлоқнинг қоқ ўртасида муҳташам кади¹, олд тарафида кенг майдон, ўртасида ҳовуз. Майдоннинг буржида улкан ўтин фарами. Ҳар баҳор айёмида қишлоқнинг кибару шабоби², лолақизғалдоқларнинг илк чечакларини кўришлари билан шу майдонда йиғилишарди. Уларни Пири Муғон³ сайил билан муборакбод этиб, овдан ўлжа билан қайтган йигитлар тантанасига ва қовушиш тўйига баковуллик қилар эди.

Бугун ҳам қишлоқ аҳли шу азалий, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сайилга йиғилиш тараддуидида эди. Муғон кафтларини оловга тутди ва қўлларига ўтган ҳароратни юзига босди. Олов қаршисида тиз чўқди.

– Баҳор, элларга тинчлик, экинларга қуту барака бергайсан. Эй, олов ҳувал⁴. Сен бандаларингдан лутғу саловатингни дариг тутмагайсан, – деб эслашдан сўнг, Пири Муғон майдонда Муғон учун мўлжалланган ўриндиқقا ўтирди. Қоҳин⁵ қора чироқни унинг олдига келтириб қўйди.

– Тангри суйган бандаларидан, ўз бахтини синамоққа отланган ботирлардан борму? Қайтганилари борму? – Коҳин унинг сўзларини баланд овоз билан такрорлади.

Ўртадаги сукунатни занжирбанд қоплонни етаклаган, сочсоқоли ўсиқ, кенг елкали йигит бузиб, Пири Муғон олдига келиб тиз чўқди. Қалдирғочнинг юраги қаттиқ ура бошлиди. Қария шамчироқнинг қорасидан йигитнинг пешонасига суртди. Карнай-ногораларнинг шодиёналийкка чорловчи садоси оламни тутди. Пири Муғон ишораси билан Коҳин фарамга ўт қўйди.

¹ Оташпаратлар сифинадиган, топинадиган зисратгоҳ.

² Кекса ва ёшлар.

³ Дин пешваси.

⁴ Офтоб-ҳуёш.

⁵ Кичик дин пешваси.

Олов ловиллаб ёна бошлади. Йигитни кийинтириб келишди. Күёв күрениши билан, қилич-қалқон туттган келинлилкка талабгор қизлар галаси ўртага чиқишиб саф тортди. Яна сукунат чўқди. Ҳамма Пир Муғонга маҳтал боқиб, унинг ишорасини кута бошлашди.

— Болаларим, ҳамқишлоқларим, бу эрта тонгда келин-куёвлар тўйи бир-ла баҳор байрамини бошлагаймиздир. Талашу қирғинни ўзларига касби кор қылғон ёғийлар худонинг қаҳрига учрасин. Сизларга тангри умр, баҳт ато қилсин. Қани, йигит, суюқли қаллиғингни чорла.

Зардуҳ қизлар орасидан Қалдирғочни ахтара бошлади. У ҳаяжонланиб турган қиз қаршисида тўхтади. Қўлидаги гулни тутқазиб, уни ўйинга тортди. Қалдирғоч гулни тўсдай сочларига қистириб, қиличнинг яssi томони билан қалқонни уриб мардлар ўйинига тушди. Сўнг қиз билан йигитга ўқ-Ҷӣ келтиришди. Келин-куёв бехато отдилар. Урғ-одат бўйича, келин ҳам ўзини ёвдан ҳимоя қилмоққа қодир бўлмоғи зарур. Зардуҳ келинни даст кўтариб, гулхан атрофидан уч марта айлантирди-да, жиловланган отга миндириб ўйига йўл олди. Коҳин янги оиласа тортиқ қилинган кичик ўчоқдаги ёғни оловдан туташтириб, уларнинг ортидан жўнади.

Ўн кун давом этган сайил тугади. Файзиободликлар яна ўз юмушлари билан машғул бўлиб кетди. Наҳшабнинг ҳукмдори бўлиб олган, юртдошлар қаршилигига учраб, ўзининг содиқ одамлари билан кузда қочиб қолган Аҳмад Маъдий ёвни бошлаб келаётгани ҳақидаги хабар будун¹нинг оромига гулгула солиб қўйган. Файзиободликларнинг ҳар йили ёғийларга тўлаган ўлпони душманни «инсоф»га солиб турган бўлса, бу йил ўзларидан чиқсан аламзадаларнинг ёвни бошлаб келиши зл бошига не кулфатлар солади: бу ёлғиз худога аён эди.

Зардуҳ юртдан чиқсан сотқин Аҳмад Маъдий билан катта босқинчи қўшиннинг келаётганилигини эшитиб зргалабдан бери таъби хира эди. Муғоннинг келишилган сулҳга содиқлигини билдириб юборган чопарининг қулоқ-бурунсиз қайтиб келиши аҳли машварат² ни ваҳимага солиб қўйди. Кенгаш бир қарорга келолмади. Сон-саноқсиз лашкарга қарши бир қишлоқ нима

¹ Эл.

² Улуғлар қенгаши.

қила оларди? Башқа жойлардаги қишлоқларнинг улуғлари «Сен менга тегма» қабилида душманга тилёғламалик қилиш йўлига ўтиб олишганди.

Қалдирғоч эрининг ҳолига ажабланиб сўз қотди:

– Паҳлавоним, нечун безовтадирсиз ёким мендан бирор гуноҳ ўтдими?

– Йўқ, йўқ. Сиздан ҳеч бир ёмонлик ўтмаган. Сиздан нолисам, икки кўзим кўр бўлғай.

– Унда паришонлигингиз боисин айтинг?

– Яна ёйилар Жайҳундан¹ ўтгандирмиш. Бизнинг злчини қулоқ-бурнини кесиб, отга тескари миндириб юбормишлар.

– Сулҳ бўлмас экан-да. Унда нечун одамларнинг юришлари беспарво?

– Йиғилса-да чорасиз, ҳар қалай шай турмоққа чорлади Муғонимиз. Асир тушиб ўзга юртларга кетмоқдин ўз юртимизда жон бермоқ афзал, дедилар.

– Қочиб тоғу тошларга макон қурсак-чи кузгача?

– Қочиб қаерга борумиз, орамизда кексалар, ёш болалилар бор. Уларнинг суворийлари бирпасда стиб олиб, банди қилурлар.

Куни билан одамларнинг қўли ишга бормади. Ҳамманинг кайфиятини хатар булути бўғган.

Муғон ярим тунда қишлоқ чеккаларига соқчиларни қўйиб, қолганларга ижозат бериш олдидан:

– Ҳушёр ётинглар, фафлат уйқусига зрк беравермангизлар, болаларим, – деб хайрлашди.

Зардуҳ уйга кирганда, хотини танчага бошини қўйиб ухлаб ётарди.

– Қалдирғоч, ҳов Қалдирғоч.

Келинчак сапчиб ўрнидан турди.

– Жойни тўшаб ётсангиз бўлармиди.

У зрига гуноҳкорона қаради.

– Кута-кута ухлаб қолибмен. Вақт ҳам ярим тундан ўтди.

Зардуҳ хотинини эркалаб, сочини кафтлари билан силади, Қалдирғоч уялиб эшикка томон юрди.

– Ҳозир әмак келтираман, исмалоқ печак қилғон зредим.

¹ Амударс.

Зардуҳ унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

– Ҳусни-жамолингизни ўзи мени тўйғазадур, уннаманг.

Хотини уялинқираб ўтириди.

– Бир томондан сайил баҳорнинг хуш қувончи бўлса, иккинчи томондан ёғий ваҳимаси. Яратганим қувончимиизни қайғуга айлантирмағай-да. Ёв бизга етмай, худо унинг жонини олғай.

– Қани энди шундай бўла қолсайди. Улуғ бошлиқларимиз, тарҳонлар¹ хоин – қочоқликка юз тутиб шундай гўзал юртимизни пароканда қилдилар, душман билан яширин иттифоқ туздилар. Наҳшаб² раҳнамолари олдига ҳурматли одамларимиз ёғий ҳужумини қайтармоққа бирон-бир тадбир кўрайлик, деб боришганда, нажот чиқмабдур.

– Пешонамизга не битган бўлса, шул бўлур.

– Отам билан энамдан хабар олмадингизми? – деди Зардуҳ онасининг бетоблигини эслаб.

– Синглингиз Гулойин билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтиридик. Хабар олгани кетган эдилар. Ҳализамон келиб қолурлар.

– Ундан бўлса ўзим уларни тинчлантириб келаман.

– Ҳоҳишингиз.

Зардуҳ кетгач, уйда сукунат чўқди. Қалдирғоч қора чироққа тикилиб энди ётганди, Зардуҳ қайтиб келди.

– Нечун тез қайтдингиз? Мени ўғирлаб кетишиларидан кўрқдингизму?

– Сизга кўз тикканнинг жони мингта бўлса-да, бошидан жудо қилурмен, – деб уни бағрига босди. – Қани энди ҳаммаси туш бўлиб чиқса. Бир-биrimизнинг меҳримизга тўйиб яшасак.

– Урушни ўйлаб топганинг уйи куйсин. Кўйинг, куйинманг, бирпас ором олинг, куни билан юриб ҳоригандирсиз.

Улар ўринларига ётиб, ширин-ширин сұҳбатлашдилар, сўнг кўзлари уйқуга кетди.

Яна ўша оқ-оппоқ кийимга бурканган чол кўринди. «Гур, паҳлавон ўғлим, ма, бу қиличини ол. Элизнги кутқаз. Тур, ботир ўғлим. Элни ёв босгандা, сенинг ғафлат уйқусида бўлишинг уят, уят, тур, ўғлим».

Зардуҳ чўчиб уйғонди. Тонг қоронғусини хўроzlар эмас, отларнинг дукур-дукури, одамларнинг фарёди бузаётганди:

¹ Беклар.

² Қарши шаҳри.

– Вой, болагинам...

– Одамлар, бормисизлар? Ёрдам беринглар, ёрдам беринглар. Уйим әншти...

Үйғониб кеттган Зардуҳ билан Қалдирғоч шошилинч кийинишиб, қилич-қалқонларини олишди.

– Нима қилдик? – Қалдирғоч эрига қаради.

– Ғафлатда қолибмиз. Сен билан менинг күлемиздан шу алпозда ҳеч иш келмагай. Тез юр. Жарариққа тushiб паналайлик.

Улар дов-даражатларни паналаб қамишлар ичига бескинишди. Иккисининг ҳам қўлида яланғоч қилич. Юқорида дод-фарёдлар, ловуллаб кўтарилаётган аланғалар, ўзга тилдаги бақириқлар атрофни ларзага соларди.

Тонг ёришиб, шовқин-сурон тинди. Зардуҳ ва Қалдирғочнинг кўз ўнгида уйи әнмоқда, кўз очиб кўрган қишлоғи әнмоқда. Кечагина гул-гул яшнаб ётган табиатни қора тутун ўз комига тортган, тирик қолғанлар эса уввос солиб йиғлаб югуришади, жонсиз жасадларни қучишиди. Сон-саноқсиз ёв қўй-эчки, сигирлар подаси-ю, ўлжаларни Наҳшаб томон олиб кетмоқда. Уларнинг оёғи остида ҳали қанча-қанча қишлоқлару шаҳарлар вайрон бўлиши, ўтқир қиличниаридан бошлилар узилишидан фақатгина тариху Она-Ергина пайти келиб гувоҳлик бера олар, холос.

Босқин бу қишлоқ аҳлини ғафлатда қолдирди, ғам-аламга ботирди. Яшнаб турган гулзорларни ҳазон қилди. Экинзорлар отлар туёқлари остида пайҳон қилинди. Ўт қўйилган уйлар бурқсиб тутаганча әнмоқда. Оҳулар одамдан ҳадиксирамай, булбуллар сайраб, кийиклар яйраб юрган бу беозор ўлкага ғамалам ўз тахтиравонини ўрнатди.

Зардуҳ хотини билан пусиб, паналаб, әнаётган уйига стиб келди. Ҳовлида ҳассага таянган чол-кампир фарёд уришарди.

– Ота-онажон, тирикмисизлар, – Зардуҳ уларни қучоқлаб олди. – Бу нима кўргулик, отажон. Синглим Гулойин қани?

Чол ўзини базўр қўлга олди. Бақириб-чақириб, ёвни қарғаб йиғлаётган кампирнинг «ўти»ни пасайтирди.

– Кўйгин энди, – деб ўғли билан келинiga қаради, – қишлоқда қолиш хатарли. Ёвнинг ичидаги яхшилари бор экан. Бирлашкар имоми айтдики, ҳали орқаларидан пиёдалар ҳам келаётганимил. Қоч-

ғанлар қишлоқда қолмасин, деганиши. Қишлоқни тезроқ тарк этгина. Гулойин синглингни Аҳмад Маъдий одамлари боғлаб олиб кетишиди. Кейин, – Қалдирғочга ўтирилди. – Сизнинг ота-онанги омон. Улар ҳам сизларни кузга қадар тоққа баш олиб кетмоқларинингни маслаҳат бердилар, – деб иккисининг пешонасидан ўпид, уларни шошилтириди.

Кампир ҳам шу тахлитда йигидан бўғилиб хайрлапди.

Эр-хотин етаклашиб, бу савдоли дунёнинг изтиробларидан сочлари оқарган тоғлар томон Жаариқ ёқалаб йўлга тушишиди. Ўнқир-чўнқирлардан ўтиб, шом сочини ёйганда, яқин арчазорда тунашди. Бола қалбидай тоза, аммо одамзоднинг изтироби аралашган тонгнинг сөрим ҳавосидан қизнинг лаблари пирпирраб, эти жунжика бошлади.

– Совуқ, ўт ёқсак бўлармиди?

– Бир оз сабр қилғайлар, мен ҳозир, – Зардуҳ чор теваракка қулоқ тутиб хотиржам тортгач, қуриган шох-шаббалардан йиғиб, олов ёқди, устидаги пўстинини оловга яқин – барра майсалар устига тўшади.

– Ўтиринг.

Қалдирғоч бу таклифдан кулимсираб ўтириди.

– Ботиримнинг ўзлари шамоллаб қолмагаймикинлар, деган хавфдаман.

– Менга ижозат берсалар, шу яқин атрофдан булоқ ахтариб кўрсам, ичмоққа сувимиз йўқ-ку.

– Мени ботирим маъзур туттайларким, Пири Муғон қаршисида ичган қасаларидин четга чиқиб, ўзлари нажот изламоқлари қандай бўлуркин. Агар бирга ахтарсак, сизга-да, менга-да ёмон бўлмагай.

Зардуҳ никоҳ олдидан, яхши ва ёмон дамларда доим бирга бўлурман, деб ичган онтини эслаб, Қалдирғочга узрнамо деди:

– Сизни ҳориган деб ўйлаган эдим.

– Ҳамма чарчогим босилди, Тангри берган оловга шох-шабба ташлаб кетсан бўлармиди. Ҳали кўп ишлатамиз.

– Албатта.

Шу пайт қадам товуши, дарахт шохларининг шитирлаши, қандайдир қушнинг шарпадан «пир» этиб учганини эшитиб қолдилар. Иккаласи шахт билан қиличларини қинидан суғуришди.

– Кимсан, ёғий ёким дўст, ким бўлсанг-да, ўзингни кўрсатгайсан. Номардгина бекинмачоқ ўйнагай.

Арча буталари шитирлаб, қилич тутган уч киши чиқиб келди. Уларни бошлаб чиқкан жуссаси пишиқ, кўзларидан ўт чақнаб турган ўтгиз беш ёшлардаги йигит қиличини филофга солиб, оловга топинди-да, Зардуҳга юзланди.

– Биз ёғийдан қочдик, туш пайтинда босди. Кўп қирғин бўлди. Мен Бўритепа қишлоғининг йигитларига бош бўлиб жанг қилдим, қолғанларимиз шулар, – деб бири ориқ, соқолига оқ оралаган, иккинчиси ўрта бўйли, кўзлари қаҳру ғазабга тўлган йигитни кўрсатди. – Энди то кузгача шу тоғдан паноҳ топмоқчимиз. Сизлар кимсизлар?

– Бизда сизга ўхшаган ёғийдан омон қолғанлармиз. Аммо сизлар жанг қилибдирсиз, биз ғафлат уйқусида қолиб, жангсиз, хотиним билан қочдик, Даشتни Файзиобод қишлоғиданмиз.

– Таомилга кўра, бирга яшайдурғон бўлсак, биримизга итоат этмоғимиз даркордур. Аммо буни ҳали билмайдурмиз.

– Юртимиз таомилин ҳурмат қилурмен. Беллашиб дўст тутиноқ эркакнинг ишидур. Шунда биз жон қариндош-уруг бўлғаймиз.

– Маъқул, беллашув.

Гулхан ёнидан кенгроқ майдон танланди. Зардуҳ қурол-аслаҳасини хотини олдига қўйди. Рақиби ҳам қурол-аслаҳасини шериклари ёнига қўйиб, майдонга чиқди.

Қалдирғоч дир-дир титраб, кураш майдонига хавотирли нигоҳ тикканди. Чиқкан йигитнинг исми Самар ботир эди. У ҳам Зардуҳга ўхшаш босиқ, аммо майдонда ўзини ҳушёр тутишга ўрганганди. Секин ушлашди. Бир-бирини қаттиқ силкишди-да, биринчи қафасни қўйвориб, иккичи марта ушлашди. Самар бирдан ўрама чил қилди. Зардуҳ, чап бериб, икки сёғини рақиби қорнига тираб ётиб олди-ю, иргиб туриб Самарнинг қўлини орқасига қайирди.

Самар деди:

– Сенинг хизматингга ўтдим, сен билан ҳар қандай жангу жадалга борищдан тал тортмағайман. Улуғ Оллоҳнинг олови, гувоҳ бўл, ҳаммаларинг йигитнинг ихтиёрига ўтдиларинг. Кимки нобакорлик қилгудек бўлса, у кечирилмағай.

Самар Зардуҳни меҳр билан қучди. Бир-бирлари билан қиличларини алмаштиришиб, гулхан олдида қасамёд қилишди.

Марв. Қуёш ҳали ботганича йўқ. Ҳокимнинг солиқлар тўплайдиган ва маҳбуслар сақлайдиган ташқи қўргони. Ўртада сув тўлдирилган ҳовуз. Қалин тол, тераклар соясидаги сўрилардан бирида Халифадан Бағдодга қайтиш учун ёрлиқ олмоқ истагида Марвда кутиб туришга жазм қилган араб қўшинлари сардори Яэид ибн Мазид¹ қат-қат кўрпачаларда, гулдор ёстиққа ёнбошлаб, чинни косада қимиз сипқармоқда. Ўнг томонида Марв беги чордана қуриб, сўзлашга рухсат кутиб турибди. Улардан сал нарида қил арқон билан дараҳтга чандиб бойланган, салобатли, қошлари қора, кўзлари чақнаб, одамни довдиратиб қўядиган, елкалари кенг, лаблари сувсизлиқдан қақраган Ҳошим ибн Ҳаким, унинг қонига ташна ёғийлар.

Яэид ибн Мази косани дастурхонга қўйди.

– Ул боғланган банданинг гуноҳи не, нечун тутқундур?

Оғиз жуфтлаб турган бек ўрнидан қўзғалиб гап бошлади:

– Файридин, бошигача Худои таоло ва Халифаи замон олдида гуноҳга ботган нобакор, шайтоннинг дўсти, сеҳргар Ҳошим ибн Ҳакимдур.

– Эшитганмен, бул нобакор Бағдод зиндонида ҳибса эрдику?

– Қочиб, яна одамларни ёмон йўлга, яъни фитнага ундаётган маҳалида қўлга туширдик. Бу ҳам сизга арзимас туҳфамиздур.

– Арзимас эмас, бул эҳсондин бошним кўкка етур, нур устига аъло нур бўлибдур, – котибига юзланиб, – ҳозироқ Халифамизга нома битиб шуни маълум қилингким, Марв ҳокими кўмагиди халифаликнинг ашаддий мухолифи, кофиirlар тарғиботчиси Ҳошим ибн Ҳакимни қўлга олдик. Агар рухсат берсалар, бул хатарли душманни ўзим Бағдодга олиб боражагимни баён этинг.

– Бажонидил, – котиб қамишдан безакли қилиб ишланган қаламини қитирлатишга тутинди.

Яэид ибн Мазид лашкарда бераҳмлиги билан донг таратган шафқатсиз Жамолга буюрди.

– Қани, сўроқни бошла.

Жамол Яэид ибн Мазидга таъзим бажо келтириб, тутқун Ҳошим ибн Ҳакимнинг олдига борди. Олтин сопли чарм қамчиини этигининг қўйнжидан олди.

¹ Халифаликнинг Осиёдаги саркардаларидан бири.

– Кўринишдин туппа-тузук, ақлли, идрокли йигитга ўхшай-сен. Ҳали чопар йўлга чиқмасдин Ҳалифаи замон лашкарбоши-сидин тавба қилиб, узр сўра. Исломни юракдан қабул эт. Ёш жонингга раҳм айла.

– Йўқ, мен сенлар ўйлаган юрт, эл хоини змасмен, мабодо сен менинг ўрнимда бўлганингда сен ҳам бу имонсизликни қилмаган бўлурдинг, – унинг қатъий овози ва нафрат тўла кўзлари Жамолни довдиратиб қўйди.

– Нима бало, кўзингда жин-пин уя қурганми?

– Менинг кўзларимда оёқсти бўлиб таланган, сенлардин азият чекиб, сабр косаси тўлган элларнинг қаҳру ғазаби жамлангандур.

– Биз бу кофир элингни динимизга киритиб, пароканда ўлка-ни бирлаштироқдамиз. Қолаверса, Худои таолонинг ҳоҳиши ҳам шул.

Ҳошим ибн Ҳаким истеҳзоли кулди:

– Сўроқчи адашдингиз, мен динсиз змасмен, менинг ҳам ота-боболарим синган диним бор. Ислом динида ҳам, бизнинг «оташ»имизда ҳам ўзга диндагини мажбурлаб ўз динингга киргиз, деган ибора йўқ. Агар Оллоҳ юрагимга дини исломни солса, қабул қиласман, фақат қилич орқали змас. Агарда ҳар қайси келгиндининг динига кираверсак, урфу одатини қабул қиласверсак, бизди элат бўлиб қолишимиздин не ҳожат, кўжам.

– Тиллари бийрон-ку, – деб Жамол ҳамчи ушлаган қўлини асабий кўтарди-ю, ҳамчи ибн Ҳакимни четлаб ўтди. Бу ҳол ҳамманинг кўз ўнгидаги қайтарилаади. Ҳамма ҳайрон бўлиб «тавба», «вой тавба», дерди. Лашкарбоши ўрнидан турди. Атрофдаги мулозимлар кўл қовуштириб, Язид ибн Мазидга таъзимда туришиди.

– Кўзларини бойланг жодугарнинг, бу ўша жинлар билан гаплашган Ҳошим ибн Ҳаким, менга машъала келтиринг.

Ясовуллардан бири Ҳошим ибн Ҳакимнинг кўзини бойлади. Машъала келтирилди. Тутуни аччиқ бўлганиданми машъалани ёнидаги Жамолга тутди.

– Одамларни жудо қилувчи юзларини куйдир, қулоқ-бурини кесиб, олов боски, бир умрга эсидан чиқмасин. Ит азобини кўрсин. Кўрганлар унинг чандиқ босган, қулоқ-бурунсиз юзидан жиркансин.

Сарҳанг унга таъзим қилди-да, маҳбусга яқин борди. Черик бошига «бошлайверайми» деган маънода таъзим қилди. «Бошлия» ишорасини олгач, шошмай қиличини қинидан чиқарди. Ҳошим ибн Ҳакимнинг бурнини икки бармоғи билан чўзиб тортиди. Гулхан шуъласида қилич тифи товлана бошлади. Кескир қилич йигитнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турган қирра бурни устига шафқатсиз кўнди. Шарт этиб уни узиб олди... Сарҳангнинг юзи, кўзи, қилич ушлаган қўли, кесик бурундан сачраб кетган қонга бўялди. У бунга зътибор ҳам қилмай, машъалани Ҳошим ибн Ҳакимнинг кесик жойига жизиллатиб босди. Тишини тишига кўйиб турган Ҳошим ибн Ҳаким бу жазодан инграб юборди. Сарҳанг кетма-кет иккинчи ва учинчи жазоларни ҳам ваҳшиёна адо этди. Боягина ҳамманинг зътиборини ўзига тортиб турган Ҳошим ибн Ҳаким ҳушсиз ерга йиқилди. Беҳуш Ҳошим ибн Ҳакимни ертўлага ташлашди.

Тун яrimлаб қолган. Навкарларнинг бақириқ-чақириқлари тинган. Лашкар диндори бу ўтиришга қатнашмади. Фақат ертўладан чиққан бир бедор ингроқ бу жимликни титратиб турди. Ҳаким оғриқ азобидан бир жойда ўтиrolмай, қоронғу ертўланинг у бурчагидан-бу бурчагига тинимсиз юради. Иссик кўз ёшлари куюқ қулларни баттар ачиштириб, бир азобига ўн азоб қўшади. Кўллари билан артмоқчи бўлганда оғриқ баттар хуруж қилади. Ертўла эзлигининг занжира ширқ этиб очилганда Ҳаким юришдан тўхтади. Ичкарига яроқли уч киши кирди.

– Ҳошим ибн Ҳаким, сиз қаердасиз? Сизни кутқармокчимиз. Ертўладан чиқинг.

Ҳошим ибн Ҳаким уларга зргашиб ташқарига чиқди. Бу тунги воқеага Марв осмонида милтираган сон-саноқсиз юлдузлар чамани билан тун бағрини тилим-тилим қилиб ёритиб турган ўн беш кунлик тўлин ойгина гувоҳ эди.

Олдинда кетаётган баланд бўйли, қиличини маҳкам ушлаб олган девқомат йигит Абдуллоҳ ибн Амр эди. Ташқи саройнинг яхши қўриқланмайдиган шимол томонидаги баланд девори олдига келиб тўхташди. Юқорида икки киши кўрниди. Бир оздан сўнг арқон туширишди. Бу кеча қалъа атрофида Абдуллоҳ ибн Амр одамлари соқчилик қилишарди. Ҳошим ибн Ҳаким худди туш кўраётгандек, нима учун бир тўда босқинчилар уни тутқунликдан озод этишга жазм қилганига ақли бовар қилмасди. Уни авайлаб арқонли нарвон орқали қалъа деворидан олиб ўтишди. Ҳозирлаб қўйилган отларнинг бирига миндириб, кунчиқарга қараб олиб кетишиди. Шаҳардан чиқиб бир оз юришгач, атрофи

дов-дарахтлар билан ўралган кўркамгина бир уйнинг қаршисида тўхташди.

Абдуллоҳ ибн Амр ва икки навкар Ҳошим ибн Ҳакимни отдан тушириб, дарвозаҳонанинг ёнидаги мәҳмонхонага бошлаб киришиди. Амр Абдуллоҳнинг эшик оғаси мәҳмонни тўрга ўтказди.

– Илоҳи омин, шу даргоҳдан файзу барака аримасин, – деб дуо қилиб, дастурхон ёёди. Ўртага овқат тортилди.

– Қани, мәҳмон, таомга қаранг. Сўнг гаплашурга ҳам фурсатимиз етар.

Кўкатлар сепилган қўй гўштли шўрва хушбўй ҳид таратиб турарди.

Ҳамма овқатланиб бўлгач, эшик оғаси елкасида сочиқ, қўлида офтоба, бир қўлида чилопчин кўтариб кириб келди. Қўллари ни ювиб бўлишгач, овқатга фотиҳа ўқиљди. Ҳошим ибн Ҳаким ўз урфига кўра ноңдан бирини олиб, ўпиб дастурхонга қўйди. У оғриқни унугтан эди.

– Иним, – деди Амр Ҳошим ибн Ҳакимга қараб, – Сиз ҳали ҳам нима бўлаётганига ҳайрондурсиз. Кундузи сизни қийнаётгандарида мен ўша ерда эдим. Сизнинг нур ёғилиб турган чеҳрангиз, ўтли кўзларингиз, сизга қилинганд жазолар юрагимни тилка-пора қилиб юборди. Мен жангларга кўп кирганиман, яраланганиман, лекин ҳеч кимни ўлдирмаганиман. Ўзим Бағдоднинг бир қишлоғиданман, укам бор эди. Навкарликдан бўйин товлагани учун уни кўз олдимда қатл қилишди. Кундузи сизни: «Ўз эътиқодимдан қайтмасмен», деганингизда укамнинг: «Мен навкар бўлиб, одамларга қилич кўтариб, етим қолдирилган болалар, тул қолган хотинлар, фарзанд доғида қовриладиган қарияларнинг қарғишига қолганимдан кўра, ўз юртимда ўламен», деган сўзларини эсладим. Шунинг учун сизни кутқаришни худойим дилимга солдими, билмайман. Шу ишни қилдим. Одамларимга маслаҳат солсам, улар ҳам рози бўлиши.

– Энди сизларни ушлашса, омон қўйишмайди-ку. Бир умр ватанингиздан жудо бўлурсизлар. Наҳотки билиб туриб, шу хавф-хатарга кирдингизлар?

– Эй, иним, бизнинг ватанга қайтишимиз гумон энди. Бир жангда бўлмаса, бирида жон берурмиз. Юртимиздан эса хотинларимизни қайсиdir бир мулла ёки бойвачча никоҳига ёки чўриликка олгани ҳақида ҳар куни ҳар хил миш-мислар келиб турадир. Шул боисдан лашкар тарқаб кетмасин учун, ерли хотин-

ларни никоҳлаб беришаверади. Ундан кура сизнинг хизматингизга ўтиш биз учун афзалроқ туюлди. Эшишишимизча, сизнинг тарафдорларингиз, Наҳшаб ва Кеш вилоятларинда анчагина эмиш. Сизни кутиб, қўлларига қурол олишга тайёр турармишлар. Баъзи туманларда жангларни бошлаб юборган эмишлар.

– Ҳали булар гумондур. Шунисига ишонаманким, йигитлари ўт ва тифта тик борадурғон, меҳмонни ғанимга бермайдурғон эл.

– Унда борайлик, – деди Амр эшик оғасига юзланиб. – Чамаси илоннинг кули бор эди бизда, а?

– Ҳа, Амр, бор.

– Олиб келинг.

Эшик оға чиқиб кетди.

– Иним Ҳошим ибн Ҳаким, агар мени оға ўрнида қабул этсангиз, бошим осмонга еттай. Лекин бир шартга келишсак, сиз айтгандек – биз исломга имон келтирганмиз, шундай қолсак.

– Сиздек ўз умрини менинг ҳаётим йўлига тиккан баҳодирга ини бўлмак, мен учун умрим қуёшининг чарақлаган кунидир. Қайси динда бўлиш эса ўзингизга ҳавола. Мажбурлаб ўтказиш гуноҳдур.

– Менга ишонганингиз учун ташаккур, иним. Навкарларим ҳам сизнинг фармонингизга мунтазир. Буюрингиз, тонг ёришмасдан Наҳшаб томон сиз бирлан кетурмиз. Ўз динимида қолипшимизга ризо-розилигингизни айтсам, улар беҳад қувоийиб сизга садоқатлари янада ортадур.

– Меҳрибон оғам, бу жароҳатлар билан қаерга ҳам борурмен. Унинг устига бурунсиз, юзларим куюк, одамларга кулгу, масхара бўлурман-ку, оға.

– Жароҳатингизга чипор илон кулини бойласак, бир кунда қотириб, оғриқдан асар ҳам қолмайди. Юзингиздан тортиссангиз, ниқобда юргайсиз.

Амр миясига келган бу фикрдан ўзи мамнун бўлди.

– Раҳмат, оға, сизнинг маслаҳатингиз доно фикр уйғотди. Ҳақиқатан, мен юзимга қора ниқоб тортурмен. У қора ниқоб, қора кунларимдан, элим тортаётган жабр-зулмдан дарак бериб турур. Токим, эл-юртим бошидан қора туман кетмагунча, шул қора парда ортиндан қарайдурмен.

Эшик оға илоннинг кулини келтирди. Амр Ҳакимнинг жароҳатларини авайлаб бойлади.

– Эрта шомгача тузалиб қолгайсиз, иним.

– Кўп яшанг, оға. Гапингиз рост бўлса, энди йўлга, Наҳшабга, дўйстлар.

III

Саксон дара. Атроф сокин. Зардуҳнинг одамлари пана-панада тўп-тўп бўлиб ошиқ ташлашади. Қизил шафақдан из қолдириб қуёш ботмоқда. Оқшом шабадаси майса, қоқигулларнинг хушбўй ҳидини тарқатади. Каттароқ ўлжа тушадиган карвон ҳали ўтгани йўқ. Зардуҳнинг ёнида хотини Қалдирғоч. Иккаласи тепаликда кўқракларини ерга бериб, Сардоба ёнидаги карвонсаройга нигоҳларини тикканча жим ётишибди.

Зардуҳнинг қароқчилиги ҳақидаги овоза савдогару босқинчиларга бориб етган. Шундан улар кечкурунлари юришдан чўчишади. Улар тунайдиган жойларини тез-тез алмалтириб, кутилмагандан пайдо бўлиб қолишарди. Ҳаммалари ҳаяжонда. Бир йигит булбул бўлиб сайраб, карвон кўринганидан хабар берди. Сардоба қархисида анчагина юкли туялар, ўттиз отлиқ босқинчи сипоҳлари ва бир ниқобли киши отдан тушди. Зардуҳ одамларига отланишга фармон берди. Отда қарчигайни урадиган йигитлар бир зумда Сарdobани ўраб боришли.

– Қароқчилар.

– Қароқчилар, – ҳамма ваҳимали такрорлади, – йўлда айтишувди-я қароқчилар пайдо бўлганини. Нега тўхтадик...

– Отларга мининглар, ваҳимага тушманглар, – деди Ҳошим ибн Ҳаким.

Ҳамма отларга миниб қиличларини яланғочлади.

Зардуҳ овозини баланд қўйиб бақирди:

– Ҳой халифанинг қуллари, кўриб турибмиз, силлаларинг қуриган босқинчизлар. Омон қолиб, қайта қилич ушламоқдин воз кессаларингиз, омонлик берурмизлар. Ёки майдон талабларингиз бўлса, марҳамат. Мени ким отдан йиқитса, йўлларингизга кетадурсизлар.

Улардан жавоб бўлавермагач, Зардуҳ яна майдонга чорлади.

– Ораларингизда эр бўлмаса, иккитадан бўлиб келинглар.

Абдуллоҳ ибн Амр бу ҳақораттга чидаб туролмай, Ҳошим ибн Ҳакимга:

– Рухсат этинг, иним, занғарга бир кўрсатиб қўяй, – деди.

– Йўқ, ул билан ўзим беллаштурмен, – Ҳаким қиличини филофидан суғуриб, Зардуҳ томон от сурди.

Қалқон-совутсиз чиққан ниқобли сипоҳини кўрган Зардуҳ ҳангуга манг бўлди. Сўнг шаҳд билан қалқон-совутини улоқтириди.

Қиличлар учрашди. Зардуҳ отини кескин буриб, қилич теска-
риси билан рақибининг курагига урди. Буни кутмаган Ҳошим ибн
Ҳаким шошиб қолди. Қароқчининг учқур қорабайири унга етиб
олган, қилич урса, икки бўлиб ташлаши ҳеч гап эмас. Лекин Зар-
дуҳ қиличини отнинг орқа оёғига урди. От қаттиқ кишина бумалаб
кетди. Зардуҳ отнинг жиловини маҳкам тортди. От кишинаб, бир
силкиниб тўхтади. Иргиб тушиб, отдан сал нарида думалаб ётган
Ҳошим ибн Ҳакимнинг тепасига бориб қилич тигини унинг кўкра-
гига тиради.

– Кимсан? Ҳой, ниқобдор. Кийинишинг келгиндига ўхша-
майдур.

– Ҳошим ибн Ҳакиммен, сенларга Оллоҳ томонидан юбо-
рилган халоскор.

Зардуҳ шерикларига қараб қичқирди.

– Кимда-ким Ҳошим ибн Ҳакимни таниса, олдимга келсин.

Беш-олти отлиқ унинг ёнига келди. Зардуҳ рақибини бармо-
ғи билан кўрсатди:

– Ўхшайдурму?

Марвлик бир йигит узоқ тикилди-да:

– Йўқ, ўхшатолмадим, ул зотнинг чеҳрасидан ёруғлик тара-
лурди.

– Жойларингта бориб туринглар, – деб яна маглуб бўлган
рақибига юзланди: – Хўш, йигит, жангда номардлик қил-
ғоним йўқми? Унинг устига мени гўл билиб, алдамоқчи ҳам
бўлдинг. Ўлиминг олдидан майдонга чиқиб, мардлик талаб қилғ-
онинг учун сўрамоқдадурмен. Мардларни хуш кўурмен-у, аммо
сен душмансен. Ҳар қалай, қайси златдинсен?

– Мен ҳам сенларга ўхшаган босқин босган, унинг азобига
дучор бўлғон юрт фарзанди Ҳошим ибн Ҳаким бўлурмен.

– Уни жангда моҳир баҳодир, хушсурат дейишарди-ку. Сен
бўлсанг хунук, ниқобдорсен. Сўзларинг эса ҳадик үйғотадур.

– Мени Марвда шу кўйга солишди. Ана у турган йигитлар
мени қутқариб олиб қолишли. Ҳаммаси мард йигитлар экан.

– Унда нега юзингта қора парда тортиб олдинг?

– Сенга ўхшаган фуқаролар жирканмаслиги, қолаверса, зл-
юртим ва ўзимнинг қора кунларимдан қолган кулфат ниқоби-
дур. Рухсат берсалар, билсам, мен қайси марднинг қўлида кур-
бон бўлаётирмен.

– Мен Даشت Файзиобод элининг ўглонимен. Юртимдан айрулғонимдин буён қароқчидурмен. Талайдиганларим савдогару бойлар ва босқинчилардур. Юравериб ҳориган кўринасан, – деди тикилганча Зардуҳ. – Алдамаётган бўлсанг, қиёматли дўст тутинармен.

Қалдирғоч от елдириб уларнинг яқинига келиб, Зардуҳга қаради:

– Адашмасам, иттифоқ бўлдиларинг.

– Дўст бўлдик, – деди Зардуҳ кулиб хотинига. – Маконга қайтурмиз.

Ҳаммалари йўлга отланиши. Текисликдан ўтиб, тоғдаги илонизи йўлга етиб келишди. Бу йўллардан қароқчиларнинг отлари кўп юрганидан қоронгуда ҳам адашмасдан чиқиб боришади. Атрофда арчазорлар. Фира-ширада кишини илғаш қийин. Отлар ўз майлига қўйилган. Узоқ юришди. Тоғнинг икки баланд қояси ваҳима солиб турган жойга етганларида:

– Ким сенлар? – деган баланд овоз уларни тўхтатди.

Зардуҳ олдинга чиқиб:

– Хўрлик кўрганлармиз. Олов ота барҳаёт, – деди.

– Йўл очиқ, рухсат.

Отлиқлар гуриллаб, зангори тили кўкка интилиб ёнаётган гулхан томон юра бошлиши. Улар улкан гулхан ёнида тўхтаб, отлардан тушиши. Қўриқчи бўлиб қолган Самар йигитлари билан Зардуҳ олдига келди. Унинг ёнида турган ниқобли кишига, сўнг саллали одамларга қараб қовоғи уюлди.

– Иним, тунаган тўновинг шулми? – деди унга қараб.

– Шунча дуст келтирдик.

– Дўст дегил. Булар босқинчилар-ку. Ана у ниқобдори ё айгоқчи ёқим жосусга ўхшайдур, – деди Самар араб сипоҳиларига тикилганча.

– Меҳмонларни ранжитмоқдасиз.

– Босқинчилар бизга меҳмон бўлурми? Кимдан эшитгансен ёвнинг меҳмон бўлганини.

– Бўлмаган бўлса, энди бўлур.

– Йўқ, сеъ йўлдин озисен, – деб шаҳд билан бориб Ҳошим меби Ҳакимнинг изидаги ниқобини кўтармоқчи бўлди. Зардуҳ башкунчат қўллари билан ўнгуридан тортиб тўхтатиб қолди. Самар жаҳҳ билан қилич яланғочлади.

– Тўхтанг, – у гандаси билан Самарнинг йўлини тўсиб олди.

– Қиличинигизни гилоғита солгайсиз.

– Нечун қилични гилофига соларканмен, куйиб кул бўлган қишлоғим, боши кесилган норасидаларим эвазиға ҳаммасини қиличдан ўтказурмен.

– Бул улуғ зотни чопиб, элу юрт қаҳрига ҳам учрайдурсиз, узр сўранг.

– Ўҳ-ӯ, ҳали оёғига ҳам йиқилгин дерсен, – Самар йигитларини отланишга буюриб, сўзида давом этди. – Мен сендан бунчалик кутмаган эрдим. Йигитларим бирла кетурмен. Аммо булар ҳозир ким бўлишиндин қатын назар, мен учун душмандур, ҳаммасининг бошини танидид жудо қилиб кетурмен.

– Охирги гапим: шуни билингким, бул улуғ зот Ҳошим иби Ҳаким бўлур.

– Ҳошим иби Ҳаким бўладир дегил. Ақлдин озибсен ёки унтибсан, у ҳеч қачон юзига қора парда тутмаган. Унинг юзларидан ёғду, кўзларидин меҳр, юрт ташвиши ёғилган, ҳар қандай одамни измиға солган. Бағдодлик кучли кўзбойловчилар Халифага тутиб беришганини марвлик йигитимиз сўзлаб берганди ҷоғим. – Соч-соқоли кўксига тушган, аммо қадди тик навкарни ёнига чақирди. – Ганти ота, Зардуҳга билгандарингизни эслатиб қўйинг. Мана бу турган ниқобдорни Ҳошим иби Ҳаким деб турибди.

– Бу змас, – деди қатъий оҳангда. – Мен уни ёнидан бир неча бор кўрганмен, бурро-бурро сўзларини эшитганмен, унинг «Парокандалик бизни бошимизга етди. Бир ёқадан бош чиқара олмадик, обод ўлкаларимиз босқинчилар оёғи остида ҳароб бўлаёттир», деганлари ҳали-ҳали қулогим остинда жарапглаб турибдур.

– Енгули, унинг овозидан танийдуроизму? – деди ҷояга ҳараб Зардуҳ.

– Танийдурмен. Бир оғиз галиданоқ танурмен.

Ҳошим иби Ҳаким Зардуҳнинг имоси билан тиянга кирди:

– Мен эл-юртимни озод кўрмай эл кўзига очик қарамасликка онт ичдим. Шул боисдан ниқобга кирдим, қулоғимга қилич ушладим. Мен ҳам сизга ўхшаш босқин босиб ҳўрлямган элнимиг фарзанди зурмен. Улуғ Оташ – Қуёшимииз эл-юртим тақдирини, ҳурлиққа чиқарувга менга тиловат қилиб фатво бердиким, мен бу ишга қўл урмишмен. Менга эргашгандардин ўлим йироқ турадур. Ўз юртимизга танҳо танҳо улуғ Оташ – Қуёш томонидан берилмиш ҳамма бойликлар ғизимни ники бўлган.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Самар ҳам жаҳлидан тушиб, қиличини филофига солди. Ҳошим ибн Ҳаким атрофига бир назар ташлаб, галининг охирида:

– Энди ишонгандурсизлар ёки юзимни ҳам очайму? Шуни билиб қўйингларким, юрт озод бўлмагунча мени юзимни кўрган ҳар қандай жонзод шу заҳоти жони танасидан жудо бўлиб, руҳлар маконига кетадур.

– Йўқ, йўқ, ишондик. Тангрининг срдаги Мўъбади¹, биз гуноҳкорларни кечиргил, – деди кекса навкар, қолганлар ҳам такрорлашиди.

– Кечирдим, – у Зардуҳга ўгирилди, – дўстим, сенга айтадурғон гапим бор эди.

Зардуҳ уни қароргоҳига бошлаб кирди. Қора ўтовнинг ўртасида ўт ёниб турибди. Атрофида намат-гиламлар тўшалган, тўрда эса шер терисидан тайёрланган тўшак – унинг сардор учун мўлжаллангани билиниб турарди. Сардор бориб Ҳошим ибн Ҳаким билан рўбарў ўтирди.

– Хўш, дўстим, не сўз айтмоқчи эдингиз?

– Мен хавотирга тупмишменик, юзимни кўрганлар ва воқеадан хабардорлар бор. Бирортаси оғзидан гуллаб қўймасмикин. Улар билан суҳбат ўтказулиб, қасам ичирсак, қандай бўлуркин?

– Сизнинг чеҳрангизни кўрган сипоҳдин бехавотир бўлинг. У менинг ижозатимиз ҳеч бир гап сўзламайдур. Айниқса, сиз билан дўст бўлганимиз унинг тилини тийиб турур. Сиз билан келган сипоҳилар ҳар қанча ишонарли бўлса-да, улар мен билан қолур. Шунда ҳар қандай хавотирга чек қўйилур.

– Бул фикрингиз мақбул, дўстим. Аммо қишлоғу шаҳарларга менинг ғазот курашига отланғонимни маълум қилиб, улусни исёнга отлантира оладиган одамларни жўнатмоғимиз зарурдир.

– Ишончли одамларимиз бор. Хотирингиз жам бўлсин. Ҳозир бизга Наҳшаб яқин. У жойлик деҳқонлар жуда дарғазаб. Бир чақириқ бирла майдонга чиқадур. Менга одам юбориб, бу курашда бош бўлишимни сўрашган эрди. Сизни эрса интизорлик бирла Тангридин сўрамоқдалар.

– Шошманг-шошманг, Даشت Файзиобод Наҳшабнинг қанотинда-ку?

¹ Вакили, бошқарувчиси.

- Ҳа, мен ўшал ерликмен.
- У жойга менинг укам Жумҳур ҳам кетган эрди. Үни топиб, меним келганимни билдирилмак лозим. Йўқ, ўзим боришим керак.
- Сизнинг боришингиз ҳатарлидур. Ҳаммаёқда айгоқчилар изғиб юришибдур. Үнинг устига Марвдин чопарлар юборилиб, сизни ниқобдалигингизни ҳам маълум қилган бўлса, ажаб эрмас. Уч-тўрт кун шу ерда тунамогингизга тўғри келадур.

IV

Атрофи тупроқ деворлар билан ўралган Наҳшаб, карвон йўлининг устида бўлгани учун ҳам карвонсаройлари кўп. Кўчаларида ўрик, шафтоли, олма, нашвати дараҳтлари турнақатор тизилиб кетган. Шарқий қисми – узумзор, анжирзорлар. Одамлари меҳмондўст, бироқ жаҳли тез. Ёлғон билан хиёнатни кечиришмайди. Фарзанди ёки қавми ҳаётида бу ҳоллар содир бўлса, дарров тиф билан тозалайди. Шунинг учун ман-ман деган савдогарлар ҳам жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. Наҳшабликларнинг бир сўзлилиги кўпларни қойил этса, кўпларга маъқул тушмайди. Хотин-қизлари ҳам эрларига яраша. Отда чопишда, жанг қилишда жасур. Рўзгор ишлари ва тамомда ҳам пазанда. Бегона юртларга қиз беришмайди. Баҳор пайтлари қизиқарли сайиллар ўтказишади. Сайил кунлари ҳамма оппоқ ҳарир либосда бўлади. Кўпкари, кураш, қиличбозлик сайилнинг қизғин томошаси. Босқиндан кейин сайиллар ўтмай, одамлари камгап бўлиб қолган. Ҳамма мотамда. Фақатгина минг нафар от, сигир-бузоқ ва ўз навкарларини бериб, аббосийларнинг ишончини қозониб Наҳшаб беки бўлиб олган Аҳмад Маъдий саройида ва сотқин сарҳанглари хонадонидагина ўйинкулги одатдагидай давом этади. Аҳмад Маъдийнинг дарё бўйидаги боғида, шоҳсупада мулозиму сарҳанглар, шаҳар қозиси, босқинчилар томонидан келтирилган имом ва муридлар турли ноз-неъматлар билан тўла дастурхон атрофида базми-жамшидга йиғилишган. Аҳмад Маъдий ўзи ҳаммадан тўрда ўтириши керак бўлса-да, ўз ўрнига имомни ўтқазиб, унинг ўнг томонида ёнбошлаб олган. Соқийлар қимиз тўла хумларни олдида бўшаган тилла жомларга кўз-қулоқ бўлиб туришибди.

Келинга юборилган одамларнинг ҳалигача дараги йўқлигидан ўз ёғига қовурилиб турган бекка имомнинг, «бу шароббоз-

лик халифаликка етса, бошингиз омон қолмагай», деб тергаши баттар ғазабини құзғамоқда зди. Беш қақирилмлик шаҳар зиндан келинни олиб келиш учун юборилған қирқ сипохининг кетганига ярим күн ўтаяптики, ҳали ҳам дараги йўқ. Зерикиб, тоқати тоқ бўлиб турганда, қўл-оёғи боғлиқ Гулойинни отга ўнгарганича Жумад бошлиқ сипоҳилар шоҳсупа олдида тўхташди. Жумад отдан тушиб қуюлиб келаётган терни зарҳал тўни нинг этаги билан артиб, бекка келиб таъзим қилди:

– Муҳтарам бек жаноблари, келтирдик.

– Нечук бунчалик ҳаялладынглар? – деб ўшқирди бек.

– Бек жаноблари, бу қиз эмас, бир тиср экан. Жанг талаб қияди. Одатта мувофиқ рози бўлиб, қўлинин очиб, қилич берган-дик, саккиз йигитимиздан ажратди.

– Муҳтасар қил, сен асир олдингму? – Сарҳанг бошини зғди.

Гулойин истоҳзоли куади:

– Соннинг йигитлариниг ҳам ўзинингга ўхшаган фирибгар экандур. Яккома-якка жангни эркак киши қиладур. Тулкимижоз бу мавкарларининг устози сен эрсанг, шогирдидин не гана қилурман.

– Кўни вадирайвермагия, мажалағи, тилингни кесиб олурмен.

– Галингда жон бор, қари тулки, қўним боғлиқигида кесол-масанг, қатон кесурсен.

Ином аралашди:

– Ҳай-ҳай, шаккок қиз, гуноҳ қилдинг, отаңг тенги-я.

– Сизнингча – шаккоклик, бизнингча – мардликдур. Айтингчи, қайси динда ёйтилған «никоҳингта мажбурлаб олгин» деб.

– Ҳусни камолиниг бир дунё экану тилинг қурғур заҳар эканда, – деди араб сарҳангларидан бири.

– Тилимизни заҳри ҳам, қалбимизни қаҳр ҳам сиз келгин-дилар туфайлидур. Тинч ҳаётимизга зуғум қилдиларинг, чаман ўлкамизни харобазору чангалзорга айлантирдиларинг.

– Ҳой коғир, тилингни тий. Коғирларни мусулмон этмоқ савобдур. Калима келтириб, мусулмон бўлғил. Дўзах азобидин халос бўлурсен.

– Вой-бўй, жуда сахийлик қилиб юбордингиз-ку, имом жаноблари. Шуни билингки, сизлар таладингиз, бойлигимизни теваларга юклаб, халифага жўнаётисизлар. Арабчани мажбурлаб, иккинчи волиданлар лисони деган ниқоб билал тилимизни

йўқотяпсизлар. Ўз қадим ёзувларимиздан воз кечтириб, ёзувларингизни киритяпсизлар. Кейинги авлодларимизга аждодларинг гўл бўлган, деб жар солиб мақтамоқчи бўляпсизлар. Наҳотки, чуқур-сертомир кечмишимиз устига осонгина тупроқ тортиб, йўқ этиб юборсангизлар. Наҳотки, сиз босқинчилар туфайли элатимиз қирилиб ёхуд душманлар бирла қўшилиб номаълумлик денгизига фарқ бўлса.

– Астагфирулло, – деб имом Аҳмад Маъдийга юзланди. – Бунга уйлана кўрманг, бек. Халифа жаҳон ва худойи таоло олдида ҳам гуноҳга ботурсиз. Бу қиз эмас, балонинг ўзи-ку. Мен норозимен.

– Зах зинданда яна бир оз ётсин, ўзидин ўзи мўмин бўлиб ёруғликка чиқадур.

– Йўқ, қўрқоқ бек, – деди Гулойин ўтли кўзларини қадаб. – Сен мени ўзингга ўшаб юмшоқ кўрпачада ўтириб, ўз ҳаловати йўлинида юванидихўрлигу хоинлик қиласидиган одам деб билмагил. Мен захга ҳам, тақрон ерга ҳам кўникадирган, аммо эл-юртнини, зътиқодини жонидан азиз кўрадирган, хоинликни кечиролмайдирган будунинг биримен. Сен эса эл-юртингни сотқинисен. Беклик кулоҳинг учун Ватанингни, хотин, бола-чақангни ҳам сотишга тайёрсан. Ҳозир ушбуларнинг ҳаммасини сотиб, шоҳсупада савлат тўкиб турадурсен. Ёнингда турган босқинчиларга ялтоқланиб яшайдурсен. Улардан қўрқасен. Бизни талаб, ҳайтовур будунингни мулкини тарож этиб унинг хўжасига жўнататурсен. Халифа эса сендей сотқинни сохта ташаккурномалар билан сийлайдур. Бу сийловлардан тағин ҳалқингнинг бошига қирон соласен, хирож тўлайсен. Элинг, юртинг оч-юпун қолмосиндан ишинг бўлмас, бошдаги кулоҳинг омон бўлса, бас. Лавозимингдан кетмаслик учун динингни, тилингни аллақачон сотиб бўлгансен. Хайф сенга, чаманзор ўлканинг емаги.

– Бас, етар! Дарё ўргасиндаги зинданга элтиб ташланглар, – ўшқирди бек. – Нега бақрайиб турибсанлар, тезроқ.

V

Дашти Файзнобод. Одамларнинг қўли ишга бормайди. Оташхона олдида ҳалойиқ йигилган. Гулойиннинг ота-онаси шашқатор кўз ёшлигини тиёлмайди. Қишлоқнинг қартайиб қолган Муғони ёнида Коҳин, улардан сал нарида Жамҳур ва унинг икки дўсти ўртага чиқди. Ҳамма жимиб қолди. Коҳин ўртадаги

ғарамга ўт қўйди. Кадхудо тангри ва унинг лашкарбошиси Муқаннадан мадад сўраб, тиловат қилди. Ундан сўнг қолганлар ҳам унинг гапларини қайташиди.

Қишлоқ чеккасидаги қалин ўрикзорлар ичидаги ўтхонадан турун чиқишини кутиб турган Зардуҳ билан Ҳошим ибн Ҳакимнинг йигитлари тутунни кўришлари билан қишлоққа йўл солишиди. Бу қишлоқ аҳлиниң курашга отланганини билдирувчи белги эди. Ҳошим ибн Ҳаким билан Зардуҳнинг йигитларини бир зумда майдонда кўрган халойиқ тангрига шукrona қила бошлишди. Қора парда тортган улуғ лашкарбоши, унинг ёнидаги Зардуҳ сипоҳлар олдида эртаклардаги баҳодирларга ўхшаб келмоқда эди.

– Э, тангри, сенга минг қатла шукрим, арзи додимизни эшитдинг... Соқибқирон нажоткорларимизни оғир кунимизда етказдинг.

– Халоскоримизга офарин...

– ...Нажоткоримиз, хуш келибдурсан, қадаминг қутлуғ бўлграй...

Ҳошим ибн Ҳаким ҳамма олқишлар ўзининг шарафига бўлаётганидан Зардуҳнинг жаҳли чиқиб йигитларини қайтариб олиб кетишидан ҳадиксираб унга қаради.

– Зардуҳ, сизга таъзим этгаймен, ҳаммаси сиз туфайлидур, – деди унинг елкасига қоқиб. – Эртага Наҳшабни олсак, сизни бир туманга бош этурмиз.

– Йўқ, мен токим элим озод бўлиб, босқинчилар водийдан қувилмагунча сиздан ажрамасмен. Сўнг эса тоғдин омонлик топгандурмсан, ижозатингиз бирла маконимга қайтурмсан.

– Сиз юртни озод кўрмоқчи эдингиз-ку? Менга руҳлар аён айладиларким, мақсадингиз рўёб топгусидир. Фолиблик мутлоқ биз томонга ўтадур.

– Ҳа, ниятимиз шул. Бутун элимизни босқиндин халос этманунимизча мен тинч ухлай олмасмен. Биз бирга бўлсак, ёвга кўп талафот бергаймиз. Ҳа, Наҳшаб қулай истеҳком. Ишончли қалъани ташлаб бўлмас. Менга қолса, Жамҳурни ҳоким қилиб қолдирмак лозим кўринур.

– Ҳали олдинда биринчи жанг – Наҳшаб жангига бор.

– Эртанги жангда бизнинг ғалабамиз муқаррар.

– Бу жангда бизга ота-боболар руҳи кўмакка келадур.

Йиғилған ҳалойиқ ундан оқ фатво кутаёттанини эслаб, оташхонага яқын борди, худога ҳурмат бажо келтирди-да, ҳалойиққа ізләнди:

– Иниларим, оғаларим, жаңгу жадалга әрлар қатори отланған шерюрак қызы жувонлар, яратганим сизларни босқын азобидан қутқармоққа мени юборди. Бу кеч жабр-зулем үчөфига айланмиш Наұшаб шаҳрини қамал қылгайдурмиз. Тонгда зса жаңгга чақи्रурмиз. Голиблик бизники, – деб қиличини қинидан суғуриб, отининг бошини Наұшаб томонга бурди. Унинг орқасидан минг-минглаб құзғолончилар – ўроқ, кетмон, калтаклар билан қуролланған ҳалойиқ зргаши.

Наұшаб атрофини машъаллар шуыласи тутди. Ваҳимага түшгән соқчибоши Муртоз ҳаллослаб, ҳовлиқиб Аҳмад Маъдий ётған хонага кириб келди:

– Бек, бегим, тура қолинг, ёғий, ёғий.

– Ёғий? – бек ўрнидан ирғиб турди-да, девордаги осиғлиқ қиличига ёпиши.

– Шаҳарга кирганича йўқ, қамал қилиб олмишдур.

Бир оз ўзига келган бек бақириб берди:

– Тушунтирибрөқ сўзлассангиз-чи?

Муртоз чуқур нафас олиб:

– Айтишларича, Муқанна ва Зардуҳ одамлари эмиш. Даشت Файзиободлик бир мўмин қочиб келиб айтди. Уларга қароқчи Зардуҳ йигитлари ҳам қўшилған эмиш. Тезроқ иттифоқчи ва ўз содиқ одамларимизни отлантиromoқ зарурдир.

– Араблардан уч минг, ўзимиздин мингта наўкар бор. Уларни отлантиrsак, – деди бек қоп-қора соқолини бармоқлари билан тараб, – ёғий қанча экан?

– Қочоқнинг чамасига қараганда, улар измида ҳам шунча чиқадур.

– Чериқбошиларга фармонимни етказинг. Шаҳар чеккасида чодир тикиб жантта шай турсинлар, – деб эшик оғасини жўнатгач, эшиқдаги соқчини чақирди:

– Посбон, бу ёққа қара.

Эшиқдан кўзларини уқалаб қўриқчи кирди.

– Тез бориб зиндандаги Даشت Файзиободлик қызни келтир.

– У кетгач, Аҳмад Маъдий хонада асабий юра боплади. «Наҳот ҳокимлигим абадий бўлмагай. Шунча куч-қудратга зга бўлган халифаи замон қўшини бетартиб қуролланған Ҳошим

ибн Ҳаким одамларини енгишга құрби етмаса? Абумуслимдек¹ катта лашкарға зәг бүлған исөнчини енгтан Халифа қүшини наҳот Мұқаннадек бир нокасдан маглуб бўлса Халифадан ёрдам қучлари келгунча биз бас келолмасаг-а. Мұқаннага ён босувчилар ўз ичимиздан чиқиб қолмаса гўрга эди. Улар билан ташқаридан тўқнашганим яхши, қуршовни ёриб чиқиб, қутулиб кетиш мумкин. Улар барибир шафқат қилишмайди», дега хаёл суреб, хонада у ёқдан-бу ёқда юриб турганида:

— Падари бузрук, ижозатингизсиз кирганим учун маъзур тутгайсиз, — хилватхона пойгагида ҳарбий анжом аслаҳасини тақиб олган, бошига ихчамгина салла ўраган ўғли кириб келди. Унинг қирра бурни, қалин қошлари араб наслига ўҳшаб кетарди. Шу боисдан отаси уичалик ёқтириласа-да, бу аламини ичига ютарди.

— Хўи, кел, — деди қовоғини уюб. — Нечун бемаҳалда ташриф? Холида бегим² юборган бўлса керак, ҳойнаҳой Бағдодни қўмсаб...

— Йўқ, падар бузрук, шаҳар ташқарисидаги ёв қуршовини кўриб ўз ихтиёrimла келмишмен.

— Ҳа, ёвнинг қуршовидамиз, ўғлим, — бир оз юмшади у. Шу билан бирга Холида бегимга бориб чақиб берингидан ҳам ҳайиқди. Шу хотиннинг ҳурматига Аҳмад Маъдийни араблар ҳоким қилиб кўйгани эди. Йўқса, арабларни хум-хум олтин-кумушлар, беҳисоб қўй, сигир-бузоқ, отлар билан кутиб олган маҳаллий бойлар каммиди? Мулойим тортиб: — Ўғлим, сиз ўз йигитларингиз билан онангизни ҳимоя этиб туринг. Агар, мабодо бизнинг ҳолимиз тант қолгудек бўлса, одам юборурмсан. Бухоро ёки Марвга кетурмиз, маъкулми? Бораверинг.

— Хўп бўлади, падари бузруквор, Оллоҳ кўмагида ғалаба билан кўришайлик, — деб чиқиб кетаётганда соқчибоши кириб келди.

Аҳмад Маъдийнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек бақирди:

— Қаши асира? Асира қани?

Соқчибоши унинг оёғига йиқилди.

— Ўла-ўлагунимизча қулингиз бўлиб қолайлик, гуноҳимиздан ўтинг, ҳоким. Улар тўсатдан ҳужум қилишди.Faflatda

¹ Мұқаннадан илгари ҳалифага ҳарши бош кўтарган. Ҳалқ қўзғолонига бошчиллик қилган.

² Бағдодлик савдогар бойнинг қизи.

қолдик. Асиранинг отаси кўп одам билан ташланиб, асирани қутқазиб олиб кетди.

— Уни қандай танидинглар?

— Овозидан, ҳайқириғидан танидик. Улар оқ-оппоқ кийиниб олишган. Йўлда, қайтишда тўқнаш келдик.

— Ландовур. Шаҳарда бошқа йўлтўсарлар кўринмайдуми, астагфирулло.

Шу пайт қўрғон соқчилари бошлиғи кириб келди:

— Кўшинларимизни ботир черикбошингиз йўлга олиб чиқди. Сизни чодирингизни ҳам аравага орттириб қўшиш билан жўнатдим. Ҳоймаҳой, черикбошилар билан машваратни чодирда ўтказасиз, доб ўзимизнинг синеҳ ва наъкарлар ҳам шай бўлиб ҳоямда сизнинг амрингизни кутиб турмисидир.

Аҳмад Маъдий ҳарбий либесларини кийиб, йигитлари билан чиқиб кетди.

VI

Тоңт ёришиб, қуспи эринибгина бош кўтариб келаётгани пайдада бир-бираига қарши турган, бир-бираига отти-от бегона, ҳарбий кийимни тўш-тўш яшнекар атамниш оломон ногораю кўнайларинг жанаига чорловчи сvezнари остида сағт тортди. Карнай, ногоралар овози тинди. Майдонга от қўйиб чиқсан қизиминг жуфт ўрилган узун сочиари шамолда тўлғаниб, Наҳишаб қиличи тушада ялтираб турарди. Гулойин икки іўшин ўртасига келиб, отини тўхтатди.

— Қонхўр, сотқин Аҳмад Маъдий, мард бўлсанг майдонга туш. Мен сенинг қонингга ташнадурмен.

Синглисини таниган Зардуҳ ет қўйиб унинг олдига бораш.

— Синглим, сингилгинам, омонмисен. Сенга кўмак беролмадим. Мени кечир.

— Ҳа, сизни кўп кутдим. Сўроққа келтиришаётганиларнда отам ва шаҳарлик бир тўда йигитлар озод қилинди. Шундиз сизларга айтиб қўйишним керакки, улар шаҳар дарвозаларини сизларга очиб берармишлар.

— Қолганини сўнг гаплашурмиз. Янгангнинг ёнига бориб тўр. Сенинг қасдивигин мен олурмен. Ана, улардан кимдир инборинга чиқди. Сен четда тур. Улар билан ўзим ҳисобланнурман.

— Йүқ, майдонга чақирган менман, энди ўзим куч синашамен. Оғажон, қарорим қатъий, омад тиланг менга.

— Унда совут, дубулға кийиб олғайсен, мана қалқон.

— Қалқонингизни олурмен, совут, дубулға керак эмасдур, — у қилич-қалқон олиб рақиби томонга от сурди. У рақибидан ўн қадамча нарида отини тұхтатди.

— Сен кимсөн?

— Мен Наҳшаб әлининг ҳокими Аҳмад Маъдийнинг түнгичи Нодирхондурмен. Сен ўзинг кимсөн? Не учун әркакларинг қолиб сен майдонга чиқмишсен. Эркакларинг құрқдими, ҳой гүзал?

— Сен ўйлаганчалик змасдур. Ўзим майдон талаб айладим. Мен кечагина отанг никоҳига кирмаган ва ўзга динни қабул этмаган, зиндан қилинган қызмен. Менинг сенда змас, отангда қасдим бор. Эр бўлса, майдонга чиқсан.

— Ота шарафини ҳимоя қилмоқ фарзандларнинг бурчидир. Ундан кўра сен шундай гүзал чеҳрангга дубулға кийиб ол.

— Маслаҳатингни келгиндиларга, қўрқоқ, сотқин отангга қил. — Гулойин кескир Наҳшаб қиличини асабий ўқталиб, рақиби устига от солди. Муқанна ва унинг одамлари, Аҳмад Маъдий қўшинлари ҳам совут-дубулғасиз ўртага чиққан қизга ҳайрат-ла боқишаради.

Қиличлар тўқнашди. Гулойин рақибининг ҳамласига чап бешар, лекин қарши ҳужумга ўтмасди. Маъдий ўғлининг қўллари толиққанига қарамай, тиш-тироғи билан ҳужум қиласади. Гулойин акасидан ўрганган қилич ўрама усулини қўллаб, шундай баланд овозда наъра тортиб қичқирди-да, яшиндек ҳаракат билан Нодирхонни отдан думалатди. Қиз дарҳол сиртмоқ ташлаб, уни Зардуҳ ва Муқанна ёнига судраб кетди. Унинг бу ғалабаси — эркин эътиқодини, ор-номусини ҳимоя қилишга одатланган халқининг биринчи зафари эди. Бу ғалаба бош кўтарган халқни курашга чорлади. Аҳмад Маъдий ва босқинчи йигитларнинг кўнглига ғулгула тушди. Майдон бўш қолмади. Бу дафъя Зардуҳ от ўйнатиб, душманни яккама-якка майдонга чорлади. Бу чорловга жавобан босқинчиларнинг саркардаларидан бири майдонга чиқди.

— Ҳой қароқчи, ўзингни эр деб билсанг, ўзгани шер бил. Бизлар сен йўлтўсар билан жанг қилишни оп деб билурмиз.

— Мен тинч уйларни нотинч қилган қароқчи эмасмен. Сенлар тинч юртни таламоқдасенлар, қуролсиз одамларни ўлдир-

моқдасенлар. Мен юрт мулкини олиб кетаётган карвонни таладим, бу мулкни ўз эгаларига, халқимнинг ўз ҳақини ўзларига қайтариб берганимен. Қани адолат бирлан айт-чи, сенлар қароқчими ёки менми?

– Барибир сен қароқчисен, сардоринг ибиң Ҳаким мард бўлса, майдонга чиқсан.

Аббосийлар саркардасининг бу қилиғини эшишиб турган Муқаннанинг нафрати қўзгади. У от қўйиб майдонга чиқди. Зардуҳнинг олдига келиб:

– Дўстим, у ҳақ. У мен билан майдон талаб айлабдур. Мен чиқмасам, қўрқоқлик бўлур. Сиз қўшинга қайтгайсиз, – деди.

Рақиб Ҳошим ибиң Ҳакимнинг моҳир қиличбоз эканини биларди. Уни жангта чорлашга чорлади-ю, ўн-ўн беш қадамда неғадир отини тўхтатди.

– Қани, мардмен деб майдонга чиқсан сардор. Мана мен қаршингдамен. Мен сендан бегуноҳ одамларнинг хунини олмоқ учун майдонга чиқдим. Энди нега суст тортдинг?

Араб саркардаси бир оз сукутдан сўнг тилга кирди:

– Сув келмасдан банд ташлаб ўрганмаганимен. Нега бунча чиранасен. Ҳали сенинг Оллоҳ олдидаги гуноҳларинг эвазига бошингни мен оламенми ёки менинг бошнимни сен оласенми – бу фақатгина яратганимга маълумдир, – деб қиличини ҳавода ўйнатиб Ҳошим ибиң Ҳакимга қараб от сурди. Шу пайт кутилмаганда Аҳмад Маъдий қўшини орасидан отилган ўқ Ҳошим ибиң Ҳакимнинг қалқонига тегиб салгичб кетди. Аббосий ботирнинг газабдан кўзлари ола-кула бўлди. Жаҳл билан отининг жиловини тортиб ўзиникилар томон юз бурди.

– Ким ул мени ҳақорат қилғон? – наъра тортиб, ўзиникилар томон от қўйди. Аммо устма-уст отилган ўқлар ботирни қулатди. Буни кўрган Зардуҳ йигитларни жангта бошлиди, ҳар иккала томоннинг камончилари олдинга ўтди. Уларнинг ўқдонлари бўшагач, сарбозлар жангта кирди. Гёё Шимол билан Жанубда турган икки қуюн тўқнашди. Отларнинг дупир-дупирию санчилган найза азобидан кишинаши, яраланган жангчиларнинг чинқириғи учинчи қуюн бўлиб қўшиларди. Майдондаги яшиллик туёқлар ва осёқлар остида топталди. Конга белангани жанггоҳ лолазор рангини олди. Зардуҳнинг қиличи душманни бехато ямлайди. Ундан қочган Қалдирғоч ва Самарнинг шамширида нобуд бўлур эди. Аҳмад Маъдий одамлари заиф қурол тутган одам-

лар устига от соларди. Гулойин билан акаси тепаликда жангни кузатиб турган Маъдий томонга интилишарди. Аммо найзаларни қия ушлаб, қалқонлари билан ўзларини беркитиб олган найзадорлар тұдасига дуч келишади. Зардуң бошқа томондан ёриб ўтишга аҳд қылди. Найзалар, қиличлар ва камон үқларидан одамлар тутдек тұқиларди. Кучлар баробар зди. Ҳошим ибн Ҳаким томонидаги күтарики руҳ уларни зафар ишончига чорларди. Душман охир ҳимояға ўтди. Бу чекиниш аломати зди. Қуёш ўз юзига қонли парда тортиб, мағриб уммонаига чўқмоқда. Шу чоқ икки томондан бирдай ноғоралар овози янгради. Бу ноғоралар жангчиларни танаффусга чорларди. Қиличларнинг шақириш-шуқури секин-аста тинди. Жангчилар қароргоҳлари томон бир-бир босиб йўл олишиди. Душманнинг дили хуфтон зди. Боягина тирик юрган дўстлари қонга беланиб, ер тишлиб ётибди. Уларга қарашга ҳам кўрқишиади. Ҳаммасидан жасадларнинг ўзга бир эл тупроғида чириб кетиши даҳшат эмасми? Уларнинг кими келиб эслайди. Бу даҳшатли фикрлар уларнинг умид осмонини баттар хирадаштири.

Ҳориган лашкар қароргоҳда ҳордиқ ола бошлади. Ҳошим ибн Ҳаким ҳам чодири олдига келиб тўхтаб, отдан тушди. Етиб келган Зардуң, Қалдирғоч, Гулойинлар ибн Ҳаким чодири билан ёнма-ён тикилган ўтов олдида тўқташди. Отларни тушовлаб, кўйиб юборишиди. Улардан устуни келган бўлишса-да, диллари хуфтон. Бунинг боиси, беҳисоб жонсиз жасадлар, ирмоқча бўлиб оққан қизил қон зди. Овқат тоғтилди. Иштаҳалари бўғиқ – бириничи марта жанг кўргажлар овқат ўрнига сув ичиб қўя қолишиди. Озроқ нафас ростлашгач, лашкар оёққа турди. Жанггоҳнинг яқинида беҳисоб ўтини ғарамчадар уюлиб, ҳалок бўлган дўстларини жанг майдонидан олиб чиқиб ўтилар устига қўйишиди. Лашкарнинг пири муғони ва коҳинлари ўлганяар руҳини ёдлаб, Қуёш худосига сиғиндилар-да, ўт туташтирдилар. Ҳошим ибн Ҳакимнинг ёнига соқчилардам бири келди.

– Улуғ Оташ Қуёшнинг ердаги сардори, сизни қишлоқдан келган одамлар йўқламоқдадурлар.

– Дўстларимиз руҳларини маконларига кузатиб борумиз. Келган одам кутишга ҳам қодирдир.

– Улуғ сардор, сўзингизни етказурмен.

Ҳошим ибн Ҳаким оппоқ матони қизил қонга бўяб, бир ходагабойлади, сўнг уни кузатиб турган жангчига юзланди: – Ажаб-

ланманг. Дўстларнинг қонига бўялган бу түғни чодирим ёнига қўндиринг. Бу мато бизнинг кураш яловимиздир.

— Амрингиз адо этилур. Аммо ўлганларнинг қонига бўяшнинг ҳожати бормиди. Қизил бўёқлар ҳам бўларди-ку.

— Фармонни бажаринг!

Гулхан ловуллар, осмон сари бўй чўзган тутунлар қуюни бир-бирига қўшилиб, осмон юзини ердан беркитарди. Қуюқлашаётган қоронгиликка парво қилмай ёнаётган оловлар атрофга ёруғлик тарқатарди.

Гулхан бир сиқим кулга айлангач, қўшин лашкаргоҳга қайтди. Лашкаргоҳни ҳам ҳар-ҳар жойда мойга пишилган ўтиналарнинг кучли алангаси ёритиб турибди. Узоқ-яқин қишлоқлардан келган беҳисоб сипоҳу навкарлар бу ол яловга тикилганча жим туришибди. Мотамдан қайтган қўшин қизил матони кўриб, ҳайрон бўлиб қўмондонга қараши. Зардуҳ ҳам тушунолмай ҳангудиши эди.

— Хўрланган, босқин азобидан, сотқин бекларнинг зуғум-зулмидан бели букилган қадрдонлар, ҳайрон бўлмангиз. Бу нобуд бўлган болаларимиз, ота-оналаримиз, оға-иниларимиз, дўстларимизни бевақт ҳазон этган босқинчилардан қасос олишга чорловчи, уларнинг тўкилган табаррук қонининг рамзиdir. Бу түрким юртимизни озод қўрмаганимизча газабимизга газаб, қудратимизга қудрат қўшадур.

— Хунга-хун, — бақирди оломон.

Ҳошим ибн Ҳаким чодирга кирди. Унинг орқасидан Зардуҳ, Жамҳур, Самарлар киришди. Чодирнинг ўртасида қозон, мойга бўккан фўла ёниб турибди. Атрофига тўшаклар солинган. Улар ўтиришгач, қўрчиларга бошчилик қилаётган Абдуллоҳ ибн Амр¹ кирди. Бу саркарда Ҳошим ибн Ҳакимнинг хоҳиши билан қароргоҳ қўрчиси бўлиб қолганди.

— Ҳазрат Ҳошим ибн Ҳаким, узоқ-яқиндан келган одамларнинг бошлиқлари сизнинг олдингизга кирмоққа ижозат сўрайдур.

— Айтинг, кираворийисин.

— Ҳўп бўлади.

Сал вақт ўтмай олдинма-кейин беш эркак ва уч қиз кирди. Ҳаммаларининг белида Надиб қалими.

¹ Абдуллоҳ ибн Амр Марвда яшаган араб, Ҳошим ибн Ҳакимга хабрироҳ.

— Ассалому алайкум, улуг Оташ Қүёшимиzinинг срдаги мұбади. Сизнинг мактубингизни олдигу йүлга чиқдик. Одамларнинг ярмидин күпрогини базёр қишлоқларимизда қолдирдик.

Ҳошим ибн Ҳаким қызларга:

— Одамларингиз ҳаммаси қыз-жувоиларми? – деди.
— Йүқ, улуг мұбад, арапаш. Үzlари бизни сардорликка раво күріпти.

— Нечук, баҳодир әрлар оздурми?

Жиккаккина, хипча белига қилич таққан, камари белини янада хипча қилиб юборган, қалин қош, аммо қозлари офтобда қорайған, жилмайиб гапирадиган қыз бир одим олдинга чиқиб таъзим қылди-да:

— Улуг мұбад, одобсизлигимиз учун кечиргайсиз. Менниңг-ку қиличбозликка үнчалик үқувим йүқ, – деди.

Кулча юз, бодом қовоқ, бүй-басти әрқакларга ўхшаб кетадиган қыз гапга аралашды:

— Нозима нозик ниҳолу, аммо камон отишни қияди, узукнинг күзини ҳам нишонга ололади.

Учинчи қыз ўзини тутиб турар, қовоқлари солиқ. Афт-ангоро баджағл эканлигидан дарап беріб турарди. Гапни яна Нозима илиб кетди:

— Үргорым лоф қиляптилар. Үчаламыз кече баҳсшашып, душман овига чиққандик, сизнинг олдингизга қуруқ келмаслық учун. Мен бор-йүғи иккита ёвни ярадор қилиб, йиқиб, асир олдим. Наргизахон билан Ойхуморхон беш босқинчини қиличбозлик билан асир олдилар.

— Бизга писиб хавф солаёттганини Нозима камондан ер тишлигатиб турмаганларида асир олиш йўл бўлсин зди. Шундан кейин одамларимиз учга – камончилар, сипоҳлар ва навкарларга бўлинниб, ҳар биримизни ўзларига сардор этишиди, бор гап шу. Сизга қўшилиб жангга кирсак, бошимиз осмонга етур зди, – деди қўлларини қўксига қўйиб Жумагул.

— Чарчагансизлар, энди бориб дам олингизлар, тамадди қилинглар. Эртага яна жангта киурумиз.

Зум ўтмай соқчи кирди:

— Ташқарида бир сипоҳ, мен Ҳошим ибн Ҳакимнинг инисимен, деб ижозат сўраб турардир. Не деб жавоб айтай?

— Айтинг, кирсин.

Фурсат ўтмай, бўсағада Қабзам кўринди. Башантгина кийиниб олган бу йигит Ҳошим ибн Ҳакимни қучиб олди.

– Иним, сен зл-юртимиз одатига ҳурматсизлик қылдинг. Улут оловга ҳурмат келтирмай, мени уялтирудинг.

– Сизнинг истиқболингиз бошимни айлантирибди, кечиргайсиз, – деб йигит олов олдига бориб тавба қилди, расм-русмини бажо келтириб, яна акасининг олдига такаллуфсиз бориб, чап ёнидан жой олди. Зардуҳ билан Самар ижирғаниб қўйди. Муқанна ҳовлиқма укаси туфайли қизариб кетди.

– Биродарларим билан сўрашишни наҳотки унугтган бўлсанг, иним?

– Оға, улут бек турганда, фуқароси билан сўрашиб бўлурми? Хоннинг ижозати бирла сўрашилур.

– Авваламбор, мен бекликка меҳр қўйиб эмас, злдошларимни интиқомга бошламакладурмен. Юртимизни озод кўриш учунгина бош бўлдим. Бу сўзларинг кибрдан дарак берур, иним.

– Мен бир дўстим бирла келдим. Саркардалика арзийдур.

– Саркардалар ўзлари бирлан йигитларини ҳам олиб кела-дурлар. Бизга саркардалардан кўра оддий жангчилар керакдур. Эртанги жангда садоқатларингизни намойиш қилурсизлар деган умиддамен. Бугун дам олинглар. Бизнинг машварат бор, иним, – деб уларни чиқариб юборди. Кейин атрофдагиларга қараб: – Кечиргайсизлар, тангрининг саховати кўп. Қабзам ёшлигидан сал ҳовлиқмароқ эрди. Ўшандай қолибди. Нима демоқчи эдим-а, – деб бир оз сукут сақлаб, – ҳа, ёдимга тушди, эртанги жангта эҳтиёт бўлинглар. Бу кеча ҳам ҳушёр бўлмоқ, соқчиларни кўпайтиromoқ мақсадга мувофиқдир. Мен еттинчи фалакдан ҳам ёрдам сўрармен. Улар илтижомни албат инобат этадилар. Душман бугунги жангдан аламзада бўлди. Номардлар ишини қўллаб, кечаси бизга фириб бериб доғда қолдиришмаслиги учун ҳам еттинчи фалакдаги яқинлардан мадад сўрашга жазм қилдим, аслида бу мен учун тақиқланган бўлса-да.

– Бу урушда енгилаётганиларнинг ҳамишаги одати, – деди Зардуҳ. – Ҳар қалай, атрофимизни қўриқлашга ишончли кишиларни қўйиши керак. Еттинчи фалакдагилар тинчини бузишга уччалик ҳам ҳожат йўқ, чамамда. Унинг устига кўпчиликни ҳали ҳам яхши билмайдилар. Яна ваҳмга тушиб қолмасин оломон.

– Унда сиз соқчиликка кимни раво кўурсиз? – деди қўмон-дон Зардуҳга қараб.

– Менга қолса бу ишни Самарнинг йигитлари уddyалайдур.

– Гапингиз тўғри, аммо Самарнинг йигитлари ғоят ҳориган. Жанггоҳнинг оғир жойларида жанг қилди. Яхшиси, янги келган

саркардаларнинг ҳар қайсисидан йигирматадан йигит олиб, Қабзам қўриқласин.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ўртага жимлик чўкди. Жамҳур жимликни бузди.

– Кечиргайсиз, оға. Тўғри, сиз унга жазо сифатида бу ишни юкламоқдадурсиз, аммо тўғри келмайди. Хўп десангизлар, мени ёки бугунги мерган қиз Нозимани тайинлангизлар.

Ўтирганлар орасида жонланиш пайдо бўлди.

– Бўпти, унда Нозимани тайинлайдурмиз.

Уларнинг суҳбатини яна Абдуллоҳ ибн Амр бузди:

– Маъзур тутгайсизлар, юзга яқин навкар сизни кўришга муштоқ.

– Не сабабдин, қайси қишлоқдин экан?

– Аҳмад Маъдий йигитлари эдик, қочиб келдик, зарур гапимиз бор, дейди.

– Айтинг, сарҳангি кирсин.

– Сўрадим, ҳаммаси оддий навкарлар экан.

– Унда энг кексаси кирсин.

Абдуллоҳ ибн Амр, соч-соқолига оқ тушган, аммо ҳали қадди букилмаган чолни бошлаб кирди. Чол кириб оловга топиндида, қўмондонга юзланди.

– Улуғ Оташ – Қуёшнинг ердаги пири Мўъбади оға Ҳошим ибн Ҳаким, биз будинларнинг гуноҳидан ўтинг. Биз яратганинг эл-юрт олдидаги гуноҳимизни ювмоқ истагинда келдик. Аҳмад Маъдий қолган-қутган лашкари билан Марв томон отлангусидир.

Ўтирганларнинг чеҳраси очилиб кетди. Кўзларида ғалаба қувончининг ёшлиари пайдо бўлди. Ўринларидан туришиб, бир-бирларини қутладилар. Ўртадаги оловга сажда қилдилар.

– Дунёда ягона: истаса меҳр-саҳоват, омад-баҳт, одамлар яшаши учун сахий ҳароратидан бериб турувчи таңгри, сенга минг қатла шукрким, бизнинг ҳақлигимизни намоён қилдинг, – дейишиб жойларига ўтиредилар.

Ҳошим ибн Ҳаким ҳаяжонда эди, у бу ғалабанинг зрта-индин бутун воҳага тарқалишига, авом ишончини қозонишига, одамларнинг келиб қўшилишига амин эди.

– Абдуллоҳ ибн Амр оға, Наҳшабни улуғ Оташ – Қуёшимиз бизнинг ихтиёrimизга берганини лашкарга етказгайсиз. Бу қувончимизни зрта тоғда шаҳарда ўйин-кулгу бирла ишонла-

шимиизни маълум қилгайсиз, – деб чиқариб юборди, сўнг ўтирганларга маслаҳат солди: – Наҳшаб шаҳри бизнинг истиқболимизга ташнадур. Энди шаҳарга ҳоким тайинламоқ лозим эрур, – деб Зардуҳга қаради.

Зардуҳ бесўнақай кафтини тиззасига қўйиб:

– Агар сизларга маъқул тушса... – деб гап бошлиётган эди, Қабзам кириб келди.

– Ростми, Наҳшаб бизга дарвозаларини очибдурми? – сўради у.

– Ҳа, шаҳарликлар бизни очиқ чеҳра билан кутмоқда, – гапини давом эттириди Зардуҳ. – Бу лавозимга Жамҳур жуда лойиқдур.

VII

Наҳшаб Ҳошим иби Ҳаким лашкарига келиб қўшилаётган одамлар билан гавжум бўлиб кетди. Ҳамма байрам либоси, оқ ҳарир кийимда.

Кўчалар, майдонлар қўшинга тўлиб кетган. Дошқозонларда ҳар хил таомлар... Ҳошим иби Ҳаким Наҳшаб қўрғонининг энг баланд қуббасига ярмигача ёруғлик тарқатувчи кукун билан тўлғазилган юмалоқ шиша идиш ўрнаттириди. Шом қоронғуси тушиши билан у алангаланиб, гулхандек атрофга ёғду соча бошлади. Бу мўъжизани кўрган оломон, Муқанна қудратига ром бўлиб, унга бўлган эътиқоди янада ортарди. Наҳшабдан ўттиз чақирим йироқдаги йўловчи ҳам бу мўъжизани бемалол кўра оларди. Одамлар, йўловчилар уни Моҳи Наҳшаб¹ деб атай бошладилар. Моҳи Наҳшаб кечалари атрофни ёритиб турарди. Моҳи Наҳшабнинг овозаси оламни тутди. Кўриш истагида узоқ-яқинлардан ҳам одамлар кела бошлади. Аммо Моҳи Наҳшаб сирлигича ғойиб бўлди.

Лашкар сони қирқ мингта бориб қолган. Ҳошим иби Ҳаким режалар тузиш, юриш тараддуллари билан банд бўлиб, Зардуҳ билан кўп кўришолмасди, аммо ундан маслаҳатсиз иш ҳам кўрмас эди.

Зардуҳ йигитлари билан ҳали ҳам шаҳар чеккасида турарди. У йигитлари билан дарё бўйидаги чакалакзорда ов қилиб юрганда, йигитларининг:

¹ Наҳшаб ойи.

– ...Олдини кесиб чиқ!

– Ўраб олинглар, аббосийлар ҳуфияларини, – деган овозларини эшитди. Овоз келаётган томонга Зардуҳ Самар билан от қўйди. Етиб боргандай йигитлари оғтинафартурисларга ўшилаб кийинган ҳуфияни ушлаб, алақачон қўл-оёғини боғлашган эди.

Зардуҳга Ҳошим ибн Ҳаким билан бирга келган араб сипоҳи Рустамхўжа яқинроқ борди.

– Кечиргайсиз, сардор. Булардан иккисини мен яхши билурмен. Ана у бир-бирига суюниб турган иккиси Марвда хуфиялик қилурди. Абдуллоҳ ибн Амр жанобларига ҳам бир марта панд берган. Ўшандан сўнг бу иккисидин ҳам ҳушёр бўлиб юришимизни, Қуръон оятларига содиқ бўлиб кўринишимишни айтгандар.

– Абдуллоҳ ибн Амрга қандай панд берган? – қизиқсиниб сўради у.

– Бор-йўги бир марта сархуш бўлиб Марв ҳокимини асқия қилганлари учун йигирма дарра жазо олганлар.

– Икки марта ҳоким ҳақида асқия айтсалар, нариги дунёга жўнатишарканда-а Жуда яхши, сўроқ қилишдан қутулдик. Олтавини ҳам Абдуллоҳ ибн Амрнинг ихтиёрига топширинглар.

Асиirlарнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Чунки Абдуллоҳ раҳм қилмасди. Ҳаммаси тўрт букилиб Зардуҳга ёлвориша бошлади:

– Улуғ сардор, қанча сўроғинг бўлса, ўзинг сўроқла. Унга юборма. Ўлдирсанг-да, ўзинг ўлдир. Розилик берсангиз, ҳаммани олдида бор гапни айтurmиз.

Зардуҳ қароқчилик қонуниятига кўра сўраса, ҳозир ҳамманинг олдида, черик қонунига биноан сўроқ қилса, бир ўзи ёки яқин одами билан сўроқ қилиши керак эди. Шунда Самар сўз олди:

– Дўйстлар, черик қонуни билан сўроқ қилмоқ зарурдир. Бу дегани сизларга ишончсизлик эмас, биродарларим. Уларни Зардуҳнинг ўзи сўроқ қилсин, биз холи турайлик.

Асиirlар ва Зардуҳнинг ўзи қолди. Зардуҳ уларга қараб:

– Хўш, не мақсадда бу ерларда юрибсенлар? – деди.

Хуфиялар бошлиги сўз олди:

– Бизнинг вазифамиз сизга аён, қўлга тушмасак, мукофот олурмиз, қўлга тушсак, бир сирни айтиб бошимизни омон сақ-

ламоққа мажбурмиз. Бу ота-боболаримиздан меросдур. Мана күлгө түшдик. Омонлик берсанғыз, ҳамма сирни ошкор этурмиз. Йүкса, гүримизга бирга олиб кетурмиз.

– Хүп, сизларга омонлик бердим, ошкор этинг.

– Бизга мана буни, – қўйнидан буқлоғлик қофоз олиб, Зардуҳга узатди. – Йўлбошчингизнинг укаси Қабзамга топширишни буюришган.

– Нечун фақат Қабзамга. Бунда не сир?

– Биз номада нима ёзилғонидин бехабармиз-у, аммо Қабзам бизнинг динимизни қабул қилғонидин хабаримиз бор.

– Ёраб, нечун мен бу сиёсат майдонига қоришиб қолдим. Номани ўқи-чи, нималар битилган эркан?

Зардуҳ кўлидаги хатни унга тутқазди.

– Ўқи.

Хуфиялар каттаси таъзим қилиб, хатни бидирлаб ўқий бошлиди:

«...Қабзам, сизни бизнинг олий машварат *Наҳшаб шаҳрига* ҳонлик қилишига рози бўлди. Энди қолгон иш ўзингизга боғлиқ. Коғирларнинг куни битиши аниқ. Эрта-индин халифаи олам қўшин юборади. Шунга қадар сиз ҳам курашиб турмогингиз керакдур. Илоҳим, сизга худойи таоло кўмак берсин».

– Йўқ, ишонмайдурмен, ўзларинг тўқиб чиқаргансенлар оғаниилар ўртасига ниғоқ солмоқ ниятинда.

– Унинг ўзи учрашув жойи белгилаган. Қуръон бирлан қасам ичурмен, – деди ҳуфия бошлиғи.

– Қаерга учрашувга келмоғи лозим эрди.

– Ҳудди шу чакалакзорга келмоғи керак эди. Якка тол олдида...

– Келмади-ку.

– У ҳам анойи эмасдур, бизни кўлга тушганимиздан хабар топган бўлса ҳам ажабмас, унинг ёнида кўз-қулоқ бўлиб юрувчи Сарҳамадек эҳтиёткор одам бор, олисдан ҳид биладур.

– Нима, иккаласи бирми?

– Ҳа. Жаброил бекорга Қабзамга Сарҳамани қўшиб жўнатмагандир. Сарҳама ўқ-ёй отишда тенгсиз. У дини исломга жонини тикадирган Бониёслик¹ лардантур. Шунинг учун ҳам ўта

¹ Б о н и ё с – Иордан дарёси бўйидаги шаҳар.

махфий ишлар унга ишониб топширилур. Отаси ҳам ҳалифа-ликнинг ишончли саркардаларидан бири бўлиб ўтган.

– Бу мушкулотни нима қилмоқ керак. Бу гап тарқагудек бўлса, бош кўтарган элнинг Муқаннага бўлган ишончи сўнади. Тилсимотлару «тангрининг ердаги одами» деган шов-шувлар, унга бўлган эл-юртнинг зътиқоди саробга айланади. Йўқ, буларни ўзимизда ҳозирча сақлаб турмоқ лозим кўринадур. Тилни тишлишдан ўзга чора йўқ.

VIII

Марв – Наҳшаб йўли устида чорвадор Толлимаржон қишлоғи. Одамлари камгап. Жуссалари пишиқ, бақувват. Яхши ниятли кишига уйларининг тўрини беради. Ривоятларга қарандан, бу ер саҳродағи энг гўзал жой бўлган. Қум кўчишлар, гармсеплар қизил тупроқли бу ерни четлаб ўтаркан. Ёзда олақаралар ташлаб кетган тарвуз уруғи униб, тарвуззор бўлган. Йўлдан чанқаб келган йўловчи чанқогини босиб ўтиб кетар экан. Кунлардан бир кун турк хоқонларидан бирорининг ўғли бўлмиш Толли одамларниң меҳр-шафқатсизлигидан, тилёғламачилигидан безор бўлиб, уйидан, мол-мулкидан безиб, ҳатто тахт меросхўрлигига ҳам қўл силтаб, саҳрого тарки дунё қилибди. Ўлар ҳолатда саҳро ўртасидаги бир парча яшил тўшакдек ерга келиб, ҳолсизликдан бир тарвузнинг устига йиқилибди. Тарвуз ёрилиб хушбўй ҳидли қизғиш сув сизиб чиқибди. Қовжираган пабларига тегиб, унга жон киргизибди. Уни ёриб еб, тетикланиб кетган йигит саксовул шоҳ-шаббаларидан чайла қуриб яшай бошлабди. Кунлар тобора исиб, тарвуз танобчалари қурий бошлабди. Фақатгина янтоқлар салқинида ўсаётганларигина қолибди. Буни кўриб Толли тарвуз уруғларини янтоқ биқининг эка бошлабди. Буни кўрган тангри унинг олдига ўз элчисини тушибиди.

– Ҳой инсон, не сабабдин танҳоликни ихтиёр қилдинг? Сенга берилган мол-дунё каммиди? Бунга сени нима мажбур этди?

– Одамлардаги оқибатсизлик, шафқатсизлик, бир-бирини алдашлик, тилёғламалик, – дебди Толли.

– Худодан нима тилагинг бор?

– Тангридин бирдан-бир тилагим ўша нарсалардин йироқ бўлиш.

- Яна? – деди злчи, – худодан уч нарса сўралади, эй инсон.
- Унда эрмак учун уч-тўртта қўй ва сув...
- Сўзлашмасдан юравериб, сўзлашувни унтиб юборрасан-ку. Унда қўйдан фарқинг қолмагай.

– Эй, оллоҳнинг элчиси, қизиқ экансан-ку, бир-бирининг қонини ичишга шай турган одамлар билан ваҳший ҳайвоннинг ҳеч қандай фарқи йўқ-ку. Ундан кўра қўйларга қўшилиб, бағри дилимни эзадиган гапларни тушунмай яшаганим яхши эмасми. Ҳалиям қулоғим остида жаранглаётган йиғи-сигитар, бақириқ-чақириқлар, кўз ўнгимда қиличлардан узилган бошлар, қотиб қолган инсон қонлари – ҳаммаси инсоннинг иши-ку булар. Булардан беҳуд бўлиб юргандин кўра, озод юрганга не етсин.

Тангрининг элчиси кўздан ғойиб бўлибди. Сал ўтмай ёнида бир булоқча шилдираб кўз очибди. Бир оздан сўнг оппоқ ҳарир қўйлак кийган, таёқ тутган бир қиз кичик сурувни ўтлатиб юрганимеш. Толли унинг олдига бориб:

– Салом, сен кимсан, нега келдинг, мен тангридан сени сўрамагандим-ку, – дебди.

– Салом, меҳрли Толли. Мен Маржонмен, худодан сени сўраб юргандим.

Шу-шу бу жой Толли – Маржон деб аталармиш...

Толли – Маржоннинг атрофида сон-саноқсиз чодирлар тикилган. Кун исиб, ернинг намини аёвсиз буғлатиб турибди. Қўшин ўзини чодирларга, отларнинг соясига олган. Жаброилнинг чодир олдидаги турган соқчилари ўзларини қўярга жой топлайди. Ичкарида қат-қат гул пахтали кўрпачада, ёстиққа ёнбошлаган Жаброил, унинг ўнг ва сўл ёнида мулозимлари. Унга яқинроқ ўтирган Аҳмад Маъдийнинг ҳориқҷан, иссиқ элитган қисиқ қўзлари пойгаҳда ўтирган Қабзамга тикилган. Аҳмад Маъдий деди:

– Сенинг қилган хизматингга ҳалифаи жаҳон ўзинг танлаган юртнинг хоқонлигига ёрлиқ бермоқларини билдирибдишлар. Ҳалифаи жаҳон жаноби олийларининг бу эҳтиромлари учун сиз янада кўпроқ ишлар қилмоғингиз лозимидур.

– Мен онт ичиб айтадурменки, – деди бунга жавобан Қабзам, – ҳалифаи жаҳоннинг бу саҳоватлари учун ҳар қандай фармони олийни адо этурмен. Адашган оғам Ҳакимни, иним Жумҳурни банди қилиб Бағдодга жўнатурмен.

– Баракалло, офарин, эр йигитнинг қолаверса, худонинг ҳоҳишини бажарган бўлурсен, – деб Жаброил ўрнидан туриб сандиқни очди-да, бир ҳамён тиллони унинг олдига ташлади. – Аямасдан харжла, йигитларнинг кўнглини совутма. Атрофингда содик йигитларни кўпайтириш.

– Агар Зардуҳ деган қароқчини бир ёқлик қилсан, қолғон ишлар осон кечгай. Сизлардан борғон хат унинг қулига тушмиш. Асиrlарни-ку қўргонга топширди. Уларга ўзим кўз-кулоқ. Аммо хатнинг ошкор бўлмоғидин ҳадикдамен.

– Ҳадик ема, бўтам, сенга оллоҳнинг ўзи мададкор бўлгай.

– Нима қилмоққа бошим қотиб, ов баҳонасида, сиз олий зотдан мадад сўраб келгандим, мен билан бирга келган одамлар ишонарлидур, – деди суворийларга тез-тез қараётган Аҳмад Маъдийнинг ҳадигини сезиб. – Буларни Сарҳама билан иккимиз топганимиз.

– Унда жуда соз, – деди Жаброил. – Маъдий жанобларининг йигитларидан бир қисмини сизга қўшиб жўнатурмиз. Сизга ҳамкор бўлгай. Қароқчи Зардуҳга келсак, бир режамиз бордур.

– Қандай режа экан? – тоқатсизланиб сўради Қабзам.

– Бу юмушни адо этсангиз, йўлингиздаги ғовдин фориғ ўлғайсиз. – Қабзамнинг тоқати тоқ бўлиб. Жаброилнинг оғзига тикилиб қолган. Жаброил бўлса шошмасдан айрон симириб, сўзларди: – Сен бундай қилурсан, ярим тунда сайисхонадаги отларни Зардуҳнинг тоғдаги маконига яқин ҳайдаб бориб, орқага қайтадиган йўлга итларни бойлаб қайтарсизлар. Келиб Ҳакимга сайисхонадаги отларни Зардуҳ йигитлари билан олиб кетганини, одамларнинг кўрганини, Зардуҳнинг бизлар билан алоқа боғлаётганини айтурсан. Хатга келганда унда имзомиз битилмаган. Ундан бехавотир бўлгайдурсен.

Қабзамнинг тунд чеҳраси ёришиб, чошгоҳ намозини бирга ўқиб, Наҳшаб томон йўл олди.

IX

Наҳшаб қўргони бошига кўтариб шовқин қилаётган ҳалойиқ билан тирбанд.

– Бу фитнадур. Зардуҳ ва унинг шериклари пок. Пок. Пок... – деб қичқиришарди.

– Отларни уларнинг қароргоҳидан топиб келибдурлар. Қароқчини деб бунча жон-жаҳд билан бақирмасаларинг, – дерди Қабзамнинг одамлари.

– Кўзларинг билан кўрмасдан гапирмаларинг ёки кўрдинг-ларму?

– Ҳайдаб келишганини кўрдик-ку. Сенлар ўша қароқчи-ларингга шерикка ўхшайсенлар.

– Ҳай, оғзингга қараб гапир, оға, қиличим қонсираб туриб-ди-я.

Оломоннинг алангаланаётган ғазабини кўрган бош қўмон-дон ўрнидан туриб қўлларини кўтарди. *Fala-fovur* тиниб, унинг ниқобли юзига тикилишди.

– Эй менинг элдошларим, азиз дўстларим, ота-боболаримиздан мерос тупроғимиз озодлиги учун отланган сингиллар, опалар, қулоқ солгайсизлар! – оломон тинчланди. У сўзида давом этди. – Менинг ҳам ишонгим келмайдур, аммо начора. Отлар Зардуҳнинг қароргоҳидин топилди. У менинг ҳам дўстимдур. Даشت файзиободликлар, мен ҳам уни сизчалик яхши қўрурмен, лекин у сизу бизнинг отларимизни ўғирлаб яширди-ку.

– Эй улуғ сардор, Зардуҳни яхши билурмиз. Ул эл-юртга хиёнат қилмайдур. Қолаверса, сизнинг шу мартабангизда ҳам у ва унинг йигитларининг улуши бордир.

Лаблари пирпираб, ғазабдан ўзини аранг тийиб турган бир чол Муқаннага яқинроқ борди. Босиқлик билан:

– Фалабангнинг ярмини унинг йигитлари қўлга киритди. Нечун бунга ишонмай, иғволарга ишонурсен. Уларни ҳозироқ озод қилурсен деб ўйлаймиз. Йўқса, даشت файзиободликлар мардларининг майдонга чиқмасликдан бошқа иложи қолмайдур.

Оломоннинг бақириқ-чақириқлари майдонни тутди.

– Биз Зардуҳ ва унинг йигитлари учун ҳар қандай жангга тайёрмиз...

– Мард Гулойин, бошла. Яланғоч қиличларимиз фитна-корлар қонига ташнадур.

Қуёш нурида ялтираган тиғлар ҳавода ўйнай бошлади. Ҳаким ўзаро қон тўкилишидан чўчиб, жон-жаҳди билан ҳайқирди:

– Тўхтанглар! Тупроқ озодлиги учун қўлига қурол олганлар, тўхтанглар! – Халойиқ бир оз жимиб унга қулоқ тутди. – Зардуҳ ва унинг йигитлари бандиликдан бўшатилгай. Фақат халқига ва ўз озодлиги, урф-одати, элатимизнинг бирлиги ва

тили учун бош күттарғанларга халақит бермасликка оңт ичиш шарти билан, – деб ёнидаги құрчибошига юзланды. – Зардух ва йигитларини бүшатинг, унта шуны айтингким, халойиқ қошида оңт ичсин, агар үғриликда құли бўлмаса, келадур, гуноҳи бўлса, келмайдур, – деди баланд овоз билан.

Қўрчибошини Жамҳур тўхтатди. Оғаси бош қўмондонга қараб:

– Мени кечиргайсиз, оға, ундеқ марднинг олдига соқчибоши юбориб ҳақорат қилмоқ, менимча, яхши эмасдур. Агар рухсат берсангиз, номингиздан оғам Қабзам билан бориб, узр сўраб, айб биздан ўтганини билдириб, ярашмоқ мақсадга яқинроқдур.

Бир четда хўмрайиб турган Қабзам укасига истеҳзоли кулди:

– Нечун бундоқ олижаноб ўй келиб қолди бошингга, азиз жигаргўшам?

Жамҳур катта акасининг ҳам худди шу савол назари билан боқиб турганини кўриб:

– Оға, эл бу ишни фитна демакдадур. Элдошларимиз бирор нарсани сезмасдан бир гап чиқармаедурлар. Унинг устига майдондаги қўпгина одамлар ҳам Зардух томонида туришибдур, – деди.

– Сўзларингда маъно серобдур. Сен айтганча, менинг иомимдин узр сўраб, уларни озод этинглар.

Бош қўмондон ва унинг ёнидаги саркардалар ўринларидан туриб, Зардух ва йигитлари қамалган қўргон томон йўл олишди. Дарғазаб халойиқнинг кўнглини Жамҳурнинг сўзлари бир оз юмшатган эди. Сув билан тўла айланма хандақ ёнида оломон тўхтади. Жамҳур отдан тушиб қальянинг мустаҳкам дарвозасини очди. Ичкаридан ҳали қуролсизлантирилмаган Зардух ва йигитларнинг ҳорғин чеҳралари кўринди. Жамҳур югуриб бориб Зардухни қучди.

– Оғам қатори оғамсен, бизни кечир, – деди Жамҳур.

– Сени қайси гуноҳинг учун кечирай, иним? Бу ичимишга оралган қаллобнинг ишидур, – деб жавоб қилиди Зардух.

Шу тобда келиб қолган қўмондон:

– Дўстлик удумимизга хиёнат қилғонга ўхшаймен, бу хатолигни кечирарсен, деб билғаймен, – деди.

– Сен хатоға йўл қўймадинг. Бу ҳушёрлиғинг яхшидур. Аммо ҳушёр бўлғаймен, деб бундай хатоларга кўп дучор бўлмағил.

– Бундай гуноҳлар бўлмаслиги учун сен биз билан бирга бўлсанг, бизни ташлаб кетмасанг.

– Иложим йўқ. Ижозатинг бирла тағин қароргоҳимга қайтумен, – шу пайт от устида бир-бiri билан пичирлашиб турган Қабзам ва Сарҳамага кўзи тушди.

– Биламен, фитнакорлар сен билан ёнма-ён, ҳамтовоқдур. Уларни қийма-қийма қилмоқ учун далил-исбот керак. Ҳа, сенга жуда оғир. Начора... Шуни билким, мен хоин эмасмен, садоқатлимен, шул боисдан синглим Гулойин черигингда қолгай. Хайр. – Зардуҳ отига шаҳд билан миниб кетма-кет қамчи босди. Унинг ортидан Самар, Қалдирғоч ва бошқа йигит-қизлар ҳам от қўйди.

Жамҳур акасининг олдига ҳорғин бўйин эгиб келди.

– Ака, уни қайтариш керак эди.

– Энди иложи йўқ. Уларнинг ортидан бор. Даشتি Файзиобод қишлоқларига ўзлари эга бўлсин. Ҳар қалай сенга яқин тургани маъқулдир. Менинг номимдан ҳам узр сўра, ялиниб-ёлвор, уни Даشتি Файзиободда қолдиришга кўндир. Сени Наҳшаб ҳокимлигига ҳам улар кўрсатишган. Сени яхши кўришадур. От кўй орқаларидан, иним, от кўй. Уларга мен ҳам ишонаман, улар Ватаннинг, юрганинг асл ботирлари. Тезроқ отингга мин. Уларга ет, мендин ўтди. Уларни кўндирсанг, мен Наҳшабдин, сендин хавотирда бўлмагаймен.

X

Тонг. Оппоқ тонг ёришмоқда, қишлоқ кўчалари тинч. Даشتি Файзиобод қишлоғи атрофининг ҳар чақириимида уюлган тупроқ тепаликлари бор. Қишлоқнинг ўртасида ҳам шундай тепаликлардан бири жойлашган: тепасида унча катта бўлмаган гулханлар ловуллаб, атрофида икки-уч одам уймалашиб юрибди. Олдиларида катта ўтин ғарами. Тепаликларнинг сал яспанроқ жойларида қўрчиларнинг отлари қорайиб кўринади.

Тонгнинг ҳузурбахш ҳавоси. Атрофдан хўрозларнинг тонг отишидан дарак берувчи овози эшитилмоқда.

Зардуҳнинг Файзиобод ариғи лабидаги ҳовлиси одамлар билан гавжум. Йигитларнинг бир қисми Самар билан тоғдаги қароргоҳларига Зардуҳнинг розилиги билан кетишган, қолган қисми қишлоқ йигитлари билан қўшилиб, посбонлик қилгани

тепаликларга тарқалишган. Үн-үн беш йигит мәҳмонарни күтиш-кузатиши билан овора. Катта-катта дошқозонларда шүрва, палов тайёрланған. Қалдирғоч билан Юлдуз ҳарбий анжомларини ечиб, оқ ұарир либос ичида гүл-гүл очилиб келаёттган қиз-жувонларни кутиб олишмоқда. Бу ўйин-кулгулар кечаги ғала-ба шарафи эди.

Күролли сипоҳлар уч юз асирни Зардуң ҳовлисига яқын кенглилікка олиб келишди. Уларнинг баъзилари кекса, баъзилари ёш, лекин ҳаммалари ўлим кутаётгани билиниб турибди. Бир пайтлар кулги аримаган чөхралари айни вақтда тунд. Кўзлари ола-зарак, шафқат кутади: нажот излайди... Асиirlарни кенглилікка қатор қилиб сафлашди. Ҳамма йигилганлар майдонга томошага келишди. Камончи йигит-қизлар асиirlарни нишонга олиб, Пири Муғон ва Зардуңнинг фатвоси ва бўйругини кутишмоқда. Зардуң ҳамда Пири Муғон ҳам етиб келишди. Уларнинг етиб келишини кутиб тургандек, оппоқ соchlари тўзғиган, қадди букилиб, ҳасса таянган Зардуңнинг аммаси ўргага чиқди. Сардор аммасини ўргага чиқиб, камончилар қаршисига туриб олганини кўрди-ю, отдан тушиб кампирнинг олдига борди.

– Амма, нечун кўкрагингизни камон ўқларига тутиб турибсиз? Боиси недур?

– Уларни ўлдирма, қўйиб юбор.

– Сўзларингиз ажабтовур. Тушунмай қолдим, ахир сизнинг беш фарзандингизни, яъни менинг тоғаларимни ўлдирган, қишлоқларимизни ёндирган, кексалару ёшларни аямасдан чопган шулар-ку.

– Ҳа, шулар. Офат келтирган шулар. Аммо уларга сенинг шафқат қилмоғингни ўтина дурмен, болам.

– Булар бизга шафқат қилган змасдилар-ку, амма.

– Сен ҳам боламсан, аммангни оппоқ сочи ҳурмати, қўйиб юбор уларни. Беш боланинг доғида қоврилиб юрган аммангдан сўра айрилув балосини. Кўриб турибсан: белларим букилди, соchlарим оқарди, йиглайвериб кўзларимда ёш қолмади. Дунёда ҳеч бир онани айрилиқ балоси билан қийнамасин. Бир болани туғиб, ўстириб, кейин ундан айрилиб, уни кута-кута умрини ўтказаётгани аёллардан сўра? Кўз очиб юмгунча уларни арзимаган қилич ва камон ўқи нобуд қилур, аммо уларнинг йўлларига кўз тикиб турган оналарини бир умрга азоблайдурсен. Уларнинг гуноҳи оналиқми ё оталик. Уларни қўйиб юбор, юртларига қайтсисин. Шундай танти бир эл бор экан, уларга қилич кўтариб, минг бир пушаймон бўлдик, деб элдошларига айтсисин. Сенларни она-

лари бир умрга раҳматлаб ўтсин. Қўйиб юбор, болагинам, кутаётган оналарининг қучоғига қайтишсин. Тўғри, сизларнинг қалбларинг жароҳатли, булар жароҳатлаган. Уларни ғалабалар билан уннутурсиз. Бунинг учун ҳали кўп жанглар қилурсизлар.

Зардуҳ ва майдонга йиғилган ҳалойиқ миқ этмасдан қулоқ солиб туришар, гўё унинг сўзларидан сөхрлангандек қотиб қолишган. Она сўзида давом этди:

– Бу жанггоҳларда яна кимлардир умрини ҳазон қиладир. Ўртоқлари ёниб кул бўлаётган жасадлар ёнида кўз ёши ҳам тўкишар, бир-икки кун хотирлашар ҳам. Кейин ойда, сўнг йилда бир эслашар, аммо оналар ҳар куни эслаб, кўз ёшлари тугагунча, умрлари окиригача эслаб, йиғлаб ўтарлар. Сен қўйиб юборсанг, ютурсан. Улар қўлига қайта қурол олмагай. Қўйиб юбор, оналарнинг кўз ёшларига раҳм айла, болагинам. Ўлдирсанг, ўлдириб юбораверасан. Қўйиб юборсанг, босқинчи номи билан зилларни талаётганларни ўйга соласен, қалбларини тирнайсан, улар ҳам ахир тушунишар, – она шу сўзларни айтди-да, инқиллаб даврандан чиқиб кетди. Зардуҳ Пири Муғонга, «нима маслаҳат берурсиз», дегандек қаради.

Пири Муғон ўйланиб туриб:

– Кампир ҳақ кўринур, – деди.

Зардуҳ ўзига қараб турган нақарларга қараб:

– Қўлларини бўшатиб, қоринларини тўйғазиб қўйиб юборинглар. Уларга умр ато этдик. Яна қилич ўқталиб келгудек бўлсалар, ўзларидан кўришсин...

XI

Сом-санам¹ тоғи. Бу жойлар Кеш² шаҳридан отда бир кунлик йўл. Таşқи ва ички кўргоннинг атрофи бир оз яланглик, сўнг яна баланд тоғ тизмалари... Атроф дараҳтзор. Арчалар қишин-ёзин ям-яшил либосини ечмайди. Олма, бодом, ўрик ва узумзорларнинг ниҳояси йўқ. Оқдарё қўргоннинг биқинидан ўтади. Унга қўшилиб оқишига иштиёқманд булоқлар ҳисобсиз. Ривоят қиладиларким, Санам тоғидаги булоқлар сувида ювениб таътил қилган кишига пари учармиш. Унга дуч келган киши

¹ Ҳалқ афсоналаридаги гўзал парилар макони.

² Шаҳрисабз шаҳри.

сўнг ҳеч ўлмас эмиш. Ёзинг саратонида ҳам бу жойларда ба-ҳор нафаси уфуриб, қушлар сайраб, гуллар очилиб жаннатдай бўлиб туради. Кеш билан Ҳисор оралиғидаги йўлдан бош қўмон-дон – Мўъбадни зиёрат қилмоқ учун келаётган одамларнинг сонсаноги йўқ. Ҳар чақиримда дўппайиб турган қоялар устида ўтин фарами ва отлиқ қўрчилар. Бу қўрчилар ўз вақтида алоқачи ро-лини ҳам ўташади... Ҳисор атрофида ҳал-ҳудудсиз чодирлар, чайла уйлар қурилган. Ҳар жойда кичик-кичик оташхоналар. Дошқозонларда ҳар хил таомлар биқиллаб қайнаб турибди. Ҳарсангтошлардан қилинган устахонада темирчиларнинг қўллари-қўлларига тегмай қилич-қалқон, совутлар тайёрлашмоқда. Таш-қи қўргонга яқин жойда қизлар лашкари айтишув қилиб ўтиришибди. Қизларнинг илтифоти билан Гулойин уларга бош. Сардорларнинг ҳаммаси ҳозир ички қўргонда машварат учун тўпла-нишган. Муқанна қўргоннинг тўридаги қора парда орқасида чордана қуриб ўтиради. Ҳамма тўпланиб бўлгач, йиғин очилди.

– Элимизнинг улуғ, ботир сардорлари, хабарингиз бўлғай-ким, бизнинг содиқ иттифоқчи дўстимиз Наршах¹ қишлоғининг мард оқсоқоли бўлмиш Бофий қизи Заргулжонни мардлар жангида енголмайин, ҳийла билан уни ўлдирибдилар. У қотил босқинчи халифа Маҳдий салтанатида бешафқатлиги билан обру ортирган Жаброил ибн Яҳёдир. У дўстимизнинг хонни, ундан Заргулжон ва лашкарининг хунини олмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарзтур. Черик йиғининга йиғишдан мақсад ҳам сизнинг фик-рингизни англамоқликдур.

Боши кичик, юзлари чўзиқ, елкаси кенг, қоп-қора соқоли ўзи-га муносиб Кулартегин² ўрнидан турди.

– Улуғ сардор ва пири Мўъбадимиз, нурафшон ҳирадингиз³ ҳамиша нур сочиб туришини улуғ оловларимизга абадият қилиб, ер юзини оғатлардин соқит қилиб турғон тангридин сизга умр тилаб, шуни маълум қилурменким, менинг сувори йигитларим ул жаллодга қарши жанг қилгани борурлар.

Сўнг Гулойин ижозат сўраб сўз олди.

– Мен ул ботир аёл Заргулжонни кўрмаганмен. Аммо унинг жанггоҳдаги таърифини эшишиб, меҳрим ошиб, ғойибона уни ту-

¹ Букородаги қишлоғининг номи.

² Туркийлардан лашкар йигиб Муқаннага қўшилган саркарда.

³ Адл.

ғишиганим, деб юрурдим. Ижозат этсангиз, улут сардор, менинг жангчи қызларим ҳозироқ туғишиганим хуни, унинг лашкарининг хуни учун Наршах қишлоғига жүнардик.

Парда ортидан сардорнинг юмшоқ овози янгради.

– Гулойин! Сизнинг лашкарингиз ташқи қўргон қўриқчилариур, буни унутмангиз. Кулартегин, сиз Гирдак Наҳшабга Заргулжон ва бегуноҳ нобуд бўлганлар хуни учун йўлга отланинглар. Толлимаржонда босқинчилар катта қўшинни Наҳшабни олишда Аҳмад Маъдийга кўмаклашмоқ учун қолдириб кетгани ҳам бугун аён бўлди. Боягина чопар келган эди... Зардуҳ йигитлари билан қаёққадир овга кетган эмиш. Уни топа олишмабди. Наҳшаб хавф остида. Сарҳама билан Нозима, сизлар ҳам жангчиларингиз бирлан Наҳшабга ясов торгингиз. Вазият оғир, эҳтиёт бўлинглар. Қуёш ёр бўлғай, иниларим. – Ҳошим ибн Ҳаким ўттиздан ошган бўлса-да, катта-кичик ҳаммани «иниларим» деб атар, улар ҳам бу сўзга кўнишиб кетишган эди. Сардорлар бирин-кетин машваратдан чиқдилар.

XII

Зардуҳ тонг отарда беҳисоб ўлжа билан қишлоғига кириб келди. Қишлоқ уйғоқ, қайсицир уй ҳали аланталаниб ёнади, қайсицир уйнинг қолган-қутганлари тутайди. Тирик қолганларнинг фифони еру кўкни ларзага солади. Кўчаларда сонсиз жасадлар. Оташхонадан асар ҳам қолмаган, ёниб кул бўлган, пахса деворлар текислаб юборилган. Қишлоқ четида мункайиб, ҳассасига суюнганча йиғлаб турган чолнинг ёнига келиб отдан сакраб тушди.

– Отахон, не бўлди? Нечук бунчалик беҳисоб дорлар, эгасиз ётган жасадлар...

Чол кўз ўшларини яктаги зтагига артиб:

– Жаллод Аҳмад Маъдий Наҳшабни олиб, асиirlарни қишлоқга келтириб осди, бош кўтарганларни аёвсиз чопди, – деб яна ҳўнграб йиғлаб юборди. – Одам боласи ҳам шунчалик ваҳший бўладими, эй Тантри. Наҳотки унга умр бериб, меҳр-шафқат берипни унуган бўлсанг, қайдасан, жавоб бер. Беш кунлик берган умрингни тинч ўтказдиришга наҳотки қодир эмассан, эй Тантри.

Зардуҳ отига миниб, уйи томон шошилди. Уйи ёниб кул бўлган, деворларигина сўппайиб турарди. Атрофда дор, дараҳтларнинг ҳар бир шохи дorgia айланиб, худбин бир манзара кашф

этган эди. Яқын ўртада тирик жон кўринмайди. Ёнгинасида қаққайиб турган дорга қаради. Жамҳур бутун бадани тилинган, унинг фақат очиқ қолган аламзада кўзлари, асабий мушт бўлиб тугилган қўли, соғ қолган бодом қовоғидан таниди. Сал нарида узун соchlарини тонг шабадаси эркалаётган Қалдирғочнинг жонсиз жасади тебраниб турарди, унинг ёнидаги дорларда Зардуҳнинг ота-онаси, қавмлари ва йигитларининг жасадлари осилиб турарди. Зардуҳнинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди, аммо йиғлолмади. Йигитлари билан отлардан тушиб, қолган-қутган ўтиналардан тўплашиб, дорлардаги, ердаги жонсиз жасадларни ўтин устига келтириб бўлишгач, ўт қўйиб юборишидди. Аммаси айтгандек, ёниб кул бўлган ёру биродарлари қаршисида соатлаб сукут сақлашди.

Интиқом учун, хун олмоқ учун отларига асабий минишди. Шу пайт ёш бир ёғий сипоҳи от чоптириб келиб, сакраб тушди-да, Зардуҳга таъзим бажо келтириди:

– Оқибатли сардор, мен сиз умр ато қилган одамман. Сардоримиз сизни яқинлашиб келаётган хатардан огоҳ қилгали юборди. Аҳмад Маъдийнинг қишлоқда қолдирган ҳуфиялари сизни қишлоқда эканингиздан хабар беришибди. Тезроқ кетаркансиз.

– Сенга раҳмат. Сардорингга ҳам. Аммо биз ҳеч қаёққа кетмаймиз, уларни жанг билан кутиб, қавмларимизнинг хунига хун олиш истагида қалбимиз ёнур.

– Ахир сизнинг лашкарингиз бор-йўғи икки юзтacha. Аҳмад Маъдий минг нафар суворини отлантирган зимиш. Вақт ғанимата Санаидаги қароргоҳга кетинг. Маъдий эрта-индин Наҳшаб атроғидаги қишлоқларга ҳам юриш қилиб, қўзғолончиларга қўшилиб кетгандарнинг бола-чақасию яқинларининг ҳаммасини дорга осмоқчи, ундан кўра тезроқ мадад кучи олиб келиб, уларни дор азобидан қутқаринг, оға.

– Майли, сиз бораверинг. Бу ишларни ўзимиз ўйлаб кўриб, бир чорасини топурмиз.

Суворини жўнатиб юбориб Самарга юзланди.

– Қандай тадбир кўрсак экан, а? Бошим қотди-ку, дўстим.

– Қовчин, Сарой, Бўритепа, Чармгар қишлоқларига одам юбориб, Маъдийнинг ниятини билдириб, уларни жангга чорламоқ лозимга ўхшайдур.

– Гапингиз тўғри, зудлик билан чопар юборинг. Улар етиб келгунча биз душман билан яккама-якка жанг қилиб турurmiz.

- Улуг сардор, пири Мўъбадимиз қароргоҳига-чи?
- Уларга Жамҳурнинг омон қолган йигитлари бу машъум воқеани етказган бўлса ажаб эмас, етқизмағон бўлса ҳам майли. Чопар борган қишлоқлардан келишса бўлгани, азиз дўстим.

Самар чопарларга номалар битиб жўнатиб бўлгач, Зардуҳ йигитлари билан Нуқравом биқинидаги ялангликка қараб жўнали. Қизил қонга бўялган байроқни қўшин бошида бир отлиқ кўтариб борарди. Ялангликка боришиб чодирларни кўндиришаётганда шаҳардан мўри малаҳдек чиқиб келаётган душманга тикилиб қолган жангчиларга қаради. Уларда ўзгариш сезмагач, қалби енгил тортиб:

- Қарчиғай йигитларим, ваҳимага тушмаяпсизларми? Мабодо юракларингизга ваҳм тушса, ҳали фурсат бор, айтинглар. Яъни бошимга Тоғшода¹ онасининг кунини солманлар.

– Шул пайтгача номардлик қилмаганимиз, ундан бевафоликни фақат қадру ғазаб бирлан эслайдурмиз, сардор, – деди Самар қопқора соқолини бармоқлари билан тараб. – Бошимга бир фикр келди. Рухсат этсангиз, айтардим.

- Айтинг, Самар.

– Ҳозир улар қамишзорга киришади. Ҳаммаси киришгач, атрофидан ёндириб юборсак, бир йўла осонгина енгган бўлурдик.

- Бу номарднинг иши эмасмикин?

– Босқинчилар неча мартараб фирибгарлик қилиб, ғолиб кепмоқдалар. Уларнинг иши номардлик бўлмаяптими?

– Улар ўз номи билан босқинчи. Биз юртимиз тинчлигини ўйлаб ўзга юртларга кўз олайтирмай келганимиз. Босқинчининг умри ҳеч қачон узоқ бўлмаган. Биз улар билан мардлик урушини қилурмиз.

Маъдий бошлиқ лашкар қамишзордан ўтиб, саф тортид. Халифа сардорлари Маъдий олдида озроқ фурсат ниманидир маслаҳатлашди-ю, тарқалишиб, Зардуҳнинг жангчилари турган жойни ўраб кела бошлади. Зардуҳнинг яккама-якка ботирлар жангига чақиришига қулоқ ҳам солмасдан қуюндеқ ўраб келишарди. Буни кўрган Зардуҳ жангчиларни олти тўдага бўлиб, олти жойда жанг қилишга фармон берди. Наршаҳ қишлоғининг ҳокимаси бўлган аёл айтганидек, Зардуҳ ва унинг йигитлари

¹ Бухоро ҳокимасини сардор ва жангчилар жанггоҳда танҳо қолдириб кетишган.

менинг ёнимда бўлганида босқинчиларни халифанинг саройигача қувиб бориб, қурол ушлаганига минг бор пушаймон еди-
рардим, деганича бор эди. Зардуҳ Аббосийларнинг таланган
ўлжаларини халифага олиб кетаётган карвони билан яккама-
якка жанг қилиб, йигирма ботирни жаҳаннамга бир ўзи жўнат-
ган. Қолғандари яккама-якка жанг қилишдан қўрқиб, кўплиги-
га ишониб жангта киргандада Зардуҳнинг эллик нафар йигити уч
юз душман жангчисини мағлубиятга учратгани халифагача бо-
риб етган эди. Ҳозир ҳам ўзларидан ўн баробар кўп душман
ичига қилич яланғочлаб от солди. Улар душман ичига кириш-
лари биланоқ доира ясаб жанг бошлишди. Маъдий суворилари
Зардуҳ йигитларини тумтарақай қочади, деб ўйлашди. Аммо
уларнинг от қўйиб, жангта кирганини кўрган душман анча шо-
шиб қолди. Қон ялаб ўрганган қиличлар бош танламас, ёшу
қари ҳаммасига баробар эди. Жанг борган сайин авжига чиқар,
бақириб-чақириб жон берәётган жангчиларнинг отдан йиқилиб
тушиши ачинарли эди. Зардуҳ йигитлари отда бир қўлда қилич,
бирида найза билан урушишга моҳир эди. Улар жангларда қал-
қон ушламайдилар. Найза билан қиличлар бехато фарчилаб,
душман кўксига қадалар, найздан қочганлар билан қиличи
ҳисоблашарди. Зардуҳ бошлиқ тўдани бир пайтлар ҳаёт ато қил-
ган Аббосийлар ўраб олди. Улар Зардуҳни олиб чиқиб кетишга
уринардилар.

Уч юз нафар аббосийлар навкари уларга яқин жойларда бўли-
шар, имкон борича билдирамасдан Зардуҳ йигитларини қутқа-
ришга ҳаракат қиласдилар. Жангчилар чарчаган бўлса-да, жанг
давом этарди. Зардуҳ йигитлари ҳам, ёв ҳам сийраклашиб қол-
ган. Шу пайт унча йироқ бўлмаган масофадан қийқириқ-бақи-
риқ, отлар туғининг дугури зпитилиб қолди. Душманни ваҳи-
ма босиб, қочишга тутинишди. Зардуҳ пешонасидан қуйилиб
келаётган томчиларни кафти билан сидириб ташлаб, от қўйиб,
қилич яланғочлаб келаётган Нозимани, ёрдамга етиб келган
қишлоқ йигит-қизларини кўрди. Зардуҳдан омонлик олган араб
сардор ва жангчилари қиличларини қининг солиб, индамай ту-
ришарди. Нозима Зардуҳ қаршиjisiga келиб отнинг жиловини
тортди.

– Салом, баҳодир оғам. Биз сизнинг ихтиёригизга келдик.

Қишлоқлардан келган жангчиларнинг сардорлари ҳам қиз-
нинг галини маъқуллашди. Зардуҳ ёнбоссан аббосий жангчила-
рига қараб:

– Сизлар бориб биродарларингизга шуни маълум қилинг: қуролларни қолдириб, изларига қайтишсин. Агар шундай қилиши са, омон қолишади. Сўнг Нозима ва унинг сардорларига юзланиб: – Сизлар кечгача шаҳарни қамал қилиб туринглар, – деди.

– Ўзингиз-чи, оға, – чарос кўзларини қадади Нозима.

– Бизлар ҳалок бўлганларнинг руҳи билан видолашурмиз.

Зардуҳнинг соғ ва яраланганд ўн беш нафарча йигити ҳам хомуш, отда мудраб ўтиришарди. Қишлоқлардан келган жангчилар Нозима билан бирга Наҳшаб томон от қўйишиди.

Зардуҳ йигитлари отлардан тушиб, жонсиз ётган дўстлари жасадларини майдоннинг бир четида қуруқ ўтиналар устига тўплашиб, охирги йўлга кузатишаётганда, Нозимадан чопар келди.

– Улуғ сардор, Наҳшаб таслим бўлди. Араб навкарлари ва суворилари Маъдий ҳамда ўз сардорларини боғлаб Нозима қўлига топшириди. Қандай жазо бўлур?

Зардуҳ ёнаётган дўстларидан кўзини узмасдан:

– Кўллари кесилиб, қўйиб юборилсин. Уларнинг эл-юрг ҳаловатини бузганликларини, хониликларини қўлсиз гавдасидан таниб юзларига туфлаб юришсин. Ўлдирсақ, осонгина қутулишур. Қуролларини ташлаган йигитларни қўйиб юришсин. От йўғига от беришсин.

– Улар юртимизни қон қақшатган-ку?

– Биздан омонлик сўраб чиқишдими, уларга омонлик бермоқ керак. Қачон кўргансан ёки эшитгансанким, юртимизда қуролсиз кишининг жазо олганини. Буни одатимиз талаб қилади, вассалом.

* * *

Санам тоғи санамларнинг ойдин чеҳрасидек. Ташқи ва ички қўргон атрофидаги дараҳтлар гуллари ҳар хил рангда жилола-нади. Ерларда ям-яшил майсалардан тўшак ёзилган. Ял-ял товланаётган қирмизи лолалар кўкатлар бетига қўнган қизил холга ўхшайди. Ўйин-кулги авжида. Масҳарабозлар, дорбозлар, чанқовузчи қизлар, курашчи полвоилар – ҳаммага таом тортилади. Анча йиллардан бери тўй-томушаларни қўмсаб қолган халойиқнинг чеҳрасида табассум ёнади.

Ташқи қўргон ўртасида улкан олов ёнмоқда. Унинг олдиға Пири Муғон ва Коҳин келди. Ички қўргонда Муқанна барзанги, бўйлари узун қорачадан келған қирра бурун бир душманни

бўйнига арқон солиб оташ худосининг ҳайкали қаршисида тиз чўктириди. Ҳамма томошалар тўхтади. Ҳалойиқ олов атрофига йифилди. Пири Муғон одамлар тинчишини кутиб турарди. Фалаговур тинди.

— Болаларим, улуғ сардоримиз Пири Мўъбадимизнинг уйланиш учун овга чиқиб келганидан ҳаммангиз воқифдурсизлар. Улуғ сардор урф-одатимизга кўра уйланмоққа қарор қилган. Овдан муносиб ўлжаси бирла қайтиб, уйланмоққа ўзлари учун йўл очдилар. Жаброилнинг суюкли ўғли ва сардори Аббосни банди қилиб келдилар. Банди этилган душманни ўтта куйдирсинми ёки бўғиб ўлдирисинми?

Кўзлари даҳшатдан ола-кула бўлиб кетган Аббос бориб Муқанна оёғига ўзини ташлади:

— Улуғ... улуғ сардор, ёш бошимга раҳм қилинг. Ўла-ўлгунимча хизматингизни қиласай. Қайтиб қўлнимга қурол олсан, Қуръон урсин. Шафқат қилинг, улуғ сардор. Шафқат.

— Сендан шафқат сўрашгаңда шафқат қилганимидинг? Йўқ. Қанча-қанча одамларни фарзандидан, фарзандларни ота-оналаридан жудо қилдинг. Тупроғимизга ажал уругини аёвсиз сочдинг. Энди шафқат сўрайсан, а?

— Мен хато қилибмен, ҳаммасини англадим, ҳаммасини.

Қўмондон ҳалойикқа қараб деди:

— Нима қиласай. Қандай жазо лозим?

Ҳамма бирдай:

— Ўлим, ўлим! — деб бақирди.

— Тўй куни қон тўкилмасин, тўй тўйдек ўтсин, уни зиндан-банд этурмиз.

Асирни олиб кетишгач, Гулойин қизлар қуршовида майдонга кириб келди. Куёв уни от устидан кўтариб олиб, оловдан уч марта айлантириб чимилидиқ тутилган уйга олиб кирди. Орқасидан Пири Муғон олов худоси ҳайкали ва тўққиз чўмичлик қора чироқда ёниб турган оловни ҳадя килиб чиқиб кетди.

Ҳошим ибн Ҳаким юзидағи қора пардани олиб ёнига қўйди. Кўзлари ўтли, аввалгидек кишини сеҳрловчи боқади. Фақат бурнини кесик ўрни, юзларидаги чандиқлар бадрўй қилиб турарди.

— Гўзал, мард Гулойин, ҳали ҳам ўз ҳоҳишингиз билан розилик берганингизга ишонгим келмайдур.

— Сизнинг ботирлигингизга, оқилона фикрингизга қўйган меҳрим шунга унадади. Сиз юртимизни озодликка бошладингиз, аслига қайтармоқдасиз.

– Ҳа, қайтмоқда. Негадир түйимизга акангиз бўлмиш дўстим Зардуҳ келмади. Унинг ҳурматига укам Қабзамни айтувчи қилиб юборгандим. Акангиз бўлса, «тўйли касалим йўқ», деб қайтариб юборибди.

– Тўғри, адабдан эмасдир. Янгамни қазо қилганига ярим йил бўлмасдан турмуш қуришим ҳам адолатдан эмас, сардорим. Қолаверса, акамнинг у гални айтганига ишонмагаймен. Укангиз ёлғон айтиши ҳам мумкин. Укангиз ҳеч ҳам фуқародан чиққанга ўхшамайдур.

– Нечун сиз билан акангиз укам Қабзамни ёқтиргмайсизлар?

– Чунки феъл-бадидан гўё ҳалқни ўзи кўтарган. Ўзини худди бутун қўшин сардоридек тутади. Хоҳлаганини сўқади, хоҳлагавини жазолайди. Ҳеч кимни менсимайдур. Чериклари ҳам уни мақбул кўрмайдур.

– Сиз ака-сингиллар ўша йилқи-отлардан гумон қилгани учун уни ёмон кўргайсизлар. Ахир биз бир жону бир тан бўлиб келгинидиларга қарши турмогимиз кераклигини унугибсизлар, – деди ўпкалаб, – гинахонликни бас қилмоқ керак. Нега бошқа сардорлар ундан арз қилишмайдур, фақат сизлар...

– Маъзур тутгайсиз очиқ гапирмаганим учун. Қабзам одамлар орасида, кўргон ичида шунчалик ҳуфияларни кўпайтирган-ким, эшитиб қолишидан қўрқишиди. Қолаверса, сизга ишончлари бекиёслиги уларни бу жойда тутиб турадур.

– Ё ажаб, наҳотки шунча ишлардан бехабар бўлсам? Акангиз ҳам бир пайтлар, «кўйнингда босқинчининг айгоқчиси бор», деб укамга шама қилган бўлса ажаб эмас. Билмай қолдим, наҳотки бир қориндан талашиб тушган укам менга ёв чиқса. Нима иш амр этсам, адо этса, жангчиларни жангта биринчи бўлиб тортса. Мушкул аҳволга солдингиз-ку, гўзалим.

– Кечиринг, айбормен. Айтишимнинг ҳожати йўқ эди.

– Ҳақ бўлса, айтганингиз яхши бўлди.

Улар Зуҳро юлдузи чиққанда ухлатига ётишди. Энди кўзлари илингандага кўргон соҳиби муратнинг¹ ташвишли товуши улар хобини бузди.

– Аббос қочибдур.

Муқанна кийиниб унинг олдига борди.

– Шошмай туринг. Амр, не ҳодиса юз берди?

¹ Соқчибоши, сардори.

– Эрталаб банди Аббосдан хабар олмоқ учун зиндонга борсам, соқчилар чавақланған, зиндон қулфи ўпирілған. Аббос йүқ, – деб гапини тугатар-тугатмас қилич яланғочлаган Қабзам үн нафар навкари билан келиб қолди.

– Ака, рухсат бер, бу ичимизға аралашып ошу қатиқ бўлиб юрган ёғийнинг жазосини беришга.

Қўмондон укасининг кўзларига қора парда орқасидан тикилиб:

– Айби недур? – деб сўради.

Қабзам олазарак кўзлари пир-пир учиб:

– Бу – бармоғини бигиз қилиб Абдуллоҳ ибн Амрни кўрсатди, – сиз банди қилиб келган Аббосни қочириб юборибдур. Кўрнамакни соқчига пичоқ ураётганини мана бу навкарим ўз кўзи билан кўрганини менга айтиб берди. Афсуски, мен кечиккан эканман.

– Ростми? – деб сўради ғилай кўэли навкардан.

– Рост, улуғ сардор. Улуғ олов билан онт ичурмен, рост, ўз кўзим билан кўрдим. Шу, шу, Амр эрди.

Қўмондон:

– Бизни холи қолдиринглар, – деб уларни жўнатиб юборди.

Улар кетишгач, Абдуллоҳ ибн Амрни қабулхонага бошлаб кириб ёнига ўтқазди. Абдуллоҳ ибн Амрниң ранги бўздек оқариб, уюштирилған туҳматдан тили қалимага келмай қолтанди. Муқанна ёнидаги хумдан, олма-ўрикдан тайёрланған ичимликдан чинни косага қўйиб унга узатди. Соҳиби мурат бир оз ўзига келиб:

– Ё худо, тавба қилдим, туҳмат, бевақт ўлим балосиндин, ўзинг асра. Наҳотки хизматларим эвазига туҳмат олсан.

– Ҳовлиқманг, ўзингизни босинг, Амр. Ҳали мен сизга ҳеч нима деганим йўқ-ку, мабодо рост бўлса-да, сизнинг хизматларингиз ҳақи ғуноҳингиздан ўтурмэн.

– Фирт туҳмат-ку ахир. Биламен, Қабзам мени хушламайди. Шул боисдан менга туҳмат қиляпти.

– Нега, уришиб қолғанмисизлар?

– Йўқ. Бултур кузда Маоз ибн Мұслимнинг¹ қўшинлари билан бўлаётган жангда, душманга ён босиб, юлғун панасида бекиниб турганини кўргандим. Лекин ҳеч кимга айтган эмасдим.

¹ Хуросонга 777-780 йиллар амирлик қилған. Оқ кийимлиларга қарши тўхтосиз жанглар олиб борган.

Шундан бүсөн мени күрса, жаҳли чиқади, түғри гапимга ҳам бақириб беради.

– Тушунолмай қолдим, атрофимда нималар бўлмоқда, ақл бовар қилмайди. Ишонган тоғларим бир-бири билан душманлик ўтида қоврилса. Бири укам, бири хотиним, бири ўлимдан қутқазган, бири ҳаёт ҳадя этиб курашимга кўмаклашиб, одамларни қуроллантирган. Бир нима қилишга ҳам бошим қотди.

– Булар ҳолва, майли, нима бўлса бўлди, бир йўла лашкардаги аҳволни ҳам айтайн. Кимлардир сизни «хунук, бадбашара, бурунсиз» деб гап тарқатибдур. Қўшин ичидა қаттиқ тортишув рўй бермоқда. Сизга содиқлар бу гапларни ёлғон дейишиди. Баъзилари ҳадеб сизнинг бадбашара эканингизга атрофдатиларни ишонтиришга уринади. Жангчилар, умуман, «биз йўлбошчимизнинг юзини кўрмоқчимиз», деб сардорларини ҳоли жонига қўйишмаётирлар. Сардорлар бор гапни сизга айтишдан андипа қиласидилар.

– Ё ажаб, ўз ичимииздан низо бошланибдур. Бу гаплардан хабардор этиб турмоқлари даркор зди. Нима, мен уларни ҳақ гаплари учун бошларини олурмидим. Ҳақиқат, юртда адолат ўрнатмоқ учун ўзлари сардор қилиб танлашган одамдан шу бугун гумонсирамоқ қай ақлга сиғади? Энг ёмон хислат, ўзини жангсиз мағлуб этмоқ, руҳан тамом қилмоқнинг ўзи-ку, дўстим. Чиқиб жангчи ва сардерларга шуни маълум қилинг, икки кундан сўнг, яъни бозор куннинг тонгида мен ўз чеҳрамни кўрсатурмен. Сардор ва жангчиларга шуни ҳам маълум қилингки, қабулхона эшиги ҳамиша очиқдур. Мен ўзларидек ёвдан азоб-уқубат кўриб хўрланганимни, эл-юрт, урф-одатимиз учун жон тикканлигимни унутмасинлар. Сиз эса ҳамишагидек оғам бўлиб қолурсиз, мен сизга ишонамен.

Абдуллоҳ ибн Амр қайта-қайта таъзим қилиб, руҳи ярқираб эшиқдан чиқди. Аммо Ҳошим ибн Ҳакимнинг қалбига тўфон солиб кетди. Укаси Қабзамни чақиртирди. Қабзам келиб унинг ёнига чўқди. Укасига синчков назар ташлади. Белида подшолар тақадиган олтин камар, згнида зарбоф тўн, этигининг учига олтин қопланган, бошида тождор қулоҳ, ўзини шоҳона тутишга интилади. Қовоқлари солик.

У укасидан нигоҳини олмай гапга тутинди:

– Сени тушунолмай қолдим, иним. Нечун салтанат кўсин чалмоқ бўлиб қолдинг.

Қабзам акасининг бу қўқус гапидан эсанкираб қолди. Эс-хушини йигиб, ўзини тутиб жавоб берди:

- Бу душманнинг гапи, саволингиз мени ҳайрон этадур, ака.
- Ўзингни гўлликка солма, иним.

- Сиз бу кесатигли саволдан пушаймон бўлғайсиз. Инингиз салтанат ҳавасидин йироқдур. Менга сиз омон бўлсангиз, таҳтингиз абадий бўлса, ўшалнинг ўзи ҳар қандай таҳти-равондан баланддур.

- Иним, – ака озроқ юмшади, – ҳар қандай гаразгўйликни йиғиштир. Устингдаги шоҳона либосингни ҳам алмаштири. Бу биз учун исноддур. Шуни яхши билгиким, оғанг таҳтда эмас, ерда униб-ўсган. Менга эл-юртнинг озодлиги ҳар қандай таҳти равондин ҳаловатлироқ, афзалроқдур. Сен ҳаммага баробар бўлгин. Димоғдорлик қилиб мени уялтирма. Зардуҳдан ўрнак ол. Уни будун севади. Бизни сардор қилиб бошларига кўтарган халқ, азоб кўргая халқ. У шундай кучким, шоҳни гадо, гадони шоҳ қилувчи кучдир. У куч ҳамма нарсадан буюк. Шуни яхши ўқиб ол, унутма. Бор энди.

Қабзам акасининг қабулхонасидан шалвираб чиқиб кетди.

Товусдек товланиб келинлик либосини кийган Гулойин сукунатни бузди:

- Сардорим, нонуштани қаерга келтирай?

- Қабулхонада овқат ҳазм бўлмас. Гулирухсорим, юринг, смакхонада таътил қилурмиз, – деб смакхонага чиқишиди.

Емакхона деворларида ранго-ранг бўёқларда акс этган ноз-неъматлар одам иштаҳасини қўзғайди. Гулойинга, белига камар тақдан, сочлари елкасига оқиб тушган қизчанинг қип-қизил олмани қарсиллатиб тишлиётган ҳолати жуда ёқиб, мусаввирни мақташга тушди:

- Қўли дард кўрмасин, қўли гул уста экан.

- Ҳа, дидингиз ўтқир экан. У машҳур наққошнинг охирги иши. Шогирдлари ҳам ёмон эрмас. Кешдаги иморатларни лол қолурли қилиб ишлайти. Босқингчилар келганда ишларини ташлаб қўйишган экан, бошлаб юборишиди.

- Тинчликка нима етсин. Бир йиллик уруш замонни ўн йил орқага итариб ташлайди, деб мутафаккир бежиз айтмайдур.

- Ҳа, ўз номи билан уруш. У ҳеч кимни, ҳеч бир нарсани аямайди. Келинг, бирпас урушни эсламайлик, биз ҳам келинкуёвга ўхшаб бир оз суҳбат қурайлик.

Бир-бирини энди кўраётгандек, ташна нигоҳлар учрашиди...

Зардуұ Ңаңшаб ҳокимлигини қабул қылмаган бўлса-да, ша-
ҳар ишини юритиб турар, унга Самар кўмақдош эди. Зардуұ-
нинг Қалдирғочдан айрилганига бир йилдан ошиб қолди. Туш-
ларида Қалдирғоч билан ширин-ширин суҳбатлашиб чиқади.
Куни бўйи шу суҳбат соясида юради. Кундалик шаҳар ҳаётини
Самар таништириб, ундан топшириқлар олиб туради. Ҳаёлий
суратига термулиб тўймайди. Унсиз йиглайди. Ҳеч бир табиб
ёки қизиқчи ғамгузор кўнглинин ёрита олмайди. Нозима билан
суҳбати бир оз қовушади. Бу суҳбат ҳам Қалдирғочни хотир-
лаш, унинг чиройи, мардлигию вафодорлиги, пазандалиги
ҳақида бўлади.

Зардуұ ҳар кунгидай шаҳардан ташқаридаги тепалик ба-
рида Нозима билан Қалдирғочни хотирлаб ўтирганди. Шу чоқ
үттиз чоғли отлиқ билан Нозиманинг акаси Турди пайдо бўлди.
Кўзларида ғазаб, жаҳлдан лаблари пирпираиди. У отдан туш-
май, салом-аликсиз номани узатди.

– Улуғ сардор пири Мўъбадимиздан, – деб судралиб гапирди.

Фижиниб синглисига қаради.

– Ақлсиз, нечун бу бева билансен?

– Ҳақоратламанг, иним, – деди босиқ овозда Зардуұ.

– Сен уни йўлдан оздиргансен, абраҳ. Тезроқ номани ўқи,
сен билан сўнг гаплашурмен.

– Сўзлашув қочмас. Номани ўқигунимча тек тур.

– Ўқи, ўқи... – деб жим бўлди.

Зардуұ номани ўпиб, муҳрни бузди.

«Улуг оташ оловимиз барқарор бўлгай. Бу номани ёзив сен-
дан ҳол-аҳвол сўраб, шуни маълум қилгайдурменким, авомнинг
шикоятларига қараганда сен, йигитларинг бирлан, эски одатнинг-
дан қайтмасдан, тонч қишлоқларни талаётганмиссен. Куни кеча
тумоннат ҳалоишқ келиб устингдан арз қилишди. Уларни бор-бу-
дини олиб кетмиссен, уйларига ўт қўйиб. Ңаңшабга розилигим-
сиз ҳоким бўлиб олдинг, индамадим. Майли, бул сафар ҳам кечир-
гум. Бошқасини кечира олмайдурмен. Талаган қишлоқларингдан
бориб, кечирим сўраб, молмарини қайтариб бер, акс ҳолда қўшин
тортиб жисловлаб қўшишга мажбур бўлурмен. Ңаңшаб ҳокимли-
ги сенга бўлса бўла қолсин. Номамни тугатар эканмен, синглинг
Гулойин ва куёвингнинг дуои саломини қабул этгайсен. Сенга эсон-
лик тилаймен».

Хатни ўқиб, Зардуҳнинг бармоқлари жаҳлдан мушт бўлиб туғилди.

– Бу туҳмат-бўйтонларнинг чеки бормикин, – деб Турдига мурожаат қилди. – Муддаонг не?

– Туҳмат, дегил. Бутун бир қишлоқни зор қафшатиб, яна туҳмат дейсан-а. Нозимани ҳам йўлдан урмаганмен дерсен?

– Нимадединг? – Зардуҳ иргиб ўрнидан туриб қиличини яланғочлади. – Муддаонгни айт.

– Нозимани қўйиб юбор. Сен унга номуносидурсен.

– Ушлаб турғаним йўқ, ихтиёри ўзида.

– Йўқ, сардорим, мен сизни ташлаб кетмасмен, – деди Нозима ва ёқутдек кўзларига ёш олди: – Оғам бирлан кетмаймен. Биламен ниятларини, ҳаётимни Қабзам бирлан ўтказишмни истайдурлар. Мен уни севмасмен. Одамлар эринги қандай мардлик кўрсатиб сизга уйланган деб қолишса, не жавоб берурмен. Бирон босқинчини банди қилғон десам, бу ёлғондур. Ёки ақамнинг амалга миниши учун тегишга рози бўлдим дейманми? Сўзим тўғри бўлур, лекин эшиттан инсон юзимга тупурмайдурму? Майли, сардор Зардуҳ мени ёнларида бўлишимни истамас эканлар, унда таркидунё айлаб чўлу биёбонларга кетиб, умрими ни унинг суратини солиб ўтишга бағишлармен.

Нозиманинг қалбидан ёниб. отилиб чиққан сўзлар бир-бирига қилич ўқталиб турган икки рақибни жаҳлидан тушириб, қалбларини момақалдироқдек қалдироққа тўлдириди. Иккиси ҳам нима қиларини билмай, қиличларини қининга солиб, ер чизиб қолди.

Зардуҳ шом тушгач, йигитларини тўплаб йигин қилди.

– Бугун Санам тоғидан чопар мана бу, – кўлидаги хатни кўрсатиб, – номани келтирди. Мана эшитинг, – деб хатни баланд овозда ўқиб берди.

Самар ўртага чиқиб:

– Бўрининг оғзи есаям-емасаям қон, деб бескорга айтишмаган. Биз уларга қанчадан-қанча қурол-яроғ бердик. Эвазига от ўғриси, деди, қишлоқларни таладинг, деган маломат тоши ёғдирди. Яхшиси, Наҳшабни ва теварак-атрофдаги қишлоқларни бутунлай ўзимизга тобе қилиб, ўзимиз идора қиласлил.

– Йўқ, бу хиёнат бўлади. Душман ҳам худди шу нарсани кутиб ётибди. Эрта-индин Ҳошим ибн Ҳаким Наҳшабга кимнидир ҳокимликка юборади. Мен айтиб юбордим. Биз ўзимизнинг мақонга қавму қариндош, яқинларимизни олиб кетиб, экиладиган

майдонларни экиб, бир амаллаб яшаймиз. Менинг қарорим шу. Аммо ундан олдин биз, яъни оқ кийимни номусдек пок саҳлашга ҳаракат қилган, ватаннинг озод, эркин нафас олишини истаган кишилар эканимизни исботламоғимиз керак. Кеча Шорғу қишлоғини талаб, бизнинг зиммамизга ағдаришган зди. Демакким, бугун ундан беридаги Чақир қишлоққа навбат. Иккига бўлинниб, икки қишлоққа яқин жойда уларни кутиб турамиз. Келишлари билан ўраб оламиз. Ўз соғлигимизни исботлаш учун атиги бир марта ҳийла ишлатсак, босқинчиларни кечирган худо бизни ҳам кечирадур.

XIV

Зардуҳ йигитлари билан юз нафар оқ кийимли душман сувориларини боғлаб ташқи Ҳисорга олиб кирди. Тўп-тўп жангчилар оқ кийимли банди йигитларни кўриб гап қота бошлади:

- Сардор Зардуҳ оға, ўзимизникилар-ку...
- Душман бўлмай энди ўзимизникиларга навбат тегдими?..
- Кеча яна бирор қишлоқни босган бўлсалар ажаб эмас...
- Бизни ҳам бир кун бойламасангиз бўлгани эди...

Зардуҳ от тиэгинини тортиб тўхтатди. Ҳибсга олингандарни қўриқлаб келаётганларга қўлини кўтариб, тўхташ ишорасини қилди.

- Дўст билан душманни ажратолмай қолганилар, сўраб кўринилар, қани улар ким экан? Башарасидан танимаган бўлсаларинг?
- деди Зардуҳ. Шундабир навкар унга яқинроқ келиб:

- Сардор, унда булар ким, хоинми?
- Майли, ўзингиз сўраб кўринг, – деб асиirlарга қараб бақирди.

– Билиб қўйинглар, Зардуҳ ёлғон айтганга шафқат қилмаган, қилмагай. Жонингиздан умидингиз бўлса, ростини айтинг.

Оқ кийимли навкар, асиirlарнинг мўйсафидроғи олдига бориб тўхтади:

- Кимсен, не сабабдин сени банди қилиб қўлларингни бойлади?

Асиир аранг:

- Халифанинг садоқатли қулимен, – деди.
- Унда нечун оқ кийимдасен? Бизларга қўшилганлардан эмасмисен?

– Йўқ.

– Унда нега оқ кийдинг, баландроқ гапирсанг-чи? Зардуҳдан гуноҳингни сўраб олурмен, – деди мулойимлик билан. Зардуҳга қараб гапини тасдиқлатиб олди.

– Тўғрими, сардор? Бор гапни баландроқ сўзласа, кўйиб юборасиз-а?

– Ихтиёрини сенга берамен...

– Эшитдинг-а? Қани, сўзла-чи.

Душман жангчиси шерикларига қараб олди-да, аста сўзлай бошлади:

– Биз кечалари қишлоқларни сизларнинг кийимингизда талардик. Кундузи эса шартномага мувофиқ ерли содиқ одамларимиз орқали ҳамма айбни оқ кийганларга, кўпроқ Зардуҳга тўнкардик. Одамларни сизлардан оғдириш учун.

– Вой муттаҳамлар. Топган ҳийлаларини қаранг-а? Қурбилиари биз билан олишишга етмагач, маккорликка ўтишибди-да.

– Мана, эшитиб билиб олдинглар. Буларни ўзларинг улуғ сардор Пири Мўъбадга юзлаштирасизлар, – деб асиirlарни қолдириб, йигитлари билан орқага қайтди. Ёнида Нозима, Самар, орқасидан йигитлари от чоптиришиб маконларига қайтишмоқда. Қаршидан чийиллаб ҳуштак ҷалиб келган ёй Зардуҳнинг елкасига санчилди. Зардуҳ оғриқ азобидан «воҳ» деганча бир қўли билан от жиловини тортди. Ҳамма унинг атрофини ўраб олган, аммо санчилган ёйни олишга ҳеч ким ботинолмасди.

– Нимага қараб турибсиз, Самар, ўқни олинг, – деб чинқирди Зардуҳ. Самар оғритиб қўйишини ўйлаб, қўллари қалтираб чўзилди.

– Одам ҳам шунчалик имиллайдими, мана бундоқ олиб ташлап керак, – у ўқни олиб улоқтирди. Қон тирқираб отила бошлади. Отдан туширишиб, мўмиёлаб боғлашди. Аммо анча қон йўқотган Зардуҳ ҳолсизланиб ҳуду беҳуд эди. Зардуҳни қароргоҳга олиб келиб тўшакка ётқизиши. Улар билан бирга келиб шу ерда яшатганлар ҳам йигилиб, мангу олов ёнидаги худо ҳайкалидан Зардуҳга умр беришини, соғайиб кетишини ёлвориб сўрашарди. Шу зайлда кунни кеч, кечани кундуз қилишди. Йиғламаган одам йўқ. Йиғдан ҳамманинг кўзи қизариб, пишган. Тушга бориб Зардуҳ кўзини очди. Атрофга бир-бир назар ташлади, пиқиллаб йиғлаб турган Нозимага кўзи тушди:

– Нега йиғлайсен, мен тирикман-ку, – деб ўрнидан турмоқчи бўлди. Мадори етмади. Зардуҳнинг овозини эшитган Нозима кўз ёшларини артиб, ёнига келиб ўтириди. Оппоқ қўллари билан юзларини силади.

– Хайрият, оҳимизни тангри эшитди. Минг ташаккур Оташ Қуёшга. Сизни қайтариб берди, – деди.

Нозима унинг никоҳига ўттан бўлса-да, ҳозиргача қўлларини унга теккизгани, бирга ёттани йўқ эди. Нозима бутун вужуди билан унга чирмавиб олгиси келарди.

Зардуҳ Нозиманинг қўлларини ушлаб:

– Ўлишга вақтим йўқ. Бўлди, кўз ёшингни арт. Сени ташлаб кетиб бўладими ахир, – деди мулоийим кулимсираб. – Душман ва хоинлардан қасос олмай ўлиб кетаверадиганлардан змасмен, қора кўзим. Дилингни тўқ қил.

– Сиз учун, акам учун мен қасос олурмен. Бу менинг бурчимдур.

– Тирик эканмен, қасосни ўзим олурмен. Таний олмадингларми?

– Акамнинг қотилининг ўқи билан бир хил. Орқасидан кўриб қолдим, акамни ўлдирган қотилга ўхшайдур.

– Ким бўлди экан?

– Тахминимча, Қабзамнинг дўсти Сарҳамага ўхшайди. Моҳир мерғанлардан шуни биламен.

– Наҳотки ўша бўлса, – тўқайзордаги асиirlарнинг гапи эсига тушди. «Қабзам бизларга ўтган, ёнида ҳушёр ва тенги йўқ мерған Сарҳама».

– Ҳа, тахминингга шубҳам йўқ. Соғайиб оёққа турай, туғилганига пушаймон қилдиурмен.

Зардуҳ ётган хонага навбатчи навкар келиб Қабзам ва Сарҳама киришга ижозат сўраётганини айтди.

– Кираверсин, – деди Зардуҳ.

Пойгақда Қабзам билан Сарҳама пайдо бўлди. Улар Зардуҳга яқин жойга чўккалашди.

– Оғамиз, улуғ қўмондон сизга кўпдан-кўп дуои салом ва саломатлик тилаб, бизни юбордилар. Сизга ўқ узган нобакорни жазоламоқчилар. Оғамиз ярадор бўлганингизни эшитиб, қаттиқ изтироб чекдилар. Сиз билан аввалгидек содиқ дўст бўлиб қолиш ниятидадурлар.

Нозима жимгина одоб сағлаб турарди.

– Менга шунчалик мәҳрибонлиги учун миннатдор-
лигимни ва бу қароқчилар унинг содиқ дўсти эканини ҳам етка-
зинг, – деди Зардуҳ миннатдор бўлиб.

Нозима ташқарига чиқиб кетди.

– Гумонингизни айтмайсизми? – деди Қабзам.

– У бизга маълум, – деди гапга Самар аралашиб, – яқин
орада маккор муносиб жазосини олади. Улуғ сардор бош қоти-
риб овора бўлмасинлар.

Қабзам ялт этиб Самарга қараб қўйди-да:

– Билсак ёмон бўлмасди, – деди.

– Биласиз, яқин орада биласиз, – деб Зардуҳнинг садо-
ғидан қотилнинг ўқларини олиб кўрсатмоқчи бўлди. Аммо қотил-
нинг ўқлари йўқ эди. Ёйларни Нозима олиб кетганини сезди-да,
билдирмай сўзида давом этди, – сизларга маълум – одамлари-
миз қотил ва хоннни ёмон кўради. Қасос олмасдан ўлмайди.

– Албатта қасос олинур, бизга рухсат берсангиз. Кеч кир-
май тоғдан пастга тушиб олсан.

– Бора қолинглар, – Зардуҳ Самарга қараб, – кузатиб қўйинг
мәҳмонларни, – деди.

...Самар Сарҳама билан Қабзамни тоғнинг ярим йўлигача
кузатиб қайтиб кетди. Нозима ялангликка туташ йўлнинг ёқаси-
да камонга ўқни чоғлаб ўтиарди.

– Роса қулай жойни ташлашибди-да, отлиқ-ку отлиқ, пиёда
ҳам ёнма-ён чиқолмайди, – деди Сарҳама.

– Бир одим бўш жой қолдирмай экин экишибди-я, ғалласини
кўрдингми, бошоғини аранг кўтариб турибди. Тоғ оралиғида
шундай ҳосил бўлганига ҳечам ишонгинг келмайди, – деб оғир
тии олиб, атрофга қараб олди-да, орқама-орқа келаётган Сарҳ-
амага, – Оллоҳга шукур қилиб, одатимизга раҳмат дегил.
Бўлмаса иккимизни ҳам банди қилиб, қўлимизни кесиб ташла-
шарди. Самарни ўқрайиб қараши, Нозимани тез-тез кўз ташла-
ши бежиз эмасдир.

– Ҳар қалай, омон қайтганимизга ишонгим келмайдур, де-
мак, оғанг Ҳошим иби Ҳаким ҳам сезган. Шул боисдан, ўзлари
нима қилса қилсин, деб иккимизни юборган. Ўзинг ҳам бекор
айтгансен, гумонни олдини оламен, деб ишни пачавасини чи-
қардинг. Бу хабарни бошқадин эшлиши керак эди, – деди Сар-
ҳама.

– Ким билибди дейсан, бундай бўлиб чиқишини. Қўй, ўзи-
мизча ҳар хил ўйга боравермайлик. Балки гумони бутунлай бо-

шқа одамдандир. Билса, бизни шундай дөб күярмиди. Ахир мен укасисен. Отингни қамчила, яхшиси, тезроқ бу жойлардан кетайлик...

Улар Нозима бекиниб турган харсангдан ўтиб узоқлаштач, Нозима Сарғаманинг жилов ушлаган қулинин мүлжалга олди.

— Вод...

Сарғама билагига қадалган ўқ зарбидан отдан қулади. Ўзининг ўқи.

XV

Аасблари таранг Муқанна уйнинг у бурчидан-бу бурчига юриб турарди. Гулойин боши хам ҳолда унинг ёнига келди. Қабулхонада Қайёки Фузий гуноҳкорона қўлларини қовуштириб турибди.

— Кечиргайсиз, сардорим, халал бермадимми?

— Йўқ. Сиздин яширинча гап эмас. Ўттиз жангчиларимизни, ўн минг турк дўстларимизни босқинчилар ҳийла бирла мағлуб қилиб, асир олишибди. Мана Қайёки Фузий қочиб жонини омон сақлабдур. Қирқ иккى мингдан қолган-қутган, қочгандарини йиғиб Маоз ибни Муслимини мағлубиятга учратиб, Бухоро қўргонида қамалда колишга мажбур қилишибди. Катта кўшин билан чекиниш ва кичик қўшин билан эришилган зафарнинг боиси не-дур, сардор?

Қайёки Фузий хўрсиниб, тафсилотни тушунтиришга ўтди.

— Улуғ сардор, сиз жангни яхши биласиз, жанг тақдирини яхши қуролланган жангчиларми ёхуд калтак, болта билан жангга кирган навкарлар ҳал қилгайми?

— Албатта, яхши қуролланган навкарлар ва ёйандозлар. Бизнинг жангчиларнинг учдан иккиси болта-ўроқ билан қуролланган эди. Шундай бўлса-да, очиқ дала жангларида икки ойдан кўпроқ вақт қўлимиз баланд келиб турганди. Кулар Тегин яккама-якка жангда ҳалок бўлди, йигитларининг бир қисми кетиб қолди. Аммо ўша пайтда ҳам биз баланд келаётган здик. Улар кечаси, ухлаётганимизда ёқилган ернинг мойи¹ қўйилган хумларни отиб ҳужум қилишди. Кўпчилик ёнгинда ҳалок бўлди. Суворилар қочиб кетди. Ўт ичидан чиққан навкарларни асир туширишди.

¹ Ер мойи – нефть

Маккорлар, кейинги пайтда юзма-юз келишдән чүчиб, ҳийла-найрангта ўтишди. Оқ кийиниб, қишлоқларни талаб, айбни бизга түнкаб, халойиқни ўзларига оғдиришяпти. Құрғонларимизга ўт қўйишади. Бошида ўзлари, намоз пайти ҳужум қилманглар, биз сизларга ҳийла ишлатмаймиз, деб келишишганди. Энди эса ўзлари шартни бузишляпти. Шошмай туришсин.

Ҳошим ибн Ҳаким ҳам сардорларини йигиб бор кучи билан душман қароргоҳларига ҳужум қилишга, намоз ўқиётган пайлари беаёв қиришга фармон берди. Туркистанга нома битиб, халқни курашга чорлади. Бу фармондан сүнг, келгинди босқинчилардан ўрганилган ҳийлалар душманни вабодек қириб юборди. Бухоро, Самарқанд, Наҳшаб, Термиздан босқинчилар деярли қувиб чиқарилди. Ёғийлар Термиз, Бухоро йўқотишлиаридан кейин икки йилгача ҳужумга ўтолмай, писиб ётишган бўлса, энди бир умр босқинчилик қилолмайдиган бўлишди.

Зардуҳ экин ўрими билан ўралашиб қолди. Синглиси Гулойин пайт топиб келиб турарди. Ҳарбий анжом-аслаҳалар қозиқларда осилиб ётибди. Қишлоқларда яна тўй-томошалар бошланиб кетди, шаҳидларнинг ёр-биродарлари баҳор сайилларида уларни эслаб, ўйин-кулгуга қўшилолмай кўзларини ёшлаб ўтирадилар. Зардуҳ мўмиё кучи билан оёққа турган. Кечкурунлари Зардуҳ курашчи полвонлар билан, Самар ча-вандозлар билан машғулотлар қиласа, Нозима қизлар билан ёйандозлик, қиличбозлик ўтказиб туради. Аммо бош қўмонидон қароргоҳида бутунлай бошқача ҳаёт. Машқлар тўхтаб қолган, эллик мингта яқин навкар ва суворилар базму жамшид ўтказиб, май, қимизхўрлик, қишлоқлардан келаётган таомларни сийиш-ичиш билан банд. Улуғ Пирি Мўъбад бунинг олдини олиш учун бош кўтара бошлади.

– Улуғ сардор, бир нохуш хабар ила таъбингизни хуфтон этурмен. Бу гапни айтмасам, хони бўлурмен, – мурожаат қилди Қайёки Фузий.

– Бундан ортиқроқ дилни хуфтон қилгувчи яна қандай хабар экан?

– Улуғ сардор, халифа Маҳдий Ҳирот амири Саид ал-Хараший ихтиёрига бизни забт этиш учун Бағдоддан катта лашкар юборганмиш. Хурросон ноиби Мусайибга ҳам Саидга ўз қўшини бирла кўмакка боришга фармон бериб, уларни оёққа турғиздурмуш. Мусайибининг қўшини Бухорога кеча стиб келганмиш.

– Кимдан эшитдинг?

Қайёки Фузий буクロғлиқ қоғоз олиб Мұқаннага узатди.

– Биз бир жойда тұхтаб отларимизга ҳордик берәётган здик, бир пайт ёнимдаги зардоли дарахтининг танаасига ёй үқи санчилди, бир сипоқ от қўйиб кўздан ғойиб бўлди. Қочиб келаётганимиз учун уни қувиб тутишга амр этмадим. Ёйнинг белига мана бу қоғоз ўроғлиқ, Зардуҳ номига битилган.

– Ҳа, ҳаммага Зардуҳ ёқиб қолди. У душманларни асир олсада, қорнини тўйғазиб, қўйиб юборади. Улар билан жангга кирмайди, «Кичик кўк далаға» биқиниб олган оғасини ҳам йўқлаб келмайди. Садоқат-садоқат дейди-ю, ўз жонини асраш пайида. Иним Қабзамни кўргани кўзлари йўқ. У аббосийларга сотилган эрмиш. Сотилган бўлса, оғу солаётган баковулни нега тутиб олди?

Мұқаннанинг ўзи ҳам ҳайрон – бирор оғзидин Зардуҳ номи чиқди дегунча, гинахонликни бошлайдиган бўлиб қолганди.

– Улуғ сардорим, сиз бекорга ундан хафасиз. Ахир у жонини ҳам оқ кийимли дўстларидан аямаса-да, звазига от ўғриси, заҳарламоқчи деган маломатларга қолса, тағин унинг устига олдингиздан қайтаётганида унга суиқасд қилишди. У ким яралаганини билади, аммо юзингиздан ўтолмай хоинни жазоламаяпти. Ундан бошқа бўлгандა аллақачон тутиб, бошини танидан жудо қиласди.

– Гўзал Гулойин, биламен, оғангизни оқлайсиз.

– Гулойин ҳақ, улуғ сардор, Зардуҳни черикбоши қилиб олсангиз, ғалабалар сизга доим ёр бўлғай. Йигитларининг мардлиги сизнинг Тангридин олаётган кўмагингизга дарё бўлиб қўшилган бўларди. У бор жойда жангчилар ҳам тетик тортади. Ҳаммадан ҳам Кулар Тегин, Холиқ ҳоқон, Фил, Фарича Найзалирнинг орамизда йўқлиги, ҳалок бўлгани билинмас эди. Сардорларимизга унчалик ишонч йўқ, қоринлари тўқ бўлса бўлди, уларга душманми, элми, барибир, ўшанга хизмат қилаверади. Қолаверса, кўпчилиги оқсуяк ғанимлардин. Ўзингизга аён, бундай зотлар ватан туйғусидан бебаҳра. Уларга очқўзлик, молмулқ, олтин, зарлар – Ватан. Зардуҳ, Самар, Нозималарга эса ҳар қарич тупроқ нечоғлик азиз ва мукаррам. Улар бир сиқим тупроқни ҳам муқаддас деб билишади. Уларни тезроқ ёнингизга чақиринг. Душман яқин орада ҳужумга ўтиши турган гап.

Кўмондон номани кўздан кечириб ўйланиб қолди. Мана, ҳозир Наҳшаб, Кеш, Чаганиён, Бухоро, Самарқанддек катта

вилоятларни ўн тўрт йилдан бери ушлаб турибди. Наҳотки, ҳаммаси барбод бўлса, йўқ, бўлмайди. Олти туман лашкари бор. Туманбошилар хиёнат йўлини тутгани билан жангчилар қон тўкиб, қон кечиб олган эркини Зардуҳсиз ҳеч қачон бермайди. Яна қиличини ялангочлаб ўзи жангу жадалга киради. Зардуҳ ўз изми билан келса-келсин, бўлмаса кейин у бирлан алоҳида сўзлашади. У шу қарорга келиб ҳушёр тортди.

– Зардуҳсиз ҳам уруша оламиз. Жангни ўзим бошлайдурмен.

– Бу асло мумкин эмас, сардорим, – деди майин таъзим билан Гулойин, – жангда ажал одам танламас. Сизга бирор кори ҳол бўлгудек бўлса, ҳамма тарқалиб кетур, шунча чеккан заҳматингиз бир сиқим қумдек шамолда тўзғиб кетадур.

– Йўқ, тўзғиб кетмагай. Аввало мени Оташ Қуёшнинг ўзи асрайди. Икки дунё бир келса-да қароқчи акангиз Зардуҳга мурожаат этмаймен. Рӯҳлардин, парилардин кўмак сўрамасмен, асло Зардуҳдан сўрамасмен. Сиз ҳам, сардор, қулогингизда бўлсин, бундан сўнг бул ҳақда менга сўз солманг. Қароқчини қўмсаб қолган бўлсангиз, бемалол, ижозат. Йўлингиз ойдин.

– Сиз улуғ пуштипаноҳ, бизни Қуёш бўлиб душманга қарши курашга чорлаган эрдингиз. Шул боисдан, сизга бутун оддий фуқаро эргашганди. Бугун менга айтиётган сўзларингиз аввалигисига сира ўхшамайдур. Мен ҳали бир воқеани сиздан бекитиб тургандим, билиб қўйинг, тегрангизни тубан одамлар ўрабдур. Мен, Зардуҳ, алқисса сизга ўхшаб душмандан азият чекканлар содиқ қолур, яна қайтарурмен, тегрангизга йифилган кўпраклар бизнинг дилимизни оғритиб, иложи бўлса, сизни олдингизга йўлатгилари йўқ. Сизнинг ҳузурингизга кириш, олиб бўлмас қалъага беҳуда уринишдек бўлиб қолибдур.

– Дилингиздагини очиқроқ айтингиз.

– Очигини айтсам, мен сардор ҳолим бирла, яrim кун овора бўлиб, сизни Қуёш чеҳрангизни кўришга мушарраф бўлдим.

– Ким экан сизни шунчалик овора қилган?

– Бошда сизга унчалик мақбул бўлмай, кейинчалик, Сиз Қуёш оламнинг соғ илкига айланган Ҳисор кутволи¹ Сарҳама. Ярадор қўлини бўйнига осиб, шундай ҳам димоғ билан қабул айладиким... Ҳеч қўяверасиз. Нима дейди денг, «Улуғ сардор

¹ Ҳисор қалъасининг бошлиғи.

қабул қилолмайды. Ҳар нарса учун безовта қиласверасизларми, нима гапингиз бўлса, менга айтаверинг»миш. Мана сизга адолат, босқин босган элимизга Қуёш бўлиб порлаб турган жойдаги аҳвол.

– Уни Зардуҳнинг одамлари яралаган экан. Ҳисор ишларини юргизиб турсин деган эдим-да, хато қилибмен. – Қўмондон бир оз шаштидан тушиб давом этди: – Охирги пайтда хато ва тўғрининг тафовутига етмай қолдим.

– Қишлоқ аҳли сайлаб юборган сардорлар ўрнига укангиз ва Сарҳама йигитлари сардор этиб тайинланди. Улар жангчиларнинг ҳақларига хиёнат қилди, ҳақоратлашди, бу зугумлар эса кўпчилик дилига фулгула солибдур. Мен тунда келиб Сизнинг ҳузурингизга киролмай, жангчилар орасида тунадим. Мени танийдиганлари қўрқа-писа гапириб беришди. Ана энди ўзингиз мушоҳада этинг. Менга ижозат берсангиз. Ташқи ҳисорда чодир тиксак, йигитларим ҳам чарчашибган, узлуксиз жангларда анча толиқдан.

– Шошманг, – деди Ҳаким босиқ ва ҳорғин, – сиз менинг ёнимда қолинг.

– Йўқ, мен йигитларимдан ажралолмаймен.

– Ўзингиз Ҳисор кутвали бўлишни хоҳламайдурсиз. Бўлгани эса ундоқ-бундоқ деб айблайдурсиз. Айтинг бўлмаса, ким арзийдур?

– Кутвал қидиришингизни ҳожати йўқдур. У олдингизда ўтирибдур. Гулойиндан мақбулроғи йўқ. Жангчи қизлар ҳам ташқи ҳисорда Гулойиннинг амрини кўмсаб ётишибдур. Улар жонжон деб қалъя қўриқчиси бўлмоққа ризолик берурлар.

– Хўп. Сизга ижозат, ҳордиқ чиқаринг.

Ғузий қабулхонадан чиқиб кетди. Муқанна эшик ясовулини чақирди, киравермагач, яна чақирди. Келмагач, ўзи чиқди. Ҳеч ким йўқ. Аста-аста юриб соҳиби муратхонага йўл олди. Йўлда қабулхона соқчиси шошиб қайтиб келмоқда эди. Муқаннани кўриб гуноҳкорона қўлинини кўксига қўйиб, йўл берди.

– Афв этинг, соҳиби мурот йўқлаган эканлар, бориб келаётубман.

– Нима иш билан сўроғлабдур?

– Ўғлим сўроқлаб келубдиркан, улуғ сардор.

Қаёқдандир қўққис пайдо бўлган Сарҳама зарб билан эшик ясовулини бошини танасидан жудо этди.

— Кечиргайсиз, улуг сардор. Бу айғоқчи эркан. Қабулхонан-гиздаги гапларни эшик олдида кимгайдир шипшиётганини пай-қаб қолдим. Буниси бу ёқقا, униси қўшин ичига ўзини урди. Мен қувиб келаётгандим.

— Сўроқсиз бошини олиш шартмуди?

— Букилиб тургани назаримда қилич суғуриб сизга ташланмоқидек туюлибдур.

— Сиз ва соқчиларингиз ташқи ҳисорда нафас ростланг.

— Нега, дилингизни оғритдимми, улуг сардор?

— Йўқ. Сизлар жанг олдидан дам олинг, деяпман, холос.

Муқанна шу вақт Сарҳамани ёмон кўриб кетган бўлса-да, унинг хоин эканлигини сезмади. Унинг назарида соҳибхонадаги майхўрликни бекитиш учун соқчини ўлдиргандек бўлиб туюлди. «Эй инсон, арзимаган иш учун бирорни ҳаётдан жудо қилиш шартмиди. Айбингни айтиб, узр сўрасанг, кечирардим-ку. Уруш буларни раҳм-шафқатдан узоқлаштиргди. Ким билади, Сарҳамадайлар ёшлигига қассоб қўй сўйганидан қўрқиб, кўнгли бе-ҳузур бўлиб ухломасдан юргандир. Энди-чи, одамни қўйдан баттар бўғизлашади. Бир парча этдан одам қилгунча ота-оналарниң қанча хуноб бўлиб, ярим умрини берганини наҳотки билмайдилар?! Эй Тангри, бу кўргуликларга барҳам бергил», деб қабулхонасига қайтиб кирди. Гулойин яқинда деворга чизилган жанг эпизодига диққат билан тикилиб турар эди.

— Ажойиб-а, худди жангни солган, — деди маъюсгина у.

— Ҳа, уни ҳеч ким чизилган демайди. Кўз олдингизда ҳозир бўлаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мендан жангни қандай бўлишини сўрашса, ҳалқ билан бирга йиғлаб-кулувчи шоири мусаввирлардан сўра, дердим, — деди Муқанна.

— Нега энди ҳамма ҳам жангни кенг мулоҳаза қилмайдур? Ахир бул жангда жони танидин узилиши ҳар дақиқада турган гап-ку. Бул майдонда жон олиб-жон беришларини била туриб таваккал қиласурлар. Буйруқнинг қулига айланадурлар, — деди Гулойин.

— Йўқ, унчалик змас. Кечагидек эсимда. Наҳшаб атрофида-ги жангда бир одам, бошдан ажраган душман жасадининг тепасида ҳўнграб йиғлаб турибди. «Ҳой навкар, ўлган оғангими迪 ё инингмиди, бунча кўйиниб йиғлайсан», десам, йиғлай-йиғлай менга шундай жавоб берди:

— Ҳой сипоҳи, сени онанг туққанми ўзи ёки осмондан бирвакайига от миниб, қилич яланғочлаб тушганмисен? Бир она

бир парча этни туғиб, тунларни уйқусиз, күнларни бедор ўтказиб, ўз умрини хазон қилиб, фарзандига умр улашган, сийнасига босиб ўстирган боласининг ўлимига мен сабаб бўлдим. Ёш экан, бечора. Яхшимиди-ёмонмиди ёв деган ном билан қилич кўтариб келди, дўст бўлиб савдо-сотиқ билан келса бўлмасми? Унга айтдим: «Ҳой йигит, ўн гулингдан бир гулинг очилмаган, қўй, урушмайлик, нега бир-биrimизга ўлим даҳшатини солиб турибмиз? Тўғри, сен ҳожангни буйруғи билан қилич кўтариб, балким кўп одамларнинг кўзини ёшлагансен. Энди тушун, мен ўз юртим, тупроғим, эрким, асрлар оша етиб келаётган урфодатим, златим, тилим учун курашибоққа қилич олдим. Сен-чи, улуг Оташ Тангри яратган нарсаларни йиқитмоқ учун келдингми, йўқотиб не фойда кўурсен? Қайтага яратганинг қаҳрига учрайдурсен. Кел, яхиси, менга асир туш, қайтиб бориб ўртоқларингга ҳам тушунтир, кетишин», десам, шунча галимга тушумасдин, – деди.

– Ҳой, навкар, сен қанақа гўл навкарсен ўзи? Наҳотким, қўлингдаги қилич сени сеҳрламаган бўлса? Мен илгари чумолига ҳам озор бермасдим, ҳоким чақириб беш танга билан қўлимга кескир қилич берганида ўз-ўзимдан қанчалик қувонганимни кўрсанг эди. Эҳ-ҳе, чумолини аяган мен, жангларда қанча боши думалатдим, – деди.

– Мен унга умр бердим. Майдондан чиқиб кетгин, сени ўлдириб ҳузур ҳам қилолмаймен, деб турганимда, жанг жанглигини қилди, навкарларимиздан бири келиб унинг бошини танасидан жудо айлади. У ўлишни ўйлабдими дейсан, йўқ, ўлдиришни ўйланган. Бу-ку ўлди-кетди, ота-онасига оғир...

Одамлар бамисоли бир-бирига бирикмас қумга ўхшайди. Шамол қаёққа сурса, кетаверадиган қумли тожни ўзи экан, биродар. Худо одамзодни бунчалик итоаттўй қилиб яратмаса. Тўртбешта айёрнинг қулига айланиб қолди одамзод. Шу бир сиким айёр хоҳлаганини қилади, дунёни алғов-далғов қилишни истадими, дунё ўт ичидা қолади. Хоҳласа, халқларни бир-бирига қирғин қилдиради. Истаса, бола-чақасидан ажратиб, ўз манфати йўлинда қурбон қилдиради. Ҳулласи калом, беҳисоб одамлар саноқли иблисларнинг тўғри ё нотўғри йўлиндин чиқолмагай. Мана шу нарса менга кечалари уйқу бермай, ҳаловатимни ўғирлагай, эй сипоҳ. Бу ташвишлардин куйиб бўлдим. Эрта-индин эркимизни қўлга олармиз, балким. Ана ўшанда тайёрга айёр

топилади. Кимдир тахту азам қиласы. Яңги навкар – сипоқ, жал-лод ёллайдио авом халқни ўз измига буйсундириб олади. Уйда тинч овқат егани ваңт бермағай. Ана шунақанги айёр, шайтонлар зуғумидин холи бўлса, дунё жаннатга айланурди, деди. Унинг сўзлари қалбимни ўртади, салмоқдор гапларидин бошим эгилди, унга бир нима деб жавоб қайтаришга ожиз эрдим.

– Шоир оға, насиб этса, орзуларингиз ушалгай, босқинчиларни бир ёқлиқ қиласиз, – деб хайр-маъзурлашдим.

Гулойин чуқур нафас олди.

– Улуғ сардорим, ўша шоир ҳақ гапни айтибдур. Босқинчилар нечун узоқ юртларда хунрезлик қилаётганларини билмайдилар, беклару саркардалари фармонига биноан итоатгўй қулларга айланишган. Жонлари ҳам гўё улар томонидан ато этилгандек ҳаракат қилишади, уларнинг ўзлари хожаларнинг асрий асиrlарига айланиб қолганининг ҳам фаҳмига етмайдур. Йўқса, ўртада адовати бўлмаган одамлар нега бир-бирларини ёмон кўришади. Гўё ҳаммаси лойдан ясалган қўғирчоққа ўх шайдур. Қани оламдаги ҳамма фуқаролар буни тушунса эди, замин рўйи кўз ёшларни кўрмай, беҳишт фарогатида яшаб ўтардилар. Балким бевақт ўлим деган мудҳиш ибора кишилар руҳидан холи бўлармиди...

Муқанна хотинининг галини бўлди:

– Гулойин, яхшиси, мавқе хусусида гаплашайлик. Анчадан бери зерикиб қолдингиз, сизни қальта кутвалиси қилиб тайинламоқ нияти туғилди менда. Сарҳама анчагина ҳаддидан ошгани учун вазифасидин четлатдим. Сиз ризомисиз?

– Сардорим, сиз нени раво кўрсангиз, мен ризодурмен.

– Йўқса, ишни бошланг. Жангчи қизларингизни йигиб, вазифаларини тайин қилинг.

– Бош устига, улуғ сардорим. Ҳа, дарвоҷе, сизнинг олдингизга киришимдан мақсад, оғам Зардуҳнинг ҳисорга келмоғими сўраб нома битсам.

– Зарурат бормикин?

– Кўп соғинганмен, улуғ сардорим, кўришганимизга ҳам кўп бўлди.

– Қаршилигим-ку йўқ. Аммо Сарҳамани унинг йигитлари яралаган, қолаверса, кўпчилик сардорлар уни хушламайди, уларнинг ўртасида низо кучайиб, хунрезлик билан тугайдур, деган ҳадикдамен.

– Ҳали Сарҳамани ким жароҳатлагани маълум эрмас, бу фақат гумон. Билмадим, ўзи нималар бўляяпти. Бизнинг юртларга ҳадик, хоинлик, қўрқоқлик, айғоқчилигу номардлик бегона эрди. Айни кунда шулар кескинлашган кўрина дур. Биламан, акам номардлар ишини ҳеч қилмаган. Қони-жони бирлан содиқ қолгай.

Билмадим, у Наҳшаб ҳокимлиғини ҳам рад этур, унга қарши мишмишлар бўрони шундай турганким... ҳад-ҳудуди йўқ. Мишмишларга кўра Зардуҳ аббосийлар саркардаси Ҳорашиб билан урушмаслик ҳақинда яширин битим тузиб, босқинчилар билан айшу ишратда бўлган. Файри динини қабул қилғон эмис. Қабзам ва Сарҳама унинг одамлари мачит қуриб, намоз ўқиётганларини ҳам гувоҳи бўлишибдур.

Гулойин жаҳлдан ўзини базур тутиб:

– Ёвнинг топган янги ўйини бу, – деди босиқлик билан.

– Ўз иним Қабзамнинг кўрганига ҳам инонмайсизми?

– Йўқ, улуғ сардорим, инонолмайман. Қон-жони бирла интиқом кўйида ёнишига аминдурмен.

– Сиз мени нотўғри англамоқдасиз, сизга дашном отаётганим йўқ, кезида айтдим-кўйдим-да.

– Менга ижозат беринг, оғамнинг олдига бориб келгаймен. Агар айтганингиз рост бўлса, уни ёв билиб бошини олиб қайтурмен.

– Йўқ. Уни Тангрининг ўзи жазолагай. Борсангиз, сизнинг қайтмоғингиз душвор. Мен эса сизсиз бир кун ҳам туролмасмен.

– Улуғ сардорим, ўтинамен, ижозат айланг?

– Сиз менинг якка-ягона таянчиғимсиз. Қалъани ҳар зҳтимолга қарши ҳимояга ҳозирламоқ лозим, қолаверса, жангга отланмоқ керак. Черикнинг аҳволи ўзингизга аён. Майли, унга мен ва ўзингиз номингиздан нома битиб, Наҳшаб ҳокимлиғин адо этиб турмоғин сўранг. Агар садоқатда бўлса, Сайд қўшинлари бизга етолмай, изига қайтур. Зардуҳ ихтиёрига туман че-рик хоҳлаган дақиқа юборилур.

Акаси ҳақидаги ҳар хил мишмишлар Гулойинни ўйчан, хомуш қилиб қўйди. У тонг аzonда баланд чўқиқиларга туташ қалъанинг махфий эшигидан, бир ёни сойлик, бир ёни қалин дараҳтзор бўлган ички ҳисор ортига ўтиб олди. Шовуллаб оқаётган

сойнинг зилол сувига термулганча хаёл сурди. Атрофдаги то-
вуслар, ҳар хил қушлар сайрого ҳам хаёлини бўлолмас эди.
Гулойин илгари бу ерда яйраб дам оларди. Гиёҳлар ҳидидан
яшнаб сингил тортарди. Энди-чи, ҳаммаси шунчаки манзарадай.
Акаси ҳақидаги гап-сўзларнинг ҳаммасини ёлғон бўлиб чиқи-
шини истаб, тангридан илтижо қилди. Бу хилват жойни эрию ўзи
биларди. Сўнг Қабзам боҳабар бўлди. Ҳозир бу жойга у кирол-
майди. Бу жойга фақат қўмондоннинг смакхонасидан ва сой-
нинг шарқий соҳилидаги фор орқали йўл бор эди. Қабзам эса
ички ҳисордан чиқариб юборилган. Гулойинни зри йўқлаттанды
фақат Қабзамгина чақириб берарди. Мабодо кирадиган бўлса
ҳам, юрак ютиб ярим кун қоронги фор орқали юриши керак. Энди
у йўқ. Ҳеч ким ҳалал беролмайди. Кўзларида ёш қалқиди, ака-
си билан ўйнаб ўсган кунларини эслади, ҳозир ака-сингилнинг
бегонага ўхшаб қолгани, Зардуҳнинг хотини билан яқинлиги,
усиз туролмаслигини, ўзининг эса эрисиз яшолмаслигини ўйлаб,
дунёнинг чалкаш ишларидан оғир хўрсинди. Етти ёт begonalar
билан ҳаётларини боғлаб, бир уйда ўсган оға-инилар begonala-
шиб кетганинги ҳеч хаёлига сифдиrolmasdi.

– Нечун хаёлингиз паришон?

Гулойин чўчиб тушди:

– Қайдин келдингиз? Ким ижозат этди? Сизга ички қўрғонга
киришга рухсат йўқ эди-ку.

– Мен кирмай ким кирсин, бекам.

– Акангизга айтиб банди қилурмен.

– Ҳозир ожизасиз. Кўлингизда яроғингиз йўқ. Сизни осонги-
на бошингизни танингиздан жудо қилишим мумкин. Қўрқманг,
сиз билан урушгани кирмаганмен. Гапим бор, – деди.

– Сўйланг, қулогим сизда.

– Гапнинг пўскалласи шу, сиз элчи вазифасини бажарасиз.
Аббо-сийлар сулҳ тузиб, акамга Кеш ҳокимлигини, менга Наҳшаб
ҳокимлигини бериб, тинчликни таклиф қилурлар, оғамни шу сул-
ҳга кўндирурсиз. Сизга қулоқ тутадур.

– Шартингиз шулми?

– Ҳа, шул ишни адо этсангиз, акангиз Зардуҳга Ойдинбулоқ
атрофини хатлаб беришади.

– Тушингизни сувга айтгайсиз. Мен бирорларни ногора-
синга ўйнаб кўрмаганмен. Эл-юртни сизга ўхшаган қўрқоқлар,
сотқинлар хароб қилди. Эндигина эркин нафас ола бошлиётган

юртни тағин босқинчига тутқазадиган сенга ўхшаганларнинг куни битган.

– Ҳаддингдан кўп ошаверма, манжалақи.

– Манжалақидан хони ифлосро қодур. Вақт ғаниматида туёғингни шиқиллатиб қол, сотқин! – деб белидаги камарда қистириғлиқ ханжар эсига тушиб тетиклашди.

Қабзам ханжар отишга шайланётган янгасини кўриб ранги оқариб базўр илжайди. Чунки Гулойиннинг пичоқни бехато отишни биларди. Яланғоч қиличини қинига солди.

– Янга, жаҳлдан тушинг. Сизнинг оғамга бўлган садоқатингизни билмоқчи эрдим. Менинг ҳам босқинчига бўлган қаҳру ғазабимнинг чеки йўқдур. Содиқ экансиз, ташаккур, – деб чиқиб кетди.

Гулойинни Қабзамнинг бу найрангини зрига бориб айтиш-айтмаслиги ўйлантириб қўйди.

XVI

Зардуҳ қароргоҳида одамлар сийрак. Уларнинг бир қисми овга, бир қисми ўрим-йигимга кетган. Зардуҳ синглисидан келган нома билан танишиб, пешонаси тиришди.

«Аблаҳлар. Тинч юргани ҳам қўйишмайди. Мен қачон ёвга ён берибманким... Эй тангirim, ноҳақ туҳмат, бевақт ўлимдин асрагин ғофил бандангни!» Зардуҳ ўрнидан турди.

Мактуб жавобини кутиб турган Абдуллоҳ ибни Амр тоқатсизланди. Зардуҳ ўтли кўзларини унга қадади. Ибни Амр атрофга кўрқа-писа аланглаб:

– Сардор, синглингизнинг гумонича, сизга қарши иш юритаётган Қабзам билан Сарҳама эмиш, – деб шипшиди.

– Билурмен, теграмизни илонлар ўраб олганин. Улар билан эрта-индин орани очиқ қилурмен. Синглимга бориб етказинг, мендан қилаётган ҳадикларининг ҳаммаси беҳудадир.

– Ҳа, улуғ сардор, уйдирмалигига минг карра ишондим. Қаранг-а, бир вақтлар сизни сарой қурди деб овоза қилишганди, уятсизлар.

Отлар дукури суҳбатни бўлди. Самар ҳовлиқиб кириб, Зардуҳга юзланди.

– Суҳбатингизга халал берганим учун маъзур тутғайсиз. Ёв, Наҳшабни ёв ўраб олубдур. Йўлда наҳшаблик йигитларни учратдик. Ҳисорга кетишаётган экан. Ўшалар айтишди.

— Бошида кимлар?

— Эрта-индин ибн Довуд суворилари етиб келармиш. Халифа Маҳдий ибн Мансур¹ вилоятимизни қирғин қилишга амри фармон берган эрмиш.

Чой күтариб кирған Нозима бу гапни эшитиб, тошдек қотиб қолди.

— Яна жанг, беҳуда қон, танни бевақт тарк этажак руҳлар.

Зардуҳ ўрнидан асабий турди:

— Ёвнинг ҳисоби қанчадур?

— Сайдники уч туман эрмиш. Бағдоддан чиққан Довуддинг ҳам икки-уч туманлик жангчиси бор эрмиш.

— Амр оға, сиз тезроқ отланнинг, биз ёвдин юз чандон оз эсакда Наҳшаб ҳимоясига отланурмиз. Муқанна лозим топса, кўмакка лашкар юборгай, — деб хайрлашди.

Зардуҳ Нозима бошлиқ қизларни Ойдинбулоқ ҳимоясига қолдириб, жангчи йигитларини олиб Наҳшабга бошлади. Қуёш ёстиғига бош қўяр пайтда Наҳшабга етиб келишди. Бу ер осмонини чанг-тўзон, тутунлар булути қоплаган, ҳавосини дод-фарёдлар қучган эди.

Зардуҳ қўшинини тўхтатди. Ёнма-ён келаётган Самар ҳам ажабланиб отнинг тизгинини тортди:

— Шаҳардан асар қолмагандир. Сайд қўшинлари ҳойнаҳой Кешга юриш бошлаган.

— Шундай бўлса-да, бир бориб кўрайлик.

— Йўқ, биз вақтдан ютқазурмиз, ҳисорга йўл олиб, улуғ Пирি Мўъбал бирла қўшилиб жанг қилурмиз. Сиз эса икки минг сувори бирлан Наҳшабда ёв бўлса, баиди қилиб, Қашқадарё бўйлаб юриб бизга етиб олинг. Жумагул минг нафар йигит бирла Нозимага бориб қароргоҳ ҳимоясида бўлур. Фирибгар ёв бу вақтдан фойдаланишга улгуриши ҳеч гал эмас. Мабодо ёвдан кейин етиб борсак, бир-бирилизни кутиб, бирга жанг қилиб, уларни ёриб қалъага киурмиз. Омонликда юз кўришайлик, — деб хайрлашиб учга бўлинишди.

XVII

Кеш — ям-яшил шаҳар. Атрофи Баҳри булат тўлқинларидек беором. Шаҳар осмонини қоплаган тутунлар эса ден-

¹ 775–785 йиллар Бағдодда халифалик қилган.

гиз устидаги қора булутга ўштайды. Қиличларнинг жаранг-журунги узлуксиз эшитилиб турибди... Душманлар ҳамма кучларини исёнчиларга қарши ташлашган. Ҳар қадамда мурда... Зардуҳ Самар билан Оқдарё бўйидаги ибодатхона ёнида учрашди. Икки саркарда йўл-йўлакай ёвдан хийлагина ўлжа ва асир олган эди. Бир-бирларини кўриб, чўккан кўнгиллари ёришди. Йигитлар:

— Сардор, қани бизни жангта, интиқомга бошлагил. Ҳар биримиз ўн душманга бас келмасак, надомат тошларини ёғдиргил, чурқ этмагаймиз.

— Биздан гина қилиб юрган Муқаннанинг йигитлари токим қойил қолсин.

— Бошла...

— Бошла, сардорим.

— Шошманлар, — бор овози билан қичқирди Зардуҳ. — Мен сизларни кўр-кўронга ўлимга олиб боролмайман. Душман ҳийла-найрангта уста. Ҳошим ибн Ҳаким қароргоҳигача бир амаллаб етиб боришимиз даркор. Шу жойда нафасимизни ростлаб, қоронғи тушиши билан душманлардай кийиниб олиб, ишни ташки ҳисорга ҳужум қилаётган ёвни ёриб ўтишдан бошлаймиз.

XVIII

Ҳошим ибн Ҳаким лашкарлари ҳолдан тойган. Ташки ҳисор жангда кўп азаматларидан ажраган саркарда ҳомуш ўтирас, тинимсиз қиличбозлик, найзабозликдан чарчаганилиги ҳам эсига келмас эди. Фитна-фасодларга учраб, Зардуҳ билан ўзи сезмаган ҳолда узоқлашганини, бунинг нима оқибатга олиб келганини эслаб хўрлиги келди. Душманнинг қўли баланд келиб, ташки қўрғонни забт этганлиги бир аламига минг алам қўшди. Гулханлар билан ёритилган қабулхонага кирди. У ғазаб оловида қоврилмоқда эди.

— Қани менинг илгариги қудратим? Ҳошим ибн Ҳаким дейишса, душманларни титраттган давру давронимни, наҳот, тўфонлар учириб кетган бўлса. Шунча қўшин билан мағлубиятга учрадим-а. Яккама-якка беллашувда ҳам енгилдик. Қани менинг тогни урса толқон қиласиган йигитларим? Қайдасизлар, Зардуҳ? О, азаматларим. Кулартегин, Гирдак, Фарича, сизларни асрай олмай, қаердаги фитначи хоинларни паноҳимга олибмен.

– ...Улуғ Пири Мұғылбад, келинг, яхшиси, жароқатингизни боғлайлик...

Қилич ямлаган оёғи, елкасидан сизиб оқаётган қон, оғриқ билан уннинг иши йүқтеді.

– Эй биродарларим, тан жароқати-ку оғир змас, мағлубият жароқатига малҳам йўқдур.

Хонага Гулойин югуриб кириб келди.

– Улуғ Пири Мұғылбад, нола-фифонимиз акам Зардуҳга етиб-дур. Улар бугун тунда бизнинг олдимизга ёриб ўтишларини билдириб ёй-ўқига ўроқли бу номани отишиди.

Атрофдагилар Зардуҳни эшигиб, енгил тортишди.

– Мен сизга айттувдим-ку, Зардуҳ асло ёвга ён бермайдур.

– Ҳа, мен йўлдан озган эканмен. Яхши дўст ёмон кунингда ярайди, деганлари бежиз змас экан. Бўлар иш бўлиб ўтди. Бугун тунда биз қўшилмоққа эришсак, эргага жангни янгидан бошлайдурмиз. Сарҳама, сизда қанча одам бор?

– Уч ярим минг.

– Тонгтacha уларга дам беринг. Қолғанлар Абдуллоҳ ибн Амр бошчилигидан Зардуҳ йигитларига кўмакка шай турсинлар. Уларнинг қачон бошлашлари бизга қоронғу. Балким ҳозир бошлашар. Қулоқларингда бўлсин, бир-бирингдан узоқлашманглар, бул қоронғида дўстга тифсанчиб қўйимоқларингиз мумкин. Уқдингизми?

– Уқдим, сардор, хотирингиз жам бўлсин.

Бирдан сокин тун бағрини бақириқ-чақириқлар тутиб кетди. Абдуллоҳ ибн Амр ярим туманлик йигитлари билан жангга кирди. Қий-чув бўрони ҳисорни қамраб олди. Саросимага тушиб қолган душман бир-бирларини ёв ўйлашиб чопа бошлашди. Икки томондан Зардуҳ билан Абдуллоҳ йигитлари қирғинни бошлашди. Бундай қирғинни кўрмаган ёв майдондан жуфтакни ростлаб қолишга ҳаракат қилас, аммо улгуролмай ҳалок бўларди. Тонг ёришай деб қолганда, Зардуҳ ва Абдуллоҳ йигитлари ички ҳисорга кириб олишга улгурдилар.

Ҳошим ибн Ҳаким, Гулойин ва сипоҳлар қучоқ очиб Зардуҳ истиқболига чиқишиди. Зардуҳ ўша-ўша босиқ чеҳра билан отдан тушиб, қўмандон билан бағир очиб кўришди. Сўнг синглиси билан кўришгач, оғир тин олди.

– Енгилдик, кўп қурбон бердим. Аббосийларнинг қўли устун келди, – деди Муқанна, – зора сенинг пойқадаминг ёқиб, устунлик биз томонга ўтса.

– Айтганинг келсин. Биз ҳам Наҳшабни бериб қўйибмиз. Ҳозир у шаҳарда мурдалардин бўлак ҳеч зоғ йўқ эрмиш. Кўчалар чопилган бош таналарига кўмилмиш.

– Дўстим, нимасини айттурмен. Менга хонилар фириб берди: аввалига бизга хайриҳоҳ бўлган савдогару бойлар босқинчилар томонига ярим туман сипоҳ бирлан, тунов куни эса туғишган укам ўтиб кетди. Бугунги жангда юзма-юз келиб, икки жойимдан яралади. Қилич ямлаган оёғим, унчалик азоб бермасада, ёй теккан елкам қаттиқ қийнайдур. Огули ўқ бўлса керак.

Зардуҳ дўстининг елкасини кўрди-да, титраб кетди:

– Огули ёй тегибдур! Нега бақрайиб турибсизлар, табибни чақиринглар.

– Мен шу ердаман, сардор, – деб бир мўйсафид унинг олдига келди, – ўзлари енгил, ўтиб кетади, деб ўжарлик қиляптилар.

– Шоҳми, гадоми, бетоб кимсага ҳаким ҳукмрондур.

– Тўғрику-я, сардор, аммо улуғ Пири Мўъбадимиз жароҳатлари бунчалик эканлигини ҳозиргача сездирмаган бўлса, биз фуқароси не қилсин.

– Фурсатни бой берманг, қаранг, – деб Ҳошим иби Ҳакимни табиб билан қўярда-қўймай ётогига киргизиб юборди. Сарҳама тундаги жангда йигитлари билан душман томонга ўтиб кетган, унинг кетидан иби Довуд қўшинлари етиб кетгани ҳақидаги шум хабар қўргондагиларни қаттиқ ларзага солди. Ҳорғин кўзлардан уйқу қочди. Зардуҳ дўстининг ҳузурига кириб, ҳазин, синиқ овозда:

– Пайтни бой берибмиз, дўстим, кечаги жангда қуршовни ёриб, қўргонни тарқ этган мақбул эркан, чоғи. Сарҳама душман томонга йигитлари билан ўтиб кетибдур. У ҳам майли-я, иби Довуд катта лашкар билан етиб келибдур. Аҳволимиз мушкул. Қуршовдан чиқиб Наҳшаб ёки Бухорога кетганимизда биз яна қўшин тўплай олардик. Энди кечикдик.Faқат битта йўл – қўргонга туташган тоғ орқали Ойдинбулоқдаги қароргоҳимизга кетайлик, у жойга душман ўтолмайдур. Баҳорга чиқиб жангни янгидан бошлаймиз.

– Йўқ, биродарим, сен ҳақсану, аммо «раҳнамоси қочибди» деган маломат менга ўлимдан ёмондур. Унинг устига оғу танам узра ёйилиб силламни қуритмоқда. Айт, ҳамма ташқари ҳовлига чиқсин.

Зардуҳ ўтирганларни чиқариб юбориб, ўзи қайтиб келди. Қўмондон чордана қуриб ўтирди:

— Яқинроқ кел, дўстим. Кўришмаган кунларимиз ҳиссасини ҳам чиқариб олайлик, дийдорингга тўйиб жон берай. Яқинроқ кел.

Ҳошим ибн Ҳаким юзидағи пардан олиб ташлади. Зардуҳ дўстининг кўзларидаги шашқатор ёшларни кўриб тўлиб кетди. Уни бағрига босиб:

— Дўстим, биз мағлуб эмасмиз-ку, ҳали. Биз ҳали юртимизни ёвдан, ёвдан ҳам баттарроқ хоинлардан тозалайдурмиз, — деди.

— Ҳақсан, ҳали сен кўп жанглар қилурсен. Фалаба ҳам қозо-нурсен. Мендан ўтди, кечир мени. Сен ёнимда бўлганингда ҳеч ҳам енгилмасдим. Хоин фитнакорлар мени йўлдан урди. Наси-ҳатим шулки, эрк учун бош кўтарган ҳар бир кимсага уқтири, ўз юртининг тақдирига эрк ва эл озодлиги курашида қорни тўқ, эгни бут бой ва савдогарларга ишонмасин. Улар мол-мулкларини, жонларини сақлаш йўлинда юртни ҳар нарсага алмаштирадилар. Халқ эса юрти, тили, урф-одатини ҳеч қачон сотмайдур. Улардан хоинлик чиқмайдур. Шул гапларимди еткизгайсен, жондом дўстим. Халқнинг бошига сен соғ-омон бўлгай-сен. Халқ ғурури ҳар недан баланд турур. Улкан тоғлар, тоғли чўққилар — ҳаммаси эл ғуурининг шоҳидидир. Бир аламим сенинг олдингда гуноҳимни юволмай бу ёруғ дунёдан кўз юмадурмен. Ёв қўлига таслим бўймай ўлурмен, — деб ичи олтин ранг олган, ҳамон гулхан ёниб турган тандир томон бошлади.

— Кўйсанг-чи бу гапларни. Сен ҳали кўп яшайсен, — деди Зардуҳ.

— Кўнтил кўтаришнинг ҳожати йўқдур, зальфарон дилни яшнатиб бўлмағай. Ундан кўра кўксимни куйдираётган гапни эшиш: ўз укам бир кун аввал Саиддан¹ элчи бўлиб келиб мени хоинликка чорлади. Айтдики: Наҳшаб ҳокимлигини халифа номидан менга ваъда қиласадур. Бундай пайтни қўлдан бермайлик, ака, тинчлик ўрнатилгач, улар кетишур. Олди қиши. Ундан кейин биз бирга салтанат тузмогимиз-да, давр-даврон сурмогимиз-да мумкин. Бундан ортиқ сизга не даркор, деди.

Ўз укамдин эшиггандарим шу бўлди. У мени сендан йироқ-латти. Ахир мен шоҳона яшаш, зарҳал либослар киймоқ, асл таомлар емоқ учун бу йўлга жонимни тикмадим-ку. Эл-элатим-нинг озодлиги, ор-номуси учун қўлга яроғ олганман-ку. Қабзам эса акси, Ватан, златини бир култум ёвғон каби ютди-қўйди. Ўз

¹ Ҳирот амири.

оёғи билан келганди-ку, нега уни бурда-бурда қилиб ташламадим. Танамда аввалги құдратимнинг ўндан бир улуши бўлганда ҳам, унга омонлик бермасдим. Таассуфким, мадорим қуриб, тик туаррга мажол қолмаётир. У сотқинлардан қасос олмоқни сендан ўтинамен. Шунинг учун сен кўп яшамоғинг, халқни курашга чорламоғинг даркор. Маъзур тут мени, дўстим. Ўлим таҳликаси кишини сергал қилуркан. Сендан охирги илтижом шуким, мен ўламан, ўлигим душманлар қўлида хўрланмасин, Санам тоғида, ўз маконимда ўлсам... Менинг ўлганимни ҳеч ким, ҳеч қачон билмасин, бутун улуснинг умиди менда, шу умид уларга ғалаба баҳш этсин. Атрофи кимсасиз бу Санам тоғидағи салобатли қўргон душман кўнглига ғулғула ва қўрқув солиб тураверсин. Шундай ёнайинки, ҳар томчимдан босқинчиларга қарши хўрланган юрт ўғлонлари бош кўтарсан. Умид учқунларимни улар олов тангрисига айлантиrsин.

– Нималар деяпсан, дўстим, биз ҳали енгилганимиз йўқ-ку. Насиб этса, ҳадемай хоинларни ўзинг танобини тортгайсан.

– Ҳа, биз енгилмаганмиз, енгилмаймиз ҳам. Қачонким, қуролни ташлаб, шафқат сўраганларгина мағлуб бўлган ҳисобланур. Биз ундаи қилмадик. Қилмаймиз ҳам. Қўргонда қолганларнинг ҳаммаси мард, юрт учун, эл учун ўлимга тик борадиганлар. Уларга бош бўл-да, яширин йўлдан Гулойин билади, тоққа чиқиб кетинглар. Мен Холиқ хоқон, Қаёқи, Фарича, Найза, Кулартегинлар билан яна ёрдамга келурмэн, улар мени чақиришлати.

Шу сўзларни айтиб Ҳошим ибн Ҳаким ўзини тандирга ташлади¹.

Зардуҳ ташқари ҳовлига ғамгин чиқди. Жангчилар Зардуҳ ҳурматига ўринларидан турдилар.

– Аэизларим, Муқанна мадад олиб келмоқ учун узоқ сафарга, руҳлар ҳузурига кетди. Биз у келгунга қадар ҳарбни давом этирурмиз. Кимнинг хоҳиши бўлмаса, душманга юртини ташлаб, узоқ элларга кетишлари мумкин. Қаршимизда тоғ қоялари бўйлаб Ойдинбулоқдаги маконга етиб олиб, у ердан яна ҳарбга киришдек оғир йўл азоби турибдур.

Жангчилар бараварига:

– ... Ўлсак ўлурмизким, ҳарбга, хоҳласанг, йўлга... – Улар қилич ва найзаларини баланд кўтариб қичқиришди.

Гулойин уларни яширин йўлдан бошлиб кетди.

¹ 783 йилда Муқанна ўлади.

ХОИННИНГ ҮМРИ ҚИСҚА

Борлиқ қалып қор пүстинида, вилоятлар тинчиб, беҳуда оққан қоңларнинг булоги кўзи бекилди. Аммо очарчилик ҳали «тинчи-маган». Босқинчилар шаҳар ва қишлоқларга ҳоким-бекларни қўйиб, озроқ қўшин ҳам қолдириб, Ҳирот, Хурросон ва Марвга қишишаш учун кетишган.

Ёв уйқута кетгач, йигитлар жамғарма дон ва молларни отларга ортди. Суворилар отларни эҳтиёткорлик билан етаклаб, қадамбақадам келишарди. Жангчиларнинг олди тоғ этагига тушиб, йиғилишмоқда. Зардуҳ ҳаммани отланишга буюрди. Қароргоҳда тоғдан йиқилиб жароҳатланган Самар бошлиқ йигитлар соқчиликда қолишишган. Зардуҳнинг нияти Наҳшабга етиш. Хоинлар карвон йўли ўртасидаги қулай шаҳар – Наҳшабга уя қуриб олганидан хабар топгани учун Наҳшаб интиқоми учун шошилмоқда. Икки кун йўл юрган қўшин Даشت Файзиобод харобаларига келиб тўхтади. Чодирлар тиксланиб, ўтлар ёқилди. Қолган-кутган одамларни йигиб, қишлиқ сман улашди. Зардуҳ ўз хешларини ахтарди. Аммо улар ном-нишонсиз эди. Бирорлар Бағдодга банди қилиб кетилди деса, бирорлар уларни саҳрора чиқариб чопиб ташлашди, дерди.

Зардуҳ ҳаммани барвақт уйқудан уйғотди. Тизилган сувориларига қаттиқ ва тантанали овозда:

– Биродарларим, юртдошларим, биз ҳозир Наҳшабни қамал қиласмиш. Наҳшаб қўрғонидан бирон-бир тирик душман қочиб қолмасин, – деди.

Кўшин шаҳар томон йўл олди.

Жангчиларни курашга чорловчи иғоралар чалиниди. Шаҳар ичкарисидан ҳеч қандай садо чиқмагач, аравалар устидаги фарамларни ўт олдиришиб, дарвозаларга тақашди. Ёйандозлар уларни ҳимоя қилишишга шайланиб туришди. Олов дарвозаларга илашиб ёна боплади. Навкарлар нарвонларни қўрғон деворига кўйиб чиқа бошлишди. Душман эса қўлига тушган нарсанни уларга отарди. Аммо қайноқ сувларни тўкишга улгуролмади. Ёнастган дарвозалардан Зардуҳ йигитлари ўқдай учиб, қўрғон ичига кира бошлишди. Навкарларнинг бир қисми аллақачон қўрғон деворларини ишғол қилиб олишганди. Жон талъасасига тушган ёв – Сарҳама, Қабзам бошлиқ хони бек ва сипоҳилар шафқат сўраб яроғларини топширишди. Зардуҳ асиirlарга қараб:

– Мендан нима истайсизлар, юртингизга кетасизларми ёким қоласизларми? – деди.

Араб жангчиларидан бири ўртага чиқди:

– Бизга энди барибир, хоҳласанг, сен томонда туриб жанг қиласиз.

– Ўз эркимизни ўзимиз тиклашга қодирмиз.

– Унда бизга озроқ ер бер, деҳқончилик қиласиз. Юртимизга борсак, бизга омонлик йўқ. Қолган умримизни меҳнатда ўтказсак.

Зардуҳ ўйланиб турди. Жангчиларига мурожаат қилди:

– Этигган бошини қилич кесмайдур, сизлар нима дейсизлар?

– Одатимизга кўра қуролсиз кишига ҳамла қилиш тўғри келмайди. Майли, бир парча ер бера қолайлик.

Зардуҳ уларга шаҳардан йигирма чақирим наридаги ташландиқ срни инъом этиб, жангчиларига косланди:

– Хоинларни жазолашни менга қўйиб берсаларинт...

– ...Сен қандай жазони раво кўрсанг, биз розимиз... – деб жавоб беришиди.

Зардуҳ ёнида турган навкарларига:

– Қўлларини кесиб малҳам босинглар.

– Йўқ, бу ишинг мардлар иши змас, – деб бақирди Қабзам.

– Ўхӯ, мардлик ҳам талаб қилиб қолибдиларми? Ўз асангни, элингни бир чаҳага сотдинг, тағин мардлик талаб қилмоққа тилинг бордими, хоин. Кўлини счиб, от билан қилич беринг.

– Бошқа билан майдон чиқурмен, фақат сен билан змас.

– Номард хоиндан мардлик кутмоқ ўзи аҳмоқлик. Қўлларини кесиб, қўйиб юборинглар, ҳар кўрган одам уни «хонин» билиб юзига тупурсин. Хоинга бундан бошқа жазо бўлмагай, ўлдирасак ўлиб кетаверади.

Хоинларнинг қўлларини кесиб, малҳам босишди-ю, қўйиб юборишиди.

Кўлларидан ажраган хоинлар олдинма-кейин ўкириб йиглаб, эй худо, тавба қилдик, деб шаҳар кўчалари бўйлаб ақлдан озган одамдек бақириб-чақириб, аҳли мўминларнинг юзига тик қаролмай, умр бўйи йиглаганича оламдан ўтипди. Озодлик учун, ўзининг эрки учун отланганидан дарак берувчи, тоғу тошларда, қишлоғу шаҳарларда алангалаётган гулханлар кундан кунга гуркираб, ён-атрофни ёритиб, келгинди босқинчига қарши букилмас бир куч билан эрк учун, юртнинг озодлиги учун бош кўтарган тўфондан дарак бериб турарди...

ОЙНИ АХТАРАЁТГАН БОЛА

Кўзларига боқиб, оламнинг нурафшон бир бўлагини ўзинг билган, ўзим билган гўзал табиатли заминни тасаввуримга келтираман. Баъзан-баъзан сени бепарволикда айблайман. Лекин ўша заҳотиёқ бу фикримдан қайтаман.

Сен бахтиёрсан, ҳа, бахтиёрсан! Жаюжи чақалогингта кўшилиб юрак-юракдан яйраб кулласан. Тиниқ кўзлари чарақлаб турган болангга – боламга мени кўрсатиб индамас дадангни қара, яна «ойни ахтараётган бола» ҳақида ўйлаётгандир, деб кулласан. Ўғилчамиз ёқимили, ҳам беғубор қиқирлайди. Чарос кўзлари ёшланади... Давронжон ухлайди, уйқусида ҳам гоҳо-гоҳо жилмаяди. «Шайтон қитиқлади», дейсан. Йўқ, тушларида, сен, сенинг қитиқлашларинг қайтарилади – кулади.

– Ҳеч гапирмайсиз, нима гаплар бор оламда дейсан? Нега бунча индамас бўлмасангиз, дейсан...

Сенга термиламан. Кулган бўламан, аммо кулгим ҳам унисиз...

– Ўзинг билган, кўрган одам-да.

Гапирдим, аммо сенга термилганимча сассиз сўзлабман. Гапларингга жавоб кутиб турганингдан билдим. Қошлиларинг чимирилади: аразлаган бўласан.

– Сенинг даданг шунаقا, оғзига толқон солиб олганлар. Ҳамма гапини ишхонадаги ойимчаларга гапириб келганлар. Биза билан гаплашгилари йўқ...

Сочингни силайман. «Бошқани севишга вақт йўқ энди, опаси»

Ўғлимни қўлга оламан. Ўғлим кўкрагимдан итариб йифлади, сенга талпинади. Кучоғингга бориб олгач, мени мазах қилгандай жилмаяди. Юзини сийнангга қўйиб, жажжи қўлчалари билан юзингни силайди. Оҳ, сен қанчалик бахтиёрсан!..

– Шунақа, бола бечора ҳам сиздан ётсирайди, – деб боланинг лўппи юзларидан чўлпиллатиб-чўлпиллатиб ўпасан.

Майли, индамас де, севмасликда айбла! Сен билан мени тақдир қўшди. Севмасам-да, меҳрим бор сенга. Билмайсанки, сенинг чеҳрангдаги қувончни аяётганимни.

Биласанми, идрок этаяпсанми, «гапирмайсиз», дейсан, мана, гапиряпман, сассиз сўзлаяпман. Юрган йўлимда ҳам, ўтирган ўрнимда ҳам ич-этимни еб, суҳбат қураман. Сен ҳақингда, одамлар ҳақида, эзгулик ҳақида...

Мана, тонг ҳам отиб қолди. Давронжон йиглайди. Сен учун одатга айланиб қолган ишинг, кўзларингни уйқудан очмасдан кўкрагингни гўдак оғзига тутдинг. Ором олди. Мен эса кечаси билан ишлаб чиққан кишидек кўзларим қизариб, бошим оғриб, ётган ўрнимдан аранг тураман.

– Онаси, туро қол, тонг отиб қолди! – қўлим билан оҳиста туртиб уйғотаман.

Ана, яна бир кун бошланди.

Юрганда, ўтирганда ҳам сен билан пинҳона гаплашганиларимни сезмайсан шекилли. Сен эса мени индамасликда айблайсан. Мен шунчалар кўп гапираманки, айтган сўзларимнинг ҳисобига ҳисоблаш машиналари ҳам етолмай, ожиз қолсалар керак.

Мана, ишхона – Ойномани ахтараёттан бола айтганидек, умринг эрмакхонасига ҳам етиб келдим. У подани боқиши, мактабга қатнаши билан ҳаётининг бир кунини ўтказди, мен эсам қофозлар титкилаш билан.

Иш кабинет зшигини оҳиста, қалтираб очаман. Тунд башара бошлиғим кўзойнаги ортидан хўмрайиб қарайди. Алик ўрнига:

– Хўш, келдизми, дуруст. Графинни тўлдириб келиб, чой қўйинг!

Бу иш жонимга теккан, бўғзимга келган эди. Менда қандайдир журъат пайдо бўлди. Негадир ҳозир қоним қайнаб кетди. Унинг устига кечаги мажлисда: «қўлидан иш келмайди», деб айبلاغани эсимга тушиб, қоним баттар қайнади. Унга ўқрайиб қарадим. У бамайлихотир журналдаги суратларни томоша қиларди.

– Мен сизга малай эмасман. Ишимни қилгани қўясизми-йўқми? Бўлар-бўлмас иш буюравериб ишлагани қўймаганингиз стмагандай, мажлисда иш билмасга чиқарганингиз нимаси? Қиладиган ишингиз, одамларни бир-бирига қайрап. Ўзи сизда виждон борми?

У ўрнидан иргиб турди-да, директор олдига кириб кетди. Ана зиди шу дақықаларда хонадонимнинг гули – хотин яна сен билан гаплашаман. Азизам, уйдан ташқаридағи аžвол ана шунаңа. Шуларни, шу кунгача югурдақлик қилғанимни сенга гапирайми? Күй, болаларимнинг суюкли онаси, эшигима, зинҳор-зинҳор эшигима. Нима қиласан, тапіқи олам ташвишларига күмилиб. Сувдек тиниқ қалбингни жароҳатлама. Майли, мени индамас дегил. Одамга ўхшамайсиз де, мен розиман.

Сен билан ёкүт юлдузлар чамани кўкни тутиб, яна нақ юлдузлар тепамизга келгунгача сұхбат қургим келади. Гуллар, тоғлар, оқар дарёлар ҳақида гапириб-гапиравериб месъдангга текканман. Ойга зътиқод қўйган, у билан гаплашишни орзу қилган болани гапирганимда қанчаз кун ҳаловатингни йўқотдингу буларга қандай чидайсан?! Сабр қил, жонгинам, сабр! Ҳали сен билан гуллар оралаб саховатли, оқибатли, очиқкўнгил кишилар, мафтункор олам ҳақида шундай сўзлашайки, гулгул яшнагил. Директор жанжалимизга, чамамда, аралашмади. Бошлиғим нима қиларини билмасдан тунд башарасини қоғозларга тикканча жим. Қабулхонага телефон қилмоқчи бўлиб кирдим. Директорнинг дерматин қоплаган эшиги қия очиқ. Ичкаридан таниш овозлар...

– Самад ака, у менинг жонажон дўстим. Лекин сиз сўрадингиз, тўғрисини айтишим керак, сал лақмароқ, бўлим бошлиғини ҳурмат қилмайди. Ёрмат ака ҳақ!

Қадрдон бўлиб юрган Тоҳир дўстим менга айбларни қалаштириб ташламоқда эди. Шу дақиқа ану куни қилган мулозаматлари ёдимга тушди: «Дўстим, агар сен бошқа ерга ишга ўтадиган бўлсанг, мен ҳам бирга кетаман».

Нима бўлса бўлди. Шахт билан кириб бордим. Башарасига бир, икки, уч... Кетма-кет туширдим-да, эшикка отилдим. Томошаталабларга хона тўлган эди.

– Тўхтанг, сизга айтяпман, тўхтанг! – бақирди директор.

Хонага дақиқалик сукунат чўқди. Директор менга қараганча стол тортмасидан аллақандай дори олди-да, чойнакдан пиёлага чой қуйиб, дорини ютиб юборди.

– Яқинроқ ўтиринг. – Қаршиисидаги курсини кўрсатди. – Одам деган бунчалик тез бўлмайди. Қолаверса, гап пойлаш яхши эмас, йигит кишиига уят!

– Телефонга киргандим. Эшигингиз қия очиқ қолибди. Гап ўзим ҳақимда қетаётган экан. Қизиқсиниб қолдим. Дўстимни... – ютиндим.

– Дүстингизми?

– Ҳа, ҳозиргача дүст здим...

Директор истекзоли жилмайды.

– Тавба. Билмай қолдим, ўзи нималар бўляпти? Пасткашларга қачон барҳам берилади. Виждон, инсонийлик, дўстлик, иш сўзларининг мағзига қачон, қачон тушунасизлар-а?! – гўё ўз-ўзи билан сўзлашарди у. – Бошим гийбатчиларнинг гийбатидан, чақмачақарларнинг ғалвасидан бўшамай қолди-ку! Бу ҳолда ишни қачон қиласиз! Неча марталаб танбеҳ бердим, уришиб ҳайдадим, яна ўша ғиди-биди. Ахир бундай тушуниб яшасалинг-чи, ўзи олтмиш йил яшаймизми-йўқми, бир-биримизни ғажиб яшашдан нима фойда кўрамиз, нима??!

– Мен ҳали арз қилиб кирганимча йўқ.

– Кирмаган бўлсангиэ, кирасиз. Ҳа, албатта кирасиз.

– Йўқ, кирмайман. Яхшиси, ишдан кетаман.

– Ишлайсиз! Эшитяпсизми, ишлайсиз! Нима, ҳамма оғирликларни мен кўтариш имконим керакми?

Нима қилишимни билмай турардим. Директор менга яна бир оз насиҳат қилди. Сигарета чекди-да:

– Ука, бизниң жамият ҳам гўзал туйгулар замираиди қурилган. Буни кўз қорачиғидек асранимиз керак. Бу фақат мени ёки бошқа бир раҳбарнинг иши эмас. Ҳамманинг иши. Чунки биз оддий халқقا ҳар доим ҳисоб бериб борамиз. Сезяпсизми, қанчалик адолатли. Бутун юртимиз бойлиги ҳаммамизники. Шундай экан, бунинг қадрига стайлик-да, уч-тўртта ҳасадгўйларга таслим бўлмасдан, уларнинг тавбасига таянтирайлик. Ўша юз хотир соясида кўмилиб кетган журъатни ишга солайлик, ука! Бўлмаса улар илдиз отавериб, вабодек тарқалиши мумкин. Шуни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг, мамлакатимиз, халқларимиз мақтанчоғу қаллобларга қараб қолгани йўқ. Уларнинг пайини қирқиш ҳар бир соғ кишининг бурчидир. Гапим шу, ука.

Мен унга термилиб, нима қиласимни, нима деяримни билмадим. Чунки қаршимда одил, ўзим сұҳбат қурмоқ учун қачондан бери излаб, тополмай юрган сиймо турарди.

Директорни «одамгарчилиги йўқ, кўрс, калтафаҳм, дилозор» каби айбномалар қўйиб гапиришарди. Балки бу тўқима сўзлар онгимда ўрнашгани учунми уни ёмон кўриб қолгандим. Фаҳмладимки, бу иғвогарларнинг иши экан. Улар яхшиларга ўзларидаги иллатларни тамғалар эканлар. Мен унинг кўзларига журъат билан қарадим. Нуроний нигоҳла-

ри дунё ташвишларидан ҳориган. Қандайдир мунгли мудроқ билан тетиклик ўртасида кураш кетаётгандек эди.

— Боринг, кайфиятингизни яхшилаб, ишлайверинг, — деди директор.

Ташқарига чиққанимда ҳамма мени коридорда кутиб турарди. Биринчи бўлиб Ёрмат ака ёнимга келди. Аввал зўрмазўраки, созчи созини созлагандек кучаниб йўталди. Сўнг:

— Сиз қанақа одамсиз-а, бошлиқ хонасига ҳам кириб, безорилик қиласидими киши? Сизда уят борми, ўзи? Одам қиласидим, одам қилолмадим-да. Энди ўзиздан кўринг. «Характеристика»ни мен сизга икки дунёда ҳам ёзолмайман. Ўқиганингиз куйди, ука. Ҳа, кишининг раҳми келади, начора. Бўлар иш бўлди. Пешонангиздан кўринг, ўзиздан кўринг, — деди бақирган ҳолда.

* * *

Ишхонамда бугун шундай воқеалар бўлди. Буни сенга айтсамми, айтмасамми, ўғлимнинг онажониси, билмадим, аммо шу пайт «ойни ахтараётган болакай» эсимга тушди. Унинг эзгулик йўлидаги эътиқоди, унга интилиши мени яна ҳайратта солди.

Кўзларингдан меҳр ёғилиб турган умр йўлдошим, буларни сенга айтиб берсам, юраккинанг кўтара олармикин-а, барибир ишхонадаги воқеа сени ларзага солади, ўйлатади, кўзларингга ўй парда тортади, юраккинанг кўтаролмайди. Яхшиси, сен учун янги бир мавзу, гап топиб бораман. Ана, хотинжон, эринг тинимсиз сўзлаяпти, сўзлаганда ҳам ўз-ўзи билан сўзлашмоқда. Ойни ахтараётган бола хаёлимни ўғирлайди. Унинг гоҳ қувноқ, гоҳ маъюс чеҳраси гавдаланади:

— Амаки, — дейди кулиб, — одамлар қизиқ-а?

— Нега?

— Кечабобомларникига боргандим. Бобомла касалла. Икки амакимла бобомнинг сигирини ман оламан, ман оламан, дейишиб роса уришиши. Қизиқ-а, сигирди нимасига уришишади. Боқиш ҳазијми? Ўшасиз яхшику қайтам, смиш деб изғишмайди. Мен бўлсам олмасдим.

Мен унга ҳеч нарса дея олмадим. Кулиб қўйдим. Елкасига кафтим билан қоқиб қўйдим. У хафа бўлди.

— Сизди яхши одам эканла девдим, Икром ака, — деб уйига кетиб қолди.

* * *

Дам олиш куни эди. Китоб ўқиб ўтиргандим. Эшик фийқиллаб очилди. Остонада кўзлари ғамнок бола кўринди. У ўйчан эди. Ўрнимдан туриб илиқ қаршиладим.

— Хўш, Турдигек, оламда нима гаплар? — гўё оламдан фақат шугина, эзгулик қидираётган Турдигеккина хабардордек.

У қовоғини солиб деразадан тубсиз осмонга, ўркач-ўркач қора булутлар сузаётган кўкка боқди.

— Оймомани ҳам кўзини очирмай кўйишди бу булутлар. Энди срдаги ишлардан қандай хабар топади. Ёмон ва яхшиларни билолмай қолади.

— У жуда баландда, Турдигек. Унинг кўзлари жуда ўткир. Унинг назаридан ҳеч нарса четда қолмайди, ука. Ўқишилар қалай? — дедим.

— Ака, — деди кўзларига ёш олиб, — Биласизми, синфимдагилар ҳам мени жинни дейишияпти, менинг ой билан гаплашганимга, сут берганига ишонишмаяпти, нега менга ишонишмайди, нега мени жинни дейишиади? Ўртоғимнинг дадаси отамга айтибди. Мана сенга оймома, деб орқамга камар билан урдилар. Нега урадила, нега мен таёқ еб юраман, бошқалар қанд-асал ейди?! Нега?! Нега?! Нега мен... — пиқиллаб йиғлаб юборди.

Анча йиғлади. Менинг ҳам юрагим тўлиб келди. Томоғимга нимадир тикилди. Бошини снладим, бағримга босдим. Қани энди қудратим етса, боланинг кўксига чўккан ғамни юлиб олсан-у, ундан йироқларга итқитсам. Қайта бу хокисор қалбга ёпишолмаса.

— Сиз оймоманинг меҳрибонлигига, у билан гаплашганимга ишонасизми? — деди.

— Ишонаман. Биласанми, нияти яхши кишилар ҳамиша ҳалқ учун ишлайди. Уларнинг иши ғалаба қиласди. Мана Темур бобо, у киши яхшилик, эзгулик учун курашганлар. Ҳозирги тўқчилик, фаровонлик Темур бобонинг хизматлари.

— Эзгулик деганингиз нима?

— Эзгулик, — бир дақиқа жимиб қолдим, — мана сенинг одамлар ҳақидаги — ширинсўзлик, кишилар бир-бирига меҳрибон бўлишларини хоҳлашинг, ойни ахтаришинг — ҳамма-ҳаммаси ззгуликка киради, укажон.

— Темур бобомлар ҳам ой билан гаплашганларми?

— У киши одамларнинг фаровон турмушда яши учун курашганлар, китобларни жуда кўп ўқиганлар, инсоният равнақи учун ҳаловатсиз курашганлар. Тушунтира олдимми, укажон.

— Ака, нега одамлар ҳар хил, бир-бирларини масхара қилишади, болалардай уришишади, нимага-а? Бувимлар ҳам уришадиганларни ёмон кўрадила. Манам биронтаси билан уришиб қолсам, хафа бўладила.

* * *

Оҳ, ойни ахтараётган бола! Сен менга қанчалик таъсир қилингани билсанг эди. Ўзинг кичкинасан, гапирган галингнинг юкини кўтаришга эса бу муштдек юраклар ожиз. Эзгуликнинг чавандозисан. Мен ҳам ана у кунги дўстимни урмасдим, аслида ззгулик учун урдим, урмасдан айтсам ҳам бўларди. Одамлар ззгулик учун жангларга киришган-ку. Мен фақат урдим, ўлдирмадим. Бошқа қаллоблик қилмасин, деб урдим. Мени кечирап. Қани эди, ҳамма сендек ззгуликка интилса. Дунёни ҳамиша баҳордек чароғон кўришга интилса. Балким уруш, ифво, миш-миси сўзлари тилшардан, лугатлардан ҳам ҳатто жой олмасди. Чегаралар бўлмасди. Дунё сабзадек яшилликка бурканиб, олам нурга тўлиб, кишиларни ҳамиша баҳордек яшиаб турган ҳолда кўриларди. Ўлим деган сўзлар кишиларга ёт бўларди. Ойни ахтараётган болакай, сен омон бўлгин! Ахтараётган хаёлий нарсанг ҳақиқатга айлансин!

Хаёлан у билан суҳбатлашаман, илк бор учрашганим ёдимга тушади.

* * *

— Юринг, меҳмон, сал панараб ўтайлик. Мияси суйилган бола келяпти, бошди қотиради. Бувиси солди уни шу кўйга.

— Кўриниши дупла-дуруст-ку?

— Қайдам, ойни гапирадими-ей, одамларни «меҳмон» дейдими-ей. Вообще, бирон дурустроқ гап билмайди. Аммо ойни гапираверади, гапираверади...

— Бола-да. Болалиқда киши нималарни гапирмайди, нималарни орзу қилмайди.



*Одил Ёқубов, Шукрулло, Мирзапўлат ака,
Равшан Латипов ўзаро мулоқотда*



*Испаниялик ёзуви ва журналист
Айдор — ўзбек адаби мөҳмони*



Адабнинг оиласи



Ёзувчилар, журналистлар ва олимлар даврасида



Неъмат Аминов билан дилкаш сұхбат



Шоир Амир Худойберди ва адаб Мирзапұлат Тошпұлатов



Собиржон Холхўжаев — адибнинг муҳлиси



Дўстлар дийдори

– Унинг гаплари одамга сингимайди, соғ боланинг гапига ҳам ўхшамайди. Гаплари бошқачароқ. Ҳамма жиннига чиқарип қўйган. Болалар билан уришсаям, отаси урсаям «ойномага айтаман», деяверади.

– Қизиқ бола экан-ку. Қани, бир гаплашиб кўрайлик.

Тоғ йўлидан елкасига портфель осиб олган, озғингина бир бола келмоқда. Ҳар замон тубсиз осмонга, кафтини пешонасига соябон қилиб қараб қўяди. Шу заҳоти бошини аянчли эгиб секин илгарилайди. Бизнинг қаршимизга келди. Одоб билан чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўлини шеригимга узатди.

– Ассалому алайкум, меҳмон ака, укаларим, янгам омонмилар, тан-жонлари омонми, омон бўлишсин! Бувим айтгандек, ҳамма меҳмонлар омон бўлсин, Тоир ака! – сўнг қўлини менга узатди. – Сиз омонмисиз, меҳмон ака, яхши етиб келдингизми? Укаларим, янгам омонмилар, омон бўлишсин у меҳмонлар ҳам. Хуш кўрдик. Кеча эшитгандим, шаҳардан бир олим келармиш деб, сиз экансиз-да. Дараҳтларни, ўтларни ўрганармишсиз. Жа яхши-да, меҳмон ака. Бизларнига ҳам ўтинг, майлими?

– Раҳмат, ука, албатта ўтаман. Ўзинг ҳам келиб тур. Мен колхозди меҳмонхонасида тураман.

– Раҳмат, ака, сиз яхши меҳмонга ўхшайсан. Ойномани кўрсам, сиздақа яхшиларнинг кўпайишини сўрайман, меҳмон ака. Майли, мен кетдим. Уйга эртароқ бормасам, отам урадилар. Ўзи қизиқ-да. Ота-она деган номлар олишган, улар ҳам аслида сизу мендай момо ернинг меҳмонлари. Бувим шундай дейдилар. Шуни билишмайди. Ёмонлар мени кичкина жинни деб уришади, сўкишади. Бувимлар менга қўшилиб йиглайдилар. Ўйнаганиям қўйишмайди, меҳмон ака. Хўп, мен борай.

У бир осмонга, бир ерга қараганча хомуш, кексайиб қолтан одамдай оғир, вазмин одимлаб биздан узоқлашди.

– Ана кўрдизми, – деди Тоир ака кулиб, – топган гапи шу.

– Кўпдан берими?

– Бувисининг эртагидан бери. Бувисининг ўзи тўқиган бир эртаги бор, ҳар кеча ўшани эшитиб, кейин ухларкан. Нима қилса бувисининг ёлғон эртаги қилди.

– Жиннига ўхшамайди. Исли нима, ота-онаси кимлар?

– Эй, унинг исмини ёддан чиқарип юборганимиз. Ҳамма «ойни қидираётган жинни», дейишади.

Мен унинг катталардек одоб билан берган саломи, одамларни меҳмон, ойга айтаман, деган гапларини солиштира бошладим. Шеригимнинг гаплари қулоғимга кирмасди.

– Юриңг, кетдик, кўриб юрганингиз манзара – қуёш ботишида, меҳмон. Раис кутиб қолгандир.

Мен Тоир ака билан кетяпман-ку, хаёлим беғубор ёшлик, ишонувчан болалик баҳоримга етаклади.

* * *

– Етимча – етти кулча, – деди қўшнимиз Faффор аканинг қизи коптогини тепганимда.

– Мен сени дадамга айтиб бераман, Ойсара, – дедим.

– Фу, сенинг даданг борса келмасга кетган, билдингми, борса келмасга, ойимла айтганла!

– Дадамла менга жийда териб келгани кетганла, териб келсала, сенга бермайман.

Ҳар куни кўчадан, Ойсара билан айтишиб қолганимдек, босқа болалар билан ҳам ё айтишиб, ё муштлашиб кирадим.

– Она, онажон, адамла қачон жийданি териб келадила. Бахтиёрнинг дадаси юзимга урди. Отамлага айтиб бераман.

Учинчи синфда ўқирдим. Мактабдан келсан уйимда бир одам ўтирибди. Негадир колхоз боғининг қоровулига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Даствурхонда жийда... Қувончдан тилим сўзга келмади. Кўзим қувончдан порлади, атрофга олазарак қараб отамни ахтардим, йўқ!

– Ойи, ойижон, отажонгинам келдилами-а, келдилами, қанила?

Онам ийғлаб юборди.

– Болагинам, қўзичоғим, ҳа келди, келди. Танимаяпсанми адажонингни, танимаяпсанми, манала. – У одамга иккиланиб қарадим, қучоғини ёзиб мени ўзига чорляяпти. Вужудимдаги қувонч сўнгандек бўлди. Чунки мен отамни қишлоғимиздаги энг чиройли, бўйи баланд, кучли, мени кўриши билан югуриб келиб, бағрига олишини, осмонга отиб ўйнатишни орзиқиб кутиб, соғиниб юргандим. У одамнинг тиззалиб, аранг қулочини ёзиб тургани, қувончи ҳам сезилмагани учунми, совуқ, жуда совуқ қучоқладим. Юз-кўзларимдан соғинч билан ўпмади. Соқолли юзини юзимга бирпас босди-ю, мени бўшатди.

– Ол, ўртоқларинг билан ейсан, – деб онам дўппимга жийда тўлдириб берди.

Қувонишимни ҳам, қувонмасимни ҳам билмай кўчага чиқдим. Тенгқурларим даврасига бордим. Жийдани уларнинг олдига тўқдим.

– Олинглар, отам териб келибдилар, – дедим ерга қараганимча.

– Қанақа отанг, отанг борса келмасга кетган, билдингми, борса келмасга. У ердан ҳеч ким қайтиб келмайди, – деди бо биллаб Faффор аканинг шаддод қизи. – Онанг сенга янги ота олиб келди. Етимча, етти кулча.

Мен бу галларнинг фарқига етмасдим. Фақат отамнинг жийда териб келишига юрак-юракдан ишонардим. Югуриб уйга қайтиб кирдим. Онам ўгай отам билан чой ичиб, гаплашиб ўтиришарди. Онамга ташландим. «Менга янги ота керакмас, ўзимнинг отамни, жийда тергани кетган отамни чақириб беринг, жийда-пийда керакмас, ўзлари келсинлар, соғиниб кетдим, айтинг, кела қолсинлар, онажон. Ўзимнинг отажонимни топиб беринг, онажон?!»

Онам пиқиллаб йиглаб юборди. Мени бағрига босди.

– Қаердан, қаердан топиб келаман, болажоним, қаердан? Отагинанг келмайдиган жойга, борса келмасга кетган, билдингми? Буни ҳам тушунмасанг, эшит! Отагинанг ўлган, келмайди. Билдингми! – кифтлари силкиниб-силкиниб йигларди. Шу кундан бошлаб бошим узра ҳоргин туман соя солди. «Ўлган, ўлган», деган сўз қайтарилаверди. Ҳомуш тортдим, гўё болалигим баҳори тугагандек, тенгқурларимга қўшилолмай қолдим. Отамнинг келишига бўлган ишончим сўнди. Билдимки, отам меҳридан ҳеч ҳам, ҳеч қачон энди озиқ ололмас эканман. Атрофимда қанчадан-қанча саховатли кафтлар бошимни силашга тайёр турса-да, отамнинг бир оғиз ширин сўзию боқишига, ҳатто ўқрайиб қарашига тенг келмас экан. Бошим ҳам. Ишончим, зътиқодим сўнган, бир ташландиқ тошга ўхшаб қолгандим. Ўйин ҳам, гуллар ҳам кемтик дилимга ором беролмасди.

* * *

– Меҳмон, сизам роса хаёлпараст экансиз-ку. Лабингиз тинимсиз қимирлади-ю, овозингиз чиқмайди, – хаёлимни бўлди. – Ана раиснинг ҳовлиси.

Раисни иш планим билан таништирдим. У ўриндиқни ғижирлатиб оғирлигини бир томондан иккинчи ёнга олди.

– Нима қиласиз ўша ўт-ўланни териб, мактаб болаларига топшираман, улар хоҳлаганингизча териб беради. Сиз мен билан юраверинг, далаларни, тоғларни, манзарали жойларни кўрсатаман, мириқиб дам олсангиз-чи? Бугун Олим бригадникида зиёфат бор. Бир отамлашиб келайлик. Шаҳардан ўйинчи билан ашгулачи обкечган. Ўйинчисининг ишваларини бир кўриб қўйинг. У жонни олгуси ишваларни шаҳарда икки дунёда ҳам кўрмайсиз.

– Боролмайман, раис ака, жуда чарчаганман. Мактабдагиларни ҳам безовта қилиб юрманг. У ўсимликларни ўз кўзим билан кўриб ўрганаман, ўсиш шароитини билишпим керак. Қолаверса, ўша жойни тупроқ таркибини ҳам ўрганишим зарур. Илмий иш бўлгандан кейин илмий бўлсинда.

– Менга чақчақлашадиган шерик топилди, деб бекорга кувонган эканман-да. Сиз ҳам, дейман, ичимдагини топ, дейдиган йигитга ўхшайсиз. Ўзи бизди идора билан битадиган ишингиз йўқми, мәҳмон. Ҳозир ревизорлар, тафтишчилар билдиримай келиб текширади, зимдан иш битказади, дейишади. Агар ўшалардан бўлсангиз ҳам майли, бизда «ошибка» йўқ. Одамлар вақтида ойлик олади. Бизди «семъядан» саккиз бола далада ишлаб, «законний» ойлик олади. Ишонмасангиз, текшириб кўринг. Ҳа, энди маслаҳат ошига – базмга бориб турамиз.

Мен кулдим.

– Раис ака, мен илмий-текшириш институтида ишлайман. Ҳеч қанақангি текширувчи эмасман, ишонаверинг. Қолаверса, тўғри одамни минг текширишмасин, айблай олишмайди.

Раис ҳам кулди.

– Ҳа, майли. Бугунча сиз дам олинг, эртага ўзим бораман.

– Кўп ишдан қолиб овора бўлаверманг, ёрдамингиз керак бўлиб қолса, ўзим борарман идорангизга.

Бегона жойда ухлаб ўргана олмаганим учун кечаси билан тонгни орзиқиб кутдим. Машриқ этаги қизарди. Қуёш мўралади. Атрофим сут рангга кирди. Подачининг «ҳайда, қолдиёв-в» деб бақиришнга итларнинг ҳуриши, сигир-бузоқларнинг маъраши қўшилди. Шундан яна инсон умрига кўз олайтирган ўткинчи кун ўз тахтиравонини олам узра ўрнат-

ди. Гоҳо шамол, гоҳо ёмғир бўлиб одамлар билан ўйин ўйнади ёруғ кун. Кеча эса куннинг ҳисоботини йигиб, қора қўйнига жо қилишга киришди. Келганимга бир ҳафта бўлди. Кун билан тун бекинмачоқ ўйнайди. Нонуштадан сўнг қирга чиқдим, ўт-ўланлардан йиға бошладим.

– Ҳорманг, меҳмон ака, – қаддимни ростлаб, овоз келган томонга қарадим – бола – ойни ахтараётган бола турарди қаршимида. – Яхши дам олдизми, меҳмон ака? Кечада бормоқчи бўлгандим, чарчаб қолгансиз, малол келар деган андиша билан безовта қилмадим.

Ёшгина боланинг кўпни кўрган қариядек сўзлаши мени лол қолдиради.

– Раҳмат, ўзинг яхши юрибсанми?

Бола эшак устидаги хуржунни ерга қўйди. Кўкатлар устига қуроқ дастурхон ёэди. Тўртта нон, термос, пиёла олиб, чордана курди.

– Қани, дастурхонга яқинроқ ўтиринг.

– Мен тамадди қилганиман, ука.

– Мен ҳам овқатланганиман. Сиз билан бир чойлашиб, гаплашай дегандим, – дастурхондаги нонларни қўлига олди. – Бу нонни Наргис опа ёпган, бунисини Самар аканинг қизи Адолат опа, мана бунисини Муяссар опам ёпган, бунисини Ҳўжақул муаллимнинг хотини ёпган. Қишлоқда энг мазали нонларни пгу тўртталаси ёпди. Ҳаммасидан ҳам Самар аканинг қизи ёпган нон мазали. Буни ҳамма ҳам билавермайди. Подачи маза қила-ди-да, нонларнинг тотлисини ейди. Қайси қиз, аёл, кампир қандай нон ёпишини билади, олинг, шунинг учун подачининг нони ширин бўлади, дейди Зуҳра опамни оталари, меҳмон ака. Бугун бозор, подачи бобога ёрдамга чиқдим. Ҳар бозор ёрдам берарман. Тушларда қизлари ҳам келади. Бирам ширин гапирадилар, бирам чиройли гапирадилар, қўяверасиз. Мени эркалайдилар, ашгула айтиб берадилар. Қани эди, Зуҳра опа менинг опам бўлиб қолсалар. Зўр бўларди-да. Ҳали оймомани кўрсам, менга подачи бобонинг қизи Зуҳрани опам қилиб беришини сўрайман, у қудратли. Оймомани яна бир учратсан, ўзим билардим. Синфимиздаги аҳмоқ болаларни ҳам, кўчамиздаги иккитасини ҳам айтиб берардим. Масхара қилишади.

– Нега, улар билан уришиб қолганимисан?

Чойни ичиб, менга ҳам қуйиб узатди.

– Улар мени жинни дейишиади. Дарсларни улардан яхши билсам ҳам, күчиртирсам ҳам ёмон күришади. Бор айбим, ойни күрганимни айтиб берганим. Ўзим ҳам ҳаммага айтавериб, чатоқ қылганман-да. Мана энди уйдагилар ҳам соғлигымга ишонишмайди. Гапимни эшпитешмайди. Аслида улар жинни, миялари ишламайди, бувим айтдилар. Агар мен жинни бўлсан, кундузи ҳам тентираб, ҳушим тортган томонга кетаверишим мумкин-у. Буни хаёлларига келтиришмайди. Мен шунча молларни боқиб беряпман-ку. Йўқолмаяпти-ку, – деб хуржунининг иккичи кўзидан география китобини олди. Қизиқсиниб қолган китобларни ҳам олиб кўрсатди. Улар ичида эртаклар, шеърий китоблар, бешинчи синф дарслклари бор эди.

– Ҳаммасини ўқийсанми?

– Шеър ва эртакларини Зуҳра опамла ўқиб берадилар. Ўзим географияни, математикани ўқийман, – деб китоб ичидан дунёхаритасини олди. – Биласизми, шу одамлар ҳам қизиқ-а. Кеча Ливандаги урушни телевизордан кўрдизми, амаки? Бомбалар гумбурлаб, болалар, одамлар ўлиб ётибди. Бувим босқинчиларнинг пошшосини қарғадилар. Бирорди уйига олайган кўзинг зриб оқсин, дедила. Сиз ҳам, мен ҳам, бу дунёдаги ҳамма меҳмонлар ҳам бир-бирини қандайлигини билишмасмиш. Ҳаёт қизиқ деганиларича бор-да, ўзи. Соппа-соғман-ку, жинни дейишиади.

– Нечанчи синфда ўқийсан?

– Бешинчиди. Мени овсар деб мактабдан ҳайдашмоқчи. Ҳали кўришади. Оймома билан яна учрапшай, уларнинг адабини ҳам бердираман. Жинни ҳам дейишишмайдиган бўлишади.

– Олдин кўрганмисан?

– Ҳа, – чўққини кўрсатди. – Ўшанинг орқасида юлдузлардан келган канизаклари билан туради. Яқин кўринган билан анчи олис. Кечасига қолиб кетганман. Сут берган менга. Яна борардиму, йўлда кучук етаклаган ёмон бола бор. Итига қувдиради.

Унинг бесгубор, лекин ташвишга тўла нигоҳига тикиламан. У бўлса тоғнинг баланд чўққиси томон қараб, мароқ билан оймомани таърифлар эди. Унга бутун вужуди билан интиларди. Биргалashiб қир-адирларни, булоқ ва сойларни айландик, ҳориб очиқдик. Бир булоқ ёнидаги ўрик тагига ўтирдик. Узоқдан, қишлоқ томондан оқ-кўқимтири чит кўйлак кийган, бошида ипак рўмол, қўлида тугунча кўтарган қизга кўзим тушди.

– Турдибек, – келаётган қызга зытиборини тортдим, – Зұҳра оланг змасми?

Бола иргиб ўрнидан турди.

– Зұҳра опамла келяптила, Зұҳра опамла!

Қыз яқин келди. Менга ұркак кийикдек ётсираб қаради.

– Турди, овқат опкелидим, еб ол.

Бола бир менга, бир қызға қараб турди-да, ўрнидан турди, унинг құлидан түгунчани олди. Бир құли билан қызниң құлидан ушлади.

– Ола, құрқманг, бу киши жуда яхши. Сиз, мен, бувим үйлағандай одам. Олим эканлар. Тоғдаги үтларни ўргангани кептилар. Юриңг, бирға овқатланамиз, – қүярда-қүймай қызни даврамизга тортди. Зұҳра ийманиб:

– Хуш келибсиз, мулла ака, – деди. Мениң кулгим келди.

– Муллалар мадрасада бўлади, мен аспирантман.

– Бизада шунақа дейишади, мулла ака. Олинглар, овқат совиб қолмасин.

Қыз бизлар билан бир оз овқатланган бўлди-да, қайнаб чиқаётган булоқ тепасига бориб, ҳовучлаб сув ичди. Турдибекдан тортиниб, унга ўғринча һигоҳ ташладим. Юрагим орзиқиб кетди. Шунчалик ҳам ҳусн бўладими, бир кишига ортиқча змасми. Қатиқли сувга ювилган, майдалаб ўрилган сочи йилтирайди. Қоматига бирам ярашганки, асти қўяверасиз. Юзининг тиниқлигига тимқора қошлар қуйиб қуйилгандек, бу қошлар фақат шу қыз учун яралгандек. Текис тишлари садафдек тўнади. Кўзинда киши ўз аксини кўради. Ўғринча боқишимни сезган қыз хижолат тортди. Юзига қизиллик югурди. Мен ўзимни таоман йўқотиб қўйгандим.

Овқатланиб бўлдик. Турдибек ўрнидан туриб Зұҳранинг олдига борди. Қўлинин қызниң нозик елкасидан ўтказиб, ёнбошига ўтиреди. Қызниң момиқ қўллари боланинг бошини силай бошлади. Шу алфозда қани эди мен ҳам бола бўлиб қолсам, ўша чиройли, жон бағишловчи қўллар мениң ҳам бошимни силаса. Ютиндим, ўрнимдан турдим-да, уларга яқинроқ ўтиредим.

– Турдибек сизни яхши қўшиқ айтади деганди, эшилсақ қандай бўларкин? – дедим тортиниб, дудуқланиб.

Қыз болага ўпкаланиб қаради.

– Ҳаммага айтиб юрибсанми?

– Йўқ. Бу киши яхши одам эканлар. Менга ёқдилар. Нега менга ёқкан киши сизга ёқмайди, а?

У жим бўлиб қолди. Жавоб бермади. Турдивек унга мўлтираб қараб:

– Опа, мени мактабдан ҳайдашган, кеча мактабга киргани кўйишмади, синф раҳбаримиз айтса ҳам киритишмади. Энди ҳар куни сиз билан пода боқаман, майлим? – деди.

Зуҳрани чақин ургандай бўлди. Сапчиб ўрнидан турди.

– Нега, ким?

– Қоровулминан Боймат малим. Мен жинни эмишман. Ўзлари жинни-ку улар-а? Нега мени жинни дейишади?

– Келиб-келиб кучлари сенга етдими, ноинсофларнинг. Боймат малим нима бунча сенга осилиб олди-а? Завуч бўлдим деб, кеккайиб кетдими? – деб қиз Турдивекнинг бошини бағрига босганча пиқиллаб йифлаб юборди.

Мен ҳанг манг бўлиб, уларга қандай далда беришни билмасдим.

Қиз ўзини қўлга олди.

– Опа, опажон, мен, мен ёмонларни кунини кўрсатамая, сизди уйизга кириб, сизди қучоқлаб йиқиттан раисди-чи, униям оймомага айтиб боплатаман. Опажон, сиз йифламанг энди, сиз-чи, қишлоқдаги энг яхши, энг чиройли опасиз. Майли, мактабга Боймат малим қўймасин. Ўзим сиз билан ўқийвераман, ўқийвераман-да, билиб олавераман. ҳайдашганига кўп бўлганмиш... Раҳбаримиз бор-ку, Рўзи малим, менга индамай, улар билан олишибдилар. Боймат малим сўкибди. Ўзлариниям, ҳайдайман, дебди. У Боймат – малим эмас, биласизми, дунёдаги энг ёмон одам. Раис ундан ҳам ёмон, бўридан ҳам, илондан ҳам ёмон. Ҳали оймома уларни шундай бопласинки, қочарга жой тополмай қолишади.

– Укажон, йифлама, сен ҳали бу дунё учун кўп керак бўласан. Бу ёруғ оламда яхшилар кўп, улар билан ёмонлар уругини қуритасан. Ёмонлар оз қолган, оз бўлса ҳам улар хатарли. Улар хунук доғлар, у доғларни қанча тез ювиг ташланса, шунчак яхши, укажон!

Мен улардан узоқлашдим. Тинчим йўқолди. Шундай гўзал қизнинг бу оламдан шунчалар алами кўп бўлса-я, уни кўриб чиройидан дилим яйради. Унинг эса юраги дардга тўла. Раис тажовуз қилганмикин? Нега Турдивек уни «сизни қучоқлаб йиқитди» дейди, дейман ўзимга. Эй тубсиз дунё, нега дард дастурхонинг бунчалар кенг ёйиқли? Йигиштириб олсанг бўлмасми!

Мактабга келганимда тўрт-беш ўқитувчи ариқ қирғозидаги супада чақчақлашиб ўтиришарди.

– Ҳорманглар, яхшимисизлар, – дедим. – Менга директор ёки завуч керак эди.

– Саломат бўлинг. Келинг, хизмат, – деди улардан бири.

– Мен Турдигек масаласида келгандим.

– Турдигек жинни. У мактабдан ҳайдалган.

– Ахир, у соппа-соғ-ку. Нима, бирон нарсани орзу қилиб яшаса, сиз учун жинни бўладими?

– Мени кечирасиз. Ўзи, сиз унинг кими бўласиз?

– Ҳеч кими. У бола ўқиши керак. Ахир у инсон-ку.

– У жинни. Бекорга овора бўласиз. У ўқиди нима-ю, ўқимади нима, сизга барибир эмасми.

– Ўзлари ким бўладилар?

– Мен завучман, уларнинг синфига математикадан дарс бераман. Қайси бола қандай – менга аён.

– Синф раҳбари ким? Ҳозир борми?

– Бор, ўқитувчилар хонасида ўтирибди. Ўзи сиз кимсиз? Қайси ташкилотдансиз, ҳужжатингиз борми?

– Мен шу мамлакатнинг тенг ҳулукли кишисиман, – кесатиб жавоб бердим. – Нима, ҳужжатсиз суриштириб бўлмайдими?

– Ўзингиз биласиз? Барибир бефойда. Врачларнинг хулосаси бор.

Унинг гапларини бошқа эшитишга тоқатим қолмади. Мактаб биноси томон илгарилаб юриб кетдим. Коридор бўйлаб тез юрганимдан қадам товушим акс садо берарди. Қайсидир эшик фижирлаб очилди.

– Ким керак эди?

– Турдигекнинг синф раҳбари керак менга.

Эшик яна ёпилиб очилди. Ёши элликларга бориб қолган кипши менга яқин келди.

– Менман, яхшимисиз, – деб қўл чўзди.

Сўрашиб бўлгач, нега келганлигимни айтдим:

– Турдигек ростдан ҳам жинними?

– Йўқ, – деди кескин оҳангда, – унинг онги, интилишлари бошқа болаларникига нисбатан илгарилаб кетган. Ҳамма фанларни ўқитувчилардан кам билмайди. Фақат унинг бир айби

бор. У ҳам бўлса ойга қўйган эътиқоди, унга талпинишлари. Нима бўпти, кимдир ўйинни, кимдир тўйиб шириналлик ейишни, яна бири данғиллама уйда яшашни орзу қиласди. У эса дунёда яхши одамлар, эзгулик бўлишини орзу қиласди. Орзу қилиш ман этилмаганку?

- Уни мактабга қайтариш керак!
- Мен облОНОга ўз хулосамни ёзиб юбордим. Қўлимдан келадигани шу, ука!
- Раҳмат сизга. Мен ҳам учрашаман.

Хайрлашиб кўчага чиқдим. Супадагилар менга қарашиб. Мен улар орасида беғам, ҳиссиз одам борлиги учун бепарво ўтиб кетдим.

Умр ҳисобчиси аталмиш кечакундузга айланди. Ҳаёт – кишини эрмакловчи кун бошлианди. Кечаги Турдивек, Зуҳра билан ўтирган булоқ бошига бордим. Ҳеч ким йўқ. Фақат шоҳдан-шохга участтан қушлар төғ сукунатини бузади. Шабада эсиб, ўт-ўланлар бопини сермалайди. Майсалар устига чўзилдим. Бола ахтараёттан ойни самодан изладим. У йўқ. У қаерда? У дунё кезиб юрибди. Балким қайсиидир бир юртда дунё ташвишлиарини англаған бола, юлдузлар орасидан мўралаб турган ойга дардини айтиб, Турдивекдек кўмак сўраётгандир. Турдивеклар якка эмас. Улар жуда кўп, кўпаяверсин. Улар ҳали ҳаётнинг безагига, нурига айланишади. Эзгулик оламининг тадқиқотчилари бўлишади. Пичирлаб ётиб ухлаб қолибман. Бир пайт таниш боланинг овози, дилни қитиқловчи култи зинтилди. Үрнимдан турдим. Қаршимда Зуҳра билан Турдивек. Жилмайдим, улар яна кулишди.

- Тинчликми? – дедим.
- Юзингизни юваб олинг, мулла ака, лой бўпти, – деди қиз. Бола шодон кулди. Кафтим билан юзимни артдим. Лой ва майсарак барглари. Хижолат бўлдим. Аммо лой ва майсарак ёпишган юзим уларни шунчалик қувонтирса, бир умрга юзимни ювмасдим.

- Пашша қўнолмайди, – дедим.
- Вой, пашшадан қўрқиб, лой чаплабдила-я, мулла акамласай.

Мен уларга узоқ тикилдим, иккиси ҳайратланди. Ҳар куни учрашдик, кулишдик, бир ой кўз очиб юмгунча ўтдикетди. Босган изларим, кўрган-кечиргандарим, Зуҳра ва Турдивек билан бўлган сұхбатларим хотирага айланди.

Яна бир кунни алғов-далғов ўтказиб уйга бордим. Хотиним ўғлим билан ҳовлымииздан ўтадиган ариқ лабида сувга термилиб ўтиришибди. Ким билади, ўтган умрини сархисоб қилмоқдами ёки сувга дил дардини түкмоқдами?! Мени күриб, боласини күтартганча лоқайд бир ҳолатда қаршилади.

— Келдизми, дадаси. Овқат тайёр, кийимингизни тезроқ алмаштириб чиқа қолинг.

Дастурхон атрофидан жой олдим. Болани менга бериб, ошхонага кириб кетди. Ўғилчам бир оз термилди, ёқа тугмамни ўйнади. Жажжи кўлчалари билан юзимни ушлади. Кўллари ёқимли, қарашлари – ўзим. Тикилганча қарайди.

Ким бўласан, ўғлим? Сен ҳам ойни ахтарасанми, йўқ, сен катта бўлганингда балким одамлар фақат эзгулик билан яшайдиган, ширинсухан бўлишар. Уришиш, муштлар, асаббузарликлар йўқолар, йўқолсин ҳам! Сен эзгу ниятли кишилар билан ширин яшагин!

— Бирпасга ҳам олиб ўтиrolмайсиз-а! Қанақа отасиз, ўйнатсангиз-чи.

Овқатдан кейин хат узатди.

— Кеча келганди, эсимдан кўтарилибди. Турдибекдан.

Ишком остидаги супага чўзилдим. Хатни авайлаб очдим.

«Салом, яхшимисиз, янгам, укам сог-саломатми? Ишларингиз яхшими? Сизни согиндим, Зуҳра опамла ҳам. Тўйлари бўлмаяти. Сизни тез-тез эслаймиз. Сиз энг яхши одамсиз. Мактабга қатнайман. Ҳамишагидек кўп болалар математикадан берилган вазифани мендан кўчиришади. Жинни бўлсан ҳам, каллам яхши ишлармиш. Боймат малим шундай дейди. Зерикаман, яхшиям баҳтимга сиз билан Зуҳра опамла борсизлар. Сизга хат ёзаман, у киши билан гаплашаман. Кулдирадилар, ашула айтиб берадилар. Сизди жуда кўп эслайдилар. Кечада ўзларининг мен ҳакимда ёзган ҳикояларини ўқиб бердилар. Ҳам иигладим, ҳам кулдим. Бувимга ҳам ўқиб бердим: иигладилар, «яхши» дедилар. Менинг юрагимдагини ёзибдилар. Нусха кўчириб юборяпман. Ўзингиз ҳам бир ўқинг. Хўп, хайр, Икром ака!».

Зуҳра ёзган ҳикояни ўқишга тутиндим.

Борлықни қоронгилік қоплаб, осмонні ой ва юлдузлар безади.

Турдібек ойга термілди. Ўксіб чукур нафас олиб, ярим очиқ дәразадан ота-онасииң жаңжалиға қулоқ солди.

– Бас! Ўлиб бўлдим!!! Сабр косам тўлди, ортиқ тоқат қилолмайман! Кетаман, ҳа, кетаман! Менга ҳам бирор бошпана топилар. Ишхонамдан уй сўрайман. Ўғлимни интернатга бераман.

– Билганингни қил!

– Билганимни қиласман ҳам. Рўзгорим бор, деб хаёлингизга келтирмайсиз. Ичиб, лойга ботиб юрганиз-юрган. Шу ҳолингиз бор экан, ўшанда нега мени йўлдан урдингиз. Берган ваъдаларингиз шумиди? Ота бўлиб болангизнинг ёшини ҳам билмайсиз?

– У менинг болам эмас!

– Ҳали шунақами? Кимнинг боласи бўлмаса?

– Ўйнашингдан! Нега эрта туғилди? Қани айт-чи?

– Доктор айттанди-ку, етти ойлигига туғилди, оғир юқ кўтарибсиз деб. Ўйни қургунимизча сиз билан баробар лой кўтарганим ёдингиздан кўтарилдими-а? Даволатиш ҳақида бирор марта ўйламадингиз ҳам. Биргина Турдібекни доим урганингиз-урган. Бирон марта ширин гап айтмадингиз. Сизни кўрса Аэроини кўргандек бувисини кўйнига чопади.

– Бўлди қил, сайрайвериб миямни қоқиб қўлимга бердингку! Тилингни суғуриб олайми?

– Менга ҳадеб бақираверманг!

– Ҳа, бақирганим ёқмай қолдими, тусаб қолдиларми?

– Ҳар қанчада сўксангиз ҳам менга ҳар кимни раво кўрманг!

Қани айтинг, ким билан ушлаб олдингиз? Сизни учратган кунимга лаънат!

Турдібек бир оздан кейин онасиңнинг пиқ-пиқ йиглаётган овозини эшигиди. Отаси ҳам тинчиб қолганди.

– Ухлади шекилли, туғилмай кетгур, захоб қилди-я, – деди куйиниб бувиси. – Сен отангга ўхшамагин. Бетавфиқ отангта қачон инсоф киради-ю, қачон тинчиймиз. Онанг шўрликни ҳам сил қилиб юборди. Туққанимга ҳам минг пушаймонлар қиласман, – бувисининг кўзлари ёшланди. Турдібекнинг юзига ажин босган юзини қўйди, – энди сен ҳам ухлай қол, вақт алламаҳал бўлди.

– Уйқум келмаяпты.

– Ухла, мана, қучоқлаб ётаман, – бувиси шундай деб Турдибекни бағрига олди. Бола бир оз жим ётди. Ухлай олмади. Үрнидан туриб онасининг олдига кирди.

Хонада отаси полда чўзилганча хуррак отиб ётар, онаси кўкрагини ерга берганча ўксис-ўксис йигларди. Турдибек секин онасининг елкасига бош қўйди.

– Онажон, онажон, йигламанг.

– Бор, йўқол, итдан бўлган қурбонлиққа яармили, отангдан нима кўрятман, сендан нима кўрардим. Тур, чиқиб ёт.

Турдибек хомушгина онасининг олдидан чиқиб, ўзининг ўрнига ётди. Тепасидаги боқиб турган ойга термилди.

Бувиси ухламоқда эди. «Қизиқ, ётадилару ухлайдилар. Мен нима учун дарров ухлаб қолмайман?» Турдибек бувисининг елкасига секин туртди.

– Буви, бувижон, бирпасгина туриб ўтирайлик?

– Нима дейсан? Ҳалигача ухламадингми, болам!

– Уйқум келмаяпты.

– Кўзингни юмиб ётсанг, дарров ухлаб қоласан.

– Сиз шундай қилиб ухлайсизми?

– Ҳа!

Турдибек бир муддат жим ётди-да, кейин яна:

– Бувижон, «ўйнаш» деганлари нима ўзи?

– Ёмон сўз, билмаганинг яхши. Илойим сен балоғатга етгунингча ёмон гапларни ер ютсин! Ёмонлик кўрма ҳам, қилма ҳам.

– Бувижон, шу Толибчага кучингиз етмайдими, бир савалаб қўйинг! Ўша ҳам отамди гапларини эшитганми. Ҳадеб мени «ўйнашдан бўлган», «тайини йўқ», «йўқол», деб уради.

– Ҳали сенга ўша ҳам шундай деб юрибдими, қариндошингку.

– Ҳа, ўша.

– Шошмай турсин, отасига айтиб адабини бердираман.

– Ҳозир бориб, бир адабини бердириб қўйинг!

– Кеч бўлди, зартага унга инсоф кирдириб қўяман. Инсофсиз, унинг отасини мен катта қилганман, етим қолганда.

– Инсоф деганлари нима?

– Яхши одам дегани. Бўлди, ухла, қолганини катта бўлганингда билиб оларсан.

– Ҳозир билсан нима бўлади?

- Тез қари бува бўлиб қоласан.
 - Бува бўлиш ёмонми?
 - Ҳар қалай, ёшлигинг яхши. Иннайкейин, сенинг яхши одам бўлганингни кўриб кетсан, бу дунёда армоним қолмасди!
 - Ҳали сиз, мен катта бўлсан кетасизми, қаёққа кетасиз?
 - Бу дунёда ҳамма меҳмон, бу оёқларинг остида жим ётган бағри кенг, сахий ер – мезбон. У кутади – кузатади.
 - Қаёққа кузатади? Демак, мен ҳам, ҳамма ҳам меҳмон эканда?
 - Ҳа, болам, шундай! Ухла!
 - Барибир уйқум келмаяпти. Бувижон «Ойни кўрган қизалоқ» деган эртагингизни айтиб беринг, жон бувижон, дарров ухлаб қоламан.
 - Ҳар куни эшитасан-ку. Бир кун эшитмасдан ухлай қол, чарчаганман.
 - Ҳайми, бувижон, айта қолинг, эртага айтмайсиз.
 - Уфф, қўймадинг-қўймадинг-да.
- Буви ўзи билган ҳамма эртакларини айтиб бўлиб, охири бу эртакни ўзи тўқиганди. Бу эртак Турдивекнинг қулоғига мойдай ёқарди, шу важдан ҳар куни шуни эшитиб уйқуга кетарди.
- Буви оғир тин олиб, эринибгина эртагини бошлади:
- Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда, баланд тоғнинг этагида бир қишлоқ бўлган экан. У қишлоқда, бир золим бой эшигида мўмин-қобил, меҳнаткаш, одобда тенги йўқ етим қизча яшар экан. Бойнинг уйида эртаю кеч тиним билмас, қорнини тўйғизиб нон ҳам емас экан. Қизалоқни бой шундай ишга кўмиб ташлар эканки, бечора кунларнинг ҳисобига етмасдан қоларкан. Қизалоқ кечалари шунчалик кўп йиғлар эканки, чарос кўзларидан оқсан ёшга ёстиғи шалаббо бўлиб кетар экан. Тонг гира-шира ёришиши билан зилдай хумларни кўтариб, сайдан сув ташишга тутинар, сигирларни соғиб, ҳовлини супуриб-сидирар экан. Шунча кўп иш қипса ҳамки, бойдан ҳадеб танбесҳ эшитавераркан. Фақатгина ҳамма ухлаб, ой чиққандагина юрагидаги бор гапини оймомага йиғлаб тўкиб соларкан. Бир куни дарё бўйига тонг саҳарлаб бориб йиғлабди. Оймома уни кўриб қолиб, қизалоқнинг олдига тушилти-да:

- Ҳой, оппоқ қизим! Нечун шаҳло кўзларингда шашқатор ёш? – деб сўрабди.

Қизалоқ ўрнидан туриб, Оймомага салом берибди:

– Салом, Оймомажон.

– Ваалайкум ассалом, ширин қизим. Қани айт-чи, тонг са-
ҳарлаб нега йиғлаб турибсан?

Қизалоқ ўйланиб жавоб бериди:

– Бой отам жоҳиллар. Менга-ку кеча-кундуз тиним бермас-
дан хўрлаб, бирон марта ширин гапирмаганлари ҳам майли,
қишлоқдаги одамларнинг нарсаларини тортиб олиб, ҳар куни
қанча-қанча одамни зор қақшатадилар.

– Нимани истайсан, ширин қизим?

– Бой отамлани инсофли, яхши одам бўлишини.

– Боравер, доно қизим, ҳаммаси сен истагандай бўлади.

Қизалоқ Оймомага раҳматлар айтиб, бойникига қайтиби. Қай кўз билан кўрсингки, қовогидан қор ёғилиб, тилидан заҳар томиб турган бойнинг чеҳраси очилиб, қизалоқни ширин сўзлар билан қарши олибди.

– Келдингми, оппоқ қизим, чарчаб қолмадингми? Кўзаларни менга бериб, чойингни ича қол, дамлаб ўраб қўйилган, – деб унинг қўлидан сув тўла зилдай кўзаларни олибди. Қиз ичкари кирса, бойнинг дангаса хотини сигир соғаётганмиш. Қизалоққа кўзи тушиб:

– Чарчаб қолмадингми, оппоқ қизим, чойинг тайёр. Овқатланиб, ола қол, қизим, – дермиш. Шундан кейин қизалоқ бойнинг қизидай бўлиб totuv, аҳил яшай бошлабди. Шу-шу қизалоқ ҳар кеча тўлиной таҳтига чиққанда унга салом бериб, раҳматлар айтиб, мурод-мақсадига етибди.

Турдивек ҳар куни эртак охирида ухлаб қоларди. Бувиси эртакни тугатиб, невараисига қаради. Унинг ухламаганини кўриб:

– Ие, ҳали ҳам ухламадингми? – деб сўради.

– Йўқ, бувижон, Оймомани кўрса бўладими?

– Ҳа, бўлади. Астойдил қидирган одам кўради.

– Ростдан-а?

– Чин юракдан истаб қидирсанг, истаган нарсангни кўришинг мумкин.

Бола жим бўлиб қолди. Унинг юраги ҳаприқиб кетди. У гўё ойни эрта ё индин кўраётгандай, бор гапини тўкиб солаётгандай, унинг орзуси рўёбга чиқаётганга ўхшарди. Турдивекнинг ойни ахтариш нияти кун сайин эмас, балким соат, дақиқа сайин тўлқинли сўроқларга айланиб борарди.

Бола гоҳ ўнг ёнига, гоҳ чап ёнига ағанаб, ота-онасини ўйлаб кетди. Нега ҳамма бир хил эмас? Мана, Амин билан Толибларнинг ота-оналари уларни кўчаларда ўйнатиб юришади. Мени нега шундай қилишмайди? Ёмон боламанми? Йўқ, бирор билан уришмасам, машиналарга тош отмасам, ҳамма айтганларини қилсам-да, эркалашмайди. Бирга олиб ётишмайди, кинога олиб боришмайди. Нима учун? Шошмай турсин ҳали, Толибчани ҳам, отам билан онамни ҳам оймомага айтиб таъзирини бердириб қўяман. Толибча, мени урмайдиган, ота-онам эса мени асал ўғлим, деб эркалайдиган бўлишади. Ё Юсуфчанинг ота-онаси-дек, кинога, шаҳардаги ҳайвонот боғига ҳам олиб боришади. Ҳа, эрталаб, албатта, Расул амакиникига, у ердан оймоманинг тоғдаги қўногига боради. Оймома уйқудан турмай учраб, ҳам-ма-ҳаммасини айтиб беради.

Ойни кўриш орзуси боланинг кўзларига уйку парисининг қўни-шига имкон бермасди. Кўзларини яна ширмон кулча ойга тикиб, бувисидан ўргангандан шеърини овоз чиқарип айта бошлади:

*Оймомажон, оймома,
Бунча гўзал юзингиз.
Меҳр тўлган кўзингиз,
Менга сут, қатиқ берингиз!*

Бувиси кўзларини очмай:

– Бўлди қил, Турдибекжон, ухлагани қўймаётисан, – деб қўрпага бурканди.

Турдибек тонг саҳарлаб уйғонди. Умрида илк бор мулоҳаза юрита бошлади. Агар мен кетсам, бувим шўрлик зерикиб қолмасмикин, айтмасдан чиқиб кетсам, ахтаришиб овора бўлишса-чи?

Қўёп терак бўйи кўтарилганда караҳт бўлган отаси, кўзла-ри шишган онаси уйдан чиқиб келишди. Бувиси аллақачон ту-риб, чойни қайнатиб, дастурхон ёзиб турганди. Ҳаммалари дас-турхон атрофига йигилишди. Бувиси чойни қуя туриб:

– Мен икки-уч кунга жияним Шодиникига бориб кела-ман, – деди.

– Турдибекни ҳам олиб борасизми? – деди ўғли.

– Мен бормайман! Боргим келса, кейинроқ ҳам боравера-ман, – қўрс жавоб берди бола.

– Нега зинди! Юра қол, ўртоқларинг билан ўйнаб келасан, – деди боланинг пешонасидан ўпид бувиси.

– Йўқ, бормайман! – қатъий жавоб қилди бола.

Отасининг жаҳли чиқди.

– Бормаса бормасин, уйда бир ўзи шумшайиб ўтира-веради.

Онаси оғзига толқон согландаи тумшайиб ўтиради.

Отаси ишга кетди. Бувиси ҳам сал ўтмай хайрлашиб чиқиб кетди. Ҳозир онаси ҳам кетади. Сўнг уй-ҳовли ҳувиллаб ҳолади. Буни бир неча мартараб гувоҳи бўлган, гаплашишга одам йўқ. Ўйнагани ўртоқ йўқ. Қуёнлар эрмак эди, уни ҳам йўқотишиди, дараҳтларни кемириб қўйишаётган эмиш. Йўқ, бу ҳолга чек қўймоқ керак. Онаси кетиши билан у ҳам кетади. Барibir отам билан онам мени қидириб чиқмайди. Ана, онаси ҳам қора чарм сумкаласини кўтариб чиқди.

Онаси чиқиб кетди.

Турдивек онаси кетган заҳоти вақтни ўтказмай йўл тайёр-гарлигини кўра бошлади. Ошхонага кириб бир пиёла сув ичди. Яримта нонни олиб, қўйнига тиқиб, дарвоҷани ташқарисидан илгагини ўтқизиб, қорли чўққиларни кўи-кўи қилиб турган тоққа қараб йўл олди. Турдивекларнинг уйи тоғдан жуда ҳам олис эмасди. Лекин унинг биринчи марта сафарга чиқиши. Таваккал қилиб, дарёнинг оқимиға қарши сўқмоқ йўлдан кўриниб турган оппоқ қорли чўққилар сари йўл олди. Йўл бола ўйлаганчалик равон эмас, баъзи жойлари сув босиб, кўноб бўлиб ётар, юлгин-зорлар орасидан ўтаётганда юраги қўрқувдан ҳапризиб кетар эди. Юлғунзордан ўтаётганида, йўлнинг четида ит ушлаб, бўлиқ майсалар устида маъюсгина ўтирган болага кўзи тушди. Турдивек итдан жуда қўрқарди. Ит ушлаб турган бола Турдивекнинг кўзига яхши, мўмин-қобилга ўхшаб кўринди. Унинг қаршиисига бориб қолганда итнинг ириллаётинини кўриб, Турдивекнинг юраги орқасига тортиб кетди.

Итнинг эгасига кўзлари жавдираб ялинди.

– Ҳой, оғайни, итингни маҳкам ушлаб тур. Жон оғайнижон, ўтиб олай, – деди.

– Ўтавер, қопмайди. Ушлаб тураман.

– Нега унда тишларини кўрсатиб ириллайди?

– Касби-да. Парво қилма, маҳкам ушлаб тураман, – жиддий жавоб берди. Турдивек итнинг бўйинини силаб турган бола-

дан беш-олти қадам ўтган здики, озорсиз кўринган бола ўрнидан туриб:

– Ол, Олапар, ол, – деб итини қўйиб юборди.

Турдивек:

– Онажон, ўлдим, – деб жонҳолатда қочди. Қўйнидаги яримта нон ҳам тушиб қолди. Чарчади, лекин ит хуружидан қўрқиб, жонҳолатда югуришда давом этаверди. Орқасига қарашга юраги бетламасди, гўё қараши билан унинг устига ит ташлангаётгандай тюларди. Югурди, жуда узоқ югурди. ҳолдан тойди. Нафас олиши оғирлашди. Юраги «дук-дук» этиб кўкрагини ёриб чиқар дарражада уради. Жонидан умидини узиб, йиқилган жойидан туролмай, орқасига қаради. Бола ҳам, ит ҳам кўринмасди. Нафасини ростлаб, ўрнидан турди. Яна йўлга тушди. Бақаларнинг «вақвақ» овозидан бошқа овоз эшишилмасди. У роса юриб чарчади ва дарёнинг ёнилиб оқадиган жойида чўмилиб ўтирган ўзи тенги ёш бола билан шопмўйловли одам олдида тўхтади. Улардан сал нарида ярим яланғоч жувон ўзини қуёш исосигига тоблаб ётар, ёнида пиширилган гўйит, турли-туман мева-чевага тўла дастурхон ёнифик турарди. Боланинг қорни очган эди, тамшаниб қўйди. Сўрашга уялиб, сал нарига ўтиреди. Чўмилаётган ота-бала бир гапириб ўн кулишарди. Уларнинг кўзи Турдивекка тушди.

– Ҳой бола, бу ёққа кел, – деди бақалоқ одам.

Турдивек ийманиб уларга яқин борди.

– Нима қилиб юрибсан, болакай, – деди бақалоқ одам сочиқ билан артина туриб.

– Оймоманинг олдига кетяпман, – деди Турдивек дастурхондан кўзини узмай.

– Бизди ўғил билан олишасанми? – дабдурустдан сўраб қолди отаси.

– Майли, йиқитсам нима берасиз?

– Вой, болакай-эй! Майли, йиқитсанг, бир сўм бераман. Йиқилсанг. ўғлимни ҳов инов тошгача кўтарасан. Келипидикми, қоравой?

– Майли.

Бола отасидек тўлагина эди. Турдивек уни койинмай бир чил билан йиқитиб, қорнига миниб олди. Бола қаттиқ йиқилганди, йиғлаб юборди. Отаси ёнбошлаб ётган жойидан иргиб туриб, ўғлини кўтариб олди.

– Майли, пулди ўрнига озгина гўштдан бера қолинг, амаки...

– Мана сенга гүшт, – деб бақалоқ одам Турдибекнинг юзига тарсаки тортди. Кейин:

– Бор, жұна! – деб ҳайдаб юборди.

Турдибек йиғлаганча йўлида давом этди.

Қоронғи туша бошлаганда орқасидан «хих жонивор, хих» деган овоз эшигилди. Турдибек орқасига қаради. Куннинг иссиғига қарамай, бошига телпак кийиб олган киши эшагини қичаб келарди. Йўловчи яқинлашганда, унга салом берди.

– Ваалайкум, катта бўлинг, – деб эшагини тўхтатди. – Бема-ҳалда бир ўзингиз қаерга боряпсиз?

Турдибек тогни кўрсатиб:

– Ҳув ўша баланд жойга! – деди.

– Йўлингиз узоқ экан, қани, мингашиб олинг. Менга бу кечада меҳмон бўлиб, зрталаб йўлга чиқарсиз. Мен шу ерларда пода боқаман. Фермадан нон олиб келяпман.

Ноннинг дарагини эшигтан бола чўпоннинг эшагига мингашибди. Чўпон йўл-йўлакай болага ҳуржунидан нон билан бир бўлак яхна гүшт олиб берди. Ресаям очиккан бола уларни ютишиб ся бошлади.

– Бир ўзиз боқасизми?

– Ҳа, бир ўзим уч юз қўйни боқаман. Мен фермага ёки уйга бораёттанимда итим қолади.

– Зерикмайсизми, амаки?

– Йўқ.

– Қандай қилиб?

Чўпон хуржунидан найини олди.

– Чалиб берайми?

– Майли.

Чўпон нафасини ростлаб, аллақандай куйни чала бошлади, куйни тугатгач, оғир нафас олди.

– Бу яйдоқ чўлларда гаплашгани, юрагингни бўшатгани одам зотига зорсан, – худди тенгқури билан гаплашгандай гап бошлади чўпон. – Шундай пайтларда бутун дардимни шу найга солиб чаламан. Балки Орзигулни машина уриб кетмаганда, турмуш қуриб, колхозда яшармидим. Ҳа, чўпон бўлиб кетишимиға ҳам сабаб шу. Унинг юрган йўллари, ўқиган мактабига кўзим тушиши билан кўзларим ёшга тўлаверади. Шундан сўнг, бор-эй, деб чўпон бўлиб кетдим. Қишлоққа ҳам камдан-кам бораман. Кўп йиғладим, барибир қайтиб келмади.

Бола кулиб қўйди. У бир меҳмон-да. Эрта кетибди, шунга ҳам шунча йиглайдими. Одамлар қизиқ, ўзи ҳам меҳмон-ку. Барι бир кетади, йиглаб нима қилади. Меҳмон меҳмонга йиглайди...

– Мана, келиб ҳам қолдик, ука.

Ёйилиб, ўтлаб юрган қўйларнинг олдига келиб эшакдан тушипди. Подачи эшак устидагиларни олиб, ўзини қўйиб юборди. Хуржунини толнинг пастроқ шохига илиб, кигиз шолчага ўтиришди. Бегона болани кўрган ит ҳура бошлади. Чўпон хуржунининг кўзидан тугунни олиб, ўртага ёзди. Бир бўлак нон олиб, болага узатди.

– Итга беринг, ўрганади, – Турдибек еб қўйгудек ириллаётган итга нонни ташлади. Ит ҳуришдан тиниб, бола ташлаган нонни сийишга тутинди. Чўпон қумғонни сувга тўлдириб, ерўчоққа ўт қўйиб юборди. – Ҳозир чой қайнади. Ойнинг ёруғида бир мириқиб ичиб оламиз, – деди тоғ орқасидан қизариб кўтарилаётган ойни кўрсатиб. – Чиқаёттани жуда ажойиб кўринади-а?

Турдибек суқланиб, оймомага қаради.

– Қани энди бизнинг олдимиэга бирпастга тушнаб ўтса. Шуернинг ўзидан қайта қолардим.

– Ие, қизиқмисиз. У туша олмайди.

– Нега?

– Сизга ҳали тушунтириш қийин. Катта бўлиб, билиб оларсиз.

– Ҳамма нарсани катта бўлганимда билсам, ҳозир нимани билишим керак? Сиз ҳам бувимларнинг гапларини гапи-паркансиз.

– Ана, чой ҳам қайнади, – деб чой дамлашга тутинди чўпон.

– Қани, меҳмон, гўшт билан нондан олинг, – деди-да, ёшлигидан сўзлай кетди. – Эҳ-ҳе, биздан сал нарида катта боғ, копток ўйнашга кенг майдон бор эди, шундай ёнгинамиздан лиммо-лим тўлиб ариқ ўтарди. Мактабдан кела солиб, мириқиб чўмилардик. Орзигул кўйлакларимни ушлаб турарди. Сўнг «оқ теракми-кўк терак» ўйнардик. – Гўё тенгкури билан гаплашаётган-дек сўзларди чўпон. – Ойнинг ёруғида бекинмачоқ ўйнардик. Фақат уст-бошларимиз тез кир бўларди. Бирон арава ўтса анчагача кўз очиб бўлмасди. Ердаги тупроқ шундай тўзғиб кетардик, нафас олиб бўлмасди. Кўзларимиз оғриқдан тузалмас эди. Ҳозир сизларга маза, ҳаммаёқ тоза. Кўз оғриқ ҳам бўлмайсизлар. Доим озода юрасизлар.

Бола ҳам ўз дардини айта бошлади.

– Барибир сизнинг ёшлигингиз яхши кўриняпти, менинг ҳавас қиласидиган ҳеч нарсам йўқ. Озиб-ёзиб кўчага чиқсан, Толибча деган қариндошим дўппослагани-дўппослаган. Кучим етмайдида, етганда шундай боплаб дўппослардимки, бувисини кўрса-тардим.

– Унда кўчага чиқманг, лагерга боринг, ҳаммаси сиз тенги болалар бўлади, яйраб келасиз. Уйда ўтириб китоб ўқинг, агар лагерди хушламасангиз.

– Сиз тушунмайсиз менинг ҳаётимни, айтишга эса уяламан, амаки. Бир оймомани кўрсайдим, ҳаммасини айтиб берардим.

– Оймома деган қариндошларинг борми?

– Йўқ, – деди Турдибек ойни кўрсатиб, – ҳув анови ойни айтяпман. Сизди Орзигулингизни ҳам чақириб беришларини сўрадим. Биласизми, оймома нега баландда юради? Чунки, оймома зўрлар, бувимлар айтганлар.

– Ё тавба, ўзи сиз қаерга боряпсиз?

– Оймоманинг олдига деб айтдим-ку.

– Эсингиз жойидами, ўзи, – деди жаҳли чиқиб чўпоннинг.

Бола оймома ҳақида сўзини давом эттириб:

– Оймома жуда яхшилар, золимни ҳам яхши одамга айлантирганлар, – деди.

– Боягина туппа-тузук эдингиз, нима бўлди сизга, болакай? – ҳадиксираб сўради чўпон.

– Ростини айтяпман. Оймома ҳузурига боряпман. Сизди Орзигулизди ҳам айтиб юборишларини сўрайман. Сиз яхши одам экансиз. – Чўпон ўйга толди. «Ақлдан озганга ўхшайди. Ҳар замон-ҳар замон тутса керак-да», деб уни гапдан тўхтатмоқчи бўлди. Аммо бола бувисидан эшитган эртакни сўзлай бошлади:

– Биласизми, қиз тонг...

– Ҳа, биламан, ухланг, чарчагансиз!

– Эшитинг-да, энди қизигига келди. Ҳозир бой инсофга келиши қолди.

– Майли, эртага айтиб берарсиз, ухлай қолинг!

Барибир бола эртагини давом эттиради. Чўпон ухлашга тутинди.

Турдибек ҳамон эртагини айтарди. Чўпон аллақачон кечанинг ярим уйқусини олган ва мириқиб ухларди. Боланинг қаршисида ит олдинги оёқларини чўзиб, болага кўзларини қадаб ётарди. Бориб, итнинг бошини силади, отарни айланиб келиб,

чўпон берган чакмонга ўраниб ётди. Ҳар қанча ухламасликка ҳаракат қилса-да, чарçoқ босган кўзлари уйқуга кетди.

— Ҳҳ-ӯ, ўҳ-ӯ, ўҳ-ӯ, — кўксов қўйнинг ёнгинасида тўхтосиз йўталиши болани уйғотиб юборди. Турдивек кўзларини уқалаб атрофига қаради. Қўй ҳамон бошини ерга чўзиб йўталиб турар, чўпон пинагини ҳам бузмасдан саҳар уйқусини оларди. Болани ваҳима босди.

«Чўпон мени ҳеч қаёққа юбормаса нима қиласман? Кетиш керак! Тезроқ кетиш керак», деб ўйлади бола. У хуржун кўзидан бир бўлак нон олиб яна йўлга тушди. Ит анча ергача кузатиб борди. Боланинг кетаётганини, бошқа келмаслигини англади шекилли, ҳуриб, фингшиб орқасига қайтди. Турдивек дарёнинг бўйига тушиб, ионнинг ярмини сувга ивитиб еб олди-да, яна баланд қорли чўққиларни кўз-кўз қилиб турган тоққа қараб йўл олди. Сўқмоқ йўл ҳам тугади. Баландликка қараб юриш ҳар қадамда оғирлашар эди. Нега чўпон билан хайрлашмасдан кетиб қолди? Турдивек буни эслаб, хўрсиниб қўярди. Ёмон одамга ўхшамас эди-ку, яхшилаб меҳмон қилган бўлса, ҳар қалай яхши исп қилмади. Майли, ҳали ҳам унга барибир яхшилик қиласди. Ойномадан унинг Орзигулини, албатта, чақириб беришини сўрайди. Қандай бўлмасин, бугун оқшом уни кўради. Ҳеч бўлмаса, бугун жойини билиб олади. Сўнг кўриш қийин эмас. Бугун бўлмаса эртага, албатта, учрайди. Ҳамма-ҳамма одамларни инсофли, яхши бўлишларини сўрайди. Толибчани эса бир таъзирини бериб қўйишларини айтади.

Турдивек ўй-хаёли, мулоҳазаларга берилиб узоқ юрди, чарчади, товоналари зирқираб оғрий бошлади. Серсоя арчанинг соясига ўтириб, атрофга нигоҳ ташлади. Чўққиларнинг орқаси катта бир кенглик, атрофи ўзи турган баланд чўққилар билан ўралган. Ҳудди ҳовузга ўхшарди. Ойноманинг уйи шу жой бўлса керак. Бир оз мизғиб олай, кейин борарман, деган хаёлга бориб, катта бир дараҳтнинг сояси тушиб турган майсалар устига чўзилиб, уйқуга кетиб, туш кўрди.

У тушида оппоқ ҳарирдек товланиб турган саройни кўрибди. Ўтирган жойидан туриб, бир-бир қадам ташлаб, саройга йўл олди. Ҳаммаёқ гулзор, қушлар сайраган, ҳамма нарса нур сочарди.

Бола бир амаллаб юлдузлар орасидан ўтиб, ойнома олдида тўхтади:

— Ассалом, Ойномажон.

– Ваалайкум, ботир бола. Хуш келибсиз! – деб Оймома унга бир пиёла сут узатди. – Йўл юриб чанқагандирсиз. Оймоманинг ҳар бир гапидан бол томаркан, бола шошиб қолиб:

– Мен, мен, мен-чи, сиздан Толибчанинг адабини бериб кўйишингизни, ҳамма ёмон одамларни яхшига айлантиришингизни, ёмон сўзларни йўқотишингизни, йўлда учраган чўпоннинг Орзигулини чақириб беришингизни сўраб келгандим.

– Вой, ширин болакай-эй, ҳозир, шошма, одамлар билан шуғулланувчи ёрдамчимни чақирай-чи, – деб ёнида ўтирган юлдузга қарабди-да:

– Кундузни чақиринг, – дебди. Шундай дейиши билан, Кундуз кўзларини уқалаб:

– Мен шу ердаман, – деб Оймоманинг олдига келибди.

Оймома ҳамон ширинсуҳанлик билан ундан сўрабди:

– Хўш, Кундузхон, одамлар орасида нега ёмон кишилар пайдо бўлди. Толибча нима қилди? Орзигулга нима бўлди?

– Бир оз мизғиб, бехабар қолибман.

Буни эшитиб бола ичидা: «Яхшиям бир оз мизғиб қолибди. Ухлаб қолганда нима бўларкан...» деб қўйди.

Оймома:

– Бутун инсоният тақдирига сиз кўз-кулоқсиз-а, яхши эмас. Бошқа бу ишни такрорласангиз, хафа бўласиз, – деб Кундузни койиди-да, кейин болага қаради. – Раҳмат сизга, болам, вақтида хабардор қилганингиз учун, сиз айтган нарсаларни ўзим бажо келтираман. Сиз бемалол уйингизга қайтаверинг. Хотирингиз жам бўлсин! Йўлингизни нурафшон қилиб турамиз, – деб қоронги тун пардасини ёриб, осмони фалакка йўл олибди.

Бола:

– Раҳмат сизга, Оймомажон! Раҳмат сизга! – деб уйғониб кетди.

Уйғонди-ю, боланинг мурғак қалби қўрқинчдан қоронги туннинг ваҳимали даҳшатига йўлиқди. Ҳаммаёқ зимиштон, қаршисида турган дараҳтлар даҳшатли шарпаларга айланганди. Юраги қўрқувдан кўкрак қафасларини ёриб юборгудек зарб билан уради. Осмон ҳам зим-зиё, фақат осмон гумбазининг ҳар жой-ҳар жойида жинчироқнинг милтиллаган йилт-йилтидек сийрак хира юлдузлар кўзга чалинарди. Оймома қани, боягина ширин сўзлар билан унинг қалбини тоғдек кўтарган, юзларидан ёғду таралиб турган ой қани? Қаёқда бекинди? Бирор бекитдими? Турдибек осмоннинг чексиз кенгликларидан ойни узоқ излади.

Ешли күзлари яна юлдузли осмондан ойни ахтарганча қоп-қора зулматта қадалди. У сукунат ичра қаёқха боришини билмасди.

– Турди, Турдикекон! – олислардан элас-элас эшитилаёт-ган онасининг овози боланинг қалбини қамраб олган кўркув пардаларини тилка-пора қилиб, қалбига қувонч учқуяларини ёқди...

* * *

Ҳикояни ўқиб бўлганимда, хотиним, ўғлим кечанинг ширин уйкусида эди. Тепасига бордим. Сочини силадим. Лаблари табассум қилди.

– Мизғиб қопман.

– Ётавер. Шунчаки ўзим. Куни билан чарчагансан.

– Тушимдами, ўнгимдами бошимга кафтиңгизни қўйдингиз?

– Ўнгингда Сочингни силадим.

– Раҳмат! Қаердан қуёш чиқди?

– Ўзимизнинг уйдан. Турдикек хўп ажойиб бола-да.

– Икки-уч йилдан бери мағтайсиз. Бундай бориб уйга олиб келсайиз-чи, адаси.

– Пайти келар. Ҳозир уни бир ўзи эмас. Унинг ўзига ўхшаган ҳамдардя бор. Усиз яшолмайди. Бири балиқ бўлса, иккинчиси сув, жонгинам. Бир-бирига ҳаёт багишлаб яшашади.

– Тузук, ҳартугул сиз ҳам сўзлашишни билар эканисиз, – деди юзи ёришиб хотиним. – Бутун ойимтилалар билан гаплапшаган кўринасиз. Тузук.

– Биласанми, мен бошлиқ бўлдим.

– Шунинг учунми?

– Йўқ. Сен билан узоқ-узоқ гаплашгим келади-ю, яхши гаплар тугаб қолгандай, сўзлашга сўз тополмай қоламан. Шундан ўзимни ўзим койибман. Нега сени ҳар куни кулдиролмайман-а?..

– Майли, ёта қолинг, адажониси. Чарчагансиз. Унинг устига бошлиқ бўпсиз, энди янайм ишиз кўпаяди. Кечаси кўпроқ ухлашингиз керак. Ухлай қолинг, адаси.

Мен унинг гараз ва айёрлик бегона бўлган содда нигоҳига боқаман. Медрибончилигининг чеки йўқ, бу инсонга жонингни бер десам, икки оғиз ширин сўзимга юрагиви ҳам ҳовучиаб беришга тайёр турган умр йўлдошимни яна нималар билан қувонтира олай?! Қандай ширин сўз топай?

Хаёл дарёсининг оқимига тушаман.

Богот сон-саноқсиз булоқлар, дов-дарахтлар билан ўралган сой, қайнарабулоқ ҳамма-ҳаммаси эртаклардаги Боги эрам сиғатини беради. Ўша Боги эрамда гулгун яшнаб бир пари кезади. Унинг чиройини, қадди-қоматининг тасвирини беришга бу қалам ва унинг соҳиби ожиз. У шунчалар гўзалки, гўё у борлиққа чирой улашади, кўрган киши энтишиб, сўзлашга сўз тополмайди. Унинг шу гўзаллиги баҳтидан айирган. У кулса, олам гулгун чирой очади. У ҳар куни булоқ бошига келиб, тўйиб-тўйиб йиғлади, ҳорғин қўшиқлар куйлади.

*Тоғ гуллари, гуллари,
Гул давримни бергил-ов.
Дилдаги ғам-аламларни
Шамол елларига учиргил-ов.*

Булутли самога термилади, лаблари қимтинади. Дардини булутларга, момо ерга айтади. Қани энди, бошинг узра томошабин бўлиб сузаётган булутлар дилингдаги ғам-аламларингни ҳеч бўлмаса бир бўлагини олсайди. Сен ҳам кулсанг эди. Наҳотки, яйраб кулишингни бошқа кўројмасам. Бундан ортиқ ғам-андуҳ борми инсонга!

Сенинг соchlарингни кафтимга олиб юзимга суртдим, тўйиб-тўйиб ҳидладим. Соchlарингдаги жон ато қўлғувчи бу бўй жаҳоннинг ҳеч бир боғида битмайди. Мен маст бўлардим. Сен эса хомушгина бошимни силаб йиғлардинг. Қани эди, сен ҳам баҳри дилинг яйраб ўтирасайдинг. Гапирмоқчи бўлсак, ёқимтой бармоқларинг билан оғзимни беркитардинг-да:

– Биламан, айтмоқчи бўлган гапингизни биламан. Ичингизда айтаверинг, эшитаман. Кемтик дилимни бекорга кўтармоқчи бўласиз, дердинг. Бошимни тиззантга қўйиб, эгик қаддингта боқардим. Баҳтиёр қилмоқчи бўлардим. Сен бу истагимни англардинг.

– Раҳмат! Сиз мени севасиз, жон-жонингиздан севасиз. Индамасам, бағрингиздан бир умрга бўшатгингиз йўқ. Шунинг ўзи мен учун бир умрга татигулик баҳт, қувонч.

– Мен сизсиз яшай олмайман!

– Йўқ, жонгинам. Агар биз бирга яшасак, севгимизнинг лаззати кетади. Кексайганимизда хотирлайдиган севги сеҳри қолмайди. Турмушнинг аччиқ-чучуги севгимиз ширасини юваб кета-

ди. Шириң, қалбларни энтикирувчи севги хотирасидан яхши нарса борми? Сиз ҳам, мен ҳам күнікаман. Аммо яшарканман, сизни күришга энтикиб яшайман. Интилишим эса яшашга чорлайди. Сизни күрмаганда яна қалбларимиз беором урган дамларни энтикиб-энтикиб хотирлайман, балки йиғларман. Үнда дилим равшан тортади. Баҳтиёр нафас оламан. Севилганимисан, нега севганингга хотин бўлмадинг дейишса, оҳ, севилгандаганда қандоқ! Севгидан маст бўлиб яшаганман, яшаяпман, дейман.

Одамлар ўйлаб қолади. Ўзларининг ёшликларини хотирлашади. Бу менинг истагим, менинг қарашим, чунки муҳаббатни шундай тушунаман. Умр бўйи юракни жизиллатмаган, бора-бора сўнган севгини муҳаббат демайман, деб жавоб бераман.

— Қизиқсиз, жонгинам, — юзимни ойдек юзингизга босаман, — наҳотки бир-биримизга тўймасдан бу дунёни тарк этсак. Аламда кетсак...

— Йўқ, биз ўз севгимиз билан кетамиз, азизим, — деб эркалайсан.

Бир ой қандай ўтди, билмайман, бизнинг шириң суҳбатларимиз Турдибекни ҳам кувонтирди. У зерикмади. Кетар куним сен йиғладинг, ойни ахтараётган бола бўзлаб йиғлади. Сен на менга, на ўзингта, на иккимизга ўрганган болага шафқат қилдинг. Ўз ўтиқодингта содиқ қолдинг. Дилем яраланиб, юрагимнинг бир бўлаги сен кезган сўқмоқларда қолди. Дилемдаги севгига оид ҳамма гапларимни сенга гоҳ очиқ, гоҳ унсиз, гоҳ жавдираган кўзларим орқали ҳамма-ҳаммасини айтдим. Энди мен мана жавдираб турган хотинимга қандай айтай? У мени жонидан ортиқ кўради. Сен муҳаббатимни, қалбимни ўзинг билан бирга олиб қолдинг.

Хотинимга меҳр кўйиб уйландим. Акалари қарши турди. У эса мени севаркан, ёқтириб қолган экан. Уйимга келди.

— Мана келдим. Йўқ десангиз, кетаман, — деди. Қаерларидир севганим, севилганим Зуҳрага ўхшарди. Тўй бўлди. Бир-биримизга боғландик. Қувонарли саргузаштларни сўзлаб бераман. Қолганини унсиз...

Тўйдан бери уни жеркиганим йўқ, аммо яйраб эркалолганим ҳам йўқ. Назаримда Турдибек билан иккалаларинг менга қараб тургандексизлар.

Тушуниб яшашга интилганим сари кўксим санчиши кўпайди. Хотинимга ҳам қийин. Ўз уйига эркин бориб келолмаса, етти ёт бегона бўлган мени деб, туғишганларидан ажраб тур-

са. Биламан, бошқа қизларни кидек ота-онасининг остонаси-дан кириб чиқиши, акаларининг келиб туришини юрак-юрак-дан истайди. Үксийди. Дили кемтик. Дардини ёрлмайди. Бир менинг ўзим билан у баҳтиёр эмас. Акалари зса мансабдор-ларни яхши кўради. «Эрингдан чиқсанг, жигарим дейман, бўлмаса, сен менга сингил эмассан», дейди. Буни эшитиб ҳам қолганман. Мен хаёлпарам, мирқуруқ эмишман. Билиб-бил-май мазах қилишади. Улар инсон эмас, темир-терсаклардан тикланган қонсиз ва юраксиз роботлардан ҳам бешбаттар. Уларни ҳам инсон деб бўладими?

Тонг отиб келмоқда, ҳаёт гоҳ қоронғи туннинг алдамчи фарогати, гоҳида ёруғ қуннинг эрмаклари билан она замин юзида-гиларни эрмак қиласди. Устидан кулади.

Гўё одамлар ўзларини абадийдек ҳис қилишади. Аслида-ку, абадий фақат... Бу аҳмоқлик эмасми? Турдивекнинг кейинги келган хатини ўқийман...

«Ака, кўп согиндим. Сиз юборгани Темур бобо ҳақидаги китобларни ўқиб чиқдим. Қайта-қайта ўқияпман, кўнглим бираам енгил тортяптики, қушдай енгилман. Раҳмат сизга китоб учун, ақажон».

Зериқдим дегунча кетма-кет, кун оша ойни ахтараётган бола гоҳ подачи, гоҳида мактаб сумкасини қўтарган ўқувчи бўлиб қаршимда гоҳ кулиб, гоҳ хомуш гавдаланаверади. Хатларини оламан. Олам-олам маъно, мантиқ ётади, қайта-қайта ўқийман.

* * *

«Хатингизни олдим, раҳмат. Мактабга қатнаянман. Баҳоларим – «беш». Болалар ҳам энди маёнга қылмайди. Зухра опамлар сизни жуда-жуда кўп гапирадилар. Нега Зухра опамлар билан тўйингиз бўлмади-а? Сиздан ҳам хафа бўлтиб, ёмон кўриб кетяпман. Сиз... Ҳозир ҳам ойга, қуёшга термиламан, Темур бобом кулиб қараб тургандеклар. Аммо ахтариб тентиркамаяпман. Улар ҳаммага, бутун оламга нур сочиб туришаверсин... Сиз мени дунёга қайта келтирдингиз... Аммо бу дунё, аввалги дунёмдан фарқи шуки, камга паман... Ҳамма гапларимни ичимда гапираман. Одамларга мазах бўлишдан сақланганим бу. Хайр,

сөз бўлинг, бошқа ёзиши майлик. Чунки менинг сизга бир умр айтадиган гапим шу бўлса керак. Салом билан Турдивек».

Хатни қайта-қайта ўқидим. Амин бўлдимки, у менинг ёшимдагилар – катталардек гаплар битишидан, у менга ука эмас, тенгқур дўстдек туюларди. Наҳотки, мен билан бошқа кўришиши, сұхбатлашиши хоҳламаса. Бу хат қачон келган ўзи. Нечун бу пайтгача кўрмапман. Яна унга нима бўлди. Гоҳ жаҳлим чиқади, гоҳ ҳайрон бўламан. Ҳаловатим йўқолди. Йўлга чиқдим. Бофот – ойни ахтараётган бола қишлоғига йўл олдим.

Мен этиб боргандга ёруғ жаҳон тонг билан ўпишарди. Довдараҳтлар, ўт-ўланлар баргидаги шудринглар милдир-милдир қиласарди. Қишлоқ ажис бир гўзаллик қўйнида. Болалар мактабга, катталар ишга шошган, кимдир подадан қолиб кетган сиғир-бузогини олдига солиб пода кейинидан югуради. Қайсиdir келинчак сувга тўла челагини кўтарганча тез-тез одимлади. Қирқ кокили челяқдаги сувдек бежирим чайқалади.

Ана, Турдивек келяпти, ўзимни панага олдим. Жуда тез ҳам, жуда секин ҳам эмас, юриб бормоқда. Кўриниши вазмин, босиқ. Икки ёнида икки ўқувчи, улар гапиришади. У бўлса тўғрига, қаддини ростлаб, бошини қимирлатиб гоҳ тасдиқ, гоҳ инкор этиб борар, уларга яна болалар қўшилишиб кўпайғандан-кўпаярди. Олдинда Турдивек борарди. Қаршисидан югуриб бориб, уни бағримга босгим, бошларини силагим келди. Аммо ҳозир у бу нарсага муҳтоҷ эмасди.

– Анча ўзгарибсан!

– Ўзгарғанман, лекин ўша эътиқодимдаман. Фақат кўринишими ўзгартирдим. Ниятим, орзум ўша, ҳамма одамлар яхши бўлишини истайман. Атрофимда яхшилар кўпаймоқда, менга эргашмоқда. Дунёни гўзал бўлишини, яшаш абадий бўлишини истайман. Олам яхшиларнинг кўпайишидан чирой очмоқда. Оймома, Қуёш билан кечаш кундуз сўзлашаман. Энди фақат пинҳоний.

Хаёлан сўзлашиб Зуҳра билан илк бор учрашган дарага бориб қолибман.

– Ҳорманг, Икром aka?!

Ялт этиб ёнимга қарадим.

Зуҳра отасининг пода таёғига суюнганча менга қараб турарди.

– Яхшимисиз? – унга яқин бордим, илгаригидек бағримга босгим, сочларини хүш бўйидан тўйиб-тўйиб ҳидлагим келди. У буни сезди:

– Икром ака, энди у хоҳишингиз ўринсиз. Қалбингизда ўзга қизнинг сиймоси, болангиз турибди. Энди менга ўрин йўқ. Ўти-ринг, чой қўяман!

– Сиз мендан қочсангиз, Турдибек алоқасини узса. Нима гуноҳим бор. Ўзингиз қўймадингиз-ку уйланинг, деб. Мана мен уйландим, фарзанд кўрдим. Нега сиз турмуш қурмадингиз? Нега?..

– Бу менинг ишим. Қолаверса, сиз билан ўтказган тотли дамларимнинг роҳатидан бир олам қувончга тўлиб яшамоқдаман. Шунинг ўзи мен учун баҳт. Бошқа келманг, қувончим изтиробга айланмасин дессангиз. Турдибек билса, у ҳам ўксайди. «Сиз Икром акам билан кетганингизда мен ҳам сизлар билан яшардим», дейди ҳали ҳам икки гапининг бирида.

– Турдибек ҳали ҳам аввалгидек гаплашадими?! Бугун эрталаб кўрдим. Гапирадиганга ўхшамайди-ку.

– Мен билан гаплашади. У фақат мен билан илгаригидек суҳбат қуради. Энди гаплари аввалгисидан ҳам оғир.

– Хатларидан сезиб турман.

– Ёзишасизларми, мен ҳақимда ҳам ёзадими?

– Ёзарди. Энди ёзмасмиш.

– Нега?

– Негалигини мендан кўра сиз биларсиз, деб сиздан сўрагани келгандим.

– Унинг табиати кундан-кунга ўзгариб боряпти. Мактабни битирса, журналист бўлмоқчи. Яшаш, ҳаёт ҳақида, яхши кишилар ҳақида ёзмоқчи. Ёмонликдан одамларни юз ўгиритирармиш. Севги, баҳор, гуллар ҳақида ёзармиш. Шунда одамлар яхшиликка – ундан роҳат олиб яшашга ўрганармиш.

– Оймомани гапирмай қўйдими?

– Гапиради. Оймома гўзаллик, орзуладар макони, ҳаёт эмиш. Ҳали ҳам осмонга тикилиб олиб пичирлайди.

Мен гапиришга сўз тополмай жим қолдим.

– Кўрдизми, – деди, – агар бирга бўлганимизда худди сизни гапингиз тугагандай, севгимизнинг шираси ҳам тугарди. Бора-бора оддий эр-хотинга айланардик. Ҳаёт зерикарли бўлиб қоларди. Ҳозирча, сизни ўйлаб, қандай яшаётганингизга қизиқиб яшайман.

— Сиз ҳам файласуф бўп кетибсиз, жонгинам.

— Балки! Мен ўз хоҳишмча, ўз билганимча яшаяпман. Бирорларнинг бўлар-бўлмас турмуш орзуларига қарам бўлмай, эрким бўйича яшаяпман. Энди кетинг, сиз аввал ҳам менини здингиз. Ҳозир ҳам меникисиз. Хотинингизга, болангизга меҳр қўйинг. Турдивекдек ўқсиб юрмасин, Икром ака.

— Қўйинг, бу гапларни. Ҳали ҳам кеч эмас. Хотиним ўқсиб яшаяпти. Менга теккани учун акаси, отаси эшигидан киргани қўймайди. Мендан ажралса, синглиси билан гаплашармиш. Ўзи ҳам икки ўт орасида қоврилиб юрибди.

— У сизни деб юрибди-ку.

— Лекин мен бирорни ўкситиб яшашни ёмон кўраман.

... Наҳотки Зуҳрамни бағримга босолмасам, севиб-севилиб туриб уни қучолмасам? Бу қандай кўргулик! Интилсан-у, у ҳам интилса-ю, лекин бағримга босиши мумкин бўлмаса? Юрагимга яқин икки қадрдонимдан ажрасам. Улар ҳам мени ёқтирасалар-у, аммо ўзларини олиб қочишиша? Тушунолмай қолдим. Бир дунё алам, фамга ботиб изимга қайтдим. Шу аснода олам менга тор кўриниб кетди.

* * *

Сершовқин шаҳар. Уйимда, хотинимнинг қаршисида оғир тош бўлиб ўтирибман. У менга қараб кулиб қўяди. Ўғилчамиз-нинг юзларидан ўпиб у билан гаплашади.

— Аданглар галиришни эсидан чиқарганлар. Қара, қотиб туришларини. Сен сўра-чи, аданг нега гаплашмайдилар?

Сесканиб уйқудан тургандек кўзларимни очдим. Хотинимнинг кўзларида ёш.

— Нима бўлди? Нега йиглайсан?

— Акамлар келувди. Кутиб-кутиб, кетиб қолдилар. Сизни икки кун кутдилар.

— А, аканг? Йўғ-э! Қайдан қуёш чиқибди.

— Билмадим. Қийналмаяпсизларми, деб сўрадилар. Уйга бор, отам билан онам соғинибди дедилар. Мени кечиринглар, дедилар. Сиз бўлсангиз, хаёл сурганингиз-сурган. Майли, бизлар ёқмай қолган бўлсак, жавобимизни беринг. Ўзингизни ўзингиз қийнаманг-да.

– Йүқ-йүқ! Мен сөн билан ажралгани турмуш қурмаганман. Биласанми, сени жуда күп ўйлайман. Сен ўксима. Сени ҳурмат қиласман, қадрлайман.

Хотинимнинг юзига табассум югурди.

«Ака, мен сизни билмасдан хафа қылған эканман. Зуҳра опамлар койидила. Яна хат ёзаяпман. Энди камроқ бўлса ҳам ёзиб турман. Кеча булоқ бўйига боргандик. Зуҳра опам расмингизни яна кўкракларига босиб йигладилар. Мени кўриб уялдилар. Ҳеч кимга айтма, дедилар. Эсингиздами, қуваламачоқ ўйнагандик. Сиз Зуҳра опамни ушлаб кўтариб айлантиргандингиз. Ўшанда жуда чиройти кулган эдилар-да. Кулгилари дараларда узоқ акс-садо бериб турганди. Бўйнингизга осилиб роса кулган эдилар-а, сиз ҳам. Ҳозир Зуҳра опамлар кулмайдилар. Эртага тўйлари бўлади. Сиз билан тўйлари бўлмади-да...»

Эҳ, Ойни ахтараётган бола! Мени бир кунмас-бир кун тушунарсан. Лекин билгилки, сен, Зуҳра, эртакларингиз, ўзинглар мени асирийлар. Қани эди, бутун оламни асирийларсанглар эди. Чегаралар бўлмасди. Ёвуздар, ёвузликлар, бирор-бирорга ғазаб-ла очкўз тикилишлар, бўхтон ва низолар бўлмасди. Турдибек, сенинг жинни эмаслигингни исбот этишиди, яхшилар кўп экан. Яхшилар кўп, кўпаймоқда. Улар менинг зэгуликка интилаётганимни тушунишади. Шунинг учун ҳам сен ва мен ҳақман. Бир бувинг, сен эмас, бизлар ёмонлардан кўра кўпчиликмиз. Шунинг учун ҳам дунёда яхшилик, тинчлик ҳукмрон. Ҳукмронлиги абадий бўлажак. Уруш, ёвузлик, низо, фитна деган сўзлар абадул-абад унутилар!

Кўзим илингани экан, тушимда Турдибекни кўрдим. У само бағрида юзидан нур сочиб сайёралардан-сайёраларга униб юрган экан.

ҲИКОЯЛАР

МАЙДОН

— Ҳой одамлар! Азиз полвон ўзини йиқиттган полвонга қизини берармиш!

- Қизининг ўзи ҳам шундай деб турғанмиш. Розимиш.
- Жуда қизиқ бўпти-да. Худди эртакларга ўхшайди-я!

— Одамлар-о, одамлар, эшигмадим деманглар! Азиз полвон-никига тўйга-сов...

Ҳамма ҳайрон: Азяз полвон қизига қаллиқ танлаш учун курашли тўй қилса, ўзи кураш тушса...

— Асли, қизини эрга бермоқчи бўлган экан, қизи: «Унда курашли тўй қилинг, ким мени йиқса ўшанга тегаман», деб оёқтираб олипти. Отаси: «Қўнсанг ҳам, кўнмасанг ҳам, мени йиқитганга бераман», деб туриб олган экан, қизи рози бўлтимиш.

— Лекин қизиям ўзи қизмисан – қиз-да. Кўрганмисан, ҳурилиқо, пари нусха-да.

- Ҳа, курашмисан, кураш бўлади-да!
- Азиз полвонни йиқитадиган мард бормикан ўзи.
- Унинг билан беллашиб учун Фарҳоддек ботир керак.
- Худди эртакнинг ўзи-я.
- Эртаклар бекорга тўқилмаган-да, ошна.
- Заржаҳон ривоятини эшигтанимисан?
- Йўқ...

Азиз полвоннинг қишлоғи ён-атроф қишлоқларда шу тахлит гаплар айтиларди. Унут бўлган ривоят, ёддан кўтарилиган полвонларни эслашарди.

— Ҳамма биладиган Заржаҳонни эшигмабсан-а. Эшиг бўлмаса, хумкалла, бу ривоят авлодларимиз ҳақида. Улар курашни севишган. Аёллари ҳам жасур бўлган. Ўшал учун уларга ёв яқин йўламаган. Билиб қўй, бу ривоят ўзимизнинг она Заржаҳон

ҳақида. Яхшилаб эшит. Балким бола-чақанғта сўзлаб берарсан. Бу ривоятни «Она ботир», «Она оқиүл» ҳақида қўшиқ ҳам деб юритишиади, билиб қўй. Хатога йул қўйма-я, авлодлар қаҳрига учрайсан...

Насаф қишлоғи. Телба дарё – Қашқа. Сарой қабиласининг сардори ёруғ дунёдан кўз юмди. Аҳли аҳоли бир ҳафта кўк кийиб садр тепди.. Йигидан кўзлари қизарди. Унинг яхшилиги учун ҳам дилдан йиглаб садр тепишиди. Меҳр оламида бекёёслигини, мардлар майдонида тенгисиэлигини,adolatпарварлигини айтиб йиглашди. Аммо у тирилиб келмади. Шул боис, қабила улуғлари кенгашга йигилишиди. Бири у, бири бу деди. Бир қарорга келолмай, уч кун тортишишиди. Ахири, «сардорнинг қизи Заржаҳон кимни ўзига лойиқ топса, ўшал бош бўлсин», деган қарорга тўхташди.

Заржаҳонни чақиришиб, кенгаш қарорини айтишиди.

Қиз ўйланиб жавоб қилди:

– Эй улуғлар, агар сизлар шуни қарор қилибсизлар, мен розидурмен. Фақат шартим бор.

– Қани-қани, эштайлик-чи, – дейишиди кенгаш аҳли.

Қиз уларга яна таъзим қилиб шартини айтди.

– Отахонлар, мен танлаган йигит зл-улусга бош бўларкан.

Унда ақл-заковат бирлан уни синамогим керак.

– Хўш-хўш, қизим, – дейишиди ўтирганлар.

– Шартим шу: мени йиқиб, икки саволимга жавоб берганга хотин бўламан.

Шарт ҳаммага маъқул тушди.

– Ҳа, қизим, тўғри гапни айтдинг. Эл бошида бош бўлиб турган одам зўр ва оқиүл бўлмоги керак, – дейишиди-да, шу заҳоти қизнинг шартини элга зълон этишиди.

Элнинг манман деган полвон, мард йигитлари қур атрофидан жой олишиди. Зўрларнинг зўрин, қизнинг кураш тушишин кўрмоққа тумонат томошабин ҳам қур атрофига чўқди.

Қур ўртасида давра. Даврага сочини турмаклаб, жомакор кийиб олган Заржаҳон чиқди. Гўё оймисол даврани ёритди. Гўзаллигин кўрган булбуллар сайраб юборди. Одамлар ҳаяжондан «воҳ» деб, полвон бўлмаганидан минг бир афсус тортишиди. Қиз кураш тушди, манман деган полвонларни бўйи баробар кўтариб отди. Қиз боланинг шунчалар қудратлилигидан, «ё тавба», дея ёқаларини ушлашди. Томошабин кўп, курашадиган йўқ. Бори

ҳам тугади. Боши қоттган баковул давра айланиб, Заржаҳоннинг чўпони олдида тўхтади.

– Ҳой йигит, келбатингдан тоғ ҳуркади, бир баҳтингни синасанг-чи? – деди.

Йигит ўйланиб, истиҳолага бориб, даврага чиқди. Заржаҳон ҳам даврага чиқди. Атрофда сукунат, бутун борлиқ сукунатда. Увиллаб, пишқириб эсадиган бўронлар ҳам жимгина томошабингга айланган. Улар бел ушлашди: тоғлар учрапди. Наъра тортиб осудалик бағрин тифлашди. Аммо бир-бирини йиколмади. Кураш узоқ давом этди. Қиз ҳолдан тойди, чарчади. Йигит чинордек, Алпомишу Фарҳоддек даврада тура берди. Қизнинг жаҳли чиқди.

– Ҳой, йиқитадиган бўлсанг, йиқит-да, энди, – деди.

– Гўзалларнинг гўзали, мен сени қай юз билан йиқаман.

Заржаҳон бирдан сингил вафас олди. Кенгаш аҳли ёнига бориб сингилганини тан олди.

– Унда саволингни бер, кечиктириб нима қиласан, – дейишди.

Қиз биринчи шартини айтди.

– Гавҳар оғирми, ер?

– Гавҳар юкини ер босар.

– Тўғри, – деди Заржаҳон. – Дунёда зинг азиз нарса нима?

– Ер билан қўёш!

– Бу ҳам тўғри, – деб ўз ҳаётини йигитга чамбарчас боғлабди. Буни эшитган олам дунёга янги бир табдирни қўллабди. Жантларда шоҳлар кураш тушишаркан. Қайси йиқилса, йиқилганга итоат этиб фарзанди ёки ака-укаларидан гаров қолдириб қайтаркан. Азиз полвоннинг ва қизининг шарти тўғри бўпти, шунга қараган-да, – деди ривоятини тугатаётган киши.

* * *

Азиз полвоннинг боғи этагидаги кенглиқда томошабин қуртишиб ўтирди. Мойли кунжара каллалари даврани ёритди. Жумагулнинг отаси яккаю ягона қизига зўрларнинг зўридан куёв танлашга киришди. Даврага талабгорлар битта-битта синг шимириб чиқишди. Азиз полвон азиз эди. Номи элга машҳур эди. Одамлар уни Ҳасан кўлвор дея аташарди. У туюни йиқитган, отни тишида кўтарган полвон. Унинг билан олишиш учун Алпомиш мисол йигит керак эди.

Азиз полвон қанча-қанча полвонларни йиқитди. Навбат Ҳут полвонга етди. Зўрлар билар зўрлар курашганда уларнинг шамолидан бўрон ҳуркар, дейилади. Зўрлар тантлилиги, софлиги, қудратлилиги билан зўр. Улар мақтанишмайди, сўзларидан қайтишмайди. Иккаласи узоқ олишишди. Одамлар Ҳутни Алпомишга, Азизни Ҳасан кўлворга қиёслашиб роса томоша қилишди. Азиз полвон чарчади. Ҳут уни бўйи баробар кўтариб йиқитмай ерга тик қўйди.

Ҳут Жумагулга шундай уйланганди.

Жумагул полвон қизи. У қурни, полвонлар курашини хуш кўради. Улар билан Заржаҳон гуурлангандек гуурланади. Аммо у аёл, аёллар кўзлари ёриган хонадонни севадилар. Улар болаларию эрларини иложи бўлса ёnlаридан йироқлатмаслар. Аёллар осудалик, гўзаллик тимсолидирлар! Жумагул ҳам ўша аёлларнинг бири: танҳоликни ёмон кўради.

Осмон бетини қамраб олган булултар кечга бориб тарқади. Кўкда чаман юлдузлар порлади. Куни билан кўз очирмай ёққан қор ер бағрини ҳарирга буркади. Ҳаво мусаффо. Қишлоқ сокин. Совуқдан жунжиккан итларнинг ҳуриши ҳам эшитилмайди.

Жумагул болаларини ухлатиб, ҳовлига чиқди. Дарвоза тирқишидан кўчага кўз ташлади. Ҳеч ким, бирон жонзот йўқ. Учоққа олов ёқиб, қумғон қўйди. Намиққан ўтин буруқсади. Ниҳоят, шақирлаб қайнади. Жумагул илиқ чойни тўкиб янгидан дамлади. Учинчи бор эрига атаб дамлади. Ўчоқдаги қўрни сандалга солиб, чойдишни бир четига қўйди. Сандалга ташланган ияклари, бурнилари устида тераrezалар йилтиллади.

Жумагулнинг фикру хаёли эри Ҳутда! Унинг рақиблари бир неча бор Жумагулга: «Эрингга айт, полвонликдан воз кечсин, бўлмаса чувириндиларинг билан чирқираб қоласанлар», деб пўписа қилишган. Жумагул эрининг оёқларига йиқилиб илтижо қилиди, ўтиниб сўради. Лекин бўлмади. Қайси аёл тул қолишини истайди. Ҳеч қайсиси. Эрлар улар учун ҳаёт устуни. Шу устунга суюниб яшайди. Қора кучлар Жумагулни устунидан айришмоқчи? Ҳут буни билса-да, даврани, кучлилар, мардлар майдончасини тарқ этолмайди? Полвонлар учун қурнинг ҳавоси ўзгача, ҳаётларининг бир бўлаги. Жумагул буни билмайди. Билиш учун курашиб кўрмоғи керак.

Ҳутнинг стасини рақиблари ўлдириб кетганини эслаб, Жумагулнинг эти зирқираб кетди. «Эй, худойим, бало-қазолардан ўзинг асрарин», деб пичирлаганча, хаёл оғушида уйқуга кетди.

Эри Ҳут билан кечаси қаердан дир келишмоқда эдилар. Қаршидан қора либосли кишилар чиқиб, ўраб олишди.

– А-ҳа, қўлга тушаркансан-ку, баччагар! – деди отда турган шоп мўйловлиси. – Хотининг ўлжа. Ўзинг қузғунларга ем бўласан!

У бир имо қилган эди, ёнидаги шериклари Ҳутга ташланишди.

– Дод!.. Войдод!..

Жумагулнинг жон аччиғидаги қичқириғидан ухлаб ётган болалар уйғониб кетишди. Тўнғичи Нажим пиёлада сув тутди. Жумагулнинг вужуди қўрқинчли тушдан дағ-дағ титрарди.

– Босинқирабман, қўрқманглар, болаларим, – деся уларнинг устига кўрпа ташлаб, ташқарига чиқди. Қора тунда аччиқ изгирин илиқ ҳарорат устидан ғолиб чиқиб, тантанавор визилларди.

Воҳанинг ҳамма томонларидан номи кетган полвонлар келган. Кураш учун ажратилган майдонда одамлар қур атрофини тўлдиришган. Тўрт-беш жойда мойга шимдирилган кунжара калла ёниб турибди. Қур атроғидаги гулханларга ёрилган тўнкалар қаланган. Тарафкашларнинг: «Бўш келма, Ҳут! Баракалла, Ҳут!» – деган қийқириқлари янграйди.

Полвонлар совуқни писанд қилмай рақиби устидан ғолиб чиқиши, зот¹ олиш учун бир-бирига ҳамла қилиб, чалишга ёки елка қилиб йиқитиш иштиёқида ёнишади. Устларидаги жомакорлари ям чидаш бермай, шир-шир йиртилади. Бойваччалар пул чиқариб: «Ҳут йиқитади, ўзини тутишини қара, келбатига қара! Алломишини ўзи-ку!» – деб тикишади. Тортишув, тикишлар ғолибини олқишилаш билан тугайди. Ҳут рақибини даст кўтариб отди. Гурс этган товуш ерни зириллатиб юборди-ёв! «Балли, Ҳут!», «Ота ўғиъ», «Ҳалол!» деган бақириқлар еру кўкни тутди.

Ҳут катта кўчқорни елкасига ташлаб, қурни бир айланиб ҳамкишилоқлари олдига келиб ўтириди.

Йиқилган полвон чамаси Ҳутдан ёши катта эди. Ўрнидан туриб, унинг олдига келиб қўл чўзди.

– Қойилман, полвон. Шу пайтгача яғриним ерга тегмаганди, – деб Ҳутнинг қўлини хомуш сиқиб орқасига қайтди.

Давра баковули:

¹ Курашда ғолибга бериладиган соврини.

– Ҳут, сен билан беллашишга Фузор бегининг ўғли Сафарниёз полвон талабгор, – деди. Ҳут даврага чиқиб, қариялардан фотиҳа сўраганча тиз чўкди.

– Омин, Оллоҳ омадингни берсин! – дей фотиҳа беришди қариялар.

Ҳут қоида бўйича даврани уч айланди-да, қаддини ростлаб, забардаст, офтобда қорайган, оғир меҳнатда қадоқ бўлган қўлларини рақиби Сафарниёзга узатиб борди. Қур атрофи тинч, олам тинч. Гўё бутун борлиқ сукунат-ла томошабинга айланган.

Сафарниёз ҳам анча ном чиқарган полвонлардан. Фақат гирром, шуҳрат қулига айланган полвон. Отасига қарашиб ерларда бўладиган курашларда биринчи товоқ зоти учун курашади. Олади ҳам. Бекнинг ўғли, ҳамма-ҳамма нарса у томонда. Шунинг учун ҳам олади. Ҳа, биринчи зотни у олади. Ҳут билан илк бор беллашмоқда. Ҳутдек довруғи вилоятни тутган полвон билан олишиб, оламга довруғ солмоқчи. Қолаверса, Ҳут Сафарниёзга бес отаси юз-хотири учун йиқилиб берар, деган ўй-хаёл ҳам йўқ эмас. Ана, ушлашди. Сафарниёз қоқма берди. Ҳут буни кутмаган эди. Ҳақиқий полвонлар биринчи қафасда кучларни чамалашади, йиқитишга чиранишмайди.

Ҳут тиззада туриб қолди. Сафарниёз эса унга ёпишиб, йиқитишга уринади. Полвон қаҳрланди. Ўргимчакдек ёпишаётган рақибининг икки қўлини сиқиб ушлаб, бир қоп унни елкасига олгандай кенг елкасига олиб ўрнидан турди. Сафарниёз чиллак оёқларини типирчилатар, қўлини эса Ҳутнинг қадоқ бармоқлари остида, гўё бойлангандек сезарди. Зўрнинг зўри – зўр бўлади. Қаҳри келса – шер бўлади. Буни билмаган Сафарниёз қайтамга ўзга ҳаёлларга борар, тан беришни эса истамас, фижиниб, кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек бўлиб: «Қўйвор, ялангоёғ», деб типирчиларди.

Ҳутуни елкасига кўтариб давра айлантириди-да, қурнинг ўргимчакдек итқитиб юборди.

Сафарниёзning малайлари унинг кўнглини овлаш билан овора: бири чангини қоқади, бири иссиқ чой тутади. Эшон ва муллачалар Ҳут «Оллоҳнинг қаҳрига учрасин», деб фатво ўқишар, оддий томошабинлар офаринлар айтарди.

Даврага товоқ келтирилди. Баковул товоқларнинг зотини чираниб айта бошлади:

– Биринчи товоқ – нортая, иккинчи товоқ – ҳўқиз, учинчи товоқ – қўчқор, ёнида икки кийимли олачаси билан. Зўр олади,

йиқілған кейінгисіда олар. Ҳой талабгорлар, қаны юрагида ўти, беліда қуввати тошғанлар, зоти ғолибники, томошаси бизники, олинглар!

Даврада жонланиш бошланды. Аммо Ҳұт номидан товоқни олиб келдиган тарафкашлари жим эди. Тарафдорларидан бири товоқни полвон номидан олиши керак. Ҳозир Ҳұт учун товоқ олиб келдиган Ҳамро бобо ҳам жим. У бек ўғлининг душманига айланиб қолишидан ҳадиксираб жим ўтиарди.

Иккінчи товоқни Ҳамро бобо Назирқулга, учинчисини түйчининг ҳамқишлоғи Қодир полвонга олды. Назирқул зотни ҳалоллаб олды. Қодир эса Темир полвонга бой берди. Бириңчи товоқ ҳали ҳам етимча бўлиб туравергач, чоржўйлик Танти полвон тарафдорлари олди. Танти даврани уч айланниб ўрнига бориб ўтиради. Ҳеч ким даврага чиқавермагач, баковул ўртага чиқиб:

— Талабгор бўлмаса, нортаяки Танти полвонга берамиз! — деде зълон қилди. Томошибинлар бириңчи товоқ зотини шундай берилишини исташмайди. Бириңчи товоқ кечанинг юлдузи, баҳодири. Унинг қандай олинишини орзиқиб кутишмоқда. Агар ҳозир баковул: «Зотни бер, Тантига, талабгор йўқ», деса борми, ҳамма аламзада бўлади. Курашнинг охиригача ўтиришганига минг афсус чекадилар. Ўзлари олишолмайди, лекин олишадиганларни: «Нега палончи чиқмади, кўрқди, баччагар. Ўша ҳам полвон бўлпими. Келиб-келиб чоржўйлик полвонга бериб юборишид-я зотни энағарлар-а», деб сўқиниша-сўқиниша уйларига қайтишади. Ҳозир ичларida сўқиниб ўтиришиб, ич-ичидан ўзларини полвон бўлмаганларига ичикиб ўтиришибди.

— Талабгор бўлмаса, зотни келтир, Алиқул! Ҳо, Танти полвон, тяни келтиргунларича даврани яна бир айланниб кўйинг!

Қоидага мувофиқ, Танти полвон даврани яна бир ғолибона айланышни бажо келтириши керак эди. Одамлар охири, сўнгги умидлари билан Ҳұт полвон томонга боқишимоқда.

Танти даврани айланмади. У даврани тик кесиб ўтиб, Ҳұт ўтирган жойга борди, унинг қаршиисида тўхтади.

— Ҳормант, Ҳұт полвон! Сизни довруғингизни эшишиб Чоржўйдай жойдан келгандим, беллашмоқ учун. Наҳотки шунча йўл босиб келганим ҳавога учса. Орингиз келмайдими? Сизни ориятли полвон, деб эшишган эдим...

Тантинынг охирги сўзлари Ҳұтга қаттиқ ботди шекилли, ошиқмайгина жомакорини кийиб белига белбогини бойлаб, ўрта-

га чиқди. Томошабинлар жонланишди. Диллари ёришди. Иккала полвон ҳам довруғ солған полвон. Ҳут воҳа полвони. Танти, зўрларни эшишиб, топиб олишадиган – сайёр полвон. Улар секин ушлашишди: синашта бўлишди. Биринчи қафас тугаб, иккинчи бор ушлашди. Танти ичкаридан чалиб қайирмоқчи бўлди. Ҳут унинг чилини қайириб, қўшпойча усулинни қўллади. Кураш қизигандан-қизирди. Олтинчи қафас ушлашишди, чарчашибди. Танти тезкорлик, түя чил қўллади. Томошабиннинг бутун вужуди диққатта айланган, ҳеч бирининг йиқилишини хоҳламасди. Зўрларнинг йиқилиши ёмон – қайгули. Уларнинг олишиши шунинг учун ёқадики – мардона олишишади. Мардлар номард бўлмайди. Шу боисдан иккисининг ҳам йиқилишини исташмайди. Майли, икки полвон олишаверишсин, тонг отиб, кун ботгунча, ҳафталаб, йиллаб олишишсин, кур атрофидагилар томошадан ҳоришмайди, ўтираверишади. Фақат, даврада полвонлар – мардлар бўлсин. Томошабин ҳоримайди: фақат ўртада полвонлар бўлсин! Иккаласи ҳам ҳунар ва қувват билан беллашишмоқда. Томошабин ҳаяжонлар тўлқинига гарқ. Танти елка қилмоқчи бўлди, бўлмади. Ҳут энг оддий усул – қайирмадан уни йиқитди. Эҳ, қандай кўргилик, шундай полвон йиқилса-я...

Одамлар «ҳалол», «ҳалол», деб бақиришмади.

– Ҳалол... – дейишибди ўқинчли оҳангда. Ахир улар ҳеч бирининг йиқилишини исташмаган-да... Начора, буни кураш дейдилар. Мардлар қудратини майдон кўрсатур!

Йиқилгани Сафарниёзга жуда алам қилди. Шу йиқилишда, бекнинг ўғли деган ном ҳам обрў, ҳурмат тахтидан йиқилиб тупроқча қоришиб кетгандек туюлаверди. Дили хуфтон бўлиб уйига қайтди. Ич-этини еб, ўзини қўйгани жой топа олмади. У шундай чора излардики, бу билан полвонлик обрўсини, бекнинг ўғлилиги обрўсини сақлаб қолиши керак эди. Лекин Ҳутнинг довруғи атроф-вилоятни тутган, йиқитолмаслигига ақти етади, аммо чора топиши керак!..

* * *

... Курашдан сўнг узоқ йўл босиб, чарчаб-ҳориб келган Ҳут, уйида бек ва бойваччаларнинг зулмидан Тошкентга қочиб кетган Эрматни кўриб чарчоги ҳам эсидан чиқиб, дастурхон олдида гаплашиб турарди.

– Оббо Эрматжон-эй, роса дунё кезибсизда-а. Эрта-индин амир ҳам қулайди, дегин. Елкамизга қүёш нури тушадиган бўптида-а.

– Ҳа, Ҳут ака, шундай. Тошкентда хўрланганлар ҳукумат тузишибди, ўзлари хон, кўланкалари майдон.

– Қандинни урсин. Зўр иш бўпти-да. Ҳаммасига ишоняпман-у, шу ука, ерди текинга бераркан, деганига сал ишонолмай турибман-да. Унда давлатта нима қолади.

– Ҳут ака, ҳаммага етади. Давлатгаям, деҳқонгаям.

– Айтганинг келсин, ука. Бош омон бўлса, кўрармиз. – Ҳовлидаги от туёқларининг дупурини эшишиб, ўрнидан турди. – Ҳозир, Эрматжон, бир қараб келай-чи, ким зкан, – деб елкасига тўнини елавгай ташлаб ташқарига чиқди. Ҳовлида саман отли, белига ханжар таққан Сафарниёзни кўраркан, нимага келганини дарҳол сезди, лекин босиқлик билан сўради:

– Хуш келибсиз, хизмат, бойвачча?

– Гаплашгани келдим.

– Хўш-хўш, бойвачча?

Сафарниёз қўйнидан олtingга тўла ҳамён олиб, Ҳутнинг олдига ирғитди.

– Ол! Бир умр еб ётасан. Лекин билиб қўй, эвазига зартанги курашда йиқилиб берасан. Бирорга оғзингдан гуллассанг, кўрасан!

– Арпа дўғингни энангта қил, баччагар! Пулинг ўзингга буюрсин! Польонлар аҳли кучини, инсоф ва виждонини пулга сотишган эмас. Сотишмайди ҳам, бойвачча!

– Танангта ўйлаб кўр, бир марта йиқилсанг, осмон ўпирилиб срга тушармиди! Тағин бошингта отангнинг куни тушмасин.

– Эр йигитнинг гали битта бўлади.

– Вой ялангоёқ. Тилинг бурро-ку! Итвачча.

– Нима дединг, ҳаромтомоқ, – деб уни оти билан кўтариб итқитиб юборди. Унинг қаҳри қўзғаганди. Куч-қудрати этига сифмай кетди. Фарҳод мисол тусга кирди. Зўрлар – баҳодир. Уларнинг қаҳри тошмасин, тошгандан кейин – Алномиш улар. Бекордан-бекор Алномиш, Фарҳод, Гўрўғлилар тўқилмаган. Улар бўлган, яшаган. Адолатсизликларга қарши мардона бош кўтарганилар.

Ана Ҳут ҳам Гўрўғли, Фарҳод, Алномиш мисол, бир қудратли баҳодирга айланди. Уларни от-поти билан итқитиб ота бошлиди. У шундай қудратда эди ҳозир.

Қишлоқликлар ёзниң неъматини йифиштириб, елка-
ларидан тоғ ағдарилгандай снгил тортишди. Тўйлар бошланди.
Кўчаларда айтувчилар кўриниб қолди.

– Одамларо-в, одамлар, эшитмадим деманглар, Вали-
никига тўйга-ов. Жаппи-жамоа тўйга-ов...

– Зўр кураш бўларкан, Валининг тўйига Танти полvon кел-
ганмиш. Ҳут билан яна бир бор куч синашмоқчи бўп келганмиш...

– Полvon деган ана шундай бўлсин-да. Қандини урсин. Шун-
ча йўлдан кепти-я.

– Асл полvonлардан экан-да, ҳамманиң оғзида шу гап.

Ҳут полvon кенжа ўғилчасини кўтариб, нон ёлаётган хотини
Жумагулнинг атрофида уймалашади. У ҳаяжонда, ўзини қўйга-
ни жой тополмайди. Юраги тез-тез уради. Нега? Юрагига таскин
ахтаради. Ахир бугун яна ўша Танти билан беллашади. Ҳазил
гап эмас. Танти қудратли, ориятли полvon. Ориятли бўлмаган-
да, Чоржўйдай жойдан келармиди. Албатта, бу кураш оғир кўча-
ди. Тантини эшитишса, одам ҳам тумонат келса керак. Бўлари –
бўлар. Энди майдон кўряптими. Қолаверса, аввало йиқитган,
куч синашда бўлган. Лекин бир йил ичидаги қандай ўзгариш були-
ши мумкин, шуниси қоронги. Танти бир йил ҳузур-ҳаловатини,
тинчини йўқотиб яшаган. «Елкам ерга тегмаганди, қойилман»,
деб тантилик қилиб тан бергану... Бўлмаса, биринчи курашдаёқ
етиб келармиди. Майли, кўрсин. Ҳутнинг билаклари ҳут совуғи-
да қотган. Елкалари яғрини ҳутнинг қорида ишқаланган. Ҳут –
ҳут ойининг қори устида туғилган, у Ҳут. Ҳеч нарсани писанд
қилмайди. Ҳали унинг қони қайнайди. Кучини сифдиролмайди.
У сифдиролмайди. У бугун беллашади, юлдузлар чарақлаб, ой
чирой очганда, оғзидан буғ ҳовурини пуркаб олишади. Қоронги
тушди, юлдузлар милтираб, ой қиё боқди.

– Бўп қолдингми, хотин. Бунчалик камсуқум бўлмасанг, – деди
Ҳут.

– Ҳозир, отаси. Учта нон қолди. Пушти совуғлик қип туриб-
ди. Бир оз қизарсин. Сизга мана бу нонни атайлаб сингга қилиб
пиширдим, болалар билан сувга бўқчиб еб туринг, қувват бўла-
ди.

– Бор экансан-ку, хотин. Шу бир оғиз сўзингни қачондан бери
атрофингда уймалашиб, интиқ бўлиб кутиб тургандим-ку.

Хут полвон хотинидан бирон-бир илиқ сўз эшитмасдан кўчага чиқолмайди. Унга ҳам қийин, унга зрининг давру даврони, келтирган зотлари керакмас. Кечқурунлари уйда ўтиришини хоҳлади. Хут бўлса, тўйма-тўй юради. Шу бугун охирги марта кураш тушиши, зотини худойи қилиб беради-да, даврани тарқ этади. Хут шу хаёлларни дилидан бир-бир ўтказиб тўйхонага йўл олди. Ана қур: қур атрофида тумонат томошабин, даврани ёритиб турган мойли кунжара, тумонат томошабин... Уни давра аҳли интизорлик билан кутишмоқда. Балким кечикиб келганини қўрқоқликка йўйганлар ҳам оз эмасдир. Қурга яқин отдан тушди. Кимдир югуриб келиб:

– Полвоя, куттириб қўйдиз-ку. Одамлар «келмайди», деб туришганди. Келганингиз хўп яхши иш бўлди-да. Отнинг жиловини менга беринг, бойлаб келаман.

– Янгангиз нон ёпаётганди, сал қаравиб ҳаялладим. Товоқлар қўйилдими?

– Йўқ, энди.

Хут одамларни оралаб, қурнинг бир четига чўқди.

Даврада пивир-шивир бошланди.

– Ана, келмайди дегандинг, келди-ку!

– У қочадиганлардан эмас!

– Зотни Танти олармикин, Хут?

– Албатта, Хут олади-да!

– Танти ҳам узоқ йўлдан бекорга келмагандир.

Хут мийигида кулиб қўйди. Даврада олишаётган йигитларни кузатаётган бўлди. Лекин одамлар даврада чираниб олишаётган ўспириналарни эмас, унга қараб туришганини сезиб, хижолат бўлди. «Нега бу аҳволга тушди, ҳеч қачон юраги бунчалик тез урмаганди-ку! Ўзи нималар бўлмоқда, худди биринчи марта давра кўраётганга ўхшайман-а», деб ўзини-ўзи койиган бўлди.

Қур баковули товоқларни қўя туриб:

– Биринчи товоқ, – ўнг қўлидаги товоқни баланд кўтарди. – Беш яшар новвос, бир араби гилами билан. Иккинчи товоқ – уч яшар новвос, учинчи товоқ – бир қўчқор, йигирма червони билан.

Иккинчи-учинчи товоқни олганлар даврада курашни бошлишди. Оҳо, бири ҳалоллади. Учинчи товоқни ҳам олишди. Танти олди. Танти полвон белбоғини елкасига ташлаб даврани уч бор айланиб жойига бориб ўтирди. Танти озган, сочига оқ оралаған, «бечорагина одамга ўхшаб қарибди, – хаёлидан ўтказди

Хұт – Бир йилда шунча-я, – деб билинар-билинмас пичирлади. Тантига раҳми келгандай бұлды. – Аммо буни кураш дейдилар. Даврага полвонлар, юрагида ўти борлар чиқади. Қолаверса, у менинг раҳм-шафқатимга муҳтож змас. Ү олишади. Ҳа, олишади». Ҳұт ечина бошлади. Ҳамманинг күзи унда. Гүё уни зиди күришаётгандай. Ҳұт даврага чиқди, қоматини кериб, тоғдек соя солиб айланы бошлади.

Танти ҳам даврага чиқди. Бир айланиб Ҳұт билан күришди.

- Омонмисиз, полвон?
- Шукр. Үзиз омонмисиз?
- Шукр.

Улар узоқлашишди. Уч марта қурни айланишиб, бир-бирига яқынлашишди. Ҳавасманд полвонлардек жилпанглашмади. Секин ушлашишди. Ҳаммаси бурунги курашдек бошдан қайтарила бошлади. Бир-бирини сиқишиб күйворишишди. Иккінчи бор ушлашишди, бел сиқишиб, қайириб күришишди, натижә бермади. Учинчи бор ушлашишди. Ҳұт ўрама чил қылди. Танти қайириб ташлади. Атраф сув сепгандай жимжит. Юлдузлар-да, ойда, тун-да, жим: бутун борлық томошабин. Қайта-қайта ушлашишпар, аммо натижасиз. Тун яримдан оққан. Ана, Ҳұт яна, яна күш пойча усулинин құллади. Буни рақиби кутаётганди. Чүнки Танти худди шу усулдан йиқилған. Шул боис бу усулга имкон туғдирғанди. Танти қарши ҳужумга ўтди. Рақибни иккала құлини ёнбошга олиб ўңг томондан چалди. Ҳұт чинор қулагандай кулади. Танти унинг күкрагидан босиб ўтириб ҳам олмади. Турғазиб, чангини қоқиб қўйди. Ҳұтнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб, йўлдан адашган йўловчикдек жойини тополмасдан бошқа тарафга бориб қолди. Гурра кулги кўтарилди. Боши айланиб, атрофни кўзлари илғамасди...

* * *

Ҳұт мағлубликнинг аччиқ аламини ютиб, тарқидуне қилиб, уйдан чиқмай ётиб олди. Тўй-маъракаларга ҳам чиқмай қўйди. Уйнинг занжирбанд кулига айланди-қўйди. Ҳеч ким билан күришишни истамайди. У фақат ўзидан-ўзи койинди. Ахир Ҳұт кураш аталмиш майдондан тантана билан чиқиб кетмоқчи эди-ку! У ахир зотини худойи тўй қилиб бериб, майдон аталмиш кураш майдонини ғолиблик тўйи билан тарқ этмоқчи эди-да. Бўлмади... Ахир у йиқилишини хаёлига ҳам келтирмаганди-ку! Етиш-ту-

ришида-да ҳаловат йўқолган. Кўзига шундай ёруғ жаҳон тор кўринса-я. Бу қандай кўргилик. Шу алфозда анча кунларни ҳаловатсиз ўтказди.

Юртга баҳор шабадаси эпкин-эпкин эса бошлади. Секин-секин кунлар илий бошлади. Ўт-ўланлар аста-секин ер юзасини қитиқлаб чирой очди. Дараҳтлар ўзгача бир либос тўқий бошлаган кунларнинг бирида Эрмат пирқа кириб келди.

— Ҳорманг, полвон.

— Келинг, Эрматжон, келинг. Аммо кесатманг, полвонлигимнинг нимаси қолди. Полвон дейсиз.

— Ие, ҳали сиз, бир йиқилиб бўлди бизники, дейдинларнинг туриданмисиз. Ҳайф сизга-ей, ерларни ҳам чопмабсиз. Бўлди қилинг энди тухум босиб ётишни. Ана, Таитини полвон деса бўлади. Сиздан йиқилгандан кейин тиним билмай пастбаланд жойларни кетмонлаб текислаб ер очиб, колхозга берибди. Ёзи билан янги уй қураётганларга лойини ташиб берибди. Ана, чиниқиши қандай бўлади, билиб қўйинг, — деб чиқиб кетди.

Хут ўтириб ўйлаб-ўйлаб, белни олиб ер чопишга тутинди. Кечгача ерини юмшатиб чиқди. Эртаси яна қайта чопиб чиқди. Иштаҳаси очилиб, бир лаган ошни кўрдим, демайдиган бўлди. Экин экди. Ҳовлида иш тугади ҳисоб. Майдада-чуйда ишларга унинг тоқати тоқ бўлади, икки-уч кун яна тажанг бўлиб юрди.

— Отаси, уйда бунча сиқилиб ўтирмай, кўча-кўйларни ҳам айланиб қўйсангиз-чи, — деб пингиллади хотини.

— Ҳа, бадингга уриб қолдимми. Ўзинг хоҳлардинг-ку, уйда ўтиришимни. Мана, ўтирибман. Ниятнингта етдинг.

— Ният қилмай кетай. Сизни рангизга қарайвериб, зиқ бўп кетдим. Қайтам курашиб турганиз яхшийкан, отаси.

Хут хотини билан ортиқча тортишмади. Елкасига кетмон билан қопни ташлаб қишлоқдан унча узоқ бўлмаган тўқайзорга йўл солди. Етиб келиб, айланиб чиқди. Кетмон билан қопни бир четта кўйиб билакдай-билакдай юлғунларни суғуриб кўрди: кудрати естаркан. Бу иш унинг ҳар кунги машғулотига айланди. Эртаси билакдан йўғонини, индини уидан йўғонини...

* * *

Куз келди. Дараҳтлар барг тўкиб, ўтлар қуриди. Уй мўриларидан тутун ўрлади. Сув юзаси музқаймоқдан тўн кийди. Хут полвон кураш – майдон иштиёқида ёна бошлади. У тушию ўнгидаги

Чоржўйда Танти билан олишаётгандай, Танти уни кутиб, «Эҳ, қанақа полвонсан-а, йиқилиб ҳам оринг келмайдими», деб Чоржўй тўйларида Ҳутни йўқлатаётгандек бўлиб туюлаверарди. Уйқусида яна ороми йўқолди. Хотинига гап солганди, розидек кўринди. Қишлоқнинг икки полвонини қабатига олиб Чоржўй қайдасан, деб отларини Фиротдек елдириб Гўрўғли, Алпомиш, Фарҳоддек қомат кериб йўл олдилар. Уч кунда Чоржўйга яқин бир қишлоқ чойхонасига келиб тушдилар. Чойхонада кексаю ёш чойхўрлар илиқ-иссиқ чой сипқарадилар. Уч мусофири муршиб, ёнларидан жой беришди. Пиёлада чой тутишди:

– Яхши этиб келдингларми, меҳмонлар. Бемалолроқ ўтирглар, болаларим, – деди мўйсафид чол учовини ҳам қўярда-кўймай ёнига ўтқазаркан. – Узоқ йўл босганга ўхшайсизлар. Қайси қишлоқ ёки шаҳардан бўласизлар?

– Қаршининг ёнидаги Сарой деган қишлоқданмиз, отахон, – атрофдагилар Қаршини эшишиб меҳмонларга яқинроқ суринишиди.

– Меҳмон, унда сиз Ҳут полвонни биласизми?

Ҳут чой ича туриб:

– Ҳа, – деди. Шерикларига жим ўтирглар, маъносига қараб қўйди. Саволлар ёмғири бошлианди.

– Меҳмон, шу ростми, отларни елкасига кўтариб ўйнатади дейишади.

– Одамнинг сонидай дараҳтларни бир тортишда суғуриб олармиш. Ҳут даврада девдек келбатли бўлиб кетармиш.

Ҳут полвон мийигида кулиб қўйди. Чойхоначи чолни ёнига чақириб, ойнадан кўриниб турган танаси уч яшар боланинг белидай келадиган дараҳтни кўрсатиб:

– Отахон, ўша тутни менга беролмайсизми? – деди.

Чойхоначи, бунинг ақли жойидами, томдан тараша тушгандай дараҳт сўрайди-я, деб ижирғаниб афтини буриштириди.

– Керак бўлса олақол, меҳмон.

Ҳут ташқарига чиқиб кетди.

Чойхоначи Ҳутнинг шерикларига юзланди:

– Унинг ақли жойидами?

– У Ҳут полвоннинг ўзи, – дейишлари билан гурр этиб ўринларидан туришди, ташқарига отилишиди. Ҳут тут дараҳтини яшилаб қучоқлаб ушлади.

– Ё пирим! – дея наъра тортди. Гүрүглидек ҳайқирди, Алпомищдек ташланди, Фарҳод тусиға кирди. Ана куч, ана қудрат! Ҳут полвон дараҳтни таг-томири билан суғурди...

– Балли-ей!

– Сени туққан онангга балли!

– Фарҳод бўл-ей.

– Ҳут полвон деганча бор экан.

Полвон нафасини ростлаб, кафтини қоқиб, жойига келиб ўтириди. Чойхоначи чол:

– Ўғлим, кечир мени. Жиндай оғир галирдим, – деб кечирим сўради.

– Ҳечқиси йўқ, отахон.

Ўтирганлардан баъзилар уйларига бориб болаларини олиб келиб полвонга сийлатишди – полвон бўлишини ният қилишди. Бирорлар шундай полвон аждодидан бўлмаганидан ичикишди. Ҳавас билан боқищди. Алпомиш, Гүрүгли, Фарҳодга қиёслашди. Улар ҳам бўлган бўлса Ҳутчалик бўлгандир-да, деб хаёлларидан ўтказишди.

– Айбга буюрмайсиз, полвон, қаерга йўл тутасиз? Агар бемалол бўлса, қолинг. Бугун қишлоғимиизда катта кураш бўлади. Полвонларга хат битилган. Сизга ҳам, – деди бир мўйловдор деджон.

– Акахон, мен жон деб қолардим. Мен Чоржўйга Танти билан беллашгани бораётирман. Ундан йиқилганман ўтган йили. Мабодо у келса, мен ҳам қоламан.

– Ҳа, полвон, Танти полвон Чоржўй ўлкасининг фахри эди. Камтар эди, мард эди, етим-есирлар бошини силарди. Худо кўп кўрди. Раҳматли босмачининг ўқидан ўлди, – деди йиглашдан бери бўлиб.

– Эҳ, аттанг, раҳматли бўлди денг-а. Эҳ, аттанг-а! Бу ёруғ дунё беозор кўрингани билан шафқатсиз эканда-а? Эҳ, аттанг, Танти дўстим-а...

ЎТИНЧИ БОЛА

— Тура қол, болам, тура қол, тонг отиб қолди, — деди очликдан юзлари тиришган она түнғич фарзанди Ўсарга. — Номинг ўчкур пашист иблисни янчид отажонинг қайтса, бу тортган азобларинг унут ҳам бўлар, ҳеч нарса кўрмагандай ҳам бўлиб кетарсан. Мен ҳам ўн ёшимда отам билан далада чопиқ қилардим. Кўргилик экан-да, болам, сен ўтин сотиб бизларни боқялсан. Отантгта сени қилган ишларингни сўзлаб бир хурсанд қилайинки, хурсандлиги-дан доим отига мингаштириб мактабга обориб келсин. Ҳа, насиб бўлса сендан боши осмонга етади. Тура қол, болам, отант келсин тўйиб-тўйиб ухларсан ҳам болам, тур, тура қол!

Ўсар эринибгина кўзларини очди.

— Дарров-а?

— Тонг ёришганига анча бўп қолди.

Бола ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Ҳавонинг қовоғи со-лиқ: қорнинг совуғи юзига урилди.

Қиши. Қишининг баҳорга ўрнини бўшатиб берадиган пайти кел-ган бўлса-да, у қиши: умрини узайтирмоқ учун, қуёшнинг илиқ нурларини кулранг пардаси билан тўсганча гоҳ ёмғир, гоҳида қор билан заҳрини сочгани-сочган.

Ўсар наридан-бери юваниб ичкари кирди. Онаси бир бурда қатирма билан чойни унинг олдига қўйди.

— Еб ол, болам, — деб ёнига ўтирас экан, — ёки бугун бормай қўя қоласанми-а? — деди ўғлининг киртайиб қолган кўзларига боқиб.

— Бораман. Отам пашистни енгиб келгиларича бораман. Ўзиз айтасиз-у, отанг келса дам оласан, деб. Қатирмадан ўзиз ҳам синг, она.

— Укаларинг билан ерман. Қатирмадан ҳали бор, болам.

Ўсар овқатланиб, ўтиналар ортилган эшак аравага ўтириб йўлга отланди.

Күздан узоқлашиб бораётган бола орқасидан онасининг:

— Эҳтиёт бўл, ухлаб қолма, болам! — деган ҳазин овози бир муддат эшитилиб турди.

Бола тоғ ёнбағридан сўқмоқ йўлга чиқиб олди. Эшак арава фийқиллаб бир маромда кетиб борар, йўқчиликдан озиб, эти устиконига ёпишиб, қирқямоқ тўнга ўраниб олган Ўсар хаёллар оқимига гарқ бўлиб бормоқда эди. Дунёнинг ишлари қизиқ. Одамларнинг бошлари ташвишдан чиқмайди. Мана, уч қиши ўтяттики, фашистлар билан бўлаётган жанг тугамайди. Қачон тугаркин? Уруш ҳам шунча узоқ чўзиладими, ахир. У Сотим ака билан Иброҳим тоганинг уришини кўрган, икки қишлоқ болаларини ёқа йиртиб муштлашиб уришганини билади: бирпаста тугатишган. Бу уруши қанақа уруп бўлди экан ўзи? Фашист деганинг жони шунча кўпмикин? Бир қарасанг, босиб олди, бир қарасанг, чекинибди дейишади. Фашист ер талашиб урушяптими ё зартаклардагидек маликалар учун курашиш ятгимикин? Фашист деган қанақа маҳлуқ бўлдийкин? Отамларнинг зартагида бунақаси йўқ эди-ку. Биламан, девлар, жинлар, парилар, золим шоҳлар бор эди. Фашистни ҳам одамга ўхшаш бир боши, икки сёғи, икки қўли, икки қўзи, икки қулоғи бормикин ёки шоҳлари буралиб чиққан, калласи харсанг тошдай, оғзи қозондай, гавдаси тоғдай девмикин? Шошма-шошма, ўша девлардан бўлмасин, тағин. Ахир Гўрўғли, Алпомиш ҳаммасини ўлдириб битирмагандир? Ўшалардан биронтаси қутулиб яна кўпайиб кетиб қолган бўлсачи? Ҳа, шундай бўлса керак. Босмачилар-ку, аллақачон йўқолган. Ҳа, фашист деганлари Гўрўғли, Авазхон, Алпомишдан қочиб, бекиниб қолганлари бўлса керак. Ҳозир ҳам ўшалардай ботирлар бўлганида, одамлар тинчгина уйларида ўтиришган бўларди. Эҳ, қани энди бир зумда Алпомишга ўхшаш ботир бўлиб қолганида эди, фашист-машист девларни битта қолдирмасдан қиймалаб ташларди, ҳамма болаларнинг оталарини уйларига қайтариб юборарди. Бир арава ўтинга иккита кулча бир ҳовуч арпа эмас, бутун одамларни боқадиган нон топарди. Тезроқ катта бўлсин, барибир ҳеч бўлмаса Фарҳоддек ботир бўлади. Элга тинчлик бермайдиган фашистлару ялмогиз кампирларни, ажиналару аждаҳоларни ер юзида битта қолдирмайди. Кейин ўзига Шириндек қайлиқ ахтариб дунё кезади. Унда, албатта, Гўрўғлининг машҳур учар дулдули – «Фирот»нинг учқур тойчоғи шерик бўлади. Узига ажойиб бир қилич ясатади. Уни бутун бир қишлоқ кўтаролмайди. Шу шамшир билан, албатта, фашист девларни қириб, одамларни уйига қайтаради.

– Ҳа, болатой, келдингми? – унинг ширин хаёлларини чойхоначи чол бўлди. – Ўтинларни ҳар кунги туширадиган жойингга тушириб кела қол!

Ўсар ўтинларни чойхона орқасидаги айвон остига тушириб, чойхонага кирди. Чол унинг олдига бир бурда қотган нон билан сопол косада чой қўйди.

– Ўтин сўраб келувчилар жуда кўпайиб кетди. Яна бир марта олиб келасанми, болатой?

Ўсар чол берган нонни еб, бир оз исигандай бўлди.

– Майли, обкелсам обкелавераман-да, – деб ўрнидан қўзғалди.

Чойхоначи чол бир ҳовуч дон билан иккита қотирилган кулча берди. Улардан сал нарида турган, соқоли кўксига тушган чолнинг жаҳли чиқди.

– Ўн чақирим йўл босиб шунчак ўтин олиб келса-ю, икки тишламлик икки кулча билан бир ҳовуч арпа дони берсанг, уят эмасми? Ўзинг бир қўлтиқ ўтинга бир жом дон оласан-а, иносифлик ҳам зви билан-да, – деди-да, болага қараб, – болам, эртага келтирган ўтинингни ўзим дон-нонга алмаштириб бераман, бу хасисни домига ёмон илинибсан. Боласан-да, йўл бошида деб дарров бериб кетаверасан. Бир келтирган ўтинингта бир ҳафта тирикчилик қиласан. Қулоғингда бўлсин, эртанги олиб келган ўтинингни ўзим одамларга нон ва донга алмаштириб бераман. Кейин-чи, одамларнинг ўзи йўлингта интизор бўлиб кутиб олишади, уларга ҳам, сенга ҳам фойда бўлади.

Чойхоначи чолнинг жаҳли чиқди:

– Бузғунчиликдан бўлак ишинг йўқми?

– Ўзинг бузғунчисан. Инсофни билмайсан. Охиратингни ўйлада! – кейин чол Ўсарга ўгирилди, – кимнинг ўғлисан?

– Ҳаким ўрмончини ўғлиман.

– Уйда кимларинг бор?

– Онам, икки укам.

– Уруш қурсин, сен болакайларни тўп, чиллак ўйнашдан маҳрум қилди. Турмуш юкини елкаларингга ортди. Фашистнинг уйи куйсин!

– Фашистни уйи борми, бобо?

– Уйинг куйгурни уйи бўлганда дунёни шунчак алғов-далғов қилармиди? Улар махлуқ. Ҳа, махлуқ улар! Махлуқ улар!!! – деди чол асабий ҳолда ва олдидаги бир бўлак нонни олиб болага берди. – Энди бора қол, болам, эртага мени ўзим сени шу ерда

кутиб оламан. Бу инсофсиз чолни гапига кириб, бугун овора бўлма.

— Бўпти, — деб Ўсар йўлга отланди.

Ўнқир-чўнқир, дов-даражтисиз йўлни ортда қолдириб, тоғ этагидаги ўрмонзорга етиб келди. Ям-яшил арча шохларини қорнинг юки зигиб турар, либосидан ажралган тоғ бодоми, ўригу дўлана дараҳтлари совуқдан дир-дир титраётганга ўхшарди. Уларга раҳми келди. Арчаларга кийдирган оппоқ тўнни бу бечораларга равс кўрмаган қишидан ранжиди. Мурғак қалбини яна эртаклардаги ботирлар, уларнинг баҳодирлигига бўлган ҳавас қоплади. Унга бир кунмас-бир кун Фиротнинг болаларидан учрайди. Худди шу ўрмонда учрайди! У шу ўрмоннинг қайсиdir гўшасида ўтлаб юрибди. Ўсарни кучга тўлишини, улғайишини кутиб юрибди. Яқин, жуда яқин қолди. У улғайгач, Фарҳоддек забардаст ботир бўлади. Ана ўшанда ҳамма фашист-девларга, жодугар кампирларга қирғин солади. Одамларни ҳар бало-қазолардан ҳимоя қилиб юради. Аждарҳо-ю, бўрилар одамларни нобуд қилолмайди. Мисқол парининг звара-невараларидан ўзига қайлиқ топади. Шу пайт ғижир-ғижир қилиб, араванинг бир ғилдираги ярмигача кўприк ёриғига тушиб, эшак мункиб кетди. Ўсарнинг хаёли бўлинди. Ерга тушиб, аравани айланиб чиқди. Эшакни бир амаллаб ўрнидан турғазмоқчи бўлди. Эшакнинг ўмганидан кўтаришга уринди, бўлмади. Бўйнидан қучоқлаб олдинга тортди. Эшак турди. Ўрнидан қимирлолмади. Кўприк ёриғига тушган арава ғилдираги эшакни ярим қадам юришга имкон бермасди. Ўсар орқа томонга ўтиб, ғилдирак тушган томонни кўтармоқчи бўлди, кўтаролмади, яна зўр берди. Куч-кудрати етмади. Йўқ, барибир кўтаради. Фақат-фақат кулчадан биттасини еб олса бас. У кулчанинг бирини олиб ея бошлади. Farч-фурч қорни босиб соч-соқоли ўсиб кетган, девқомат бир одам арчалар орасидан чиқиб келди. Бола девлар ҳақида ўйлайвериб, кўзига девлар кўринаверарди. Қўрқди. Кўзини юмди. Яна очиб унга қаради. Одамга ўхшайди. Қувонди.

— Ҳой амаки, аравамни чиқаришиб юборинг.

У одам гўё ҳеч нимани эшитмагандай боладан сал нарида тўхтади, еб қўйгудек бир зум тикилиб турди-да, боланинг қўлидаги кулчани чаққон юлқиб олдию арчалар орасига кириб кўздан фойиб бўлди.

Бола ҳайратдан, қўрқувдан тошдек қотиб қолди. Ўзига келиб, баттар қўрқувга тушди, бутун вужуди титрай бошлади. «Дев, девнинг боласи бўлса керак. Тезроқ кетиш керак». Қўрқув аралаш бақириб-чақириб, йиғлаб, эшагини қўлидаги таёқча билан уриб, унинг атрофидан айланана бошлади. Кўзи арава филдирагига кириб қолган ходага тушди. Чираниб, йиғлаб, тортиб олди. Яна эшагини хих, хихлаб ҳалачўп билан бўйнига ура бошлади. Ниҳоят, филдирак ёриқдан чиқди. Йўлга тушди.

Уйга етиб келганда, у совуқ терга ботиб ҳансирарди. Онаси Ўсарнинг қалтираёттанини кўриб, ранги қув ўчди.

– Вой ўлмасам. Нима бўлди, болагинам, нима бўлди? – деб уни аравадан тушириб, суяб ичкари олиб кирди. Сандал устига ташланган кўрпанинг бир четини кўтариб бўйнигача ёпди. Илиқ чой берди. – Илоё, худо шифо берсин, ишқилиб, безгак бўлмасин...

Анчадан сўнг қалтироғи тўхтаб, у ўзига келди.

– Кўрқманг, онажон, мен яхшиман, фашист-девни кўриб бир оз қўрқиб кетдим, шекилли.

– Нима деяпсан, болагинам, жин-пин йўлиқдими, – деб ўрнидан туриб, исириқ тутатди.

– Жин эмас, фашист-дев, девни боласи бўлса керак. Баланд бўйли, худди одамга ўхшайди.

– Кўй, болам, ухла, зрталаб айтиб берасан, – деб унинг бoshини бойлади. – Ухла, бир оз ухла, ўзингта келасан. Эртага қишлоққа иккимиз борамиз, дами ўткир эшонга олиб бораман, ухла.

– Эшонга бориб нима қиласиз, соппа-соғман, мана қаранг, – деб ўрнидан турди. Чунки бир куни отаси олиб борган ўша эшон ва унинг уриб ўқигани эсига тушди. – Обормайсиз-а, соппа-соғман. Фақат бир оз қўрқдим, холос. Қўрқмадим, шошиб қолдим, бўлмаса болта билан бир уриб қулатардим. Кўрасиз, эрта тонгда уни кунини кўрсатаман.

– Яратганим, ўзинг шифо бер, аслига қайтар! – она унга жин учраганига чиппа-чин ишонган эди. Ўсарни бир амаллаб ухлатиб, ўзи ҳам икки боласи билан ёнма-ён, ёстиққа бош қўйди.

Ўсар тонг саҳарлаб уйғониб кетди. Онаси, укалари ухлаб ётишарди. Аста туриб, кийинди. Ўйнинг тўридаги отасининг ов милтигини, ўқ терилган камарини олиб ташқари чиқди. Улар уйқудан тургунча бирон тустовуқми, қўснми отиб келмоқчи,

мабодо кечаги маҳлуқ учраса уни ҳам отади, у ўрмонзор оралаб сойга тушиб борарди. Ҳаёлини кечаги шарпа тортди. Наҳотки, кечаги учраган фашист – дөв боласи бўлса? Шу биттагина дөв ҳаммани қон қақшатиб юрган бўлса? Наҳотки, у ўзи билан жанг қилганларни еб битириб, энди қишлоқларга оралаган бўлса? Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Бу – фашист-девнинг боласи, тоғни нариги томонидан қочиб келиб, беркиниб юрибди. Урушга кетгандан одамлар худди шу фашист-девнинг боласини қидиришяпти. Катталарини қириб бўлишгандир. Бу унчалик катта ҳам эмас. Бу янги дөв бўлса керак. У эртаклардаги девга ўхшамайди. Уларнинг бўйи дараҳтлардан ҳам узун, шохлари буралиб чиққан бўларди. Ҳа, топди, бу – унинг боласи! У қочиб қолган. Ҳатто уни еб қўёлмади. Бор-йўғи бир кулчани олиб қочди. Ҳа, қочди, шунга ҳам қўрқиб юрибди-я. Тугилганда шундай барваста бўлиб түғилганмикин? Агар шу девнинг боласи бўлса, тупша-тузук одамга ўхшайди. Агар мол-ҳол қилиб, буғдой экиб яшашни ўргатишса, одамни ҳам смаса керак. Қулоги бор, кўзи бор, қўли ҳам бор, шундай... яна бу фикридан қайтди. «Ўрганган қўнгил ўлганда қолади». Отасининг ана шу гапи эсига тушди. Уларни битта қолдирмасдан йўқотиш керак. Бари бир ёв-да, ёвлигини қиласди. Эҳ, агар Ойномани кўрсан, ундан дунёдаги жамики ваҳшийларни йўқотишни сўрардим. У қудратли, чунки унинг чиройига қўёш ошиқ, қўёш борлиқни яратган. Йўқ, бу мумкин эмас. Үнда ботирлар қандай ботир бўлишади. Бозор полвондек мард одамлар, кучини нимага кўрсатишни билади, у фашист-девларни додини бериб, қувиб юрган ҳам ўша отаси билан бир аравада кетган Бозор полвонми? Ҳар қалай, унчалик қойил қолдиролмади. Ким айтади полвон деб, тўйларда энг зўр кураш тушадиган полвон деб? Ҳамма одамларни қолдириб, қилич-қалқонингни олиб, оқ отингга мин-да, ёвга қарши кетавер. Ўшанда, ҳамма унга балли, дейди. Алпомиш, Фарҳод бўлиш қийин-да. Улар қанча-қанча деву ялмогиз кампирларни сингтан. Алпомиш тирилиб келса-ю, фашист-девнинг додини берса. Ана ўшанда Бозор полвонни ҳеч ким полвон, демасди. Ўсарнинг хаёлчан кўзлари сёқ изига тушди. Изни анчагина қор босган бўлса-да, сал-пал билинади. Ўсар изга оёгини ўлчаб кўрди. Икки баравар катта, «Шошма-шошма, бу кечаги фашист-девнинг боласи бўлмасин». У елкасидаги милтиқни қўлига олди. Изнинг изидан бораверди. Узоқдан, маст одамдек чайқалиб кетаётган шарпага кўзи тушди. Бир-пас тўхтаб, нафасини ростлади. Шу пайт онасининг:

– Ўсар, Ўсаргинам, қайдасан, қай-й-й-т! – деган синиқ овози эшитилди.

– Эҳ қочириб юборадила-я! – деб онасининг овозидан ранжиб, оҳиста илдамлаб, дараҳтларни паналаб, оппоқ қор устида айқаш-уйқаш из қолдириб бораётган қорага яқинлашди. Кечаги фашист-девнинг боласи, хаёлидан ўтказди. Шоша-пиша уни нишонга олди. Гумбурлаган овоз оламни бузди.

Ўсар миљтиқни ўқлаб, яна нишонга олди.

– Шошма, – соchlари тўзғиган онаси уни тўхтатди. – Нимани отдинг?

– Фашист-девнинг боласини! – деб, оппоқ қор устида думалаб ётганча жони узилаётган одамни кўрсатди.

Онанинг кузи мурдага тушган заҳоти қичқириб юборди.

– Вой ўлмасам! Болагинам, нима қилиб қўйдинг?! Ахир у Бозор полвон-ку! Мен ўлай! Энди нима қиласман. Эй, худо! – ер муштлаб чинқиради она...

Ўсар онасидан «Бозор полвон»ни эшитди-ю, ўйланиб ўтириб қолди. Бозор полвон фашист-девлар билан урушгани кетгандику. Бу ерда нима қилиб юрибди?!

Йўқ, у Бозор полвон эмас! Бозор полвон урушга кетгандику. Бу фашист-девнинг боласи, деб пичирлаб ўрнидан туриб кетди...

УЗОҚМАНЗИЛЛАР

Болалар қуеш қизғиши шуылаларини сочиб, ҳорғин ёстиғига бош қўйганда Жарариқ кўпргидан сал наридаги ажриқда тўпланишиди. «Оқ теракми – кўк терак», «зув-зув» ва тўп ўйнашди. Муродбек гоҳ ўйинга қўшилиб, гоҳ ўйиндан четлашиб турди.

Сигир-бузоқ, қўй-эчклиар подасини кўришлари билан ўйинга барҳам беришиб, ҳар сафаргидек:

*Подаделар
бош-бош,
оёгида
чақир
тоши-тоши... —*

қўшигини айтишиб бир зум иргишилашди-ю, сўнг ҳар қайсиси молини ажратиб тарқалишиди. Ажриқзору қўчалар бирдан ҳувиллаб, сукунат чўқди.

Муроднинг бир ўзи қолди. Боягина қўлдан-қўлга ўтиб, талаш бўлган тўпи энди эртагача ҳовлининг қайси бир бурчагида қимирилмай ётади. Ўйнашга шерик йўқ, шериксиз ўйиннинг қизифи ҳам йўқ-да, ўзи. Бадқовоқ акаси бўлса бундай бирга ўйнай ҳам демайди. Жуда қизиқ дунё-да. Нега унга эътибор беришмайди. Ҳатто ўртоқлари билан бекинимачоқми-ей ёки уруш-уруш ўйнаётганда ўйинга ҳам қўшишмайди. Унинг дилидагини билишса эди... Қайтанга уни топиб олишса, «қиҳ» отишса – «Сен кўрсатдинг ёки айтиб бердинг», – деб акаси Муродбекка ёпиплади. Кучи етса-ку, бир боплагиси бор, аммо ...

Кўзларини жавдиратиб эрта оқшомни кутади. Чунки унинг тўпи борлиги учун ўйинга қўшишади, ширин-шакар гапиришади. Шундай пайтларда қувончдан этига сифмай югуради. Мана, ҳаммаси фойиб бўлди. Қоп-қора тун ютди. Нега туннинг қўрқинч-

ли шарпалари кўп! Инобат тенгқур-ку, аммо қиз бола-да. Муродбекка қолса, улар билан ҳеч ҳам ажралмасдан ўйнайди. Ўйинларнинг тури кўп бўлса, «мени топ», «зув-зув», «оқ теракми – кўк терак» яна... яна... санаб саногига етолмайсан. Қани энди икки қўшни ҳовлидан бирортасидан тенгқури бўлса... Кузда мактабга борса, ўшандада кўп ўртоқ ортиради. Улар билан ярим тунгача, ҳеч ажралмасдан ўйнайди. Ана унда маза бўлади.

Тўпини қўлтиқлаб, хомушгина ҳовлисига кирди. Акаси ишларини саранжомлаб, қаёққадир отланяпти. Унинг ёнига бориб, тўпу устига ўтиради.

- Ака, қаёққа борасиз, менам борай?
- Ўқтамникига, дарс қилгани бораман.
- Сизга маза, дарс деб ўйнаб келасиз. Биламан.

– Бор жўна, сенинг нима ишинг бор! – деди акаси ва кўчага чиқиб кетди. Орқасидан Муродбек ҳам чиқди. У безовта, ташна қалбини қондиролмайди, ўйлаб ўйига етолмайди, ўзига овунчоқ ахтаради. Жувозхонанинг ланг очиқ дарвозасини кўриб, кўнгли бир оз таскин топди. Жувозхона унга жуда ёқади. Бутун умрини ана шу нимқоронги жойда ўтказмоққа тайёр, чунки бу даргоҳда ҳаёт бир лаҳза-да тўхтамайди. Бу ердагилар доимо уйғоқ, гурунг қилишади. Айниқса, ювош, қорни қопдек, бир кўзи бойлиқ қорабайир унинг чараклаб чиққан қуёши. Уни кўрса, дилдан қувонади. Бу от кўп нарса эшитади, тинимсиз эшитади. У одамларнинг яхши-ёмон ҳамма гапларини эшитади, фақатгина бир армони уларнинг гурунгига аралашолмайди.

Қаҳратон қишлоарда кўчаларида от-арава ҳам юрмайди. Ўшандада пода баҳона бўлиб, йиғилиш-ку у ёқда турсин, ёф фўлча кўтарган бирор одам учрамаса, зонги ҳам топиш қийин. Шундай пайлар жувозхона янада файзлироқ бўлиб кўринади. Кечаю кундуз одамларга гавжум гурунгхона уйининг ёнгинасида бўлганига шукур қиласди. У бир кўзи боғлиқ қорабайирнинг туғишини сабрсизлик билан кутар, дарров оёққа турган тойчоқни акасига, қолаверса, ўртоқларига мақташни истарди. Бола не-не ширин хаёллар оғушида жувозхонага кириб борди.

Бечора от, тиним билмайди. Отга раҳми келади. Ҳар галгидек узоқ-яқиндан келган одамлар кўп, жувозчи Юсуф бобо отларга яқин жойда ёғдан йилтираб қолган кўрпачада узала тушиб, ёстиққа тирсагини тираганча ёнбошлаб, бетиним чой ича-

ди. Ёнбошлаганча ичаверади, ичаверади, гүё чой ичиши учун дүнёга келгандай. Узун қамчиси билан бўйнидаги емхалтачага бoshини тиқиб кавшанаётган отнинг сонига уриб:

- Ҳа, ҳаром ўлгур, чуҳ-чуҳ, – деб қўяди ҳар замонда. Муродбекни кўриши билан қисиқ кўзлари яйраб кетади.

- Кела қол, полвон, – деганча ўрнидан қимиirlамай, остидан ихчамгина қамчини унинг қўлига тутқазиб мақташни, қўйини пуч ёнғоққа тўлдиришни бошлайди. Бола ҳам мақтовлардан қопдек шишиб кетади. Мақтов кимга ёқмайди.

- Зўр бола, ботир боласан. От қурғур тезроқ туға қолсади, тойчогини сенга берардим.

Одамлар кулишади. Муродбекнинг одамлар нега, нима учун кулишяти, иши йўқ. Бола қувонганидан қўлига ҳокандозни олиб, қамчини белидаги белбоғига қистиради. От ортидан айланаб, жувоз ўқи атрофига тушган тезакларни олиб ташлайди. Гўё от айланадиган жой ер шарии ўртасидаги жувоз кунда – ўқ. Шу ўқни от билан бола айлантироқда. Боланинг ҳаракатларидан одамлар кулишади. Ҳамма кулади, бола парво ҳам қилмай, қамчини олиб отга минади. Бобо одамларнинг гапини эшилса ҳам эшиитмагандек чойини ичиб ёнбошлаб ётаверади. Унинг учта ўғли бор, улар тенгилар аллақачон бир-иккитадан болалик бўлишган. Одамлар ҳам гапиргани-гапирган, лекин чолнинг парвойифалак: «пул йўқ», деб қўя қолади. Бу фирт ёлғон. У ҳар куни қанча пул топишни билсангиз эди. Бунинг устига ўғилларининг маош олганини эшиитгани ҳамоно лапанглаб уйига чопади. «Уйлантираман», деб қўлларига сариқ чақа ҳам қолдирмай юлиб олади-ю, кўнгли таскин топади. Яна ўша закравасан чиққан кўрпача ва ёстиққа ёнбошлаганича, чой ичишини давом эттиради. Кечкурун бўйдоқ ўғилларидан бири овқат билан нон олиб келади. Чол ўғлига бир хўмрайиб қарайди. Бечоралар қафасдаги күшга ўхшайди, бошлари эгик. Йигит жуда ҳам итоатгўй, у бошини эгиб турганича:

- Овқат олиб келдим, – дейди.

- Ҳа, боравер, молларга ем беришни унумтманлар!

Улар ҳам ўйнашганмикин ёки Муродбекдек чанқов бўлишганми?

Мана, Муродбек ҳам бир йилдан бери отини чуҳ-чуҳлаб ҳайдайди. Ўртоқларига тойчоққа эга бўлгандан кейингина мақтади, бўлмаса калака қилишади, кулги ахтаришади. Унгача той

чоқ ҳақида ҳеч кимга гапирмайди. Бордию гапириб қўйса, бошқа болалар ҳам бу ерга кела бошлашади. Орада тойчоқдан ажраб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу от қурмағур ҳам тезроқ туға қолмайди. Кеча эрталаб укасига қарамасдан жувозхонага чопгани учун калтак еган. Ўзи бу дунёга нима учун келган, жавобга ожизлик қиласди. Лекин туғиладиган тойчоқдан ажралиб қолмаслик учун яна чиқаверади. Ундаги илинж, у истаган ҳаёт. Отаси бир қоп зигирни ҳайдатиб, ёф қилиб олиш учун бу ерга келтирганига бир ой бўлди. Ҳалигача ҳайдаб берай демайди. Чоли тушмагур ким паловхонтўра ёки тансиқроқ овқат келтириб, «кунжараси сизга, ёғини берсангиз бўлади», деса дарров ёғини ёқса, кунжарасини кунжарарага ажратади. Нега ҳаммага бирдай қарамайди? Отаси бу одамга ҳеч ҳам хушомад қилмайди, бир куни жаҳли чиқиб жувозхонага кириб келди.

– Ҳой, Юсуф ака, инсофингиз борми, бир қоп зигир олиб ўттанимга бир ой бўлди, ахир! Ёғ тугаб, хотинимдан бошим балога қолди-ку, – деди хуноби ошиб. – Майли, кунжарасини ола қолинг. – Отаси ёмон кўрган нусхада, у дунёни кўради. Муродбекнинг назарида бутун дунё жувозхона-ю Юсуф бобо, болалар ўйини билан мавжудга ўхшаиди. Агар шулар бўлмаса, ҳаёт ҳам йўқдек. Сўнгра унинг нигоҳи ўғлига тушди-ю, хўмрайди:

– Иккинчи бу ерда кўрсам оёғингни синдираман.

Муродбек зумда кўздан ғойиб бўлди. Эрталаб отаси ишга кетиши билан яна жувозхонага ўтди. Ўтса, Раҳмон қизиқчи ҳам ўтирибди. Бу одам келса Юсуф жувозкашнинг қулоқ-миясини қоқиб олади. Чол қизиқчидан кўрқади шекилли, тезгина ундан қутулишнинг пайига тушади. Раҳмон қизиқчи соқолини текислаб, жувозчига ёмон қараш қиласди. Атрофдагилар эса кулишаверади. Нега кулишади? Сўнг унинг жиғига тега бошлайди.

– Юсуф? Эсон-омонмисан? Ия, салла ҳам ўрабсанми? Тузук, мусулмон бўй қопсан. Ўлганингда жаноза ўқиса бўлади.

– Ҳа, жўра. Худога шукр, юрибман. Шу ҳазилингни қўй!

– Сен одам эмассан-а.

– Вайсамай тур, ҳозир зигирингни чиқариб бераман.

– Ҳозирми, зартами, барибир чиқариб берасан. Боядан бери неча кишини зор қақшатиб қайтардинг. Ҳаммасидан ҳам Ҳайдарга қилган қўрслигинг жаҳлимни чиқарди-да. Ҳайдар босмачига қарши курашганда, сен кулбангни тўрт жойидан бекитиб ётгандинг, хўпми, ундан кейин шу жувозхона қурилишини Ҳай-

дар бошлаганда, белим оғрияпти, оёгим оғрияпти, деб ҳашарга чиқмай ётган ҳам сен-а?! Сени касалманд, болаларини боқсин, деб жувозхонага кўрсатган ҳам Ҳайдар.

– Нима, пеш қилмоқчимисан? Мени колхоз қўйган.

– Ҳа. Сени... Сен иблининг ўзисан. Бироннинг кунжарасидан, бироннинг ёғидан урасан. Ўғилларингни уйлантирмасаңг, бунча бойликни нима қиласан? Гўринигта орқалаб кетасанми-а?!

Раҳмон қизиқчи боплади, Муродбек ўзини тутолмай қиқирлаб кулиб юборади, чол унга ёвқарашиб қиласди. У ўзини кулгидан зўрга тўхтатади. Ана, шўрва ҳам пишди. Курумсоқ чол косага сузиб келди.

– Кел, дастурхонга, Раҳмон.

– Ичмайман, ундан кўра ана у болага ҳам озроқ бер!

– Биззи ёшимизга боргунча ичаверади.

– Инсофинг қурсин, шу бола ичганда қанча ичади. Сен бола бўлганга ўхшамайсан.

– Бир қошиқ овқатимни тинчгина ичгани қўясанми-йўқми?!

Шу пайт бригадир кириб келди. Ўтирганлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, Юсуф бобога юзланди.

– Қўшчиларнинг ёғи тугаб қолди, ҳайдаб қўйдингизми?

– Бўлмасам-чи, – деди икки қўлини кўксига қўйиб, – қани дастурхонга, бир қошиқ овқатдан олинг!

Қўярда-қўймай дастурхон ёнига ўтқазди.

Раҳмон қизиқчи унинг яна жигига тега бошлади.

– Нақ тулкини ўзисан, фақат кўринишинг одамсифат. Тунов кунгидек эсимда. Нурбой ана ундей бола эди, – Муродбекни кўрсатиб гапида давом этди. – Сен тўйхоналарда кўпраклик қиласар эдинг. Неча мартараб Нурбойни тўйдан қувгансан. Майа зинди одам бўлибди. Сен эса хушомад қиляпсан, – сўнг яна болани кўрсатиб деди, – ким билади, балки раис бўлар, ўшанда, оёғига йиқилмасанг отимни бошқа қўяман. Билмадим, сен қачон одамлар қатори яшайсан. Ҳамма катталар ҳам боладан катта бўлган-ку, сассиқ чол!

Бригадир қотиб-қотиб кулиб чиқиб кетди. Шу пайт боланинг онаси узун хипчин кўтариб келиб қолди.

– Ҳой яшшамагур!!!

Муродбек отдан сакраб, ура қочди. Барибир ушлаб олиб, жувозхонага ўтганига минг пушаймон қилдиради.

– Пишириб қўйибдими ҳар куни жувозхонада?

– Отлари туғса, тойчоини берармишла, – деди пиқ-пиқ йиф-лаб Муродбек.

Она ўзини кулгидан зўрға тўхтатди.

– Йигит ўлмагур, улар туғмайдиган отлар-ку!

– Нега туғмас экан, қорни катта-ку, туғади.

– Улар туғмайдиганидан. Жуда ҳавасманд бўлсанг отангга айт.

– Она-а, онажон, ўзиз обера қолинг, ҳамма ишларингизни қиласдим, битта тойчоқ олиб беринг. Жувозхонага ҳам чиқмасдим.

– Хўп, отанг келсин, айтиб кўрай-чи, – деб уй юмушлари билан бўлиб кетди онаси.

Кечқурун Ҳайдар aka келди. Онаси Муродбекни роса мағтади. Отаси бир оз ўйланиб, тойчоқ олиб берадиган бўлди. Бола қувончининг чексизлигидан ўзини қўярга жой тополмасди, тойчоқ ҳақида ўйлай-ўйлай ухлаб қолибди. Туш кўрди. Тушида:

– Мана, ўғлим. Лекин бу оддий тойчоқ эмас. Қара, қанотлари ҳам бор. Бундай қара, тойчоқ қанотларини ёзиб, учишга шай бўлиб турибди, – дермиш отаси. У завқланиб кетганидан тойчоқقا иргиб минаман, деб думалаб тушди.

Отаси:

– Ўғлим, шошма, кел, ёрдамлашиб юборай, – деб турганида, тойчоқ тилга кирди:

– Шошма, одам боласи, – деб тиззасида чўккалади.

– Ия, сен гапиришни биласанми? – деди ҳайратланган Муродбек.

– Ҳамма жониворлар қатори.

– Жониворларнинг ҳаммаси гапирадими?

– Ҳа, ҳаммаси, фақат ҳамма ҳам тушунавермайди.

Муродбек қувониб, қарсак чалиб юборди.

– Ҳа, нега қарсак чаласан? – отаси сўраб қолди Муроддан.

– Эшитмадингизми, тойчогим гапирди.

– Ёлғон. Ҳайвонлар гапирмайди, – деди яна отаси.

Тиз чўкиб турган тойчоининг бўйини силаб:

– Жон тойчогим, қаттиқроқ гапир, отам эшитсинлар, – деб ёлворди бола.

– Бари бир отанг тушунмайди, – бепарво жавоб қилди тойчоқ.

– Отам жуда яхши одам, тушунадилар.

– Яхши одам бўлганида, ота-онами зор қақшатиб, мени улардан ажратиб олиб келармиди. Юм-юм кўз ёш тўкиб қолищди. Ожизлигидан нуқул афсус чекишади. Ўпкалаб нима қиласан. Ҳар зот ожиз бўлмасин, айёр ёки мард бўлсин, бўлмаса ўлсин экан. Жиловим – ихтиёrim отанг билан сенинг қўлингда, нима буюрасан? – деда тойчоқ ер депсинди.

Бола осмони фалакдаги сайёраларга сайр қилгиси келди. У ўзидан беш қадам нарида кўлларини белига қўйиб турган отасининг олдига бориб:

– Отажон, бир чоптириб келай? – деди.

– Майли, аммо эҳтиёт бўл. Жиловини маҳкам тут, ихтиёрига қўйма, – деб, отаси кўздан ғойиб бўлди.

Бола сёкин тойчоққа мингач:

– Тайёрмисан, одам боласи? – сўради тойчоқ.

– Тойчогим, мен тайёрман! – деди Муродбек дадил.

– Кетдик, – тойчоқ шундай деда ўрнидан бир салчиб учиб кетибди... У шундай тез учармишки, ҳеч қандай қуш зоти унга етолмасмиш. Қанотлари юлдузларга тегай-тегай дермиш. Ҳар бир юлдузнинг олдидан ўтаётгандан Муродбекнинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлармиш. Кўрққанидан жиловини аллақачон бўшатиб юбориб, ихтиёрига қўйиб қўйганмиш. Муродбек тойчоқнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаганича, унга ялина боплади:

– Бўлди, тойчогим, қайтамиз.

– Қаёққа?

– Ерга, ота-онам олдига-да.

– Ерга қайтиб нима қиласан? Сени шундай ажойиб сайёрага олиб борайки, ҳайратдан оғзинг очилиб қолсин, – деди тойчоқ.

– Йўқ, мен ерга қайтман.

– Шундайми, хоҳламайсанми? Барibir зинди ерни топиб боромайсан, унинг устига ихтиёринг ҳам ўзингда эмас.

– Йўқ, мени ерга қайтар, – деб тойчоқнинг жиловини зўр бериб торта бошлади.

– Ҳали шундайми? – деб тойчоқ жаҳл билан шундай кишинаб силкиндики, юлдузлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ҳаммаёқда тўс-тўполон кўтарилиб, оламни чанг-тўзон қоплади. Муродбек эса шу пайт тойчоқ устидан отилиб кетди.

– Войдод!.. Бувижон! Онажон! – деб бақириб пастга ўқдай тушиб кета бошлайди. Аммо ер кўринмайди.

Яна жони борича бақираман деб, уйғониб кетди.

Бир пайт қараса тепасида ота-онаси ва бувиси туришибди.

– Мен қайдаман?

– Уйдасан, уйингдасан, болам, кўзингни оч!

Кўзи биринчи галда какликка тушди. У ҳам Муродбекнинг овозидан қўрқиб, қафаснинг бир четига биқиниб турарди. Какликка термулганича кўзи яна уйқуга кетди.

Акаси какликнинг қанотларини оёғи остига олиб, бўйнига пичоқ тортишга шайланмоқда. Муродбек югуриб бориб унинг қўлини ушлади.

– Жон акажон, унга тегманг!

– Қоч, жаҳлимни чиқарма!

– Сизга нима ёмонлик қилди?

– Ёмонлик қилиши шартми? Ҳадеб жим ётавергани жаҳлимни чиқарди. Сўймоқчиман. Яхшими, ёмонми, барибир сўймоқчиман.

Муродбек унинг қўлига ёпишди. Бир маҳал акаси унга пи-чоқ ўқталди.

– Онажон, ўлдим!

– Нима бўлди ўзи сенга, болам? – деб бувиси бошини кўтарди.

Муродбек яна кўзини очди.

– Буви, каклигим тирикми?

– Ана каклигинг, болам.

– Акам сўймайдими, менга пичоқ тиқмадими?

– Нималар деяпсан, бувинг ўргилсин?

– Ёмон туш кўрмасдим-ку! Нега акам менга пичоқ ўқталди.

Туш деганлари ўзи нима, нега уйқумда уйғоқ юрдим?

Бувиси боланинг бошини кўкрагига босди. Бола кўзини юмиши биланоқ яна қанотларини кериб тойчоқ, қўлига пичоқ ушлаган акаси келаверди. Ухломади, қоронғи, қоп-қора тундан ранжиди.

Мурғак қалби тонг ёришишини интизорлик билан кутди. Тонг ёришди.

– Ҳайда қолди-ёв, – подачининг қулоқни қоматта келтирувчи, яхши-ёмонми яна бир куннинг бошланганидан дарак берувчи овози янгради. Боланинг мурғак дилини қоплаган қоронғулик бир оз тарқагандек бўлди. Ўрнидан шоша-пеша туриб кўчага, янги куннинг қўйнига шўнғиди. Лекин бирпасда ҳафсаласи пир бўлиб, ҳовлига қайтиб кирди. Унинг дилига на жувозхона, на ажриқзордаги ўйин сиғарди. Тундаги мудҳиш туш қалбини чил-

чил қилиб юборган, ўйловлари чарчатган эди. Бунинг устига жувозчи чолнинг дунёдан кўз юмгани дилини баттар ўргади. Юрагини чангаллаб, бувисининг хонасига йўл олди. Ҳовлида отаси учради.

– Ҳа, ўғлим, дарров қайтибсан? Хафа бўлма, келадиган бозорда тойчоқни албатта олиб бераман. Ранги оқ бўлсинми ё қорами?

– Керакмас! –деди Муродбек кўзларини ўрик шохида осигуриқ қафасдаги какликка тикканча. – Керакмас, тойчоқ. Уни ёлизлатиб нима қиласман, отажон? Какликни ҳам қўйиб юборайлик, бечоранинг ота-онаси бордир, ўйнагиси бордир... Жувозчининг болалари ҳам жа ҳўнграпиб «бизни етим қилиб ташлаб кетган отажон-ов» деб иғлашяпти. Нега бунчалик бақириб иғлашади одамлар, отажон.

– Эй жон болам, бу дунё чексиз ва тубсиздир. Сочларинг оқариб белингдан қувватинг кетганда ҳам дунёнинг тагига столмайсан. Менга бераётган саволларингни ҳали болаларинг ўзинга қайтаришади.

ҚИЗТЕПА

– Э, ҳорманг, Ҳайдар ота!
– Бор бўлинг, ўғлим. Қани, чайлага киринг, бўтам. – Чайланинг тўридаги кўздан бир коса сув қуйиб узатади:
– Ичиб олинг, қарогим. Кун ҳам роса қизиди-да.
– Куйдиради-я, шу дейман, бу йил жуда иссиқ келди-ёв.
Йўловчи чайладан сал наридаги тупроқ тепага қараб:
– Чўпон ота, кечаси бу ерни ваҳимасидан қўрқмайсизми?
Малика қоронги тушиши билан қирқ канизагини бошлаб чиқиб,
бўлмагур ўйинлар қиласмиш.

Чол қалин соқолини бармоқлари билан тарайди. Тепага ўткир, ўйчан нигоҳини қадайди.

– Ёлғон, болам, ёлғон. Қўрқоқларнинг гали бу. Улар алла-қачон тупроққа қоришиб кетишган. Рост бўлганда мен кўрардим-да. Кечалари тепанинг ёнгинасида хуржунимни тўшлаб ухлайман. Неча йиллардан бери Қизтепа ён-берида пода боқаман. Кўриб турибсиз, болам, мен соппа-соғман.

Ҳайдар ота ҳаммага тепа ҳақидаги ривоятни айтиб беради. Чайлдан одам аримайди, бири кетиб, бири келади. У ривоятни ҳаммага сўзлаб беради. Чарчамайди, аксинча, ҳузур қиласди. Ҳар куни бир хил оҳангда йигирма-ўттиз қайтаради. Ҳайдар ота шундай берилиб сўзлайдики, гўё ўзининг бошидан ўтганга ўхшайди.

Ғўзаларга сув тараётган акамга тушлик олиб бордим. Акам толларнинг тагидаги чайласида йўқ. Аланглаб пахтазорни кузатдим, кўринмайди. Даланинг қўйисига тушиб қарадим. Узоқдан Қизтепа, унинг атрофида элас-элас кўринаётган одамларни кўриб, ўша томонга юрдим. Қизтепага етганимда ҳайратдан лол қолдим. Чол одамнинг йифлаганини кўрмаганимданми, билмадим. Лол қолдим. Чўпон ота йифламоқда. Тепага бағрини берганча тупроқни чангллаб йифламоқда. Бульдозер «тэрр-тэрр»

қилиб темир тишли курагини тепанинг бошқа жойидан солмоқчи бўлади. Чўпон ота ўз имкониятидан ташқари бир ҳаракат билан бульдозернинг олдига ўзини ташлаиди. Атрофдаги одамларнинг:

– Қочинг!

– Қочинг, нима қиласиз йиғлаб? Темир йўл ўтаркан, – деганига парво қилмайди.

– Отажон, қолдиришнинг ҳечам имкони йўқ, – ҳайдовчи моторни ўчириб кабинадан сакраб ерга тушди. – Чолни тинчлантирмасангизлар юргизмайман. Чолнинг уволига қолишни истамайман, – деб ўтириб олди.

Бир оздан сўнг «Газик» машина келиб тўхтади. Машинадан шинамгина кийинган киши тушиб келди. Одамлар билан саломлашиб, Чўпон отага яқинлашди.

– Яқинлашманг, болам! Яқинлашманг!!! – чол таёғини кўтарди.

– Ота, тинчланинг, мен сиз билан уришгани келмадим.

– Ўшатдан галираверинг.

– Ота, бир тупроқ тепага намунча ёпишиб олдингиз? Бу ердан темир йўл ўтаркан. Келинг энди, ишга халал берманг, ота.

– Ҳой, болам, бу тарихий тепа. Давлат ҳимоясига ўтган тепа. Сиз тушунган одамга ўхшайсиз, уларга айтинг, трактор-практорларини олиб кетишин.

– Тўғри, ота. Бу XVII аср тепаси. Давлат ҳимоя рўйхатида ҳам бор. Аммо темир йўл ўтказмасак ҳам бўлмайди.

– Ер кенг. Сал наридан ўтказинглар.

– Шу тепани сақлаймиз, деб бир километрга ортиқча пул кетаркан, ота. Ортиқча харажатни ўзиз тушунасиз-ку. Мана, бу тепага акт ёзилган, – деб унга яқинлашди. Қўлидаги қоғозни чолга кўрсатганча: – Ахир тушунинг, бекордан-бекорга бир уюм тупроққа нега бунча йиғлайсиз?

– Эй болам, сиз бундай ўтиринг, мен сўйлай. Бу жуда қадим тепа. Бузиб бўлмайдиган тепа, болам! Бундай ўтиринг, сизга сўзлаб берай. Бу улуғ тепа. Буни қолдириш керак. Сиз эшитасиз-а. Ахир авлодларимиздан ёдгорлик бу тепани дунёга келганини сўзлаб бераман. Жон болам, бир эшитиб кўринг. Тушунган одамга ўхшайсиз, – деб ёнидан ўтиришга жой кўрсатиб, тупроқ устига якtagини счиб ёэди. Ундан умид, яхшилик, ҳимоя кутиб ҳар кунги ҳикоясини бошлади.

Саксон дара. Пасту баланд қирлар. Пасқам жойларда ёмғирнинг кўлмак сувлари йиғилиб кичик-кичик кўлчалар ҳосил қилган. Сувлар жуда тиниқ, кўм-кўк; майсалар майингина баҳор шабадасида оҳиста тебранади. Кўлмак четида бойчечак, қўзигул, нилуфар гуллар ўсади. Сув атрофидаги ўт-ўланлар жуда бўлиқ, ям-яшил гиламдек тўшалган.

Ҳайитмурод қўйларни ўз ҳолига қўйган. Улар ҳар жойга тарқалишиб ўтлаб юришибди. Ҳайитмурод фил суюгидан ясалган узун дастали пўлат пичогини филофидан сугуриб олди-да, эринмай ўчоқ қазиди, эшакнинг устидаги хуржунни олиб ўчоқ ёнига қўйди. Ўчоққа ўтин қалаб, ёқиб юборди. Кейин кичкинагина шолчани барра ўтлар устига тўшаб, хуржундан тугун, чойнак, пиёлани олди. Кўлмак сувдан мис човгумни тўлдириб, ўчоққа осди. Узоқ-яқиндан кечаги чақмоқ зарбидан униб чиққан қўзиқоринларни териб, қизиб турган қозонга ташлади. Баҳайбат итлари, Олапар билан Кўкёл ундан сал нарида тилларини осилтириб ётиб олишди. Овқатланиб бўлгач, қўйларга бир наазар солдида, ўзи ҳам ёнбошлади. Ҳайитмуродни уйқу злитди, кўзи юмила бошлади.

— Ҳой, Ҳайитмурод иним, туриңг.

Овозни эшитган Ҳайитмурод сапчиб ўрнидан турди.

— Келдингизми, ота, овулда тинчликми?

— Тинч, иним, тинч. Мен бўлмагандага гафлатга кетманг дегандим-ку. Қаранг, қўйлар айёқларга кетибди.

Қўйлар жуда ҳам ёйилиб узоқлашиб кетган эди. Ҳайитмурод эшакка минди-да, қўйларни қайтариб келди.

— Худо кўрсатмасин, битта-яримтаси йўқолиб, бўрига ем бўлгудай бўлса, хонумонимиз куяди-ку, иним.

— Билмай қолибман, ота, — деди у бошини згиб, — бошқа бўлмайдур.

— Шундай бўлсин, иккимиз ҳам зўрга бир парча зогора нон билан кун кўрадиган одамлармиз. Ҳа, онанг манави кўкат сомсани бериб юборди. Иссиғида еб ол. Иби Сино ҳазратлари кўп маҳтаганлар. Ҳа, яхши-да. Борсам, онанг энди тандирдан узаётган экан. Тандир бошида қаймоқлаб берди, маза қилиб еб олдим.

Қўмғондаги сув шақирлаб қайнаб турибди. Ҳайитмурод аввал қозондаги қолган қўзиқоринларни олиб дастурхонга қўйди,

сүнг Ҳайитмурод қумғонга чой ташлаб дамлади-да, тугунни ечди. Үнда кечагидан қолган бир бўлак қотган нон ва бир нечта туршак бор эди. Чол қийигини ечиб, ундаги зогора нон ва сомсанни ўртага қўйди.

– Қани, ота, бошлаб беринг.

– Ол, иним, – у мис пиёлаларга чойдан қўйди.

– Сардобани суви ҳам ичимли бўлади-да. Кечаги ёмғирда оғзи билан тўлибди. Йўл-йўлакай кўриб келдим.

– Ҳа, яхшиямки бахтимизга шу сардоба бор экан. Бўлмаса бизга ўхшаган чўпонларнинг ҳоливой бўлур эди. Буни Ҳайдарбек қурдирди. Ҳа, у одамхўр, ўғлидан бешбаттар эди. Буткул чўпонларни ишлатди текинга.

– Сайдаминбек ҳам ундан қолишмайди.

– Ҳар ҳолда, бу камроқ келади. Ў-ҳў, Ҳайдарбек бизга ит азобини берарди. Ҳар чоршанбада келиб, қилдан қийиқ қидириб саваларди. Бир қўйни бўри esa, икки қўй қарздор қиласар эди. Шунинг учун ҳам қарзларим эвазига унинг қулига айланиб қолдим. Шунинг учун сенинг ҳам қулга айланиб қолишингдан қўрқаман, иним.

– Бошқа юртларга қочмадингизми?

– Э, иним, камбағаллик курсин, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келар эди, яратганим шуни раво кўрган бўлса. Бошқа юртлар ҳам шунақа эмиш.

Йигит оғир хўрсиниб олди.

– Бизга ҳам ёруғ кун ато бўлармиан, ота?

Чол жавоб бермади.

– Ҳайитмурод иним, бир қараб келинг, нима вағур? – деди чол.

Йигит эшагига миниб овоз келаётган томонга йўргалатди. Юқорига чиққач, кўзи бир туда отлиқ қизларни учта оч бўри қувиб келаётганига тушди. Йигит улар томонга эшагини қамчилаб югуртириди. Қизлар чувиллашиб қочиб келишарди. Бўрилар эса тобора яқинлашмоқда. Ҳайитмурод қизларга етиб борди-да, эшагидан иргиб тушиб, пичогини филофидан олди. Бир қўлида қамчин, бир қўлида пичноқ. Ундан сал нарида бўрилар тўхтаб, оппоқ тишларини иржайтириб, ҳамлага ҳозирланишарди. Йигит астасекин бўрилар томон силжиди. Бўрилар ташланишди. Йигит уларни қамчин билан уриб ўзига яқин йўлатмасди. Бир бўри йигитни қамчин ушлаган қўлига оғиз солди. Йигит зарб билан унинг қорнига пичноқ санчиб, тегиб юборди. Бўри йикилди. Шериклари эса

қочиб қолди. Йигит чаққонлик билан унга яна пичноқ урди. Бүри бир-икки талпинди-да, жимиб қолди.

Йигитнинг чап құли билагидан қызил қон оқарди. Нарида күркүв аралаш қараб турған қызлар от солиб келишди. Улардан баъзиларининг юзлари очиқ, баъзилари тушиб қолған чачвонларини түғрилаб ёпнишиди. Қызлар тұдасидан кимхоб кийимларга үралған, белидаги камари хипча белларини күз-күз қылған қуюқ қошли, бодомқовоқ, қирра бурун, лўппи юэли ўн беш кунлик ойдек парисифат бир қиз чиқиб келиб, йигитнинг қўлини бойлади.

– Кимсан, йигит? – деди унга тимқора нигоҳини тикиб, – мард экансан.

– Чўпон чўлиғиман, маликам.
– Кимнинг мол-ҳолига қарайсан?
– Сайдаминбек ҳазратимнинг...
– Отамнинг одами экансан-да. Исли шарифинг?
– Ҳайитмурод.
– Мардлигинг ҳақига бузрукворимни хабардор қилиб катта мукофот олиб бераман.

Ҳайитмуроднинг ақлу ҳушини қызниң ҳусни жамоли олиб қўйғанди. Ҳайитмурод ҳам кўзга яқин, ширинсухан йигит бўлгани учун қызниң назаридан четда қолмади. Унга сукланиб бир неча бор боқди. Нигоҳлар тўқнашди... Қиз олтин билагузугини момиқ қўлидан олиб, йигитга узатди.

– Мендан сенга хотирот. Хайр, йигит. Худо хоҳласа, яқин ўртада учрашумиз, – деб отига минди-ю, қушдек елдириб кетиб қолди.

Ҳайитмурод қайтиб келиб, бўлган воқеани чўпон отага айтиб берди.

– Савоб иш қилибсан-у, аммо хатарга ҳам йўлиқибсан. Ҳар қалай ҳеч кимга ўйма. Бекнинг худди сенга учраган қизи эллик ёшли сардор Иброҳимбекка унаштирилганди. Мишмишларга қараганда, қиз норози, шу боисдан тўй ҳам кечикиб турибди. Бу қиз бўлса, сайр қиласиган бўлган. Тез-тез Саксондарага келиб, ёр-ёр айтар эмиш. Бек шу кеча-кундуз дарғазаб дейишади?

Чўпон отанинг бу гаплари йигитга яна қўл келгандай бўлди. Қизга бўлган интилиши кундан-кунга алангаланиб борди. Чўпон отадан бекиниб билагузукни кўзига суртар, қўлидаги бойлоқ рўмолчани узоқ ҳидларди.

Пайшанба куни Ҳайитмурод яна бир ўзи қолди. Қўй-қўзиларни ҳайдаб, бўрилар билан олишган жойига келди. Эшакдан тушиб бўлиқ майсалар устига ётиб, найини қўлига олиб бир күни чала бошлиди. Итлар ҳуриб қолмагандан мавжланаётган ҳистийгуларини ҳам найга наво қилиб кечгача чаларди. Ҳайитмурод ўрнидан туриб, итлар кетган томонга қаради-ю, бир тўда отлиқ қизларга кўзи тушиди.

– Ўшалар, – деди ўз-ўзига. Чўпон таёғини елкасига олиб: – Олапар, Кўкёл, ёт! – итлар тушунгандай ҳуришдан тўхташи. Йигит уларга яқин бориб: – Хуш кўрдик, келинглар, – деб таъзим қилди.

– Хушвақт бўлинг, йигит! – дейишди қизлар чувиллашиб.

– Қани, меҳмоним бўлянглар! – юзига табассум ёйилди Ҳайитмуроднинг.

Улар згардан тушиб, отларининг оёқларини тушовладаб қўйишиди.

– Хўш, мезбон йигит, шунча қизни нима билан меҳмон қиласиз? Йигит ўзининг йўқчилигидан азият чекди:

– Чой билан.

Бекнинг қизи аралашди:

– Чўпонларнинг чойи ширин бўлади дейишади-да, қизлар. – Тўғри, – дейишди қизлар бараварига.

Бекнинг қизи Ҳайитмуродга юзланди.

– Чойи сиздан, қолгани биздан, – қизларга бир-бир қараб олдида, – йигитларни қўлидан ҳам бир яйраб чой ичайлик. Ким билади, яна ичамизми, йўқми? Кўргонда сиқилиб кетдик, – деди.

Ҳайитмуроднинг ўчоқ қазиб, чой дамлаши, ҳамма-ҳаммасини қизлар умрида биринчи кўраётгандай қизиқсиниб кузатиб туришибди. Йигит чойни дамлаб, қизларнинг ёнига ўтириб сопол пиёлаларга чойдан бир-бир қуйиб узатди. Қизлар чақчақлашиб яхна гўшт, сутда қорилган нон ва ширинликлар билан дастурхонни тўлдиришибди.

– Йигит, қайси баҳтли қизнинг умр йўлдошисиз?

– Уйланмаганман.

– Наҳотки?

– Биз камбагалларга уйланиш осон бўлмаса керак.

– Бекам, менга рухсат беринг, мен унга қайлиқ бўлайин, – деди шўх бир қиз. Бекаси унга ёвқарашиб қилди. Кулаётганлар кулгидан тўхташиди.

– Сенларга кулги бўлса бўлгани, ундан кўра, чучмома териб келинглар, – деб қизларни жўнатди.

Йигит қўл қовуштириб, бир нуқтага тикилганча жимгина ўтиради.

– Сизнинг мардлигингизни отамга айтгандим, бир қўй билан бир тўн берадиган бўлдилар.

– Кўп яшанг, бекам, раҳмат!

– Қани, қўлингиз тузалдими? – деб унинг бўри оғиз солган билагини ушлади. – Биласизми, сизни тушларимда ҳам кўриб чиқаман. Баъзида оқ отга миндириб олиб қочаётган бўласиз...

– Мен ҳам сизни кўп кўришга ошиқдим, – ҳадиксираб атрофига тез-тез қараб қўйди Ҳайитмурод. – Нима қилай, мен камбагал, сиз эса бекнинг суюкли қизисиз. Иккимизнинг ўртамиизда тоғдек фарқ бор.

– Бекнинг қизи бўлиб нима кўрибман. Эрта-индин эзлик яшар чолнинг хотини бўламан.

– Унда ёшроғига тегинг!

Қиз истеҳзоли кулди:

– Жуда қизиқ экансиз. Агар сизга ўхшагани учраса тегардим.

– Унаштирилгансиз-ку.

– Ҳали тўй бўлмаган, – деб яна яқинроқ ўтирди. – Мени обқочмайсизми? – деди ярим табассум билан.

Йигитнинг кўз ўнгидаги дарғазаб, жоҳил бек гавдаланди.

– Менинг бошимни балога қолдирманг, аранг кунимни ўтказман. Отангиз билсалар, бошимни оладилар. Менга раҳмингиз келсин, кетинг!

– Сизни бунчалик қўрқоқ, деб ўйламагандим. Келиб-келиб сизга айтаманни юрак дардимни.

Ҳайитмурод қизарди.

– Қўрқоқлик эмас. Мен отангизнинг хизматкориман. Сизнинг ихтиёригиздаман.

– Унда кетамиз. Узоқ-узоқларга кетамиз.

– Йўқ-йўқ, шайтон васвасасига учманг! Совчи юбораман.

– Унда отамга ўзингизни тутиб берасиз.

Йигит қаршисида бекнинг қизи эмас, оддий бир муҳабатга чанқоқ қиз турганини ҳис қилди-ю, унинг момиқ, оппоқ қўлларини кафтлари орасига олди.

– Сиз айтганчалик бўлсин, – деди.

Йигит билан қызининг құл ушлашиб турғанини күрган айғоқчи қыз ҳеч кимга сөздирмай бўлган воқеани бекка етказгани кетди.

... Атрофдаги хандақлар сув билан тұлатилган құрғонга қўллари бойланган Ҳайитмуродни келтиришди. Қарши беги Буҳоро амирига фақат солиқ тұлар, қолған ҳамма имтиёзлар ўзида зди. Бек ўз хоҳиши билан иш кўрар, истаган нарсасини амалга ошира оларди.

Бек дарғазаб. Ҳайитмуродни олиб кирдилар.

– Шу ялангоёқ ҳали мени бадном құлмоқчи бўлдими?

– Ҳа, шу бадбаҳт қызингизни йўлдан урган, – деди ясовул.

– У эмас, мен уни йўлдан урдим, осасизми, бошимни оласизми, мен тайёрман, унга тегманг, – деди қыз бошқа эшиқдан кириб келаркан.

– Гапирма, оқладар! – қызига еб қўйгудек бўлиб бақирди. – Унугдингми отангни, оқсуяқ беклар авлодидан эканлигингни.

– Бизни яратганимнинг ўзи учраштириди.

– Худога шак келтирма, бадбаҳт, – деб бақирди. Кейин ўтирган ясовулларга: – Нега қараб турибсанлар! Осинглар чўлиқ йигитни.

– Отажон, тўхтанг, у йигит бегуноҳ! Мени, мени остиринг!!! Ўзимни барибир нобуд қиласман. У яшамаган дунёда мен ҳам яшамайман.

– Сени оқ қилдим, – хизматкорларга бақирди, – қызим билан ҳамма канизакларни тириклиайн кўминглар. Ҳаммага ибрат бўлсин! Кўнгил қўйдим деган сўзни ҳеч ким айттолмайдиган бўлсин!

Гул, ҳур қызларни ҳамманинг кўз ўнгидаги бир жойга бойлаб устидан тупроқ уйдилар. Ҳамманинг этагида тупроқ келтириб уларнинг устидан тўкишга мажбур этдилар. Қызлар устида улкан тепалик пайдо бўлди. Ҳалойиқ кўзларига ёш олиб муродига етолмаган ошиқ йигит Ҳайитмуроднинг ҳам қабри устига улкан тепа уюшиб, қызлар тепалигига «Қизстепа» деб ном қўйишиди.

Чол ҳикоясини тутатди.

– Жуда зўр афсона экан, бирор ёзувчига айтиб берсайиз, китоб қилса бўларкан, – деб йигит ўрнидан турди. Чўпон ота эса ундан најот изларди.

– Кўрдингизми, болам, бу жойда қирқ қыз ва бир йигит қисмати тупроқка қориширилган. Бунга ҳайкал қўйса ҳам арзиди. Сиз уларнинг бошлиғига ўхшайсиз. Сиз, бўтам, тушунган

одамга ўхшайсиз. Уларга айтинг, йўлни сал наридан ўтказишсин, жон болам, айтинг. Майли, тўрт қўйимни ҳам бераман. Мен шу тена билан тирикман. Бусиз зерикиб қоламан.

Бошлиқ снгил кулди, сўнг эпчилик билан Чўпон отанинг қўлларини қўшиб қучоқлаб кўтарди. Сал нарида турган яна биринки киши бошлиққа ёрдамга келди. Чолни кўтариб олишиб тепадан нарига олиб боришди. Бошлиқ тракторчиларга бақирди:

– Нега қараб турибсизлар?! Қани, бошланглар!

Тракторлар ерни зириллатиб тепаликни текислай бошлашди. Чўпон ота қопқонга тушган оҳудек, ёшли кўзларини бульдозерларга қадади.

Бошлиққа мажолсизгина:

– Унгин ўсгин-у, биринг икки бўлмасин. Дунёдан йиглаб ўтгайсан. Юзга кирган мен мўйсафидга текизган қўлларинг синсин...

Чол борган сари ҳолсизланар, гўё унинг жонини тракторлар трос билар тортиб, ҳали-замон бутунлай сугуриб олаётганга ўхшарди.

– Ана, ота, ҳали-замон поездларнинг ўтишини томоша қилинча маза қилиб пода боқиб ўтирасиз.

Бу гапларни чол эшитмади: у ўлган эди.

ҲОЖИҚАЙЛИҚ

Жумагулнинг ғарибина кулбаси одамлар билан гавжум. У ўғлини уйлаяпти. Болалар бир чеккада кураш тушишапти. Бир томонда эса катталарап ўчоқ қазиб, қозон қуришмоқда. Катта мис самоварда сув шарақлаб қайнаб турибди. Йигитлар бел боғлаб хизмат қилишмоқда.

– Жаппи жамоа, эшитмадик деманглар! Ҳожимурод ота пиримиз келдилар. Назр-ниёзу атаганларингизни олиб бораверинглар! – дес ярчи ҳаммани хабардор қилиб ўтди.

Жарчининг овозини эшиттган Жумагул тошдай қотиб қолди. Камбағалнинг ови юрсаям, дови юрмайди, деб шуни айтадиларда. Одамлар бирин-кетин тўйни ташлаб, Ҳожимурод пирнинг уйи томон йўл олишди.

– Тўй нима бўлади? Нима қиласман энди, эй худо! – деб Жумагул бўзлаганча қолаверди.

Ҳожимурод пирнинг кенг ҳовлиси одамлар билан тўла. Айвонга тўшалган қат-қат кўрпача устида Ҳожимурод пир тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Одамлар бирин-кетин атаганларини унинг муридларига тошириб, пирнинг яктагини ўпиб, тавоб қилишарди. Жумагул ҳам қўлидаги тутунни пирнинг ёнида турган муридига бериб, сажда қилиб, унинг оёғига бошурди.

– Ассалому алайкум, пирим, гуноҳга буюрмасалар, бир оғиз гапим бор эди.

– Ваалайкум ассалом, кўп яшанг. Сен кимнинг маҳрамисан?

– Акбар раҳматлининг.

– Акбар полвоннинг заифасиман, дегин. Айтганча, икки йиллик божни тўламагансизлар-а, чирофим. Қарз ёмон нарса, тўлаш керак, бўлмаса гуноҳга ботурсиз.

– Йиғиб қўйғанмиз, пирим, бултур ҳосил яхши бўлди, – деб орқароқда турган ўғлини чақирди Жумагул. Ҳотам слкасидаги бир

қоп шакарни пирнинг олдига келтириб қўйди-да, унинг яктағини ўпид, орқасига тисарилди.

- Хўш, нима арзинг бор эди?

- Худойим биз бандасининг ҳам бошига тўй битган экан, ўғлимни уйлантираётган эдим? Никоҳни пирамининг ўзлари ўқисалар, деган умидда келгандим ҳузурингизга?

- Маъкул, маъкул. Бугун шом намозини ҳам сизларницида ўқурмиз. Бориб тараддудингизни кўраверинг.

Жумагул пирнинг бу марҳаматидан боши кўкка етиб, кулбасига қайтди. Пирнинг гапини тинглаб турган қишлоқ сўфиси Сайдамин жой тузашга қарашиш учун Жумагулнинг қўни-қўшиларига ҳам кетишига рухсат берди.

Ҳожимурод пир юзга яқин ўзларини худо йўлига бағишлаган муридлари билан юрарди. Улар номигагина мурид, аслида оқ яктағи ичидан ўткир шамшир билан қуролланган сарбозлар эди. Ҳожимурод пир Кешдан Наҳшабгача бўлган ердаги художўйларнинг пири. Унга беклар, амирлар ҳам итоат қилишиб, ўзларининг пешволари деб ҳисоблашарди. Ҳатто Бухоро амири ҳам пирим деб, унинг яктағини кўзига суртган. Беклар ўзларининг элликса яқин сарбозларини боқишига қийналишса, пир бу ҳақда бошини ҳам қотирмасди. Пир қаерга қўнса, ўша ерлик авом ҳалқдан, муридлардан тушган назр-ниёз оламни тутиб кетарди. Ҳатто беку амирлар ҳам пир келганда унинг хизматида қўл қовуштириб туришарди. У ҳар замон-ҳар замонда амир ҳузурига бориб, бениҳоя улкан совфа-саломлар қиласди. Шунинг учун ҳам амир Кешдан Наҳшабгача унинг ихтиёрига топшириб қўйганди.

Келин келди. Ҳотам ҳалқнинг расму русуми бўйича кўчада ёқилган гулхан атрофидан Ойгулни айлантириб, уйнинг ярмigaча бўздан тортилган чимилдиқнинг ичига киритиб кўрпачага ўтқазди. Келин билан куёвнинг юзи ёруғ бўлиб, ўзларидан кўпайишишин, деган мақсадда бир кампир уларга тошойна тутди. Бошқа бир кампир ёмон кўздан асрасин, деб исириқ тутатиб, келин билан куёвнинг бошидан айлантириди. Сўнг катта Қуръонни қўлтиқлаб олган, оппоқ салла ўраб, оппоқ яктак кийган, қўлида тасбех тутган пир никоҳ ўқигани кирди. Келин билан куёв пирнинг қаршисида тиз чўкишиб, Қуръонни ўпишди. Пир қироат билан никоҳ ўқий туриб, кўзлари келинлик либосидаги Ойгулнинг гўзал рухсорига тушди-ю, ҳаловатини йўқотди-қўйди. Лекин ҳазрати пир сир бой бермай, никоҳни ўқиб бўлгач, муридла-

ри ва сўфилар кузатувида ўз ҳовлисига қайтди. Уйга қайтгач, пир намоз ўқий туриб:

– Яратганим, сиз буюрганингиздан кейин, нима қилай, берганингизни қабул қылдим, омин, – деб юборди.

Пирнинг атрофини қуршаган муридлари:

– На каромат булди, пирам? – деб сўрашди.

– Каромат булди, каромат. Оллоҳ Ойгулни менга тани маҳрам қилиб олишимни буюрди.

– Ёллоҳ, кароматинг ижобат бўлгай, – деб тиз чўкишиб, юзларига фотиҳа тортишди муридлар.

Шу заҳотиёқ Сайдамин бошчилигида муридлар тўйхонага йул олишди. Ҳайратдан Жумагул дир-дир титраб ташқарига чиқди. Сайдамин Жумагулга қараб:

– Ҳотаминг кўп нопок ишлар қўлгани учун никоҳ Оллоҳ ҳузурида қабул бўлмабди. Биз келинни пир ҳузурларига олиб кетгани келдик.

– Ё тавба, ё тавба, бу энди қанақаси бўлди, – деб ёқа ушлашди тўйхонадагилар. Ҳаммаёқ бирпасда қий-чув бўлиб кетди. Шов-шувни эшиттан Ҳотам чимилдикдан отилиб чиқиб, пирнинг аглаҳона каромати олдида пол бўлиб қолди. Кейин бир оз ўзига келиб муридларга:

– Пирнинг юз-юзлаб хотини етмай, менинг хотинимга ҳам оғзининг суви кетибдими? Бориб айтинглар, мен маҳрамимни бермайман, – деди.

– Пирга тил теккизма, нопок, у дунёю бу дунёинг куяди-я, тавба қил! Пир худонинг ердаги одами, – деб Сайдамин бошлиқ муридлар Ҳотамга ташланишди. Ҳотам деворга суяб қўйилган кетмон дастани олиб ўзини ҳимоя қилди, лекин ёлғиз ўзи нима ҳам қила оларди. Бу ҳолни кўрган отасининг содик дўсти Азиз полвон Ҳотамни қочириб юборди. Ойгулни қон-қон йиғлатиб, пир ҳузурига олиб кетдилар. Жумагул бўлса:

– Яратганимнинг хоҳиши шу экан, биз бандаси нима ҳам қиласардик, – деб бир вақтнинг ўзида ҳам ўғлидан, ҳам келинидан айрилиб, икки қўли бир тепа бўлиб қолаверди.

Ҳожимурод пирнинг бир одати бор эди. У келаётганда дабдабаю асьаса билан келарди-ю, лекин кетганини ҳеч ким билмай қоларди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Эрталаб авом халқнинг фарёди оламни тутди. Фарёд шакар янтоқзоридан келарди.

– Шўримиз қуриди, энди нима қиламиз, художон! Бошимизга бу кўргуликни нечун солдинг?! – зорланишиб, пайҳонлаб кетилган янтоқзорнинг у бошидан-бу бошига чопишар эди. Ҳамма ўз фами билан бўлиб:

– Войдод, Ойгул! Ойгулдан айрилиб қопмиз! – деб бақиришаётган Ойгулнинг ота-онаси билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Улар Ойгулнинг Ҳожимурод пирнинг қўлида ўлаётган, но мусидан ажралаёттаганларнинг биттаси-да, деб қўя қолишибди. Шакарқишлоқда мотам бошланди: одамлар бир-бири билан аранг гаплашар, гаплашганда ҳам ҳолларининг не кечишидан, худога тавба-тазарру қилишдан бошлашарди. Уларнинг нони, оши, ҳаёти шакар янтоқ эди. Шунинг учун бу қишлоқни «Шакарқишлоқ» деб атардилар. Шакарқишлоқнинг шакари Бухоро, Кеш, Фузор, қолаверса, Қобул бозорларида сотиларди. Савдогарлар қишлоққа келиб шакарни арzonгаровга сотиб олиб, кейин олтин баробарига сотишарди. Ҳожимурод пир янтоқзорни атайлаб пайҳон қилдирди. У қишлоқни қарзга ботириб, келаси йилги ҳосилни ўзидан бошқага сотишга йўл қўймаслик, йифилиб қолган шакарни икки-уч баробарига пуллатиб олиш ниятида шундай қилдирганди.

Ҳотам қароқчилар тўдасига қўшилиб кетди. Бу қароқчилар катта йўлдан ўтадиган карвонларни тунаш билан кун кўрарди. Бора-бора қароқчилар ўлжа туштан пахталарни қишлоқдагиларга пинҳона олиб келиб беришадиган бўлишибди. Қишлоқ хотин-қизлари гилам тўқиши, кашта ва сўзаначиликка берилиб кетишибди. Уларнинг гилам, жойнамоз, олчинлари тез орада шуҳрат қозонди. Эркаклар аёллар тайёрлаган нарсаларни бозорларга олиб бориб озиқ-овқатга алмаштириб келишиб, қишдан чиқиб олишибди.

Баҳор келди. Янтоқлар барг ёзиб, нина бандлари остида шира боғлай бошлади. Одамлар бола-чақаси билан янтоқзорга чиқиб олишганди.

Лекин Ҳожимурод пирнинг келаётгани ҳақида шум хабар келди. Ҳаммани ваҳима босиб, қишлоқ ғала-ғовур бўлиб қолди.

Ҳосил йигиб олина бошлаганда, муридлари қуршовида пир келди. Аламзада Ҳотам ҳам йигитлари билан гузарда пирнинг келишини кутиб ётганди. Шундай бузрук одамнинг бултур қилиб кетган номаъкулчилигидан дили оғриган халқ уни илгаригидек эъзозлаб кутиб олишмади. Пир зартага одамларнинг бу номаъкулчилиги учун ўч олишни дилидан ўтказиб қўйди. У шом намозини ўқиб, ичкари кириб ёнбошлади. Сайдамин сўфининг қули

кагта лаганда ош күтариб кирди. Пирнинг муридларидан бири ошнинг устига гўштини тўғраб, илигини пирга тутди.

– Маъзур тутасиз, пирим, мен ҳозир, – деб чиқиб кетди сўфи. Сал ўтмай ярим пиёла илик ёғи келтириб пирнинг олдига қўйди. – Боягина олингай, – деб жойига бориб ўтириди.

Ошдан сўнг, узум шароби тортилди. Уларни яна қул безовта қилди:

– Бек ҳазратларидан одам келди, кирсинми?

– Айт, кирсин! – деб ошга фотиха қилиди-да, ўтирганларга имо қилиб, чиқариб юбориб, ўзи холи қолди. Бекнинг сарбозбоплиси нақи олмадай ўн олти яшар қизчани етаклаб кирди-да:

– Бек ҳазратларининг тортигини қабул қилинг, пирим, – деб пирга таъзим қилиб, этагини юз-кўзига суртди.

– Қабул этдим, бекка дуоимни етказ! Эрта шом намозимни бекникида ўкурман. – Сарбозбопни дарров бек ҳузурига қайтди.

Пир кўрпачага ёнбошлаб қизга оёқларини уқалашни буюрди. Қиз кўз ёсларини оқизиб ўтираверди.

– Нима, кармисан, уқала деяпман!

– Уяламан.

– Уялсанг нега келдинг?

– Сизни хурсанд қилсам, бек отамнинг қарзидан ўтармиш.

– Тўғри айтишибди, шунинг учун мен нима десам, йўқ дема.

– Майли, ўзиз бориб айтасизми «қарзидан ўт» деб.

– Олдин хурсанд қилолсанг айтаман.

– Айта қолинг, нима қилсам хурсанд бўласиз?

– Аввал оёғимни яхшилаб уқала, кейин айтаман, – деб турган пайти ташқарида шовқин-сурон бошлианди. Пир ўтирган хона эшиги зарб билан очилиб, қилич ушлаган Ҳотам кирди. Пир ётган ўрнидан туришга ҳам улгурмади. Ҳотам унинг кўкрагига қилич санҷди. Пир тиричилай-тиричилай жон берди.

Ҳотам қизчани етаклаб ташқарига чиққанда, пирнинг муридларидан бир қанчаси қизил қонга беланиб ётишар, қолганлари қочиб кетишган эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, амирнинг сарбозлари келиб исён-кор қишлоқ аҳлини бир жойга йигиб, қиличдан ўтказишиди, қишлоқнинг эса кулини кўкка совуришиди. Лекин бу машъум кунни хотирлап учун Ҳожимурод пирнинг қабрини Ҳожиқайлиқ, одамлари қирилиб кетган қишлоқни «Ёвқоцди» деб атадилар. Ёвқоди қишлогининг қадрамонлиги ҳамма томонга тарқаб, тилдан-тилга ўтиб, афсонага айланди.

ҚАШҚА ТОЙЧОҚ

Яшилга бурканган яйлов осойишта сукунат қўйнида, йилқи-лар уюри ўз майлида ўтлаб юрарди. Бирдан яйловни бомба ва тўпларнинг гумбурлаган овози тутиб кетди. Қашқа тойчоқ ҳеч нарсага тушунмай, қулоқларини диккайтириб туриб қолди. Уни ювиб, тараб, эркала боргани бола қўрққанидан жонҳолатда ба-қириб, отасининг бағрига отилди. Қашқа ҳамон нима бўлаёттанини билолмай турган жойида десиниб турарди. Унинг кўзига қора кийинган, қўлларига нимадир ушлаб олган қўрқинчли одамлар кўринди. Илгари бунақа кийинган одамларни кўрмаган Қашқа кишинаб, онасининг биқинига тиқилди. Лекин кўзи ўшаларда... Улар йилқичига алланималар дейишди, кейин уни уришди. Бирори қўлидаги нарсани отасига тўғрилаганди, бола йиглаб унга тармашди. Ҳалиги қора кийимлик болани итариб юборганди, у думалаб бориб, отасининг олдига йиқилди. Фриц қўлидаги нарсасини уларга қаратиб ундан овоз чиқарди. Ота-бона типирчилай-типирчилай жимиб қолишиди. Тойчоқни эркала боргани боланинг юзи Қашқа тойчоқ томонга қараб қолган. Унинг лаблари орасидан қип-қизил қон сизиб оқарди. Қашқа биринчи марта қон ҳидини сезиб кишинаб юборди. Болани тумшуғи билан туртқила-ди, бола қимирламади. Яна кишинади. Аммо Қашқага қадрдан бўлиб қолган боладан садо чиқмади. Шу куни Қашқани ҳам бош-қа тойчоқлар қатори онасидан ажратиб вагонга қамашди. Тонг саҳарда поезд қайсиидир станцияда тўхтади. Бу ерда ҳам уларни ўша қўрқинчли кишилар кутиб олишди. Қашқани вагондан тушириб, бўйнига арқон солиб, етти ёт бегона уюрга қўшиб юбо-ришди.

Отлар танлаб-танлаб кўм-кўк ўтларга эринибгини оғиз уришарди, баъзи бирлари уларнинг устига думалашади. Қоринлари тўқ. Қашқа тойчоқ бўлиқроқ ўт-ўланларнинг олдига бориб оғиз очганда семиз, чайир отлар келиб кишинайди, пишқиргани ҳам

етмагандай, тошдек қаттиқ туғылары билан төпишади. Бечора тойчоқ оғриқдан кишинаб, нари кетади. Уюрдан сал ажрагудек бўлса, йилқичи «ҳаром ўлгур», деб қамчилаб қувади. Қорни очлигидан ҳеч бўлмаса пайҳонлаб кетилган ўтлардан емоқчи бўлади. Яна қандайдир шўх тойчоқ келиб, ўтқир тишлари билан унинг ёлдор бўйнидан тишлайди. Ишқилиб бечорага кун йўқ...

Күёш тик келиб, Қашқани уйқу элитди. У энди ёнбоштаб, бошини майса устига қўйган эди, кулогини бир нима тишлади. Кўзини очиб қараса, қорабайир тепишга шайланиб турибди. Қашқа тойчоқ бошини кўтариб кишинаф юборди. «Тарс» этиб, бошига тепки тегди. Қашқа юмалаб, ўрнидан турди. Юзларига кўз ёшлари тўқиљди. Бу оқаётган ёшлар бурнининг икки тарафидан хунук из қолдириб ерга томчиларди. Бу ҳам етмагандай, йилқичининг ерга урса, кўкка салчийдиган, шўх ўғли Қашқани ювощ деб минмоқчи бўлиб, белига эгар урдирди. Оғзига юган солиб, минди. Қашқа йигитча истагандай елиб кетмади, лўқишлоади. Унинг жаҳли чиқиб, чарм қамчин билан савалади. Қашқа қамчининг зарбидан кишинаф, оддинги оёқларини осмонга кўтариб, тик бўлди. Йигитча чирпирак бўлиб йиқиљди.

– Вой ойижон, оёғим, – деб ҳушидан кетди.

Тойча уюр томон қочиб кетди.

Йигитнинг отаси юзига сув сепиб, уни ҳушига келтирди. Йилқичи Қашқани ушлаб, бўйнидан узун арқон билан қозиқча бойлади. Кейин айилни сиқиброқ тортиб, унинг устига оғир гавдаси билан минди. Йилқичининг ўғли ҳам узун қамчи олди. Ота билан ўғил Қашқани роса қамчилаб, хумордан чиқишиди.

... Бир куни уюрга қора кийимли бир киши мотоциклини тириллатиб келиб қолди. Уни кўриб, Қашқанинг юрагини ваҳм босди. Чунки худди шунача кийимли кишилар уни онасидан айнириб, калтаклаб вагонга тиқишишганди-да. Қора кийимли киши йилқичининг олдига келиб:

– Эртага бошлиқ Берлиндан келган меҳмонлар билан овга чиқади. Шунга от керак. Чопқир ва айни пайтда, ювощ бўлсин.

Йилқичи уюрни айланиб юриб, Қашқани кўрсатди.

– Энг ювoshi шу. Лекин бунинг ҳам...

– Майли. Ёмон бўлса асиirlарга гўшт-да, – деди қора кийимли киши.

Йилқичи Қашқани эгарлаб, жиловини қора кийимлига тутқазди. Қашқанинг жиловини маҳкам ушлаб, эгарга ўрнашиб олган қора кийимли киши унинг сонига қамчи урди. Қашқа қуш-

дай учиб кетди. Қора кийимлига унинг югуриши ёқиб, яна тезроқ елдиргиси келиб, сонига кетма-кет қамчи бостиради. Қашқа оғриқдан кишнаб, кейинги оසқларини күттарди. Қора кийимли киши оёғи осмондан бўлиб, зарб билан ерга йиқилди. Қашқа қочди, бор кучи билан олдинга – кунботар томонга интилди. У бўйни ни чўзиб, белларини тортиб шундай югурдики, умрида бундай югурмаганди. Унинг орқасидан ўқ овози эшишилди. Йилқичи билан ҳалиги қора кийимли киши таъқиб қилиб келишяпти. У яна югурища давом этиб бепоён текисликка чиқиб қолди. Нима бўлса ҳам фақат олға қараб югурди. Олдинда озодлик. У ҳамон қочиб боряпти. Орқадан эса қамчи ўйнатиб йилқичи ва автоматаидан ўқ узиб, қора кийимли киши таъқиб қилиб келмоқда.

У чарчади, жудаям чарчади, лекин ҳозир кўзларига ўзи тўйиб-тўйиб ўтлаган дараси, дара ёнидаги ўрмон, кишнаб қолган онаси кўриниар, унга куч-мадор баҳш этарди.

Чарчаб, ҳолдан тойиб чанқаса ҳам югуриб борарди. На ўрмон, на тоғ, на дала кўриниарди.

Нафаси оғзига тиқилгудек бўлиб ҳамон югуриб борарди. Баданидан чак-чак тер қўйиларди. Тургиниб, судралиб, этлари тимдаланди. Кўзлари хиракалашди. Шу аснода кўзи ўрмонга ўхшаш манзарани илғагандай бўлди-ю, хурсандлигидан кишнаб юборди-да, бор кучи билан олдинга интилди. Лекин бирдан қаттиқ гумбурлаш ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Қашқа орқасига қаради, таъқиб қилувчилардан асар ҳам йўқ. Олдинда «Ура!» овозлари янгради. Қашқа турган жойида қулоқларини диккайтириб туриб қолди. «Ура!» овозлари қулоқлари остида эшишила бошлади. Кимдир унинг ёнида:

– Вой, жониворни қаранглар-а, ажал уруғлари визиллаб учиб юрган жойда-я, – деди. «Жонивор» деган сўз қулогига ёқимли эшишилди. Кимдир кафти билан эркалаб, ягринига уриб:

– Чу, жонивор, чу, – деб ўрмон томон ҳайдаб юборди...

РҮМОЛЧА

Шимимни дазмолсиз киймасам-да, барибир тўпори тенгқурларимга бас келолмасдим. Улар аллақачоноқ синфимиздаги сара қизларни «эгаллаб» олишганди. Кипшига алам қиладигани шу эдикни, Фармон пучуққа ўхшаганлар: «Ўнинчи «б» даги Мейлинор бизники!» деб керилиб юрарди-ю, менга ўхшаган нимжонлар ҳалиги хушрўй санамга кўз қирини ташлагудай бўлса, бошида таёқ синарди... Мейлинор эса пучуққа қиё ҳам боқмасди. Дунё экан-да! Синфимизда Рокия деган қиз бўларди. Чиройли эди-ю, лекин совуқ бир жиддигит ҳам йўқ эмасди. Шу қизнинг кулганини ҳечам кўрмаганман. Шукур деган сап-сариқ ҳомсемиз синфодшимиз уни севиб қолибди! Айтсан, ишонмайсиз. Икковлари ҳатто дарс вақтида ҳам бир-бирларига кўз тикиб ўтиришади. Шу ҳам гап бўлди-ю! Яна бу акамлар бизга ўхшаганларни назарларига ҳам илмайдилар: «Сен ҳам юрибсан-да», дегандай. Синфда йигитларнинг ўзи қолди дегуича, бир-бирига гал бермай яхши кўрган қизларию улар тикиб берган рўмолча, мактублар ҳақида тўлиб-тошиб мақтана бошлашади. Мен худди эртак тинглаётгандай, жимгина эшитиб ўтиравераман. Очиги, шундай пайтларда уларга бирам ҳавасим келадики, асти қўяверинг!

Мен бечоранинг танлаган қизим ҳам йўқ. Танлаш-ку нари туrsин, қизлар билан тик келиб қолсан, ўзимни йўқотиб, тилим калимага келмай қолади.

Бир куни мактабдан келиб, хуноб бўлиб молхонани тоzалаётгандим, қўшнимизнинг қизи Санобар китоб кўтариб кириб келди. У тез-тез бизникига чиқиб тураг, шунинг учун ҳам уйдагилар Санобарни менга тақаб, жигимга тегишарди. Акамларнинг бу тегажоддикларига хўмрайиб, аламимин ичимга ютардим. Санобар «ўғри» тишини кўрсатиб, тиржайди-да:

— Суюнчи берсанг, сенга бир нима бераман, — деди.

Шундай демаганда ҳозироқ олдимга солиб қувган бўлардим! Дунёда энг жиним сўймаган одам – мана шу – Санобар бўлади. Фазабим қайнаб турган бўлса-да, «бир нима бераман» деганига қизиқсениб ўзимни босдим.

– Нималигини аввал кўрсат-чи?

– Ҳе-е, олдин суюнчини чўз?

Мен индамадим. Нима ҳам дердим. Унга бир қараб қўйдимда, яна ишга овундим.

– Ҳей, қурумсоқ, ма, ола қол, сендан қачон ёргуллик чиққан эдики, энди чиқсан?

У менга китобнинг ичидан чиройли рўмолча олиб узатди. Мен ҳайратдан қотиб қолгандим. Рўмолча шундай нозик дид билан тикилган эдики, гўё нафис матога атиргул ғунчаси ўраб қўйилгандек. Унинг бир зийида чиройли қилиб «М» дан «С» га, деб битиб қўйилган эди.

Рўмолчага маҳлиё бўлиб турганимда Санобар кетиб қолган экан. Ажабо, «М» ким бўлди ўзи? Ахир, синфимизнинг ўзида исми «М» билан бошланувчи учта қиз бор. Қайси бири экан у? Дарвоқе, учаласининг ҳам «згаси» бор-ку.

Хуллас, қанча ўйламай, аниқлаёлмадим?

Кечқурунлари ҳамма ухлаганда «М» пинг рўмолчасини бекитган жойимдан олиб чиқиб ой нурида кўраман, ундан анқиб турганрайҳон ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидлайман. Ойдин кечалар серюлдуз фалакка термилиб у ҳақида тўлиб-тошиб ўйлайман. Тоқатим тоқ бўлиб унинг кимлигини Санобардан сўрамоқчи бўлдим. Лекин унинг бемаъниларча илжайишини кўз олдимга келтирган заҳотим ҳафсалам пир бўларди. Шу орада сўнгги имтиҳонларни ҳам топширдик. Сўнг Тошкентга, ўқишга жўнаганимда ҳаммаси ёрилмаган ярадай, юрагимда дард бўлиб қолаверди. Мактабдош уч йигит бир хонада ижара турамиз, «Б» синфи тугатган Аҳмад билан синфдошим Мансур ҳужжатларини Қишлоқ хўжалик институтига топширишди. Мен университетнинг филологиясига...

Имтиҳонлар яқинлашган сари юрагим пўкилларди. Ниҳоят, дастлабки имтиҳон ҳам етиб келди. Биринчи имтиҳондан яхши ўтдим. Кейингилари ҳам ёмон бўлмади, албатта. Лекин, биласизми, борган сари мечундир руҳим тушиб, таъбим хира бўлиб бораётганди. Айниқса, ҳамхона болалар имтиҳонлардан йиқилиб қайтиб кетишгач, яшаётган хонамиз шу қадар ҳувиллаб

қолдикі, күчага чиққанимдан кейин қайтиб киришга юрагим бе-зилларди. «Одам одам билан тирик, одам одамга сұяңчиқ», деганлари шу бўлса керак-да! Учинчى имтиҳон арафасида ёлғизлик ва туғилган жойимни қўмсаш юрагимни қон қилиб юборган эди.

Тўртинги имтиҳон ҳам одатдагидек иккинчи қаватда бўлди. Мен дарвоза олдида титраб турибман. Тўгри, инглиз тилини яхши билардим, лекин негадир юрагим чўчиб турарди. Бўшашганим-ча дераза олдида тургандим, пастда – университет ҳовлисида гул-гул очилиб турган тўртга қизга кўзим тушди. Кўзим тушди-ю, юрагим «жиз» этиб кетди. Улар ҳамқишлоқ қизлар эди. Чамаси, шу университетта кираётган синфдошим Ҳалимани қоралаб келишган чоғи. Уларнинг орасида Мейлинор ҳам бор эди. Уни кўрдиму, юрагим алғов-далғов бўлиб кетди. Мана, унинг ҳам ыгоҳи менга тушди. Фижимланган рўмолчаси билан пешонасини артди-да, дугоналарига алланима деди. Қизлар мен томон қарашди. Алланечук имо-ишоралар қилишди. Жилмайиши-ди. Мейлинор рўмолчасини силкиди. Тилла тоғган гадодек юрагим гупиллаб кетди. Бу ўша, менга ғойибона совға қилинган рўмолчанинг худди ўзгинаси эди!

Ажабо, нега мен ўшандаги – рўмолчани олгач, ундағи ёзувни кўриб «эҳтимол, Мейлинордир» деган хаёлга бормадим. Балки кўнглимда шунга ишонч бўлмагандир? Ҳозир, шу тобда, дилимда истаб, ардоқлаб юрганим Мейлинор эканлиги равшанлашгандай. Ҳа, бу мендаги рўмолчанинг худди ўзгинаси. Ҳатто, бир хил матодан тикилган. Секин чўнтағимдаги рўмолчани қўлимга оламан. У гўё қўлимни куйдириб юбораётгандек, юрагимга умид ва ишонч баҳш этаётгандек! Назаримда, имтиҳондангина эмас, ҳаётнинг улуғ довонларидан ҳам ошиб ўтишга қодирдек эдим.

ЮРАКДАГИ СИР

Курсдошлар төг сайдига жүнашди. Автобус қингир-қийшиқ төг йүлларидан елар экан, бағаво, гүзәл Хұмсон тоғлари манзаси уларнинг юрагини қитиқларди. Автобусдан тушишлари билан «Қайнарсой» томон югурға кетиши. Йигит-қизлар бутун тоғни айланғудек бүлиб елиб-югуришар, шарқираб оқаётган булоқ сувларидан түйиб-түйиб ҳовучлаб ичишар, суратга тушишарди. Ниҳоят, тошдан-тошта урилиб, шарқираб оқаётган Уғам дарёси соҳилига қўниши. Катта ўрик остига жой түшаб, олиб келган егулик нарсаларини ўртага қўйиши. Дараҳт шохларида қушлар бетиним сайдайди, магнитофон ҳам уларга басма-бас янграйди. Кимдир тош отди шекилли, сайдаб турган қушлар гурра осмонга кўтарилиди.

Ўрикка чумчук ин қўйиб, бола очган экан.

Тўлқин исмли курсдошлари қарқиноқларини олмоқчи бўлиб ин томон чиқа бошлиди. Она чумчук эса унинг атрофида илтижоли чирқираганча чарх уради. Тўлқин ўртоқларининг: «Гуш, бечорани чирқиратма!» дейишларига қулоқ солмасди. Чумчук инида хавфни сезған ярғоқ, темир қанотлари чиқмаган қизил эт чумчук болалари ҳам типирчилай бошлиши. Она чумчук фарёд солиб, ҳамон бетиним учар, ўзини шохларга уради. Ниҳоят, Тўлқин инга етди, лекин қўполлик қилиб инни тушириб юборди. Қушчаларнинг бири ўрикнинг катта шохига урилиб ўлди, иккитаси харсангтошга зарб билан тушиб бир-икки қиммирлади-ю, қўзлари бақрайиб қотиб қолди. Она қуш чирқираб, жонсиз болалари устида бетиним учарди. Бу воқеа ҳаммани ҳаяжонга солди. Ҳаммадан ҳам Басираға қаттиқроқ таъсир қилди. Унинг тинчлигини, бахтиёрлигини бир умрга олиб кетгандай бўлиб, юрагида яшириниб ётган сирнинг пардасини кўтариб юборганди. Басира юрагини ушлаганча ҳолсизланиб ўтириб қолди. Ҳамма ҳайрон, наҳот қуш болаларининг ўлими шунчалик таъсир қипса? Ҳозир-

гина унинг қўнғироқдек кулгиси қоялардан-қояларга урилиб аксадо бериб турмаганмиди, нима бўлди? Чеҳрасидаги қувонч қани?!

* * *

Басира жуда шўх, табиатан эркакшода, бир қоп ёнгоқдек шалдир-шулдир қиз эди. Унинг ширмой юзидағи кулгичи, қопқора кўзию, қирқ кокили беихтиёр ҳаммани ўзига мафтун қиласарди. У мактабга отасининг оқ «Волга»сида келар, шунинг учун ҳам бир оз такаббурлиги ҳам ийӯқ эмасди. Қиз мактабни битиргач, Халқ ҳужалиги институтига ўқишга кирди. У мандат комиссиясидан ўттач, уйга бориб, ота-онасини қувончига шерик қиласани шошиди. У ўртоғи билан вокзалда поезд келишини кутиб, гаплашиб ўтиради. Қиз иложи бўлса қанот чиқариб қишлоқга учса. Басира хурсандлигидан учиб-қўниб ўтирганида Нуралини кўриб қолди. Басира қишлоғидан кимнидир кўришни, қувончи ни кимгадир, яқин танишига айтишни истаб, ёниб турувди.

— Нурали, Нурали, — деб чақирди қиз оҳиста. Чақиришга чақирдию, атрофдагилардан уялди ҳам. Нурали ийманибгина унинг олдига келди-да, кўлидаги тўрхалтани ерга қўйиб, қўл узатди.

- Яхшимисиз, Басира, ўқишиларга кириб олдингизми?
 - Бугун мандатдан ўтдим. Сиз-чи?
 - Кеча мандатдан ўтдим.
 - Қайси институтта?
 - ТошПИГа.
 - Вой, қандай яхши, табриклайман.
 - Сизни ҳам, — деди йигит.
- Бир оз жим қолишиди...
- Билет олдингизми? — деб сўради Басира.
 - Умумий вагонга, — деди бош иргаб Нурали.
 - Меники ҳам «обший»га, уйга стиб олсак бўлгани, — деб кўшиб қўйди қиз. — Бирга амаллаб кетармиз. Шу билет топилганигаям шукур.

Вагонлар тиқин, Басира Нуралининг пинжига кириб кеттудек бўлиб ўтиради. Поезд чарчаган отдек пишқира-пишқира ўрнидан қўзғалди. Сал ўтмай бўшлиқни ёриб, шитоб билан олға қараб кетди.

Чарчоқ кўзларни уйқу злитди. Вагондаги чироқ ҳам хиралашиб қолди. Нурали энди ухлаган эди, елкасига нимадир оғир ботгандай бўлди. Кўзини очди, очди-ю, ўз кўзларига ишонмади. Елкасида Басиранинг боши, соchlаридан хупбўй ҳид тараларди. Нурали қизнинг соchlаридан оҳиста силамоқчи бўлди-ю, кейин миясигта келган фикрдан ўзи уялиб кетди. Бир хаёл уни уйғотмоқчи ҳам бўлди, лекин қандайдир куч уни уйғотишга йўл бермади. Посезд бир маромда борар, Басиранинг соchlаридан бирам ширин бўй тараларди...

Қуёшнинг илиқ нурлари қизнинг юзига тушгандан кейин, эринибгина кўзини очди ва бошини Нуралининг елкасида кўриб, «вой» деганича, уялиб ерга қаради.

- Кечирасиз, қаттиқ чарчаган эканман, билмай қолибман.
- Зиёни йўқ, яхши ухладингизми ўзи?
- Тузук ухладим шекилли, – мийигида кулиб жавоб берди қиз.

Чошгоҳда Қаршига кириб боришди.

– Отамга телеграмма берувдим, – деди Басира вокзалдаги тумонат одамлар орасидан отасини ахтариб. Унинг ҳам чамадонини кўтариб олган Нурали тургиниб-суртиниб, орқасидан йўргалаб келарди. Ниҳоят, қиз отасини топди. Қувончидан гул-гул яшнаган Басира югуриб отасининг бўйнига осилди. Иброҳим ака ҳам қизини эркалаб, табриклиди. Қизнинг ёнида турган Нуралини пайқамади.

- Юр, кетдик. Ҳа, чамадонинг қани?
- Нуралида, бирга келдик, – деб йигитга қаради.

Нуралининг саломига Иброҳим ака бош силкиб «алию» олган бўлди. Отаси тириклигида бу киши уларникига кўп келарди. Нурали уни яхши эслайди. У пайтларда ўзига бино қўймаган эди. Нурали ютинди. Унинг отаси катта-кичикка баравар эди.

– Юринг, дадамларнинг машинасида кетамиз, – деб унинг хаёлини бўлиб юборди Басира. У гапини тугатар-тугатмас отаси:

– Машинада одам бор, сифмайди! – деди чўрт кесиб. Дили оғриган Нурали индамади. Басира орқасига қарай-қарай отаси билан кетди. Йигит: «Мен ким бўлибман хафа бўлиб. У бир катта рай! Они раиси бўлса», деб ўзига тасалли берди.

Уйга келганида, синглиси Бодом кир ювиб ўтирган экан. У акасини кўргач, қўлини нари-бери артди-да, унинг истиқболига югуриб келиб:

– Кирдингизми, акажон, кирдингизми? – деда акасини қучиб олди. – Мен онамдан суюнчи олай, құшниларникига чиқуудилар, – қыз югуриб күча әшиқдан чиқиб кетди. Бөгда юрган укала-ри югуриб келиб бүйніга осилишди. Нуралы уларга келтирған совғаларини улашди. Укалари қувонишиб күчага, акаси кел-тирган совғани ўртоқларига күз-күз қылғани чопиб чиқиб кетиши-ди. Зұм үтмай онаси ҳаллослаб кириб келди. Она үғлини бағрига босиб, қувончдан йиғлаб юборди.

– Онанг ўргилсін, болагинам, қуттайман, уялтирумадинг. Отажонинг бүлганида қанчалик қувонарди-я, болам. Отанг күрмаган яхшиликтарни сен күр, күп яшагин, күзимнинг оқу қора-си, – деб қувонганидан күзёши ҳам қилиб олди.

Кечкурун Саноат опа ош қилиб құни-құшниларни чақирди. Нуралы уч-түрт күндей ишларини сарандырғанда, қишлоқдан күксін қувончга түлиб қайтди.

Нуралы мактабда яхши ўқитган эмасми, институтда ҳам үшандай тиришқоқлик билан берилиб ўқир, күнлар қандай ўтганини ҳам сезмай қоларди. Бунинг устига гурух сардори қилиб сайлан-ди... Бириңчи курсни ағыл баяндарда тугатди. Бир куни декан Нуралини ҳузурига чақириб қолди. У декан хонасига кирганды профессор Эрназаров қоғозларга күмилиб ўтиради. У йигитни күриб құзғалди.

– Қани, келдінгемі, ўтири, үғлим. Аңчадан бүен сен билан гап-лашмоқчи здим. Ъзингта маълум, факультет ёшлар құмитаси котиби ўқишини тугатяпти. Кеча бюрова сени котибликка ном-зод қылдик.

– Мен... Эплай олармиканман?

– Сенга ишонганимиз учун, эплашга қодирлигинг учун тав-сия қылдик-да. Бизнинг ишончимизни оқларсан. Мактабда ҳам котиб бўлган экансан.

Бир куни курсдошлари билан гурух бўлиб кинога тушадиган бўлишди. Зал томошабинлар билан лиқ тўла. Нуралы Гулнора ва Анвар исмли қызлар билан қаҳва ичгани пастдаги буфетга киришди. Нуралы навбатда турганда кимдир билагидан ушлаб тортиди.

– Ҳа, мактабдош, кўзингизни шира боғлаптими? – деда ҳазил аралаш гап қотди Басира.

– Кечирасиз, кўрмабман, – деди Нуралы хижолат бўлиб. – Юринг биз билан.

– Қизларингиз тағин қувлаб ўтиришмасин, – деди Басира кулиб.

– Йўқ, йўқ, бизнинг қизлар унақа эмас. Еб қўйишмайди, – деди Нурали ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб бериб. Басира хандон ташлаб кулиб юборди.

– Нурали!

Йигит орқасига ўгирилди. Буфет ёнида қизлар уни кутиб туришарди. У ноилож Басира билан хайрлашди.

– Мен билан юрсангиз бўларди. Бўлмаса, хайр, бориб туринглар, – дея хайрлашиб, курсдошлари томон кетди.

Басиранинг дугонаси унга шўх боқиб:

– Чиройли йигит экан, сени қараю, борди-келди ҳам қилмайсан шундай йигит билан! – деди кулиб.

– Хо-о, керак бўлса у менинг кетимдан юрсин, мен уни кетидан юраманми...

Орадан анча вақт ўтди. Талабалар Навоий театрига Чили ёшлари билан бирдамлик кунига тўпланишганди.

Бирин-кетин нотиқлар минбарга кўтарилишарди. Шу аснода кечани бошқарувчи:

– Ҳозир сўз ТошПИ талабаси, факултет ёшлар комитетининг котиби ўртоқ Нурали Очиловга, – деди. Қарсаклар янгради.

Басира ҳам залда ўтиради. Унинг минбар томон кетаётган Нуралига кўзи тушди. Ёнидаги дугонасига қараб:

– Бизнинг қишлоқдан, бир мактабда ўқиганмиз, – деди.

– Ажойиб йигит экан, мунчаям истараси иссиқ! Таништириб қўй! – ҳиҳилади дугонаси.

– Ҳазилинг курсин, – деб уни силтаб ташлади-ю, лекин ўзининг юраги жиз этиб кетди.

Қалин қошли, соchlари силлиқ қилиб таралган, оқ кўйлак, қора шим кийиб олган Нурали минбарга чиқди. У сўзини: «Яшасин, эркесвар Чили! Яшасин, курашаётган матонатли ёшлар! Чили халқига озодлик! Йўқолсин, қора тузум!» – деган янгроқ сўзлар билан тутатди.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Басира митинг тугамасданоқ ташқарига чиқиб Нуралини кута бошлади. У йигитни ички бир ҳаяжон билан кутарди. Дугонаси унга гап қотар, лекин унинг гаплари қулоғига кирмасди. Ҳув ана, у бир тўда йигитлар ўртасида келмоқда. Қиз ички бир тўлқин билан:

«Нурали, Нурали!» – деб чақирди. Йигит овоз келган томонга қаради. Ўзидан ўн қадамча нарида турган Басирани кўрди-ла, йигитлардан ажралиб, қизнинг олдига келди.

– Салом, Басира, яхшимисиз? Ўқишилар қалай?

Басира унинг саломига алик олиб, ноз-карапма аралаш киноя билан:

– Табриклайман, дарров котиб бўлиб олибсиз! Бундай бормайсиз ҳам, шу ерда мактабдошим бор деб. Мактабдош ҳам шундай бўладими? – деди.

– Дарслар кўп, чизмалар.

Нуралини ўртоқлари чақириб қолишди. У хайрлаша туриб:

– Бориб туринглар, 27 ётоқхона, 278 хона. Яхиси, ҳозир юринглар, – деб таклиф қилди.

– Ўзингиз биз билан юра қолинг. Жойимизни кўриб келасиз.

– Бутун боролмайман. Бошқа кун.

– Бўлмаса, дам олиш куни кутаман. Туғилган куним, – деди Басира кулимсираб.

– Албатта бораман, – деб ундан узоқлашди Нурали.

– Ҳали ҳам кеч эмас. Бир бало қилиб ўзингники қилиб ол.

Қара, қандай ажойиб, – деди дугонаси.

– Қайдам, – деди Басира. – Менга қиёс боқармикан.

Ҳаш-паш дегунча икки йил ўтиб кетди.

Учинчى курс тугашига атиги битта имтиҳон қолган. Имтиҳонни топширгач, Нурали Ленинградга практикага кетиши керак. Буни эшитиб қолган Басира Нуралининг олдига келди.

– Нурали, мен сиз билан кетадиган бўлдим. Оэроқ тобим йўқ эди. Докторлар ҳаво алмаштириб келинг, дейишди. Сизнинг ҳам ўша ёқса кетаётганингизни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Ҳар ҳолда, бегона жойда йўл-йўриқни билмай қийналиб қолмай, деб сиз билан кетмоқчи эдим.

Ленинград. Осмонўпар бинолар. Неванинг сўлим соҳилалари иккисининг ҳам қалбларини тўлқинлантириб юборди. Такси тўхташ жойига бориб, навбатда туришди. Улар бир-бирларига навбат бермасдан гапиришарди.

– Сизнинг навбатингиз, – деди орқада турган йўловчи. Шундагина нигоҳларини атрофдан узишиб, таксига ўтиришди.

– Қаерга? – деди шофёр.

– Иложи бўлса жой топиладиган меҳмонхонага олиб бориб қўйсангиз, – деди Нурали кулиб.

– Уриниб кўраман. Лекин бу жуда қийин масала. Туристлар жуда кўп. Июль-август ойларида шунача бўлади. «Оқ тунда» бирон танишларинг йўқми?

– Биринчи келишимиз.

– Унда ижарагир уйлардан жой ахтариш керак, – деб кўп қаватли бино олдида тўхтади-да, уларни бинонинг ҳовлисига бошлади. Уч-тўрт кексалар газета, журнал, китоб ўқиб ўтиришарди. Улар билан саломлашиб бўлгач, Нурали билан Басира ни кўрсатиб:

– Шаҳримизга Тошкентдан меҳмон бўлиб келишган экан. Меҳмонхоналарда жой топилмади.

Улар бир-бирлари билан гаплашиб, суриштириб бир жойни эсладилар.

– Майли, жойлаштирамиз. 5-уйда турадиган синглим қизи-никига кетганди. Паспорти борми? – деди чеккада ўтирган қария.

Нурали чўнгтагидан паспортини олиб берди. У сингчиклаб ўқиб чиқди-да, Басирани кўрсатиб:

– Бу қиз кимингиз бўлади?

Нурали тутилиб турганди, шофёр:

– Хотини, – деди.

– Синглим ҳали-бери келмайди. Бир хонасини очиб бераман, – деди қария.

Чамадонларни таксидан тушириб чолга эргашишди. Учинчи қаватдан 16-квартира эшигини очиб, ичкари киришди. Қария кираверишдаги биринчи хонани кўрсатиб:

– Мана шу хона сизларга, мана калити. Дам олинглар, йўлда чарчагансизлар, – деди.

Нурали чолни тўхтатиб анор, узум берди. Чол ўзида йўқ хурсанд бўлиб:

– Мен ҳозиргача анонинг дараҳт бўлишига ишонмай, тасаввур ҳам қололмай келардим. Ростдан дараҳтда ўсадими ўзи? – деб сўради.

– Ҳа, бир боринг, қандай ўсишини ўзингиз кўрасиз.

– Бизга йўл бўлсин. Қаридик, болам. Ёшлигингда кўрганинг қоларкан, – деб чиқиб кетди. Шундай шўх, бир гапириб, ўн куладиган Басира хонада Нуралига мутти тушган одамдай жимгина қараб турарди. Басира бутун инон-ихтиёрини Нуралига бериб кўйганди. Хонада битта икки кишилик каравот, ойна, стол, стул, шифонъердан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Иккаласи нарсаларини жойлаштириб, бир оз шаҳар айланиси келишди. Чарчоқ зўрлик

қилди. Вақт ҳам анча кеч бўлиб қолганди. Деразанинг пардасини тушириб, чироқни ўчиришди.

– Отангиз кўрганда шу ўтиришимизни иккаламизни ҳам бир ёқлиқ қиласдилар, – деди Нурали.

– Кўйсангиз-чи бундай майда гапларни, яхиси, дам олайлар. Жуда чарчадим.

– Сиз ётаверинг каравотда, менга адёлни берсангиз бўлди.

– Ерда ётасизми?

– Бўлмаса қаерда ётай, – деди ҳазил аралаш Нурали.

Қиз хижолат чекиб индамади. Ойдин туннинг оқиш шуъласи деразадан мўралаб, хонаки ёритиб турарди. Нурали адёлни полга ташлаб счинмасдан ётди. Анчагача жим ётишди. Нуралининг ёнбошидан зах ўтиб совқота боплади. Туриб костюмини кийди. Бари бир совуқ эт-этидан ўтиб борарди.

Кечалари бундай салқин бўлишини билганида пальто кийиб келармиди. Каравотда Басира ҳам совуқдан жунжикиб, ухломай ётганди.

– Совуқ ётасизми? – деди Басира.

– Йўқ, сиз-чи?

– Совқотяпман.

– Адёлни ёпиниб ола қолинг, – Нурали адёлни олиб қизга узатди.

– Ўзингиз-чи?

– Ўзим бир амалларман. Ҳаққи рости, совқотганим йўқ. Сизни ҳам иситиб қўйайми? – деди ҳазил аралаш.

– Олдин ўзингиз исиниб олинг. Тишингизни такиллаётгани менгаям зшитилаяпти-ку. Келинг, менинг ёнимга ёта қолинг. Бир-биримизни иситамиз, – йигит аввалига иккиланди, лекин совуқ жонидан ўтганидан кейин, нима бўлса бўлди, деб қизнинг ёнига ўтди.

Балки бу ҳаётнинг енгил, аммо қаттиқ ҳазили бўлди. Адёлни ёпинишди, исишди. Лекин иккаласи тотли кечанинг кайфидан ўзларини ўнглолмай, ўринларидан турмасдан ётишарди.

– Басира, биласизми, нима демоқчи эдим, ҳа, айтаман. Ҳозир айтаман. Балки аҳмоқлиқдир. Лекин суриштиришм, билишим кепрак-ку. Севганингиз йўқми? Бир пайтлар гаплапшишни ҳам истамаган кишингиз билан бирга ётганингиздан ўқиняпсизми?

– Йўқ, аксинча. Сиз, сиз билан дунёнинг нариги четига ҳам боришга розиман. Бу ерга ҳам сиз учун келдим.

– Ростданми, ҳаммаси ростми? Наҳот рост бўлса? Бир пайтлар сизнинг ҳуснингизни пинҳона узоқ-узоқлардан томоша қилипдим. Худди туш кўраётганга ўхшайман. Қани энди бир умрга бирга бўлсак, – у ширин хаёллар оғушида ухлаб қолди.

Эрталаб Нурали ўзининг қилиб қўйган ишидан ўзи ҳайратланди, лекин беҳуда ҳиссиятларга берилмаслик учун тезгина кийиниб кўчага отланди.

– Мен заводга бориб учрашиб келай. Сиз дам ола туриңг. Хоҳласангиз бирга юринг?

– Ўзингиз бориб кела қолинг. Қайтишда кинога билет олиб келишини унутманг-а?

– Албатта олиб келаман, жонгинам. Зерикмасдан ўтириңг. Иложи борича тез қайтаман. Мен кетдим, – деб чиқиб кетди.

Нурали анча кеч қайтиб келди. Хона саранжом-саришта, кийимлари дазмолланган. Басира китоб ўқиб ўтиради. Йигит қизнинг илтифотидан қувониб кетди. Ҳаяжонини сифдиролмай, ҳовлиқиб бориб қизнинг елкасидан кучди.

– Басира, Басирам. Ушланиб қолдим, кечир мени. Тезроқ кийинна қол, кетдик.

Кунлар жуда тез ва ширин ўтарди. Ҳар кеч сайд, кино-театр, оқ тунлар томошаси. Ўтаётган кунлари ҳисобини ҳам олишмасди.

Кетишларига беш кун қолганда, кетиш учун билет олиб, қолган пулни ҳисоблаб қарашса, ўн беш сўмча қолибди. Нурали-ку, майли, лекин Басира совфа-салом олиши керак эди-ку. Унинг қовоғидан қор ёға бошлади. Унинг чўнтаги касаллигидан ижирғанди. Ҳаммасидан ҳам охирги кунларда қуруқ чой, нон, колбаса унинг меъдасига текканди. У овқатни таnlаб смасмиди, ахир. Бу унга турмушнинг биринчи зарбаси бўлди. Ич-ичидан ўксинди, қилган ишига пушаймон бўлди. «Чўнтаги пулга ёлчимас қуруқнинг нимасига ҳам учдим, мен аҳмоқ. Дугоналаримнинг сўзига кириб», деб ўзини-ўзи койиди. Нурали унинг афсус чекаётганини сөзди. Начора. Ичига ютди. Бу беш кун Басиранинг кимлигини кўрсатди-қўйди.

Тошкентта қайтиб келишгач, Басирани уйига жўнатди. Ўзи қилиган ишларини ҳисботини қилиб тутатгач, қишлоққа қайтди.

Онаси йўлига кўз тикиб турган экан. Ҳар галгидек қўни-қўшни, қариндош-уруғлари билан ярим тунгача гаплашиб ўтиришди. Улар бирин-кетин тарқалишди. Онаси Нуралига ҳовлидаги суплага жой солди. У осмондаги юлдузларга термилиб ётиб, онасини Басираларникига қандай қилиб совчи қўйишга қўнди-

риш йўлини ахтарарди, лекин қайси юз билан мени уйлантиринг, дея олади. Бир она уни уйлантирсингми, ўқитсингми? Шу томони қийнарди. Хайрият, онасининг ўзи гап очиб қолди.

– Синглингта ҳам совчилар келиб, ҳоли-жонимга қўймаяпти. Синглинг бўлса: «Олдин акамни уйлантирайлик», деб туриб олган. Мана, тўртинчи курсга ҳам ўтдинг, ўғлим, энди бирон жойга одам қўйиб, белги қилсак-да, синглингни узатсак, девдим.

– Ўқишишимни битириб олай, кейин бир гап бўлар.

– Кўп ўжарлик қилма, мен ҳам кексайдим. Ёшим элликка бориб қолди. Синглинг турмушга чиқиб кетса, қийналиб қоламан. Майли, ҳеч бўлмаса унаштириб қўяйлик. Кўнглим жойига тушсин. Кўрқма, кимни десанг, ўшанга одам қўяман.

– Ойи... ҳалиги... Басира бор-ку... ўшанг...

– Кимга, Иброҳимни қизини айтяпсанми?

– Ҳа, нима, ёмонми?

– Уни ўзимизнинг совхоз агрономининг ўғлига кечагина унаштиришди.

Нуралиниңг бутун вужудини титроқ босди. Наҳот, рост бўлса? Ёлғондир! Ахир шунча воқеадан кейин қандай қилиб бошқага розилик беради? Даҳшат. Ҳаёлидан Ленинграддаги воқеалар яшиндек ўтарди.

– Ҳа, болам? Ўйланиб қолдинг...

– Ўзим, шунчаки... – оғир тин олди у, – онажон, хафа бўлманг, ўқишишимни тугатай, кейин хоҳлаганингизга одам қўйинг. Мен розиман. Синглим турмушга чиқаверсин.

Нурали бутунлай ўзгариб кетди. Баттар камгап бўлиб, боши ҳам бўлиб қолди. Фақат онасининг дилини оғритмаслик учун уни кўрганда кулиб галиришга ҳаракат қиласарди. Кўча-кўйга ҳам чиқмади. Уйнинг деворини қариндошлар кўмагида битказиб, Тошкентга қайтиш учун йўлга чиқди. Бекатда автобус кутиб турганда, шундай ёнгинасида оқ «Москвич» машина тўхтади. Рулда агрономининг ўғли, синфдоши Асад кулиб турарди.

– Йўл бўлсин, Нурали?

– Қайтаётгандим.

– Чиқ, элтиб қўяман. Самолётдами ёки поезддами?

– Самолётда. Ҳали вақт бор. Автобусда бора қоламан.

– Эшилмай чиқсанг-чи, ташлаб ўтаман.

Нурали ноилож машинага чиқди. Йўл-йўлакай Асадга гал қотди:

- Түйга ҳам айтмадинг, синфдош.
- Жўра, қўй, хафа бўлма, катта тўйга айтаман. Бобойларнинг гапи билан тез бўлиб кетди.
- Олдиндан ишни битказиб юрган экансан-да, – деди ундан нимадир билиб олиш мақсадида.

– Эй, йўқ. Билардинг-ку, мени хушламасди. Отасини сўзини синдира олмаганими, ишқилиб рози бўлди. Кеча учрашувга ҳам чиқдик. Бинойи гаплашди. Бугун кинога тушмоқчи эдик, билетга кетяпман. У ҳам эртага жўнайди. Юриш-туришига қараб юр, жўра...

Асад анча дилкаш йигит. Кўнглида кири йўқ. Нураги бир хаёли ҳамма гапдан уни хабардор қилмоқчи ҳам бўлди, лекин журъат этолмади. Нураги самимий хайрлашиб, аэропортда тушиб қолди. Унинг дили хуфтон бўлиб, мадорсизланастгандек ҳис этди ўзини.

Буфетдан икки кружка пиво олиб ичди. Анча енгил тортгандек бўлди. Тошкентта келиб, ўқиш ва жамоат ишлари билан ўзини овутди, лескин барибир Басира кўз ўнгидан кетмасди. Кунларнинг бирида Нураги Басирадан хат олди. Қўли титраб, тез очди.

«Нураги, иккимиз ҳам йўлдан адашдик, начора. Лекин тузатмасиз керак. Мен кўп ўйладим. Барибир бир-бирымизга тўхри келмас эканмиз. Ҳали ҳам кеч змас. Сиз ҳам тенгингизни топинг. Мени эшиштгансиз. Шуни штимос қиласманки, бўлган ишлар ҳақида бирорвга билдира кўрманг, ётиглиқ қозон – ётиглигича қолсин. Салом билан Басира».

Кунлар шамол олиб ўтгандай бир-бирини қувиб ўтарди. Шу орада учрашмаганларига ҳам етти ой бўлиб қолганди. Бу орада Нураги юрагидаги зардаларни бўшатиб, енгил тортаётган пайт эди. Бир куни уни Басиранинг ўртоғи Розия чақириб келиб қолди.

– Сизни Басира йўқлаяпти.
– Биз ҳисоб-китобни қилгандик. Энди нима иши бор?!
– Илтимос, йўлда ҳаммасини айтаман, юринг, – Нураги унга зрганиди.

– Ўзи нима гап, юракни сиқмасдан айтсангиз-чи? – деди Нураги аччиқ аралаш. Розия атрофга олазарак қараб олди-да:

– Зинҳор ҳеч ким билмасин. Кеча йўлда келаётсиб қоқилиб, йиқилиб тушганди. Уйга келгандан кейин кўнгли беҳузур бўлиб, иссифи ошиб кетди. Мен доктор чақирдим. Касалхонага олиб

кетди. Биласизми, йўлда фарзанд кўрди. Доктор, «эри борми» деганди. Бор, дедим. Ўзи ҳам шундай дебди. Лекин ишонмаяпти, «ЗАГСдан ўтмаган-ку», деб. Сиз врачга кириб кичик тўйимиз бўлган, деб айтсангиз бўлди. Ҳаммаси жойига тушади.

Нурали қиз айтгандек қилди.

— Йўқтисодий томондан қийналиб, катта тўйни ўтказолмай тургандик, — деди қизариб. Врач койиб, унга гувоҳнома олиш учун справка берди.

— Табриклайман, ўғилча билан. Сизни тергаш билан бўлиб, табриклишни ҳам унудибман. Ўғлингиз етти ойлик бўлса ҳам вақти соатида туғилганлардан кам эмас. Жуда соғлом, — деди ва уни эшиккача кузатиб қўйди.

Ўзи билмаган ҳолда, фарзандлик бўлиб қолган Нурали дера-задан бориб, Басирани кўрди. Ранги оппоқ оқариб кетган Басира унга буқланган қофоз ташлади:

«Нурали, сиздан шитимос, ҳеч ким билмаслиги керак. Кейин бирон ойга квартира топинг. То ўғлимишни болалар уйига топширгунишимизча, ўша ерда турамиз. Охирги шитимосим: бошқа касалхонадан бирон ойга справка тўғрилассангиз, ўтинааман!»

Ўнинг кўнглини кўтариш учун:

— Ҳаммаси жойида бўлади, ўзингизни эҳтиёт қилинг, — деди Нурали.

У елиб-югуриб ҳаммасини тўғрилади. Курсдошларидан Суюн Нуралиниң энг яқин дўсти эди. У кўпинча бир ўзи чет злга кетган акасининг уйида туарди. Нурали имтиҳонлар бошлиниши билан Суюнникига бориб тайёрланарди. У Нуралиниң сирларидан воқиф эди. Шунинг учун ҳам Нуралига квартира топиш қийин бўлмади.

— Ўзингнинг уйингдек туравер, дўстим. Бирон юмуш чиқиб қолса, айтарсан. Сени бу ерда туришингни ҳеч кимга айтмайман, — деб далда ҳам берди.

Нурали ўғлига гувоҳнома ҳам олди. Ўи беш кун деганда Басирани квартирага олиб келди. У ўзи билганча ўғлига кийим-кечак қилди. Басира икки гапнинг бирида кўзёши қилар, болани қарғай-қарғай эмизарди. Нурали шароитим тўғри келмаяпти, деб бир йилга жавоб сўраб, деканга ариза кўтариб кирди. Декан ўйланаб туриб:

— Ўзи нима гап, ука? Давлат стипендиясини олаётган бўлсангиз, сизга яна нима етишмайди? Бўлмайдиган гапни қўйинг-да, ўқиши давом эттиринг!

— Очиғи, тобим йўқ. Бошим оғрийдиган бўлиб қолди, — деди у қизарип.

— Унда бирон ой ўзимизнинг санаторийда дам олинг! Ҳаммаси жойига тушиб кетади, ука, — деб рухсат берди.

Нурали номигагина санаторийда турса ҳам аслида ўғлига Басирадан кўпроқ қарап эди. Мурғак болани ширали сутга ўргатишга мажбур бўлди. Чунки она болани кўргани кўзи йўқ эди. Йигитнинг боши қотди. Болалар уйига бериш учун справка керак. Ўқиши жойидан қандай олади. Қайси юз билан олади. Деканинг олдида ким деган одам бўлади. Басирага: «Нима бўлса бўлди, яшайверайлик бирга» деса, асло рози бўлмаса. Додини кимга айтсан. Дилядагини кимга айтиб юмшасин. Шу кунларда жуда озиб кетди. Қоп-қора сочлари орасида оқ оралаб қолди.

Шанба куни эрталаб магазинга сутга кетганди. Қайтиб келиб, ҳайратдан қотиб қолди. Эшик қия очиқ. Ичкарида ўғли бигиллаб ётибди. Уйда ҳеч ким йўқ. Нурали ўғлини полдан кўтариб олди. Оғзига сут томизди. Бола йигидан тўхтади. Чарос кўзлариви Нуралига тикиб, сутни қултиплатиб ичарди. Шунда бехосдан кўзлари ёшга тўлди. Ўғлининг юзига юзини қўйди:

— Эй менинг баҳтсиз ўғлим, нималар қилиб қўйдим, — деб шивирлади. Ўғлининг қорни тўйди шекилли, кўзларини юмиб ухлаб қолди. Ўғлини каравотга энди ётқизаман деб турганди, кўзи бир парча қофозга тушди.

«Нурали, мени кечир, мен кетдим. Хоҳласанг, Тўлқинни кўчага ташла ёки биронтага бер. Тўлқинни ҳам, сени ҳам кўришини истамайман. Лекин яна тақрорлайман, бу ишишимизни ҳеч ким, ҳеч қачон бўймаслиги керак. Илтимос қиласман, ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Ўтинаман, Басира».

* * *

Басира анчадан сўнг кўзини очди. Курсдошлари унинг атрофини ўраб олишган. У ўрнидан турди. Ҳамон она қуш жонсиз болалари устида чирқираб тинимсиз учарди. Яна кўзини юмиб, ўтириб қолди. Лекин унинг кўз ўнгига чирқираб учётган она чумчук, жонсиз ётган полапонлар билан бирга уйнинг ўртасида бигиллаб ётган ўғилчаси кўрина бошлади.

1985 й

ГУЛГА ТУТАШ ҚАЛБ

Юнус шом қоронгисида йүлдан адашганини англағач, отни ўз ихтиёрига қўйиб берди. От бир маромда юриб борарди. Атроф зим-зиё, туёқ товушидан бошқа овоз қулоққа чалинмайди. Унинг юрагини ваҳм босди. Ўзидан ўзи ранжиди. Бошқа каоб қуриб қолгандек, келиб-келиб мол докторликка ўқийдими, аҳмоқ бўлмаса. Тоғаси айтганди-я, кейин пушаймон қиласан, дала-даштда бало борми, ҳамма ўзини шаҳарга уралти, деб. Қулоқ солмаганди. Ҳали булар ҳамир учидан патири. Йўқ, практикасини тугатади-ю, кетади. Бу ерларни елкасининг чуқури ҳам кўрмайди. Бир илож қилиб шаҳарда қолади.

Бир маромда юриб бораётган от итнинг бехос ҳуришидан чўчиб, кишинаб юборди. Йигит ҳам сесканиб ўзига келди. Сал нарида иккита ит бир-бирига навбат бермай ҳурар, чироқ шуъласи хирагина милтиради.

— Ҳой, Олапар! Тек тур! Ким у? – деган овоз эшитилди.

Юнус одам товушини эшитиб, қувониб кетди.

— Мен, бу мен – практикантман, – деб овозининг борича бақирди.

— Келинг, келаверинг!

Юнус эшитилаётган қўнгироқдек овоз қиз боланикилигини энди англади.

Юнус китиз ўтов олдида отдан тушди.

— Салом, қоронғида йўлдан адашиб қолдим. От шу ёққа бошлаб келди.

Қиз отга меҳр билан тикилди.

— Бу ахир отамларнинг отини боласи-да. Ўзи ўрганганд жой.

Ҳисобчимиз миниб юарди. Сизга берибди-да.

— Ҳа, у кишининг мотоцикллари бор экан.

Қиз мулозамат билан:

— Ичкари киринг, меҳмон, – дея йигитнинг қўлидан отнинг жиловини олди.

Йигит ийманибгина ичкари кирди. Ўртага фонус осиб қўйилган, бир четда ўн ёшлар чамаси бола ухлаб ётарди. Унинг тепасида қўшотар милтиқ осиғлиқ турарди.

– Қани, бу ёққа ўтиринг, – дея хонтахта ёнига тўшалган қуроқ кўрпачани кўрсатди уйга кириб келган қиз.

– Раҳмат, сизни ҳам ташвишга қўйдим.

– Ҳечқиси йўқ, – қиз дастурхон ёзиб, йигитнинг олдига бир коса муздек айрон келтириб қўйди, – олинг, ичиб туринг, ҳозир овқат иситиб келаман.

– Йўқ, овора бўлманг. Менга йўлни кўрсатиб қўйсангиз бас, фермага кетаётгандим.

– Ҳали-замон отamlар ҳам келиб қоладилар. Шундай зимиштонда қаёққа ҳам борардингиз.

– Отангиз чўпоннимилар?

– Ҳа. Қўй-қўзиларни боқадилар. Ярим кечада келадилар.

Йигит бир оз ўйланиб турди-да:

– Онангиз кўринмайдилар, отангиз билан чўпонлик қиладиларми? – деб сўради.

Қиз ялт этиб йигитга қаради. Кўзлари намланди.

– Йўқ. Илон заҳридан нобуд бўлганлар. Қабрлари шу ерда. Отamlар онамларнинг қабрини ташлаб кетолмадилар.

Йигит ўзининг бемаврид саволидан бошини ҳам қилди. Шу вақт ташқаридан отнинг депсиниши, қўйларнинг маъраши, итнинг ҳуриши эшитилди.

– Отamlар келдилар, – қиз ўрнидан туриб ташқарига йўл олди-ю, лекин эшик олдида отасига тўқнаш келди. Қизнинг отаси қоп-қора соқоли кўксига тушган, йўл-йўл матодан яктак ки-йиб, белини қийикча билан боғлаб олган яғриндор кипши экан.

Юнус ўрнидан туриб салом берди.

– Ваалайкум ассалом. Хуш келибсиз, – деб омонлашди Маҳкам ота, кейин қизига ўгирилиб, – Дилдора, меҳмонга овқат қўйдингми? – деб сўради.

Йигит қизнинг исми жисмига монанд эканлигини кўриб, лол қолди ва қизнинг нима деб жавоб берганини ҳам англа-мади.

– Ҳа, сени қара-я. Тезроқ келтира қол бўлмаса, қизим, – сўнг қария меҳмон йигитнинг рўпарасига чўқди, – хўш, дўхтир, зерикмаяпсизми? Кўнишиб қолдингизми?

– Анча кўнишиб қолдиму, аммо ҳалиям йўллардан адашяпман.

– Эй дүхтир, отингиз сизни адаштиrmайди. Чўлнинг ҳамма бурчагидан сизни шу уйга, уйдан фермага олиб боради.

– Ҳа. От ювошгина экан. Ҳисобчи бекорга бермайман демаган экан. Ютуришда ҳам олдига тушадигани йўқ экан, шекилли.

– Нимасини айтасиз. Ҳисобчи кўпкарига бориб турарди. Ҳисобчи ўша «тириллоқ»ини ҳам кўпкарида ютган, шу боисдан бирорга ишонмайди.

Дилдора овқат олиб келди.

– Қани, олинг, овқатдан тортиниш ярамайди.

– Ота, қаерда ётасизлар?

– Ташқаридаги каравотга жой сола қол, қизим.

Қиз жой тузаш учун ташқарига чиқиб кетди. Майин шабада эсар, тубсиз осмонда ёкут юлдузлар милтилларди.

– Бу шабадани шаҳарда сотиб ҳам ололмайсиз, қаранг, қандай яхши. Атроф ҳам сокин. Бир марта шаҳарга тушганимда машиналарнинг вағир-вугурига ухломай, саҳарлаб туриб, чўлга қайтгандим.

– Кимга қандай. Бизлар ўша шовқин-суронсиз яшай олмаймиз. Ҳаётлигимизни ҳам ўшалар орқали ҳис этамиш. Кўникиб кетганимиз. Чўлга келганимдан бери ҳаётнинг оқимидан ажралиб қолиб, саҳрода адашиб қолган саиёҳдекман.

– Ҳечқиси йўқ. Ўрганиб кетасиз. Ҳали шаҳарга кетгингиз ҳам келмай қолади. Ҳа, майли, дам олайлик. Эрталаб барвақт туриш керак.

Улар қиз солиб қўйган ўринларга чиқиб ётиди.

Юнус эрталаб уйғонганида каравотда бир ўзи ётарди. Қуёш анча юқориляб қолган. Қиз билан укаси қудуқдан сув тортиб гул жўякларига қўйишарди. Кеча қизга унчалик разм солмаган экан. Тақимиға тушган майда ўрилган соchlари, сутта чайилгандек тиниқ чеҳраси, қоп-қора қош-киприклиари қарамаганни ҳам ўзига қаратади. Қиз йигитнинг турганини кўриб чеълакдаги сувни унинг олдига олиб қелди-да:

– Ювиниб ола қолинг, қуйиб тураман, – қиз шундай деб чеълакдаги сувдан офтобани тўлдириди.

– Йўқ-йўқ, овора бўлманг, ўзим, – қиз индамай офтобани ерга қўйиб, сочиқ олиб чиққани ичкарига йўналди.

Юнус артина туриб:

– Дашибу биёбонда гулзор қилиб зал иш қилибсиз-да, – деди.

Йигит қудуқ бўйига борди. Беш туп атиргул яшиаб турар, очилган бир дона қип-қизил гул уларга ёпишириб қўйилган холга ўшарди.

– Қачон эккансыз?

– Бултур, күчтегелерни отам билан шаҳардан олиб келгандик. Бу илк нишонаси. Чўлда очилган биринчи гул. Олдинига фунчалари очилмасдан тушшиб кетаверди. Ҳар куни сув қуйиб тургани миздан кейин, анча ўзини тутиб олди. Мана, очилди ҳам. Отамлар эрталаб кўриб роса севиндилар. Ҳов авави олмани онам парвариши қилгандилар, – шундай дея қиз қудуқнинг нариги томонидаги олма дараҳтини кўрсатди, – ёнидаги ўрикчаларни мен данагидан ундиридим.

Олма шохлари ҳосилининг кўплигидан ерга бош эгиб туарди. Ёнидаги ўриклар одам бўйи бўлиб қолганди.

– Чўлда жаннат барпо қилмоқчига ўхшайсиз-ку.

– Шуларга овуниб, зерикмайман. Бўш қолдим дегунча, қудуқдан сув тортиб қулман. Баъзида кунинг икки мартараб ҳам қуяман.

– Биринчи очилган гулингиз кимга аталган? – деб сўради йигит қувлик билан, – менга бермайсизми?

– Эгаси ўзимман, – деди қиз хаёлчан, сўнг қип-қизил очилиб турган гул олдига бориб, туриб қолди. – Мехмон отангдан улуг, сўзингиз ерда қолмасин, марҳамат.

Қиз шундай деб гулни амайлаб узиб олиб, йигитга тутди.

– Гулингиз ҳам ўзингиздек чиройли экан.

– Вой, қизиқ экансиз-ку, – қиз ўнғайсизланиб укасига қарди. Укаси қудуқ бошида уларга қараганча жим туарди.

– Укангиз бизни гаплашаётганимизни лентага ёзаётганга ўхшайди. Отангизга чақиб бермасин тағин.

– Укам онам ўлгач, йиглайвериб овсар бўлиб қолган. Қани эди гапирса, чақиб берса ҳам майлийди. Қилмаган дори-дармонимиз, кўрсатмаган докторимиз қолмади. Асталик билан ўзига келади, дейишлатти. Отам бу йил Тошкентта обормоқчилар.

– Албатта тузалиб кетади. Кўп куйинаверманг. Майти бўлмаса, мен борай, гулингизни кўз қорашибимдек асрайман.

Қиз унинг нимага шама қилаётганинни энди сезди, сезди-ю, қип-қизарип кетди.

– Хайр бўлмаса. Мехмондўстилигинги учун раҳмат.

– Келиб туринг.

– Албатта келаман, – йигит отига қамчи босди.

Фермага келганда ферма мудири Юнусни кутиб турган экан.

– Кечакелмадингиз, хавотир олиб роса ахтардик. Маҳкам aka эрталаб келиб айтмагандан яна қидириб чиқардик.

— Ҳа, тунда адашиб қолдим. Яхшиям от Маңкам аканинг уйини биларкан.

— Сизга чүл маликасини күрсатмоқчи бўлганда, — кулиб давом этди ферма мудири, — бу қызга йигитларимизнинг ошиқ бўлмагани қолмаган. Ҳеч кимга кўнгил розилигини бермаяпти. Ҳали ёш-да, ўзи бор-йўғи ўн саккизга тўлди. Бечора қиз онаси қазо қилгач, жудаъам синиқиб қолди.

— Онаси қачон қазо қилган?

— Ўтган йил. Бизнинг яйловда ўшаларнинг оиласидан тотув хонадон йўқ эди. Онаси ўлди-ю, қизнинг қадди букилди. Укаси овсар бўлиб қолди. Ташлаб кетолмайди. Эҳ-е, Дилдор шундай шўх здики, унинг ҳуснига эмас, кўнғироқ кулгисига ошиқ бўлишарди. Нима бўлса ҳам баҳти очилсин. Ҳўш, энди бугунги қипадиган ишга кўчайлик, ука. Бугун қолган отарларга ҳам обориб таништираман. Ундан кейин ўзингиз яхшилаб танишиб олаверасиз. Зоотехникимиз шу баҳона озроқ дам олиб келсин. Унинг ўрнида вақтинча сиз қоласиз. Энди тамадди қилиб олайлик, — ферма мудири очиқ деразадан бошини чиқарди. — Муқим ота, чойингиз қайнаган бўлса олиб келинг.

Ташқаридан отакинг:

— Олиб боробман, — деган овози эшитилди. Бирпасдан кейин чойнак-тиёла кўтариб Муқим бобо кириб келди, — озроқ шўрва илитиб келайми?

— Майлиз, — деди Хидир ака.

Улар овқатланиб бўлишгач, икки отга миниб йўлга чиқишиди. Атроф баланд-паст қирлар билан ўралган. Қирларнинг юқорисидаги ўт-ўланлар қовжираб қолган, аммо пастликлардаги ўт-ўланлар ҳали кўм-кўк турарди.

— Ука, сўръамоқнинг айби йўқ. Ота-онангиз нима иш қилишади? — тўсатдан сўраб қолди ферма мудири.

— Онам помсида, отамлар қазо қилганлар, — деди Юнус ютиниб.

Анча жойгача жим борищди.

— Ука, ўзингиз хоҳлаб танладингизми бу касбни? Ҳозирги ёшларнинг кўпич шаҳарга қочиб кетялти.

— Ўзим хоҳлаб киргандим.

— Ҳозир пушаймон қилмаяпсизми?

Юнус бир оз ўйланиб жавоб берди:

— Тўғрисини айтсан, минг бир пушаймондаман. Ўшанда романтиклик қилиб қўйган эканман. Бундай чўлларда юриш етти

ухлаб тушимга ҳам кирмаганди-да. Колхоз идорасида ўтириб ишласам керак, деб ўйлаганман-да.

– Марказда турасизларми?

– Шаҳар марказидан атиги уч километр.

– Унда нега практикангижни шаҳарга яқинроқ колхозга ола қолмадингиз?

– Бошқа жойларни ҳам кўриб қўяй девдим-да. Диплом ишим ҳам сизларда етишириладиган сур терилар бўйича.

– Ҳа, биз олаётган сур терилар машҳур, Москвадан ҳам бир олим келиб қизиқдан эди. Иссикқа чидолмай кетиб қолди. Ерларимиз қўмлоқ-да, шу боисдан кечалари ҳам илиқ бўлади. Сув бўлса, ҳамма нарса унади. Афсус, сув йўқ. Қудуқларнинг чукурлиги ўтгиз метргача бор. Ҳозир аввалгидек қудуқдан сув тортиб суформаймиз. Олтита артезиан ишлаб турибди. Сув ташийдиган иккита машинамиз ҳам бор.

Улар сұхбатлашиб яна анча юришди. Үзоқдан қўйлар кўринди.

– Равшан бобонинг отари. Давлат нишондори, тажрибали чўпон. Ёшлари ҳам тўқсоидан тошган. Ҳазил-мутойибага суючи йўқ.

Чўпоннинг олдига бориб отдан тушишди.

– Ҳорманг, ота!

– Саломат бўл «пирма», эсон-омон келдингми? Ёнингдаги ким?

– Вақтинчалик зоотехнигимиз.

– Нима қилиб бу ерларда адашиб юрибсан, ўғлим? Мазза қилиб қизлар билан «гулат» қилиб юрмайсанми шаҳарда.

– Практикага келган, ота, – деди Хидир ака, – икки ой биз билан бирга бўлади.

– Икки ойми, икки йил бўладими, барибир. Аммо қизларимизга кўз олайтирумасин.

– Ҳали ҳам қизларимизни қизғанасиз-а, – кулиб ҳазил қилди ферма мудири.

– Гап унда эмас, қизларимиз бегона бўлмасин дейман-да.

Юнус кулиб индамади.

– Ишлар қалай, ота, ишдан гапиринг?

– Ишлар ҳамишагидай. Қимизимиз бор, ичасизларми?

– Йўқ демасдик, – деди мудир.

Равшан бобо хуржунининг кўзидан кўзасини олиб узатди.

– Олинглар. Кўп ичиб валдираб юрманглар тағин, – деб Юнусга бир-икки назар ташлади, – хафа бўлма, ўғлим, ҳазил.

Менга деса фермадаги қизларнинг ҳаммасини олиб кетмайсанми. Тез-тез келиб тур. Фақат менга сунъий урчитишдан гапирма. Шундай ҳам асл наслдорлари йўқолиб кетяпти? Соатларинг неча бўлди?

– Бирдаи ўтди.

– Ие, намозим қазо бўлай депти-ку.

– Ўқимасангиз жаннатга қўймайдими? – деди Хидир ака.

– Уни билмадим. Мен етти ёшимдан бери ўқийман. Ўрганиб қолганман. Отам ўргатган, шу-шу канда қилмайман.

Улар кечгача қирма-қир юриб, отарлардан хабар олишди. Юнус чўпонлар билан танишди. Умуман, бугунги ишдан хурсанд бўлди. Ферма мудири қўшни фермага кетди. Яйловдан ўзи қайтадиган бўлди. Шуниси ҳам яхши. Хоҳлаганча хаёл суради. Қизиқ, Равшан бобо нега наслдор зотлар йўқолиб кетяпти, деди. Бобо билан яна бир мириқиб сұҳбатлашиш керак экан, дея кўнглидан ўтказди зоотехник йигит. Бирдан яна кўз олдига Дилдор келди.

«Чиройли, қандай чиройли, сўзлари ҳам губорсиз, содда. Чақмоқдай кийинтирилса борми! Нақ фариштанинг ўзи бўлади. Бунинг устига юмшоқ кўнгил». Йигит шундай хаёллар оғушида Дилдорларнинг уйига келиб қолганини ҳам созмай қолди. Бўрибосар ит вовуллаб югуриб келди-да, уни таниб ҳовридан тушиб орқасига қайтди. Йигит отнинг бошини ферма томонга бурди. От тисарилди.

– Барибир, бирпас тўхтамаса, юрмайди. Овора бўлманг.

Юнус орқасига ўгирилди. Кўзи кудуқ бошидаги дарахт соясида кашта тикиб ўтирган Дилдорнинг кулиб турган чеҳрасига тушди.

– Яхшимисиз, Дилдор? Бу дейман, жонивор сизни бир зиёрат қилмаса, кўнгли жойига тушмайди шекилли, – деб ўзича ҳазил қилган бўлди қизга.

– Саломалайкум. Зерикмай юрибсизларми? Ҳа, отдан содик дўст бўлмайди, деб бекорга айтишмаган-ку.

Юнус қизнинг имлоқдор гапига жавоб тополмай, лол бўлиб қолди, ҳаяжонланганидан томоги қақраб кетди-да:

– Юрагим куйиб кетди, муздеккина яхнангиз йўқми? – деди.

Қиз индамай уйга кириб кетди-да, сопол косада айрон кўтариб чиқди.

– Марҳамат! – Йигит қизнинг қўлларини ҳам косага қўшиб ушлади. Қиз чўчиб қўлларини тортиб олди.

Қизнинг қош-қовоғи уйилди.

– Менга бунақа қилиқларингизни құлманг. Мен сизни фақат меҳмон сифатида ҳурмат қылғапман. Мен унаштирилғанман, – Дилдор ўзининг түқиган ёлғонидан қизариб, ерга қаради.

– Қачон унаштирилғансиз? – сүради йигит.

– Бешикдалигимда.

Юнус қизнинг галига кулиб юборди.

– Кимга унаштиришган? Мен танийманмый?

– Уни бу овулда танимаган одам йўқ. Ҳали-замон таниб қоларсиз.

– Мени кечиринг.

Шу кундан бошлаб йигит Дилдорни күрганда ўзини сипо тутар, унинг саломига қисқа жавоб береб үтиб кетарди. Лекин Дилдорнинг чарос кўзи, қалин қоши, ширмон юзи унинг кўз ўнгидан нари кетмасди. Қиласар ишини билмай ҳовуз атрофидаги толлар соясида чалқанча ётиб, хаёл суришга одатланди. Бугун бу машғулотидан ҳам зерикиб, ўрнидан туриб, отни эгарлади. Муқим буванинг:

– Ҳой бола, кун жазавасида қаёққа борасан? Қўй, эрта тонгда айланиб келарсан. Чой қайнади. Ҳозир обораман. Бир мазза қилиб чойхўрлик қиласиз, – дейиншига ҳам қарамай:

– Йўқ, бир айланиб келамай. Жуда сикилиб кетячман, – деди.

– Майли, болам. Ўзинг биласан, – Муқим бува оғилхонага кириб кетди.

Юнус отни қамчилаганча отарлар томон кетди. Отарларни айланиб бўлиб, охири Маҳкам бобонинг отари қолганда иккилануб қолди.

«Нега энди мен уни яхши кўришим мумкин эмас? Бешикдалигида унаштирилған бўлса, бордир. Ким билади, балки синамоқ учун менга шундай дегандир. Бориб, қиздан дангалига, тўғрисини айтинг, ким у баҳтли йигит, деб сўраса-чи? «Нима ишининг бор?» деса нима қиласац. Нима, мен уларнинг орасини бузиш учун келдимми. Ҳар қалай, ўзимнинг Ферузам бор-ку. Нега энди Ферузам бўларкан, у севадими? Билмайман. Севиш – севилиш...»

Юнус ҳардамхәллик билан отини қамчилаганча, Равшан бобонинг отари томон бурилди.

У отарга яқинлашганда чанқовузнинг ҳоргин садосини зиптиди. Қўй-қўзилар ёйилиб ўтлаб юришар, Равшан бобо бир меъсрда чанқовузда куй чаларди.

Йигит отини тушовлаб қўйди-да, сёкин бориб чолнинг ёнига ўтирди. Чол бир оздан кейин чанқовуз чалишни бас қилиб, Юнусга қаради.

– Хуш келибсан, ўғлим? Қайси шамол учирди?
– Хушвақт бўлинг, ота? Сизни кўриб, суҳбатингизни олгим келди.

– Яхши қилибсан. Зерикиб ўтиргандим. Аммо мени суҳбатим нимага керак бўлиб қолди?

– Бобо, болаларингиз борми? – дабдурустдан сўради Юнус.

– Бор, икки ўғлим, уч қизим бор. Кенжা күёвим чўлиғим бўлади. Сен келишингдан сал илгари рўзгорингдан хабар олиб кел, деб жўннатгандим. Ўғилларим сал бебурд чиқди. Кўлимдан чўпон таёғимни олишмади. Шаҳарда туриб қолиши. Тез-тез келиб туришса ҳам майлийди-я. Илига бир келишса-да, дарров кетамдан келишади. Меҳр йўқ, худди меҳмонга ўхшашади. Билмадим, ўлаётганимда тепамда бўлишадими, йўқми? – Равшан бобо оғир нафас олди. – Майли, қаерда бўлишса ҳам бошлари омон бўлсин! Ўша куни ҳам чўлда нима қилиб юрибсан деб, шунинг учун айтгандим. Ҳафа бўлма!

– Сиздан ҳеч ҳам хафа эмасман. Ўша куни наслдор қўйларимиз йўқолиб боряпти, дегандингиз...

– Биласанми, ўғлим. Мен бу чўлда олтмиш йилдан бери қўй боқаман. Озиб-ёзиб бир бетоб бўлиб қолгандим. Ўшанда қандайдир дўхтирилар келиб қўйларга кўп кўзилайдиган укол қилишибди. Ўша йили кўрдим, ёниб турадиган сур терилти кўзиллар ўрнига қалғдаги мушук боласидек бўлмагур қўзилар олдик. Жаҳл устида «Пирма»ни ҳам сўқдим. Сўкингган билан иш битармиди, бўлар иш бўлиб бўлганди. Ўшандан бери укол-чукол қилдирмаятман. Барибир, илгаригидек сур терилар тушмаяпти. Мутахассис олим ҳам ачинди. Начора. Яна бир-икки йилда ўзига қайтади, деди. «Пирма»га ҳам бошқа сунъий қочирмасликни маслаҳат қилиди. Ақл-фаросатли одам экан, – деди чол.

Юнус ўлланиб қолди. Тўғри, бир қўзи ўрнига уч-тўрт қўзи олиш мумкин. Аммо уларнинг нечтаси яшаб қолади, олинган териларнинг сифати ҳам ҳалигиндай бўлади.

– Ўғлим, нималарни ўйлаб қолдинг, – унинг хаёлини бўлди Равшан бобо.

– Менга бундан уч йил бурун ва шу йил олинган сур терингиздан биттадан топиб беролмайсизми?

- Топиб бераман, нега керак зди?
 - Бир текшириб күрардим. Қайси биридан даромад күпроқ келишини.
 - Үғлим, шундай ҳам ҳамма чўпонлар билади. Бир асл сур терига бешта қоракўл тўғри келади.
 - Шундай бўлса-да, сунъий қочиришни тавсия қилган олим ҳам бирон нарсани билиб тақдим қилгандир.
 - Қизиқ экансан, болам. Балки ўша олим хато қилгандир. Замонлар ўзгааркан, уларни ҳамма ишлари ҳам ҳамиша тўғри келавермайди.
 - Ҳар қалай, бу ишни илмий асослашга тўғри келади. Асослашга бир уриниб кўрмоқчиман.
 - Савоб иш қилган бўлардинг. Юрагим шундай ҳам сезиб турибди. Ўша кўп қўзилатишни ўйлаб топган олим кўп нарсани эсдан чиқарган, шошган. Ахир, укол билан кўп қўзи олиш ҳатто гўштнинг таъмини ҳам бузади-ку.
 - Майли, отахон, албатта бу ишни охирига етказишга уриниб кўраман. Терига қачон келай?
 - Эртага ўзим олиб бораман. Омон бўл!
- Юнус чолнинг илиқ суҳбатидан тетик тортиб, Балхи чўл бўйлаб фермага қайтди. Дилдорларнинг уйига яқин келганда, юраги гупиллаб уриб кетди.
- «Мен ўзимни Феруза билан овунтироқчи бўляпману, лекин юрагим Дилдорга талпиняшти. Балким, у билан самимий дўст бўлгандирмиз. Балки буни ўзимча севги деб юргандирман. Лекин ҳақиқий севги, севиб-севилиш лаззати бошқача бўларкан. Наҳот, Дилдор унаштирилганини севса. Бўлмаса бунчалик жиғибийрон бўлмасди. Яна билмадим». Юнус мана шундай хаёллар гирдобида Дилдорларникiga кириб борди.
- Дилдор йигитга пешвоз чиқиб, ҳимо билан салом берди:
- Ассалому алайкум, Юнус ака.
 - Яхшимисиз, синглим, эсон-омон ўтирибсизларми?
 - Раҳмат, – қиз Юнусга қаради. – Ўзингизнинг соғлигингиз қалай? Жуда чарчаган кўринасиз?
 - Сизга шундай туюлгандир, – деди-да, негадир шошқалоқлик билан чўнтагидан қофозга ўроғлиқ бир нарсани олиб, қизга узатди.
 - Бу нима?
 - Гулингиз. Этасига буюрсин!

– Мен уни сизга бергандим. Нима қилсангиз, ўзингиз биласиз.

– Мен бу гулга арзимайман.

– Кўйсангиз-чи, қовжираган гулни бошимга ураманми. Отиб юборинг, ана, гулларим яна очилди, – деди-ю, юрагининг аллақаери жиз эттанини қизнинг ўзи ҳам сөзмай қолди. Чунки қизнинг ширин туйгуларига Юнус ҳамроҳ-ҳамоҳанг бўлаётганди. «Мана, гулингиз, дегандан кўра, қамчилаб ургани афзалроқ эди. У Юнус учун ҳамма нарсага тайёр турса-ю, Юнус бўлса, мана гулингиз, эгасига буюрсин, деса».

– Бу табиат қонуни.

– Табиат қонунини билибсизу, қиз қалбини билмас экансиз, – Дилдор шундай деди-ю, юргранча уйга кириб кетди.

Йигит нима қиларини билмай, ферма томон отини йўрғалатди.

Ярим йўлга етганда уч отлиқ йигит унинг йўлини тўсиб чиқиши.

– Ҳой дўстим, бир сиз билан гаплашиб олмоқчийдик.

Юнус улар қарписида тўхтади. Қарписида Маҳкам аканинг чўлиғи Мурод ва унинг икки дўсти турар эди.

– Биласанми, шаҳарлик дўстим, чўл кишилари мол сўявериб кўзи пишиб кетган. Мабодо сени шу ерда гумдом қилиб кетсан, жасадингни ҳам топишолмайди, бирпаста қузғунлар тинчтади. Қара, тепамизда айланишяпти.

Юнус осмонга қараган эди, қанот қоқиб ўлжа ахтараётган бургутларни кўрди.

– Ҳар қалай, ерда қолмас эканман, аммо ниятларингни тушуммадим.

– Яхшигина тушуниб турибсан, ўзингни гўлликка солма.

– Нима истайсизлар? Шаҳарлик дейсизлар, шаҳарлик бўлсам нима бўпти, қишлоқлик бошқа дунё одамими?

– Оғайнни, фалсафангни бошқа жойда ўқийсан, – деди Мурод. – Нега Дилдорнинг бошини айлантиряпсан. Уни мен яхши кўраман, билдингми. Яхшилаб уқиб ол! Иккинчи унинг олдига борсанг, мендан кўрарингни кўрасан.

– Бор гап шуми?

– Шу.

Юнус фермага қош қорайганда етиб келди. Одамлар уй-уйига кетиб бўлишган. Муқим ота оғилхонадаги отларга ем бериб юради. Юнусни кўриб қопни бир четга қўйиб олдига келди.

— Қаёқларда юрибсиз, ўғлим. Сизни «перма» роса қидирди. Тополмай, ўзи колхоз марказига кетди.

Чолнинг гаплари Юнуснинг қулоғига кирмасди. Ҳонасига кириб ётди. Уйқуси келмади, ташқарига чиқди, кеча сутдек ойдин, атроф сокин. Сокинликни итларнинг ҳуришигина бузиб турарди.

Юнус ҳонасига қайтиб кириб яна ётди. Кўз ўнгида Дилдор гавдаланди: «Гўл экансиз». Ҳақиқатан ҳам гўл экансан. У севади. Ҳа, Дилдор унинг олдиндаги истиқболи, қаноти бўлади. Севмаса, кўриши билан қувониб кетмайди-ку. Ҳалиги йигитларнинг чиранниши Дилдорнинг битта жилмайиши олдида нима деган гап. Шундай ширин ўйлар замирида ухлаб қолди.

Эрта тонгда Ҳидир ака ўйғотиб қолди.

— Юнусжон, ҳой Юнусжон, туриңг!

— Кечирасиз, ухлаб қолибман.

— Кечирилмайдиган гуноҳ иш қилганингиз йўқ. Бугун кечқурун кино келаркан, — у худди ёш боладек қувонарди. — Чўпонларни хабардор қилиш керак. Отарларни фермага яқинроқ кўтонларга қамаб келишсин. Бир мириқиб кино кўришсин. Ўзиям ҳинд киносини юборишга ваъда берди раис. Тезроқ чойни ичиб, йўлга тушинг.

Юнус наридан-бери нонушта қилди-да, отини елдирганча дастлаб Дилдор томон учди. Ҳар галгидек баргларида шабнам шудринглар йилтираб турган гулзор бўйида учратди уни.

— Салом, Дилдор.

Қиз унга қаради.

— Келинг. Эрталабдан қувончингиз чексиз?

— Суюнчига келдим. Очилган гулингизни менга берсангиз айтаман.

— Нега энди фақат гулберишим керак.

— Ўшанда гулингиз ҳидига тўёлмаган эканман. Биласизми, бугун фермада ҳинд киноси қўйиларкан.

— Ростдан-а, — қиз қувонч тўла кўзларини йигитга тикди. Кинонинг келишидан Юнуснинг ҳам чўл кишилари каби қувончи чексиз эди. Бир ойдан бери кино ёки театр кўрмаслик, ўрганмаган киши учун ҳазил гап эмасди.

Отнинг туёқ овозлари уларнинг гапини бўлди.

— Мурод-ку. Кета қолинг.

— Нега энди кетарканман. Үндан қўрқасизми ёки севасизми?

Унаштирилганингиз ёлғон экан-ку!

– Мұдаббат бозорга солынмаса керак. Мен фақат бир киши ни севаман. Фақат уни змас. Хонадонимизда жаңжал бўлишидан қўрқаман. Ҳали устимдаги азалик либосимни ташлаганим йўқ, – Дилдор гапини тутатишга ҳам улгурмади. Кўзлари қонга тўлган Мурод уларниң қаршисида тўхтади.

– Мен сенга айтгандим-а, оқибати ёмон бўлади деб. Яна келибсан-да.

– Келдим. Ўзинг иега келасан! Ахир, у сени севмайди-ку. Зўрлаб олганинг билан турмуш турмуш бўлармиди?!

– Айтгандим-ку, фалсафангни бошқа жойда ўқийсан деб, – Мурод Юнусга ташланди.

– Мурод! Мурод ака! Мен сизга икки дунёда ҳам турмушга чиқмайман.

Мурод унга қаради.

– Пес ёки мохоммами?! Мана бунинг мендан қаери ортиқ, айт.

– Сиз билан бирга ўсдим. Сизни ҳамиша акам деб, ўзимни овутиб, сиз билан фахрланиб юардим, қачон ака сингилга уйланган, айтинг! Ўзингиз ҳам менингни дәмасмидингиз. Шуми, сиздаги ақаллик эътиқоди. Амаллари сизни қанчалик ҳурмат қиласардим. Менга уйланаман деганингиздан кейин-чи?.. Сизни кўрсам, аэроплани кўргандай бўлаверарман. Тутингган – тутигандан афзал бўлади, дейишарди ота-боболари-миз. Лекин сиз акси бўлиб чиқдингиз!

Юнус Дилдорнииг қалбида яшириниб ётган бу гаплардан бехабар эди. Уни шундай гапларни тўкиб солади, деб ўйламаганди. Дилдор шу гапларни гапиришга галирди-ю, ўзи йиглаб юборди. Укаси келиб анор юзларидан томчилаетган кўз ёшлиарни якташининг учи билан арта туриб, эсноқ туттандек оғзини катта очди.

– Бў-улди, о-о-опа, – деди чайнала-чайнала.

– Укажон, укажонгинам, сенинг ҳам гапирав кунинг бор эканку. Менинг кўз ёшлиаримга раҳминг келдими? Илгарироқ шу кун бўлса бўлмасмиди, – деб укасини қучиб ўпа кетди Дилдор.

Ҳарсиллаб нафас олиб турган Мурод ҳам нима қилишини билмай туриб қолди.

– Юринг, кетамиз, – деб отини сўқмоқ йўл томонга бурди. Унга Юнус ҳам зргашди. Сўқмоқ йўлдан юриб, анчагача жим боришиди. Йўлни кесиб, уларни Муроднинг дўстлари тўхтатди.

– Яна борган эканми?..

– Унга тегманлар! Яхшиси, бизни холи қўйинглар.

– ... Нима, зўр чиқдими? Уялмайсанми? – деб ўртогига сб қўйгудек бўлиб қарашибди йигитлар.

– Яна бирон нарса дейдиган бўлсанг, тилингни суураман!

– ... Эй, билганингни қилмайсанми, ҳезалак...

Мурод бу ҳақоратни эшитмагандек, индамай тураверди.

Узоқ жимликдан сўнг Мурод гап бошлиди:

– Майли, сен билан ҳам оқибатли ўртоқ бўлиб қолай. Шуни билиб қўй. Уни бадном қилишни ўйлай кўрма! Ернинг остига беркинсанг ҳам топиб оламан. Бахтли бўлинглар. Ота-боболаримиздан қолган одат – меҳмон отангдан улуғ. Доим улуғ бўлиб юргин.

Юнус унинг чўккан кўнглини нима билан кўтаришни билмай, меҳр билан тикилиб турарди...

Дилдор Юнус билан турмуш қурганига ҳам бир ойлар бўлиб қолган. Кенгликка ўрганган чўл қизи шаҳардаги тор ҳовлида ўзини қафасга тушган тўтидек ҳис этар эди.

Юнусга ҳам қийин бўлди. Дилдорнинг рангига қараб, унинг ҳам кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Дилдор бўлса ўша чеки йўқ кенгликни, отаси билан укасини, қўй-қўзиларни, гулларини эслар, улардан кўнгил узолмасди.

Юнус китоб-дафтарини йигиштириб, маъюсгина хаёл суриб ўтирган Дилдорнинг ёнига келиб ўтирди.

– Қўй, кўп ҳам хаёл сураверма. Ёки мендан хафамисан ёки онам бирон оғирроқ гапирдиларми, айт, нега маъюссан?

– Нималар деяпсиз. Ойимлар жуда меҳрибонларку-я, аммо билмадим, ҳадеб кўз олдимга отам, укам, гулзор келаверади. Шунча ўйламайман десам ҳам, барибир кўз олдимдан кетишмайди. Соғ-саломат юрган бўлишса бас.

– Ахир, кечагина хат келди-ку. Ҳаммалари яхши экан-ку. Юр, яхшиси, кинога борамиз.

– Йўқ, боролмайман. Ойимлар бугун кир ювмоқчи эдилар. Бир оз ёрдамлашаман.

Эшик тақиилаб, Юнуснинг онаси Ойдин опа кириб қолди.

– Юринглар, чой дамладим.

Улар олдинма-кейин ойисининг орқасидан чиқишиди. Дилдор пойгакка ўтираётганди:

– Келин, ёнимга ўтиринг, – деб она Дилдорни ёнига ўтқазди. Ойдин опа Дилдорни гоҳ келин, гоҳ қизим деб қўярга жой тополмасди. –

Қизим, бунча тортинчоқ бўлманг. Бу уй энди сенини. Ҳечам тортинма. Агар Юнус бирон нарса деса, менга айт.

– Йўқ, Юнус акамла ёмон галирмайдила.

– Унда чойга қаранглар. Биламан, ўзим ҳам келин бўлганман, янги рўзғорга кўниколмай анча қийналганман. Ҳали замон ўрганиб кетасан. Биз аёлларнинг қисматимиз шу. Ота-она меҳрига тўёлмай, уларнинг бағридан чиқиб кетамиз. Кейин эса меҳмонга ўхшаб ҳар замонда бориб келамиз, холос. Лекин сен келин эмас, қизимсан.

Қайнонаси шундай қизни келин қилганидан боши осмонда, кувончининг чеки йўқ эди.

Чой ичиб бўлишгач:

– Юнус, келинни бир шаҳар айлантириб кел. Уйда ўтиравериб, юраги сиқилиб кетди, – деди.

– Ҳов у кунгина чиқувдим, – деди Дилдор.

– Майли, қизим, бора қол. Ешиликда кўрган, айланган қолади?

– Юнус акамла яхшиси дипломларини ёза қолсинлар, мен сизга қараашаман.

Дилдорнинг қалби икки ўт орасида қовуриларди. Шундай меҳрибон кишилардан ажralиш, ота, ука бағрига бориш, иккаласидан ҳам кечолмасди. У бугун-эрта кетаман дерди-ю, кетолмасди. Буларни қандай ташлаб кетаман. Ташлаб кетмасам, умримни шу кичкинагина ҳовлида қандай ўтказаман. Йўқ, тезроқ биттасини танлашим лозим. Гулларим ҳам қовжираб қолгандир. Укам бечора нима қилаётганийкин? Ҳар куни йўлимга кўз тикиб, қудуқ бошида йиглаб ўтирган бўлса керак. Отам-чи, отам шўрлик-чи? Кирини ҳам ўзи ювиб, овқатини ўзи қилиб сб юргандир. Уларга қийин, ҳа, жуда қийин. Отам бечора ўзини олдириб қўяди. Нималар деяпман. Буларга осонми? Йўқ! Мени шунчалик яхши кўришса-да, мен кетиб қолсам, ҳўни-қўшниларнинг юзига қандай қарашибади. Нима деган одам бўлишади. Шуларни ўшанда ўйлаб кўрсам бўлмасмиди. Муҳаббат кўзимни кўр қилган экан. Энди нима қиламан. Балки чўлга кўчиб кетармиз.

Кир ювиб туриб қайнонасига қаради.

– Ойи, тор ҳовлида сиқилмайсизми?

– Нимайди? Ўрганиб қолганимиз, қизим.

– Чўлга кетсак-чи, Юнус акамла ўқишлиарини битирсалар.

– Вой қизгинам-эй. Кўнглингни узолмаяпсан-а, қара, газ, олдингда сув, магазинда тайёр нон – ҳамма нарса муҳайё бўлса-ю, шундай жойни ташлаб кетиб бўладими, қизим?

Дилдор бошқа гапирмади. Түғри-да, қишининг кунида тутантириқ ахтаришмайди, нон пиширолмадим деб қайғуришмайди, аммо менга ўша чўлнинг ҳаёти ёқади. Ўзинг ёпган ноннинг таъми, қийналиб чўғ қилиб олинган оловнинг тафтичалик ҳузур қилолмайсан. Бўлди, шундай экан, кетаман. Юнус кўзга яқин йигит, у ўз бахтини топар, кетаман. Бўйимда борлигини билмасдан кетишим керак, билиб қолгудек бўлса, Юнус баттар қийналади. Бўлажак фарзандимиз қизми, ўғилми, у менга Юнусдан ёдгорлик бўлади. Юнусга бўлган меҳримни унга қўяман. Катта бўлгандা, отасини топар. Таҳо унинг муҳаббатига содик ўтганини айтар. Ўшанда менинг гуноҳимдан кечар.

Бу кунни ҳам икки ўтнинг кураши орасида ўтказди. Кунни кеч қилиб ёстиққа бош қўйди.

– Юнус ака, сиз жуда меҳрибонсиз. Сиз билан мен бир умрга бахтиёрман.

– Нега бу гапларни айтгасан?

– Ўзим ҳам билмайман. Сизга нималардир дегим келади. Лекин нима, билмайман.

– Хўл, қазиқсан-да. Эртага институтга обрайми, бир кўриб келасан.

– Ўзингиз бориб келаверинг, мен нима қиласман. Унда сиз зартароқ ухлай қолинг. Куни билан ўқиб-ёзиб чарчадингиз.

– Яқин қолди. Тугатиб олай.

– Кейин қаерда ишлайсиз, чўлга борасизми?

– Институтни ўзида қоласан, дейишяпти. Қолдиришса, зўр иш бўларди-да.

– Чўлга борсангиз бўлмайдими?

– Борсак-ку бўлади. Аммо онамлар-чи, онам бормайдилар-да.

– Хўп майли, ухлай қолинг, – Дилдор қўзи илингунча унга тикилиб ётди...

* * *

– Дилдор, Дилдор, зап туш кўрибман-да, – деб Юнус орқасига ўгирилди. Дилдорнинг жойи бўшлигини кўриб, ташқарига чиққандир, деб анча кутиб ётди. Дилдордан дарак бўлавермагач, ўриидан туриб кийинди. Тўзиган сочларини тараш учун ойна олдига борди. Кўзи ручка бостириб қўйилган хатта тушди-ю, юраги уюшиб, вужудидан совуқ тер чиқиб кетди.

«Мұхаббатим гулы Юнусжон ақа, мени кечириң. Мен сизни жонимдан ҳам ортиқ күрардым. Сизлардан ҳеч күнгілім оғриғашы йүк. Ойимларни ҳам яхши күрардым. Яшаб қалишга күт уриндим. Пекін күнікілмадым. Үша көнгіліктарни, бир парчагина гулзоримни, отамнаң, укамни күріши шаштіең мені тиңи құймады. Мен үшалар-сиз Дилдор эмасман. Үшалар билан Дилорман. Мени излаб борманғ. Ойимни тәнжо ташлаб кеттің. Ойамлар жуда яхшилар. Мени унұтың, мендан хавотирда бүлманғ! Мен бола эмасман, йүлден адайсам. Мен кетдім, кетмасдан шложим ҳам йүк. Менга қараб сиз ҳам, ойнғыз ҳам сиқытшіб кетдіңілар. Бахтты бүлғынғ, бошынғыз дард күрмасын. Ойимга тушуңтырың, көнгілікка ўрганған, баривир яшалмасди, денг. Хайр, омон бүлғонлар. Зияхор-зияхор излаб борманғ, ҳаммамаизга ҳам қанчалик оғири бүлмасын, излаб борманғ, муҳаббатим ұурматың шытымос қыламан.

Хайр муҳаббатим, бахтим, Юнус ақа!

Дилдор...»

ПЬЕСА

ДУНЁ БОЗОРИ

Қатнашувчилар:

Сотим – Элдорнинг отаси.

Элдор – Сотимнинг яккаю ягона ўғли.

Элла – Сотимнинг хотини.

Кундуз – Элдорнинг хотини.

Рахмон – бозор хўжайинининг айғоқчиси.

Эсон – бозор эгаси.

Килич – 1-раста дўкондори (ташқи организмлар).

Кулли – 2-раста дўкондори (ички организмлар).

Толмас – 3-раста дўкондори (онг руҳиятлари).

Жобир – 4-раста дўкондори (одам савдоси).

Сотувчилар (тўртта).

Шортик кийган йигит.

1-қиз

2-қиз – Оқ шимли, сигарета чекаётган қизлар.

3-қиз

1-чол.

2-чол.

Асл.

Кенг дунёниг бир чеккаси. Саҳнанинг бир четида каравот, ундан сал нарида стол-стул. Стулда ўтирган Элдо газета ўқимоқда.

Элдор мақолани овоз чиқарив ўқий бошлиди.

Элдор: Куни кечакинсоний қиёфасини йўқотган бир гурӯҳ жиноятчилар ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати орқали фош этилди. Бу гурӯҳ, кишиларни ўзга сайёрагага жўнатамиш, деб алдаб, уларнинг ички органларини қотиллик йўли билан олиб,

ўзга сайралык саңдарларга пуллаб, бойиш билан шуғулланғайлар...

Элдор ўрнидан туради. Газетанн отиб юборади. Асабий юради. Сүнг бориб каравотта ётади. Тепасида юлдузлар шодаси.

Наҳотки, шунчалик ваҳшайликка боришган. Ерликлар наҳотки ўзларини ўзлари пулга алмаштириб юборышса. Уларни ерлик оналар тұғмаган. Улар иблислар! Наҳотки элдошларининг аъзолари орқали бойишдан ҳазар қилишмаса!?

У чалқанча ётганича ухлолмай, у ёндан-бу ёнига ағдарилади. Хотини ундан сал нарида тинчгина ухлаб ётибди. У даҳшатли туш кўра бошлиайди.

* * *

Қол-қоронғи саҳна, увишлаган шамол овози тиниб, инграган овоз эшигилади. Саҳнанинг ўргаси секин-аста ёритади. Инграб у ёндан-бу ёнга ағдарилган Элдор, сүнг Элдорнинг ёнида ўтирган Сотим кўриниади. Сотим саҳнага қараб ўтирганча ўғлидан нолиди.

Сотим: Ҳой, биродарлар, ўзларинг инсоф билан айтинглар, фарзандни дунёга келтириб, балоғатга етказғунча юрак-багрим қон бўлди-ку. Мана, зазигта юрагимни чанглаб ётибман (Ўғлини кўрсатади). Бу киши хотинлари Қундузга юракларини ваъда қилганишлар, одамлар.

Элдор (ўрнидан туриб асабай юради. Гоҳ бошини, гоҳ юрагини ушигиди): Эй ота, мен биттаман, сизлар иккита, юрагим биттагина бўлса нима қилай, келинингиз билан келишинг.

Қуидуз (югуриб саҳнага чиқиб келади): Менинг юрагим хаста. Мен ҳали ёшман, менга юрак керак (Сотимга қараб, қўлини пахса қиласди). Ҳой, мункиллаган чол, сиз ёшингизни яшаб, ошингизни ошаб бўлгансиз. Етар шунча кайфу сафо сурганингиз. Энди ёшларга йўл беринг.

Сотим: Ҳо, шундайми? Бекорларни бештасини айтибсан. Мен ҳам янги ҳаёт курмоқчиман, севмоқчиман. Шундай гўзал замонда давру даврон сурмоқчиман.

Қуидуз: Унда бошқа юрак олинг. Бозор тўла юрак. Етти яшардан етмиш яшаргача юраклар ачиб-мижғиб ётибди.

Сотим: Уни сотиб олишим керак. Ўғлимники текин-да.

Қуидуз. Темир сандигизда долларингиз мөгорлаб ётибди. Мингта юрак олсангиз ҳам етади.

С о т и м: Улар келажакда керак бўлади. Маблағ бўлмаса келажакда яшаб нима қиласман? Биласан, шу пуллар туфайли ўша гўзал менга тегмоқчи. Фақат юрагимни алмаштиришимни интизорлик билан кутмоқда (*Шунайт Сотимнинг ёстиги тагидаги чўнтақ телефон жириянглайди*. Чол телефонни эриниб олиб, қулогига тутган заҳоти чеҳрасига табассум ёйлиб, яйраб ўрнидан туриб кетади.). Вой, пари-пайкарим, осмондаги юлдузгинам, ҳа, қоматларингдан аканг айлансин (*Ўғли билан келининг телефонни кўрсантиб, «кўрдингми кутялти»*), асалгинам. Ҳа, ҳа, яқин қолди, ҳамма жойим капремонтдан чиқди. Шу битта юрак қолди. Бу проблема ҳам ҳал бўлай, деб турибди. Яхши, тезлата-ман, Лайлло жоним, Мажнунинг бўлай, йўқ Фарҳодинг бўлай, хайр, хайр! Тез кунда дийдорингга етгунча (*Телефонни ёстиги-нинг тагига қўйиб келининг қарайди*). Кўрдингми, келин, баҳтим очилай, деб турганда, қиласстган қилиғингни қара, уят эмасми-а?

Э л д о р: Менга ким юрагини беради. Мен ҳам эндиғина яшаш лаззатини тоталпман. Умримда биринч мартда ишдан ортиб дискотекага бориб роса роҳатландим.

Қ у и д у з: Қизлар билан танишдингизми?

Э л д о р: Улар эринг билан танишди. Вой белларини,вой сөёлларини, бошларини, сузилган кўзларини бир кўрсанг эди. Эсдан ажралишимга бир баҳя қолди. Битта ўрганда, ийқилардим-ов.

Қ у и д у з: Сочи елкасига тушган, бўйи узун, семизгина қора шортиклик йигит ҳам бормиди, кўрдингми, ўйнадими, зўр-а?

Э л д о р: Нима, ҳали сен менинг юрагимни олиб ўша дароз билан кайфу сафо қилмоқчимисан. Мен аҳмоқ, боламга қарасин, деб юрагимни сенга бермоқчи эдим. Бериб бўпман. Иккаланг ҳам ана бозордан бориб олларинг, пулларингта чечак чиқмаган.

Қ у и д у з: Ўпкамни алмаштиришга аранг стади беркиттан пулим. Юракка йўл бўлсин, сизга ишонувдим (*Уввос солиб йиглайди*). Мени севмас экансиз. Мендан муштдек юрагингизни аядингиз. Мен уйдан чиқолмай қолганиман. Ўпкам шишиб, энди нима қилдим, Марикжон, Марик жоним.

Э л д о р: Нафиска, ўпичларингни мазасидан. Ҳар куни борганим бўлсин, жонгинам.

С о т и м: Мен, мен-чи, бекорга ҳамма жойимни ремонт қилдирибман-да. Қанчадан-қанча аъзоларимни ўзгартирдим-а, сенга ишониб. Ўша Нафискачалик мени кўрмайсанми болам?

Э л д о р: Майли, сизларга бир яхшилик қилай...

С о т и м: Хўш, хўш.

К у н д у з: Қани, қани?

Э л д о р: Гап бундай, ота.

С о т и м: Жон ўғлим, лаббай.

Э л д о р: Сандиқни очинг-да, бу чўнтақка минг доллар со-линг (*Кундузга қарайди*). Хотин.

К у н д у з: Лаббай, эржонгинам?

Э л д о р: Ёғ фўлчага солиб кўйган долларларни обчиқинг-да, мана бу чўнтақка (*бошқа чўнтақни кўрсатади*) мингни солинг. Адашиб кетмаслик учун. Битта оқ, битта қизил салафан беринг. Сизларга зўр, муҳаббатта фиж-фиж тўла юрак келтираман.

С о т и м (огриниб): Беш юзга бермасмикин? Қиммат-ку.

К у н д у з: Қиммат, камайтириңг.

Э л д о р: Ҳастдан орқада қолибсизлар. Ҳозирги нархни биласизларми?

С о т и м: Йўқ.

К у н д у з: Йўқ. Уйдан чиқмай қолган бўлсам, қаёқдан билай?

Э л д о р: Мингдан ўн мингтacha кўтарилиган.

К у н д у з: Йўғ-э.

С о т и м: Вой-бў. Инсоф кетибди одамлардан.

К у н д у з: Ноинсофлар. Майли нима қиласиз, оламиз-да.

С о т и м: Ўша жонон учун оламан, сенлар учун эмас. Битта юрагингни қизғандинг, қизғанчиқ. Майли, тезроқ келтириш. Устани ҳам зўридаи чақир. Яна минусни пилусга иотўғри улаб кўймасин, хўпми?

Э л д о р: Хотирларинг жам бўлсин, ўзим қараб тураман. Юракни ҳам танишдан оламан, қўрқманглар. Таниш бўлмаганда мингдан юрак берармиди. Раҳмат айтинглар, сизлар учун бозорга боришга рози бўлганимга.

С о т и м: Миннат қиласма (*Ўрнидан туради*). Мен сени шу дунёга келтирдим. Дунёнинг мазасини тотиб юрибсан. Бир бозорга бориб келишингни пеш қиласан. Борасан, бормай ҳам кўрчи, нима қиласман. Ўзингни бутунлай бозорга чиқариб сотиб юбормай.

Э л д о р: Отажон, биламан, кечиринг, меҳр уругини ҳам кўнглимга сиз эккансиз. Дунёга ҳам сиз келтиргансиз. Бунинг учун мен сиздан ҳамиша қарздорман.

Саҳнанинг қоронги бурчагидан озгина буқчайган, қўлини қулогига туттган Э л л а кўринади.

Э л л а: Ҳой, ҳамманг каллаю саҳарлаб нима қилиб турибсанлар (*Сотимга қарайди*).? Ҳой, чол, турдингизми. Ҳали ҳам тўхтамадингизми-а? Шу юрагим тўхтагунча сизни дейман деб, бошқалар билан гаплашмайман деб бир қоп эмас, юз қоп ваъда бердинг, инсофини еган чол (*Ҳассаси билан Сотимни кўкрагидан штаратди*). Етар икки юз йил яшаганинг. Ёмонга ўлим йўқ, яхшига қўним йўқ. Бу киши яна юрак алмаштиармишла, Азроилни ҳам чалғитмоқчила, олиб бўпсан юракни, кўмсадингми калтакни?

С о т и м: Сен қаёқдан эшита қолдинг, қулогингни тагида бомба портласа ҳам эшитмасдинг-ку, кампир.

Э л л а: Мени гаранг, деб юрувдингми-а, бекорларни етмисини ебсан (*Ўғлига қарайди*). Элдоргинам, қўзичоққинам, сен менинг жонимсан. Қулогимни алмаштириб берганингдан бери бу бетавфиқ чолни ҳам сир-асрорини билиб олдим.

Э л д о р: Нима сир экан, она?

Қ у и д у з: Тилла-бриллиантларини ҳам билиб олдизми?

Э л л а: Бўлмасам-чи (*Бир шода калитларини олиб шақирлатиб кўрсатади*). Мана, унинг жони ҳам, моли ҳам шу калит-да. Янгисига (*Сотимга қараб*), ёшига уйланармишла, уйланиб бўбсан, тобутта уйланасан.

С о т и м: Калитларни бер, ҳой кар. У калитлар эмас, жону жаҳоним менинг.

Э л л а: Яқинлашма, яқинлашма (*ҳасса билан ўқталади*), бир ураман ўласан. Ёшига уйланармишла, уйланиб бўбсан. Сенга Азроил уйланади.

Э л д о р: Она, қўйинг, урманг, ҳар қалай, эллик йил бирга яшагансиз.

Э л л а: Эллик йил қон қилиб, қулоқдан ажратди, гаранг қилди. Ҳа, айтмоқчи, гарангларга қонун йўғ-а, одам ўлдирсам ҳам ҳеч қандай жазо йўғ-а.

С о т и м (*ўғлига*): Айт, бор де, бўлмасам, бу гаранг ўлдириб қўяди. Сенга бекорга меҳр олиб бермаганман. Мана шундай пайтларни ўйлаб қилганман.

Э л л а: Ўзинг гарангсан. Гаранглигимни кўрсатаман.

Элдор: Она (*онасини ушлаб қолади*) ўлдириб құясыз.

Күндеу з: Ўлдирсалар яхшимасми, бутун бойликлари учала-
мизга қолади.

Элла: Бойликлар шундоқ ҳам ўзимда, хомтама бўлмай
қўяқол.

Элдор: Она, кўйинг! Шаштингиздан қайтинг. Бойликни-ку
олиб бўбсиз. Сизники бўла қолсин. Менга керакмас.

Күндеу з: Сизга керак бўлмаса, менга керак (*Эллагага қарайди*). Қани, ойижон, бошланг мен ёрдамлашаман.

Элла: Кейин давлатнинг ярмига зга бўласанда-а? Тушинг-
ни сувга айт. Менга шерик-перик керакмас. Бор-бор, тошингни
тер. Ўзим амаллайман. Уни сотаман. Ўлдириб, жинни бўлганим
йўқ.

Элдор: Энди отасини онаси сотиб себди, деган исходни ҳам
кўтараманми. Йўқ, бўлмайди. Қани, ҳаммаларинг йўқолларинг.
Бунга йўл қўймайман.

Сотим: Келинглар, келишайлик. Элла бутун бойлигимни
олдинг, энди тинч қўй.

Элла: Пайпоққа беркитиб қўйганингни ҳам берсанг, тинч
кўяман.

Сотим: Унда сотолмайсан мени, юрак ўлгурни қуввати
тугаб бормоқда. Қўй, пайпоқдагига тегма. Бундайроқ юрак олиб
муродга етайди, шафқат қил.

Элдор: Тўғри айтадилар, шафқат қилинг, она?

Элла: Ҳа, майли, сен учун унинг бир қошиқ қонидан кечдим.

Элла мағрур қадам ташлаб чиқиб кетади.

Күндеу з: Мен, мен нима қиласман энди. Ўзингиз-ку чумчуқ-
дек келадиган юрагизни аядингиз. Кўниб тургандим. Дадамлар-
ни пулидан оламан, деб умид қылгандим. Уни ҳам белига тепдин-
гиз (*Йиглайди*).

Сотим: Қўй, йиглама, беркитганим иккимизга ҳам етади
(*Эгалиб пайноги ичидан пул олиб ўғлига узатади*), Яхшиям га-
ранг олмади. Мана бунга иккита юрак олиб кел болам.

Қундуз қувонгандан қарсак чалиб, сакраб-сакраб ўйнайди.

Элдор чиқиб кетади.

Бозор. Расталар. Биринчи растада расмлардан ишланган инсон аъзолари тасвириланган. Қ и л и ч растани ўртасига қўйилган креслода пашша қўриб ўтирган жойидан керишиб. ўрнидан туради.

Қ и л и ч: Кеп қолинг, одамлар, боғда битган бодомлар. Бу дефицит моллар, фақат шу дўконда бор-ов! Кимга сёёқ, кимга қулоқ керак бўлса, бизни дўконга марҳамат қилсин. Ҳаммаси свежий товар, олти қитъадан келтирилган. Ачимасдан олиб қолинглар (*Каршиисига Элдор келиб тўхтайди Үнга зытибор қилмасдан яна харидор чорлаб бақира бошлигайди*). Кимга сёёқ, любой сорти, любой размеридан.

Элдор: Ассалому алайкум, Қилич ака (*Қилич қўрқиб, чўчаиб кўкрагига туپуради*).

Қ и л и ч: Ваалайкум, хуш кўрдик, келсинлар. Оёқ керакми, қўл керакми? Вообще сен учун ҳамма нарса топилади. Постояний клиентсан. Ҳа, айтгандек, қулоқ қалай, без отказми?

Элдор: Яхши, онам жуда хурсандлар. Кейинроқ сёёни зўридан топиб берасиз. Ҳозир менга иккита юрак керак.

Қ и л и ч: Иложи йўқ, бозор катта, қидир.

Элдор: Ўзиз ҳамма нарсани топиб бераман дедингиз-да. Минут ўтмай айнайсиз.

Қ и л и ч: Ҳой бола, оғзингга қараб гапир, айнигана деган гапни ишлатма, харидорларимни қочириб юборасан. Айнишдан худо асрасин.

Элдор: Танишдан олай, пул бегона бўлмасин дегандим.

Қ и л и ч: Топиб берардим, нима қилай, лицензиям бўлмаса?

Элдор: Ўша лицензиясиз сотсангиз сизни отармиди?

Қ и л и ч: Отиш ҳам гапми, солиқчилар ушлаб олса, сёёдан осади, билдингми. Шунаقا, қоидани бузиб бўлмайди. Анави европапликнинг дўконидан сўрасанг, ички органлар ўшанда.

Элдор ички аъзолар дўкони, деб ёзилган ёзув олдида тўхтайди, беш олтита одамлар навбатда туришибди. Бири газета, бири китоб ўқиб, яна бири радио эшитиб туриби. Элдор уларга зытибор қилмай дўкондан Қулини олдига ўтади.

Элдор: Ассалому алайкум.

Қүлл и: Ваалайкум ассалом (*Томоқ қириб йўталиб қошкўзи билан навбатдагиларга имо қиласди*).

1-ҳаридор: Ҳой, тартиб сақлансин!

2-ҳаридор: Навбатга тур.

3-ҳаридор: Одобсиз.

Элдор: Нега савдо қилмай турибсизлар. Балки сизлар истаган нарса йўқдир. Мен излаган бордир...

1-ҳаридор: Сиз излаган нима экан?

Элдор: Иккита юрак.

2-ҳаридор: Ҳамма юракка турибди, ўт орқага.

Элдор: Хўп, хўп, ўтаман, ўзи бўларканми?

4-ҳаридор (*осмонни кўрсатади*): Йўлда эмиш, яна икки соатлардан кейин самолёт ерга қўнаркан.

Элдор: Ўзи ҳаммага етарканми? Яна бекорга турмайликда.

3-ҳаридор: Тўппа-тўғри! Мияси свежий экан. Миянгни сотмайсанми, дарров оламан. Ишон, айтган нархингга оламан.

Элдор: Ўзимга керак, илмий иш қиламан.

1-ҳаридор (*дўйондорга бақиради, ўтирган жойидан*): Ҳов Қули, сўра-чи, ҳаммага етарканми? Яна бекорга турмайлик, сўраб кўр-чи (*Дўйондор соткасини олиб номерларни теради. Телефонда гаплаша бошлиайди*).

Қулл и: Алло, қалайсизлар, булут, довул йўқми, учиши нормалними? Ўзим текшириб олганман-да. Яхши учади. Самолётни эҳтиёт қилинглар.

1-ҳаридор: Нечталигини сўранг.

2-ҳаридор: Имилламасдан сўрасангиз-чи. Самолётингта бало ҳам урмайди (*Қули бамайтиҳотир гаплашиб, соткани чўнтағига солади*).

Қулл и: Сабр деган нарсани биласизларми ўзи! Тавба-сий, гаплашгунимча сабр қилишолмайди. Ҳаммага етади, қўрқманглар. Зўрини олиб келмоқда. Олтигаларингга етади, бошқа одам турмасин. Бир оз мизғиб олай, халақит берманглар, кеча гаштакда бўлганиман, тушунарлими (*Ҳамма бирданига «тушунарли», деб бақиради*)?

Элдор «Онг ва виждонлар» деган ёзувли дўкон олдида тўхтайди. Ҳар хил шаклдаги шиша ва шарчалар, Т о л м а с дўйондор соябонли шапкада. Иккита мижозни келиштириш билан овора.

Т о л м а с: Ҳой қанаңа одамсизлар, галма-гал гапирсаларинг-чи. Вой-бұ миямни суюлтириб юбордиглар-ку.

1-х а р и д о р: Чидаганга чиқарған. Миянг суюладими, үзинг суюлиб тугайсанми, менга нима. Мен бундан виждонини олмоқчiman. Суриштиришим керакми? Бекордан-бекорга пул сарф қилиб кетавераманми? Сен жим туриб аниқла, нархини белгила. Бошқа ишга аралашма (*Виждон олуучини сотувчи дүкөнни ичиндең чиқаришга ҳаракат қилиб қўлидан тортади*).

Т о л м а с: Кўлини қўйиб юбор, товар менини, керак бўлса сотмай ҳам қўяман.

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Билдингми, мен ҳозир дўкончи-нинг ихтиёриданан. Қўлимни қўйиб юборинг. Мен виждонини еганлардан эмасман.

Т о л м а с: Рўйхатга киритганман. Бу учун солиқ тўлайман. Сандолашсанг, тўғри сандолаш. Одобсиз, одамда маданият бўлиши керак.

Х а р и д о р: Бунинг қанчалар виждонлиигини, қанчалик виждонсизлигини билиш им керак-ку.

Т о л м а с: Ўзи сенга қанаңаси керак? Виждонини асраганла-рими, виждонини еганларими?

Х а р и д о р: Иккаласи ҳам керак. Ўз мулкига виждои билан қараб, бошқалар мулкига виждонсизлик қиласидигани керак (*Харидор чордана қуриб ўтириб олади*). Энди бемалол гаплашайлик бўлмаса. Аввал виждон билан қилған ишларингни, сўнг виж-донсизликларингни сўйла-чи.

Т о л м а с: Бу бошқа гап, одамга ўхшаб гаплашса бўларкан-ку.

Х а р и д о р: Ўзи одамга ўхшайдиган одам қолганми? Ҳе, хум калла. Одамларнинг виждонию онгини сотасан-у яна одамга ўхшаганини кўнгиллари тусабди. Одам сийратидаги матоҳлар қолган, билдингми. Одамлар аллақачон тугаб бўлган (*Виждо-нини сотаётганга қарайди*). Қани, бошла.

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Эй ака, мен туғилганимда дунё гўзал эканки, хурсандлигимдан йиғлаш ўрнига «урра» деб юборганишман. Кун, соат, дақиқа сайин ўсиб вояга етдим. Ота-онамга меҳрибон, акаларимга садоқатли эздим. Бироннинг ҳақига ҳам хиёнат қиласдим (*Сўзидан тўхтаб, Толмасга Элдорни кўрсатади*).

Т о л м а с: Ҳой бола, сенга нима керак?

Э л д о р: Юрек.

Т о л м а с: Юрак менда йўқ. Ана қўшни дўконда бўлади, бор.

Э л д о р: Йўлда экан, келгунича айланмоқчи эдим.

Т о л м а с: Текин томоша йўқ, ҳақини тўла.

Э л д о р: Майли, тўлайман. Бирпас эшитиб турай (*Толмас виждонини сотувчига сўзла, деб ишора қилди*).

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Отам бетобланиб қолди. Мен ёнларида қимиrlамай қарадим. Ювиб-тарадим. Акаларим отамни тезроқ жон таслим қилишини кутиб илтижо қилишса, мен отамни соғайиб кетишини илтижо қилиб сўрадим. Менинг отамга қилаётган меҳрибончилигим акаларимга ёқмай, қўл-оёғимни боғлашиб, ўрмонга олиб бориб ташлапди. Ўлар ҳолимда чўпонлар кутқариб қолиши. Эвазига, чўпонларга бир ой ишлаб бериб, уйга қайтсам, отам бу дунёни тарк этиб, мол-мулк, уй-жойни акаларим бўлишиб олишган экан.

Х а р и д о р: Винодан узат. Сен давом эт. Зўр экан-ку (*Элдорга қараб*). Сентаямми, ол ич, енгил тортасан (*Йиглаган бўлиб кўз ёшларини артади*). Кўнглим бўшаб кетди. Кўнгил савил бўш-да. Шунинг учун виждан қидириб юрибман, ука. Майли, жим ўтири, қани, сен давом эт. Кейин нима бўлди?

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Қарабсизки, менга ҳеч вақо тегмади. Онам билан иккимиз кичкина кулбада яшай бошладик. Улар кайфу сафо қилишади. Мени мардикорлик қилиб тонган пулларимни ҳам юлиб олиб қўйишарди. Онам бечора «салгина виждонасиз бўлсанг бўлмасмиди, шунчалар азоб тортмасдинг» дердилар. Мен нима қиласай, шундай бўлиб тугилган бўлсам, дедим. Онам: «Ҳой болам-а, менга қара. Кеча қўшниникига талончилар тушган экан, ҳали топилмаган эмиш. Миршабларга катта аканг ўгриликка тушганини айт. У қамалади. Сен унинг бойлигига зга бўласан», дедилар. Шундай қилдим. Акамни Венерага умрбод сургун қилишди. Яшашим яхшиланди. Виждонасизлик ичимда ҳаккалай бошлади. Кейинги акамнинг хотинига «акам осиёлик бир жувон билан юрган экан» дегандим. Акамни дўппослаб, ҳайдади, у ҳам очликдан асфаласофинга равона бўлди. Бир култум сув сўраган эди, ўшани ҳам беролмадим.

Х а р и д о р: Бўлди, оламан, олчоқ виждонасизни оламан.

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Буниси ўзимга ҳам керак, инсофли виждонимни сотаман. Ҳали онамни сотувга қўйишим керак.

Х а р и д о р: Тўхта, шошма (*Йўлини тўсив чиқади*). Шунча вақтим кетди. Кел энди, шу ёвуз виждонасизни менга сот. Мен

ҳам бир виждонсизлик билан роҳат олай. Фийбату ғурбат, туҳмату фитнада ягонаман, деб юрган құшнимга, бир панд берай. Аблаҳ, ҳаммани юрагини чангллатади. Ҳамманинг устидан иғво уюштириб роҳатланади. Мен ҳам шунча қылтмай, қўлимдан ёмонлик келмаяпти, укажон.

В и ж д о н и н и с о т у в ч и: Сотсан, фақат эски виждонимни сотаман. У ҳам жуда оз қолган.

Х а р и д о р: Бошимга ураманми? Виждонлилар қийналиб, виждонсизларга ем бўлаётган бир пайтда. Қанақа тушунмаган одамсан, ўзи? (Элдорга ёлворади.) Ҳой укажон, тушунтирсангчи, мен виждондан туйиб бўлганман. Мен виждонсизлик қилмоқчиман. Менам қўшнимдек мазза қилиб яшамоқчиман.

Э л д о р: Мен ҳам шундан қийналиб юрибман, акажон, нега виждонсиз бўлиб тугилмагағман-а. Шунча қийналиб, хас-хашак орасида қолиб юрмасдим. Менам қийналиб кетдим.

Х а р и д о р (залга қараб Элдорни кўрсатади): Тўлиб-тошиб турган экан-а, аҳволи мендан баттарга ўхшайди-ку (*Бориб Элдорниг елкасига кафтини уриб меҳрибончилик билдиради*). Қўй, ука, хафа бўлма. Нима қилайлик, пешонамиз шўр экан. Бизни бу дунёга виждонли, кўнгли бўш қилиб келтирган ота-онамизда ҳамма айб. Ҳа, айтмоқчи, қаймоқни яхши кўрасанми? Юр, бир қаймоқхўрлик қиласиз.

Э л д о р: Боролмайман-да. Отам билан хотинимга юрак олиб боришим керак, ака. Шунақа, боролмайман. Қаймоқни-ку яхши кўрардим (*Элдор ўйланиб қолади*).

Х а р и д о р: Нима бўлди, ука?

Э л д о р: Эртага келасизми?

Х а р и д о р: Ҳа, келаман.

Э л д о р: Үнда бир тоғора қаймоқ олиб келинг, мен иссиқ нон олиб келаман. Мазза қилиб қаймоқхўрлик қиласиз.

Т о л м а с: Ана, аҳмоқлар. Бирпасда топишишди, қолди. Мия ишласа, қалампир бўғирсоқ емайсанми, қора мурчдан емайсанларми, ҳе эшак мия еғанлар (*Шу пайт дўйон ёнидан бир киши ўтади. Толмас овозини кўтариб молини мақташга тушади*). Ҳой, кеп қолинглар, виждон сотаман, фийбат сотаман, ғурбат сотаман, ҳасаднинг антиқаларидан бор-ов, кеп қолинглар. (*Харидор Элдорни туртади*.) Ана, қара, ҳозиргина биттагина виждонсиз бор деб турганди. Бақиришини қара, виждон, ҳасад, ғур-

бат сотаман деялти. Менга, борса келмас оролидан келган доктор айтганди, агар олтоқ виждон тополмасаң, ўрнига ҳасад билан ғурбат ҳам бўлаверади деганди. Нима дединг, шундан оламизми?

Элдор: Мен ололмайман. Пулим етмайди.

Харидор: Мен қўшаман.

Элдор: Қандай бўларкин?

Харидор: Ўйланиб ўтирасанми, текин бўлгандан кейин олиб кетаверда, хумпар.

Элдор: Виждоним йўл қўймайди-да.

Харидор: Қулоқ солма. Қулогингга (чўнтағидан латта олиб узатади) ма, буни тиқиб қўй.

Элдор: Эй, одамлар, хит қилиб юборди-ку. Мен нима қилай, айтинг, одамлар (*Харидорни бармоги билан туртади*). Эртага қаймоқ олиб келасизми, мен нон олиб келаман.

Харидор: Хўп, олиб келдим дейлик, ўшандада ҳам сиз олинг, йўқ сиз олинг, деб кунни кеч қиласизми? Асло олиб келмайман, аҳмогингни тоиддинг.

Элдор: Сиз олинг, йўқ, сиз олинг, деб ўтирмаймиз. Шартта иккига бўламиз-да, ким олдин ичиш қиласиз.

Харидор: Бошинг бош эмас экан-ку. Маладес, эртага худди шу жойда учрашамиз, вообще миянг класс экан-да, бошингни, миянгни эҳтиёт қил. Сендан зўр олим чиқади. Бугун ҳеч нарса олмаймиз-а?

Элдор: Олмаймиз, кетдик (Элдор тўхтаб қолади). Акахон, мен кетолмайман, сўз берганиман, юракни олиб кетмасам бўлмайди, виждоним қийналади. Ухломайман, қийналаман. Лекин эртага, албатта, қаймоқда келаман-а..

Харидор: Қийналаш ёмон, виждом курсин, қийнайди-да. Виждонли бўлиш осон эмас.

Элдор: Ўзингиздан қолар гап йўқ, виждом борлиги мусибат экан, акалон. Нега виждонсиз бўлмадик-а?

Харидор: Дардимни кўзгама, ука (*Шу пайт бир нотаниш шортик кийиб олган кимса харидорга урилади*).

Харидор: Кўзингга қараб юрсанг-чи.

Шортикли йигит: Қочаётгандада кўзга қараб бўладими, ака. Учта қиз уйига олиб кетмоқчи бўлиб тургандан кейин олди-орқамга қарамасдан қочаман-да. Қочмай «манаман» деб, олдига тушиб кетаверайми? Унда йигитлигим нима бўлади?

Саңнанинг яна бир бурчагига ёруғ түшиб олачишпор шим, оқ күйлак кийиб, сочлари жингалак у ч т а қ и з сигарета тутатганча уларга қараб туришади.

Х а р и д о р: Қочдик, бизларни ҳам олиб кетишмасин. Талаб қолышса хотинхонлар күчага ҳайдайди-я. Қоч, ука, уларнинг туришини қара. Важоҳати ёмон. Кўзлари билан еб кўйишидаи.

Э л д о р: Ўлдими? Уларда ҳам шарм-ҳаё бордир (Учта қиз уларни бармоги билан имлаб чақиради).

Х а р и д о р: Айтмадимми. Уларнинг кўзлари қонга тўлган (Шортигини кўтариб қўяди). Қоч. Эртагача.

Харидор билан урилган й и г и т шортигини ушлаганча қочади.

Э л д о р «Озиқ-овқатлар» деб ёзилган дўкон томонига ўтиб кетади.

Қизлар уларнинг орқасидан сўкиниб қолишидаи.

* * *

Ж о б и р: Одамлар-о, одамлар, боғда битган бодомлар, кеп қолинг, сотаман-у янгисини келтираман. Ҳамма планеталардан келтирилган бу молларда тошдан темиргача ҳаммасининг мазаси бор, олиб қолинглар-ов!

Дўконда тарвуз қовун, узумлар осиб қўйилган. Дўкондор **Ж о б и р** кресло қўйиб олганча бақириб қўяди. Харидорнинг камлигидан хуноб бўлиб, ёнидаги сотувчига қараб-қараб қўяди, унинг ёнида болаликдан бирга вояга етган дўсти **Д о н и қ** ўтирибди.

Ж о б и р: Йўқ, дедимми, йўқ!

Д о н и қ: Уволимга қоласан.

Ж о б и р: Уволингга қоладиган аҳмоқ йўқ. Ўлигинги ҳам сотаман. Ана, битта дўхтир гапириб ётувди, «ўлик ҳам катта бизнес», деб.

Д о н и қ: Бор-будимни алдаб олдинг, шерикчилик дединг, ҳамма нарсамни сотиб бердим.

Ж о б и р: Мен сенга сот деганим йўқ. Баттар бўл.

Д о н и қ: Бир карч бер, мадорим кетяпти. Бир карч билан бойиб кетмайсан. Икки кундан бери ялинтирасан. Инсофинг, виждонинг борми? Ахир бир бурда нонни бўлишиб еб катта бўлганимиз?

Ж о б и р: Ўша кераксиз вијќонни, инсофни ваќтида пуллаган эканман. Мана бутун бўлганда борми харидор тополмай утиб кетардим. Хўп, сотиб олган эканманми, Дониқ?

Д о н и қ: Ҳа, боплагансан. Ўшанда мен ҳам сотсан, бу кўйга тушиб юрмасдим. Бир карч қовун ёки тарвузингдан берақол.

Ж о б и р: Бўлмайди. Унда разиллигига дарз кетади. Ўзи еб нима қиласан. Яна икки кун туз тотмасанг, бу дунёснинг ҳамма ташвишларидан қутуласан, жўра.

Д о н и қ: Жудаям тарвуз егим келяпти, берақол.

Ж о б и р: Дал дедимми, демак дал йўқ деганим. Бор жўна (Элдор бир четда томоша қилиб турибди. Чидолмади. Дўкондорга яқин келди).

Э л д о р (сотувчига пул узатади): Бир карч тарвуз беринг (Сотувчи пулга узоқ қарайди).

С отувчи: Пул Осиёники экан, сотоверайми, хўжайин?

Ж о б и р (ўйланиб): Илгари ҳам савдо қилганимизми?

С отувчи: Чиройли экан, безаги, умуман, қаердадир кўргангча ўхшайман.

Ж о б и р (жоҳзги чиқади): Ўзимиз ҳам ишлатганимизми йўқми, деб сўрайшман, галварс.

С отувчи: Шуни эслолмаяпман-да, хўжайин.

Ж о б и р: Эсингни алмаштириш керак.

С отувчи: Тилингизга асал. Тезроқ алмаштиринг. Ҳозир энг арzon бўлиб қолған товар эс эмиш, хўжайин.

Ж о б и р: Ҳа, ёқмай қолсин. Пулинита чечак чиққанми? Алмаштирижвер.

С отувчи: Ана, қўшни дўкондор Қилич ака сотовчисини эсини алмаштириб берибди-ку, сиз ҳам алмаштириб берсангиз, давлатингиз камаярмиди? Босиб қўйган давлатингиз йигирма авлодингизга стади.

Ж о б и р: Йигирма биринчисига нима қолдираман, аҳмоқ. Унга ҳам йигишм керак, билдингизми (Элдор тоқати тоқ бўлиб сотовчига бақиради)?

Э л д о р: Сотасанми, йўқми, сотовсанг, пулни қайтар (Сотувчи хўжайинга қарайди!).

С отувчи: Нима қиласай, хўжайин, бир карч тарвуз берайми?

Ж о б и р: Берсанг бер, ўша пулни йигирма биринчи авлодга ажратиб ҳўй (Сотувчи қалтираб бир карч тарвуздан кесиб Элдорга узатади).

С о т у в ч и: Мазза қиладиган бўлдинг, ўзим сотаману ҳали татиб кўрмаганман. Умринг узайдиган бўлди. Ма, ол, ош бўлсин (*Узатиб қўлини ялаб оҳ, оҳ, деб қўяди, Элдор бир карч тарвузни мороженое ялагандек ялаб кетади. Элдор янги дўконнинг олдида турибди. Сотувчи билан дўкондор навбатма-навбат бақиришади.*).

С о т у в ч и: Кимга ер керак, кимга сув керак, кимга юрт керак, кимга йўл керак? Кеп қолинг, энг яхши нархларда сотамиз.

Д ў к о н д о р: Осмону ҳавони, кечаю кундузни ҳам сотамиз. Ҳаммасига лицензиямиз бор. Ҳаммаси қонуний. Ҳужокатини муҳрлаб берамиз. Олиб қолинглар, ололмай доғда қолманглар. Энг охирлари қолмоқда, кеп қолинглар, сўнг қадам босолмасдан, нафас олмасдан ҳасратда юрманглар-ов.

Э л д о р: Амаки, еру ҳавони ҳам сотиб юборсангиз, бу ердагилар нима қилади?

Д ў к о н д о р (кулади): Асфаласопингга кетади, билдингми, асфаласопингга (*Кулади. Элдор ерни тегади!*)!

Э л д о р: Шу жойлар (*атрофни кўрсатади*) анави у жойлар, дўконларнинг ҳаммаси?!

Д ў к о н д о р: Ҳаммаси, ҳаммаси билдингми, олмоқчи бўлсанг ол (*Қўйинидан муҳрланган қоғоз кўрсатади*). Мана ҳужжатлари.

Э л д о р: Демак, ўзингиз турган жой, нафас олиб турган ҳаво – ҳаммасини-а.

Д ў к о н д о р: Одамни хит қилиб юбординг-ку, номард. Оладиган бўлсанг, сотаману қутуламан, одамларга берган ҳақларимни, ижара пулларини йигиб ололмасдан безор бўлдим.

Э л д о р: Олишга оламан, лекин сотиб олганим замон ҳаммасини ўша дақиқада олиб кетаман-да.

Д ў к о н д о р (Тиззасига уриб кулади): Эсинг жойидами, мен сотадиган нарсани сотиб олишга қурби етадиган одамни ўзи бўлмаган. Сотаман, деб бақиравераман-да (*Овозини пасайтириб атрофга қараб олади*). Аҳмоқ, атрофдагиларни шундай қилиб қўрқитиб пулинни олмасам, қандай қилиб оламан, тушундингми?

Э л д о р (Элдор кулиб узоқлашади): Ишқилиб, сотил-масин-да.

Д ў к он д о р: Ҳавони, юрган йўлингни ҳақини тўлаб кет .

Элдор (Элдор ўзича гапиради. Осмонга қараб илтижсо қила-ди): Эй, бутун борлиқни, еру күкни, суву ҳавони ҳамда менга ўхшаган ҳеч нарсага түймас одамзотни яратган згам! Сен яратган борлиқни мавжудотларни талон-тарож қилишгани етмагандай, тилим-тилим қилиб сотишга ўтишди. Вужудларини сотишмоқда, вижданларини сотишди, сотилмайдиган аъзонинг ўзи қолмади. Бу не кўргулик, яратган згам? Бу не сир-синоатки, бу жумбоққа ҳеч тушунчам етмайди. Мен гарангман, гулман, не қилай, згам? Қўлимдан яхпилиқдан ўзга бирон нарса келмаса (*Шунайт орқасидаги дўкончи лип этиб, унинг ёнига сакраб ўтади. Шу ма-ҳал харидор ҳам пайдо бўлиб, Элдорни назардан ўтказа бошлайди.*)

Харидор аёл: Хўш, қўллари нормалний, кўриниши ҳам ёмоя эмас. Тишлилар бутун, қулоқ, бурун жойида. Вой, оёқлари жунлигина, тиккагина зкан. Ўзим шунақасини излаб юргандим. Ахири топилди (*одамларга қараб*). Омадли аёлман-да. Қаранг, оёғимнинг тагидан чиқиб қолди. Толеимдан ўргилай (*Шимини чўнтакларини ковлаб ил топиб олиб, Элдорни қўлини шимига боғлаи бошлайди. Элдор ҳангу манг. Дўкончи харидорнинг қўлидан ушлайди.*)

Дўкочи: Кўчада қолган товар йўқ, олдин бундай савдо-лашинг, нархини сўранг. Индамасам, текинга олиб кетаверасизми, инсоф борми?

Харидор аёл: Инсофни сотиб юборганимга анча йил бўлди. Бу товар дўконингни ичди эмас ташқарисида турганди, билдингми!

Дўкочи: Шу турган жойга ҳам солиқ тўлайман, демак, жой ҳам, мол ҳам меники, билдингизми, яхши қиз. Бўлмаса, ми-шаб опамларга арз қиласман. Биласиз, қамчиларидан қон томади.

Элдор: Ҳой, опажон. Мен ҳам одамман. Сотиламанми, йўқми, буни ўзим ҳал қилиш ҳуқуқига эгаман. Бўлмаса, ҳозир бозоркўмга арз қиласман. Нима, сизларнинг дастингиздан кўча-га ҳам чиқиб бўлмайдими-а? Адам билан хотинимга ҳали юрак олиб боришим керак. Очередга турганман, опажон (*Харидор дўкончига қарайди*).

Харидор аёл: Нима қиласми, кўйиб юборамизми-а. Энди топдим деганимда-я? (*Йиглийди*)

Дўкочи: Ҳа, энди нима қилай? Адашиб келиб қолганини сотиш мумкин эмас, деган бозоркўм опамизнинг қарори бор. Қарорни бузолмайман-да, сингилжон.

Х а р и д о р а ё л: Топдим деганды, чатоқ бўлди-да (Элдорга қараб). Ҳой йигит, менга қара (Элдор мўлтифаб унга қарайди). Мендан бошқага сотилма, хўпми. Мабодо бошқа бирорга сотилганингни зиштсан, қулогингни кесиб оламан-а?

Э л д о р: Опажон, сотилмайман, орзуларим кўп.

Х а р и д о р а ё л: Орзуларингниң ҳаммасини ўзим сотиб олиб бераман. Қўрқма, пул кўп. Эҳе, Ердан Марсгача ҳаммасида қош-кўз дўконларим ишлаб турибди. Хоҳлайсанми, меникидек чақнаб турадиган кўз олиб бераман.

Э л д о р: Раҳмат, опажон. Ўзимники ҳам бўлаверади. Ҳайр (Элдор қўрқа-писа, орқасига қараб-қараб тез юриб кетади.).

* * *

Бир четда каравот, ундан сал берида кресло. С о т и м креслода тебранганича соткасида гаплашмоқда. Э л л а эшикниң орқасида қулогига наушник тақиб, антеннасини Сотимга қаратиб, унинг гапини зиштиб, сонига шапиллатиб уриб кулади. Бир қопча пул қозоз устига ўтириб яна кулади.

Э л л а: Гапир, қоп-қоп ваъдангни беравер, чол. Ҳолингтавой, чол. Ҳали сен чол яшармоқчимисан, яшаришни кўрсатаман. Ҳақиқий пуллар менда, сен чолдаги фальшифка, фальшифка (яна кулади).

С о т и м (телефонга): Жонгинам, озгина қолди, айтдим-ку, жуда оз. Яқинда суқсурдай чиройли йигит бўламан. Тўйни Тинч океанида, сув ости акула ресторанида ўтказамиз. Хотиржам бўл. Нима, Тинч океан бўлмайдими, қайсиниси бўлади? Шимолий Муз океани? Вой, нима деяпсиз? Менинг нозиккинам (Эшик орқасида ўтирган Элла ўрнидан туриб кетади).

Э л л а: Нозик-ниҳолингни кўрсатаман ҳали сенга. Эртага бошимни алмаштириб олай, кейин кўрасан. Орқангга бир тепиб, кўчага ҳайдайман. Мени гаранг деганинг ўзи гаранг. Аҳмоқ қилиш органи деб ўйлаб, ўзича гаранглик сотиб олган. Аҳмоқ қилиш мана бундай бўлибди. Фальшифкани ушлаб туравер, чол (кулади). Гаранг. (Эшикни ўнг бетида соткада гаплашиб турган Сотим атрофга олазарак қараб олиб соткани қўли билан беркитиб гапида давом этади).

С о т и м: Жону жаҳонимсан. Биласанми, мен билан турмуш қурганингта минг-минг рози бўласан. Овқат қилишни биласан-

ми дейсанми? Билганда қандоқ. Қалампир паловдан тандир нонгача ҳаммасини биламан. Кир ювишми? Қойиллатаман. Кийимларингга гард ҳам юқмайди. Шимларингни қиличининг тифидек қилиб бераман. Уйларингни шундай ораста тутайки, оғзинг очилиб қолади. Шунақа, топилмас эркакман. Фийбатми? Эрталаб-гача фийбат қила оламан жонгинам.

Эшик очилиб Э л л а бир қучоқ кир олиб келиб. Сотимнинг олдига қўяди? Сотим соткани ўчириб, чўнтағига солади. Элла келтирган кирларга қараб ҳафсаласиз ўтиради.

С о т и м: Биласан-ку тобим йўқ. Раҳминг келсин. Бунча кир ювмайман.

Э л л а: Ювасан, ювмай кўр-чи, кунингни кўрсатаман.

С о т и м: Эрта-перта ювив қўяман.

Э л л а: Бугун, ҳозир ювасан. Ҳозиргина оғзингдан сувинг оқиб ётуди-ку телефонда. Зўр овқат қиласман, қалампир паловдан тандир нонгача, кир ювишларни ю дазмол қилишгача дўйдираман, деб мақтаниб ётудинг-ку. Олдин буларни юв, кейин бир гап бўлар. Ўша мақтанганингдек ювасан. Олдингилардек чала бўлса, кўрасан.

С о т и м: Қўлимдан келганича, қурбим етганича юваман.

Э л л а: Ўзи отанг аҳмоқ бўлганди. Рузгор тутишни ҳам бундай бир яхшироқ ўргатмаган. Мендан бошқа аёл бўлганда сени алла-қачон кўчага қувив ҳайдарди. Қани бошла, кўтар (*Сотим шаҳиллаб-синқилиб кирларни кўтариб чиқиб кетаётганда Элла югуриб бориб Сотимнинг чўнтағидан соткани олади*).

С о т и м: Қўйинг, соткамни, ўзингизни бор-ку.

Э л л а: Батарейкаси чарчабди.

С о т и м: Пулинни ким тўлайди, ўзингизми?

Э л л а: Зиқна.

С о т и м (*йигламсираб гапиради*). Ҳар доим мени туширади, чумолига ем бўлгур.

Э л л а: Нима дединг?

С о т и м қочиб эшиқдан чиқиб кетади.

Яна ўша бозор. Ҳамма ўзининг молини мақтаб бақиради. Бир чеккада иккита шим ва расмли майка кийиб олган қизлар шортик ва кўйлак кийиб олган йигитниң қўлини қайришиб, чўнтагини тозалашмоқда.

Й и г и т: Ҳали кўрасизлар, йигитни тунашни. Опамга айтиб дабдалангни чиқараман. Кўрасизлар.

Қ и з л а р: Опанг билан мақтаниб кўрқитмай қўяқол, кўрқадиган ҳужайраларни аллақачон пуллаб юборганимиз.

Э л д о р: (*саҳнанинг бир четидаги Элдор уларни кузатиб туради*) Бу қизларнинг дастидан кўчага ҳам чиқиб бўлмайди. Бу ердан тезроқ қочиш керак.

К о р о н г и л и к тушшиб ёришади, саҳнада и к к и шортикчан м ў й с а ф и д ҳасратлашмоқда.

Б и р и н ч и ч о л (*кўлидаги қадаҳни ёнига қўяди. Оғир тин олади*): Жўра, хўп замонларда яшатпизми? Аёл зотида инсоф қолмади. Биз эркакларни мушукчалик қадримиз йўқ.

И к к и н ч и ч о л: Эй нимасини айтасиз, ҳеч тинчлик йўқ. Қаёқда юрибсам, шога овқатингни кеч қилдинг, овқатингни маъзси йўқ, деб кун бермайди.

Б и р и н ч и ч о л: Сеники ҳолва экан, кўчага чиқсан рашик қилади. Ичиб олиб уради (*йиглатди*). Нимасини айтай, ўртоқжом. Тунов кунек улфатлари билан роса ичибди. Билмайманвойга думалаганми, молхонага ағанаганми (*Юзни буриштиради*). Ҳамма кийимлари шундай сасиб кетдики, асло қуяверасан. Кийимларини аранг ювдим. Ўқчиб-ӯқчиб, кўнглим бирам айнийдики, галирма.

И к к и н ч и ч о л: Менинг хотиним ҳам шунаقا, ҳар куни ичиб, бир аҳволда келади, олдин сўқинади. Сўнг зрталабгача уқалатади. Шунаقا, тонггача уқалаб чиқаман. Пешонамиз шўр бўлмагандан эркак бўлиб туғилармидик-а?

Б и р и н ч и ч о л: Эшитганмисан, бурунги замонларда эркаклар костюм-шимда, аёллар юбка-кофталарда чиройли, тиззагача келадиган кўйлакларда юришган экан. Эркакларни гапи гап, дегани деган экан. Овқатни, кир ювишни, бола боқишини аёллар қилишган экан.

И к к и н ч и ч о л (*кафтини тиззасига уриб*): Зўр бўлган экан-да, қани энди яна ўшандай бўлиб қолса мазза қилардик-а?

Б и р и н ч и ч о л (жеркиб): Гапимни бўлмай турсанг-чи. Кейин десант, эркаклар чойхоналарда ошми-ей, паловми-ей, дим-ламами-ей қилиб еб, ароқларни чиб, келишаркан-да, мазза қилиб дам олишаркан. Нега ичиб келдингиз ҳам дейишолмас экан, хотинлар.

И к к и н ч и ч о л: Ҳой менга қара-чи, туғилган болаларга ҳам аёлларнинг ўзи қарапканми?

Б и р и н ч и ч о л: Ўзи туғаркан, ўзи қарап экан. Эркаклар туғилган чақалоқ учун улфатлари билан мазза қилиб чойхонада ошхўрлик қилишар экан. Оҳ, қандай замонларда яшашган-а.

И к к и н ч и ч о л: Қани энди ҳозир ҳам шундай бўлсайди. Ўзи туғиб, ўзи боқсайди. Мана биз эркаклар чистий қуллиқда экан-миз-а, туғишиди-да «қара» дейишиди. Бола сал йиғласа, «нимага қарамайсан», ашула айтиб бер, ўйнаб бер, кўтар деб бақиришади.

Б и р и н ч и ч о л: Эртакка ўхшайди. Мазза қилишган эканда. Қани энди биз ҳам ўшалардек яшасак. Зўр-зўр шимларни кийиб, футболкаларда тараллабедод қилиб юрсак. Оҳ қандай яхши бўларди-я.

И к к и н ч и ч о л: Машиналарни, ракеталарни ҳам эркаклар бошқарган экан. Ҳозир машиналарни ҳайдаш нари турсин, олдига ҳам яқинлаштиришмайди.

Саҳнанинг бир четида: жинси шим, шер расми чизилган футболка кийиб олган бўйчан а ёл кўриниади. Шира кайфда. Биринчи чолга қараб ўдагайлайди.

А ё л: Ҳов, эсини еган чол, болаларга қарамай нима қилиб турибсан? Кўчада эркак кишига бало борми? Қани, тур, олдимга туш. Эҳ, саними.

Ч о л л а р унга ялт этиб қараб ўрнидан туриб, ура қочишади. Уларни гапига қулоқ солиб турган **Э л д о р** ҳам қочади. Панароқда турган аёл кўзларини уқалайди.

А ё л: Боягина улар икки киши эди-ку. Қаёқдан учта бўлиб қолди. Кўзимга шундай кўринидими? Кўп бўлиб кетибди шекилли, биттаси иккита, иккитаси учта бўлиб кўриняпти. Ҳа, майли, фижимлаб-фижимлаб санарман.

Элдор сақнада бир ўзи тох осмонга, тох ерга қараб ҳорғин ҳолда секин ўртага чиқиб келади. Залга қарайди.

Элдор: Эй борлиқни яраттан, холиқ! Мана, бозорни ҳам айланыб чиқдим. Лекин ҳаммасини эмас. Бозор жуда катта. Ҳаммасини айланыш жуда мушкул. Отамнинг ҳам, хотинимнинг ҳам буюртмасини олишга олдим. Аммо дунёни бозорга айланганига, ҳаётни бозорга айланганига ачиндим. Юрагим ёнмоқда. Дунёни, ҳаётни, яшашни бозорга айлантирган ким?! Ўзимиз эмасми?! Дунёни, борлиқни, яшашни пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган бозорга биз айлантиридик. Этнимизга энг гўзал кийимтарни кийганимизу кўнглимиз юпун аҳволда. Кўнглимиз гариф, кўнгли ср бўлган одамнинг осмондан келишга, осмонга кемалар учирешга ҳаққи йўқ!

Сақна ёруғ. Тонг отган пайти. Элдор ўзи овозидан ўзи чинқирган-ча уйгониб кетади.

Элдор: Эй, қодир Оляоҳ, ўзинг асра! Ўзинг асра! (Хонани супураётган Қундуз югуриб Элдорнинг ёнига келади. Қўлида супурги Шу пайт хонага ҳовлиққанча ота-онаси ҳам кириб келишади).

Қуидузи: Элдор ака, Элдор ака!

Ота: Нима гап тинчликми, ўғлим?

Она: Нега ундаӣ бақирди.

Ҳаммалари Элдорга тикилишади. Элдор кўзини очиб хотинига, сўнг ота-онасига қарайди. Үрнидан туриб уларнинг ёнига бир-бир бориб, ҳайрон бўлиб туриб қолади. Улар ҳайрои.

Ота: Ҳа, болам, тинчликми? Сенга нима бўлди? Тобинг йўқми?

Элдор уларга яна бир-бир қараб чиқади. Еигил нафас олади.

Қуидузи: Элдор ака юрагимизни ёрмасдан гапирсангиз-чи?

Элдор остонаяга қарайди.

Элдор: Хайрият, тушим экан. Туш бўлганича қолсин-сий.

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Саңам төгидаги гулхан.	3
Ойни ахтараёттан бола	82

Хикоялар

Майдон.	120
Үтінчи бола.	135
Узод мансиллар	142
Қизтела	151
Хожиқайлиқ	160
Қашқа тойчоқ	165
Рұмолча	168
Юракдаги сир.	171
Гулга туташи қалб	184

Пьеса

Дүнә бозори	201
-------------	-----

Адабий-бадиий нацир

МИРЗАПҮЛАТ ТОШПҮЛАТОВ

САНАМ ТОҒИДАГИ ГУЛХАН

Қысалар, ұқыллар, пьеса

Мұхаррир Абдували ҚҰТБИДДИН

Бадий мұхаррир Баҳриддин БОЗОРОВ

Рассом Соҳиб РАЗЗОҚОВ

Техник мұхаррир Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ Гаадар МИРЗАЕВА

Компьютерда сағифаловчи Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4096

Босишига 31.10.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 7,0+вкл.0,125. Шартли босма тобоги 6,51+вкл.0,21.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 223.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбла марказида тайёрланди.

«Ёшлиар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзар-8, Қатортол кўчаси, 60.